

# Ўзбекистон

«ЗВЕЗДА ВОСТОКА»  
ЖУРНАЛИ КУТУБХОНАСИ

«Ватан» серияси

Тошкент — 1992

**БОШ  
МУҲАРРИР:**

**Мурод МАНСУР**

**УШБУ  
МАЖМУА  
МУАЛЛИФЛАРИ:**

**Эркин Воҳидов,  
Абдулла Орипов,  
Мақсуда Эргашева,  
Хуршид Дўстмуҳаммад,  
Усмон Азим,  
Шавкат Раҳмон,  
Бўрибой Аҳмедов,  
Турғун Файзиев,  
Бегали Қосимов,  
Эшмуҳаммад Донохонов,  
Нуруллоҳ Муҳаммад  
Рауфхон,  
Иқбол,  
Қайғисиз Отабоев,  
Заки Валидий,  
Зиё Кўкалп,  
Ҳерман Вамбери,  
Алихон Соғуний,  
АЛ-Ғаззолий**



## ВАТАНИ СЕВМОҚЛИК ИЙМОНДАНДИР



*Сен на зардушт, сен на буддий,  
Сенга на оташ, санам,  
Одамийлик дини бирла  
Тоза имон ўзбегим.*



## МУБОРАК ВАТАН

Ассалому алайкум, азиз юртдош!

Бу мажмуани тоза ниятлар-ла нашрга тайёрлай туриб, сизга аталган шу икки оғиз сўзни китоб аввалида тақдим этмакни лозим кўрдик. Шуңи Сизга илинмақдамиз: (...)

Тангрига беҳад шукрлар бўлсинким, узоқ муддатли меъёрларнинг бузилиши, инсон табиатига хос тўғри тушунчаларнинг топталиш даври еврилиб, ҳар нарса ўз номи билан аталадиган замонлар келиб, ниҳоят иймон, эътиқод, миллат, Ватан каби тушунчалар ўзининг ҳақиқий маъноси ва ўрнини топиб бормоқда.

Инсоният ўз тарихида бошидан кечирмаган гаройиб фалсафа — бир қанча халқлар бошида синаб кўриш учун ўтказилган тажриба мисли кўрилмаган равишда-шармандаларча чиппақка чиқди. Энди кишилар ўз она тилларини кўрқмай мақтай оладиган бўлди. Ўз миллати қайғусида куйиб-ёнганларга «миллатчи» тамғаси босилмайдиган бўляпти. Энг муҳими, ҳар ким ўз динини тортинмай ўрганиб, унга амал қиляпти.

«Ватан» мажмуасида «Ўзбегим» китобининг юзага келиши мазкур яхшиликларнинг узвий давоми бўлиб, аввалдан бузиб кўрсатилган тушунчалардан яна бирининг ҳақиқатини ёритишда муҳим қадам бўлади, деб ўйлаймиз.

Бизнинг ота-боболаримиздан тортиб эътиқод қилиб келаётган муқаддас Исломи динимизда иймон тушунчасидан кейинги қаторда «Ватан» тушунчаси туради. Шунинг учун ҳам бошқа халқларнинг эмас, балки фақат мусулмонларнинг ҳикматларида «Ватанни севмоқлик — иймондандир», дейилган.

Ҳар қачон ватан муҳаббати ҳақида сўз кетар экан, иймонию исломини сақлаб қолиш учунгина киндик қони тўкилган она юртлари Маккаи мукаррамани тарк этиб, Мадинаи мунавварага ҳижрат қилишга мажбур бўлган ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломнинг ватанларини соғиниб юрганлари ёдимизга келади. Аввал қибла Байт ул-муқаддас бўлганда ҳам қалбдан қибла она юртлари Маккаи мукаррама томон бурилишини хоҳлардилар, шу ҳақда илоҳий амр тушиб қолармикан, деб самога юзланардилар.

«Ватан» муҳаббати ҳудудсиз тушунча бўлиб, у таассубсиз бўлмоғи лозим. Ўз ватанига бўлган муҳаббат, ўзганинг ватанини камситишга сабаб бўлмаслиги керак. Бу ўз миллатига бўлган муҳаббат ўзганинг миллатига ҳурматсизлик қилишга сабаб бўлмаслиги лозимлигига ўхшашдир. Ўз ватанини севмоқлик ҳар бир шахснинг муқаддас бурчидир. Лекин ҳақиқий ватанпарвар она ватанини қуруқ севибгина қолмайди, севиш билан бирга ватан равнақи, ободлиги ва обрўйи учун бутун имкониятини ишга солиб ҳаракат қилади. Шу маънода миллатпарварлик ва ватанпарварлик бир-биридан ажралмас тушунчалардир.

Бизнинг ватанимиз — номи тарих саҳифаларида олтин ҳарфлар билан битилган ватандир! Бу буюк Ватаннинг улуг фарзандлари эса, инсоният тарихида ўчмас из қолдирган боболаримиздир. Минг афсуски, охири асрда ватанимиз номи ёзилган олтин саҳифаларни чанг-ғубор босди. Бошқа халқларга она-ватанимизнинг асл номини атасак, танимайдиган бўлиб қолишди. Тарих саҳифаларидан муносиб ўрин эгаллаган боболарнинг набиралари ўзгаларга қарам бўлиб, ўзлигини йўқотди.

Эндиликда ўзлигимизни танишимиз, ватанимизни юксалтиришимиз ва халқимиз тарих саҳифаларида ўз ўрнини топиши учун улкан ишларни амалга оширишимиз керак.

[...] «Ўзбегим» китоби шу ёруғ ниятла тайёрланди. Илоҳим, унинг йўли хайрли бўлсин...

---

## АМИР ТЕМУР ТАРАҒАЙ ВАСИЯТИ

Ўғилларим, миллатнинг роҳати, саодатини сақламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузуқларни яхши ўқинг, асло унутманг ва татбиқ этинг.

Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни кўринг, йўқсилларни зангинлар (бойлар) зулмига ташламанг. Адолат ва ийилик (яхшилиқ) қилмоқ дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин. Мен каби узун (узоқ) салтанат сурмоқ истасангиз қиличларингизни яхши ўйлаб чекингиз. Бир дафъа чекикдан сўнгра-да, уни усталик-ла қўллангиз. Орангизга нифоқ тухумлари экилмасин учун чўқ (кўп) зийрак, эҳтиёткор бўлинг. Ваъзи нодимларингиз ва душманларингиз нифоқ тухумларини сочмоққа, бундан фойдаданмоққа тил бириктирадилар. Фақат васиятимда сизга идора

шаклини, унинг асоси — йўриқларини кўрсатдим. Буларга содиқ қолсангиз тож бошингиздан тушмас.

Ўлим тўшагида сўзлаган отангизнинг бу сўзларини унутмангиз.

Мендан сўнг хоқон Пир Муҳаммад Жаҳонгир бўлажак. Унга менга итоат этган каби итоат этингиз.

(Йиғилган бутун қўмондонлар, сарой одамлари йиғлаб туриб юзларига фотиҳа тортдилар. Темурнинг сўнгги сўзи «Ла илоҳа иллоллоҳ...» бўлди).<sup>1</sup>

## ТЕМУРНИНГ СЎНГГИ ТУШИ

Тарихчи Турғун Файзиев «Ватан» мажмуаси ихтиёрига ўзининг кўп йиллик изланишлари меваси бўлмиш «Амир Темурнинг тўла шажараси» китобидан айрим боблар тақдим этди. Унда жумладан соҳибқирон умрининг сўнгги дақиқалари ва васияти хусусида шундай саҳифалар бор.

Нақл қилинишича, Хитой сафарига отланган Амир Темур йўлда, тўғрироғи, Ўтрорда бетобланиб ётиб қолади. Амир Темурнинг ёнида фақат Сарой Мулк хонимгина<sup>2</sup> туришга ҳақли эди. Ҳукмдорнинг қўзғалишга ҳам мадори етмас, бинобарин, Сарой Мулк хоним унинг аҳволидан кечаю кундузи хабардор бўлиб турар эди. Тунларнинг бирида толиққан Сарой Мулк хонимни уйқу ғалаба қилиб, бир нафас пинакка кетади-ю, шу заҳоти сесканиб уйғонади. Ва шу асно дарҳол ҳукмдор ётган тарафга кўз ташлайди. Бироқ, қай кўз билан кўрсинки, тўшакда ҳукмдор йўқ эди. Сарой Мулк хоним сапчиб туриб, ташқарига югуради. Посбон олдига чиқиб, ҳукмдорни сўрайди. Посбон унга таъзим этиб, қоронғилик томонга ишора қилади. Сарой Мулк хоним ўша томон қоқилиб-суқилиб елиб бораркан, кичик бир тепалик устида турган қорага кўзи тушади. Бу жаҳонгир Амир Темур эди. У елкасида чопон,

<sup>1</sup> «Темурнинг ўлим тўшагида сўзлаганлари» Рафиқ Уздакнинг «Туркларнинг «Олтин китоби» (Истанбул, 1990 йил. «Таржимон» рўзномаси нашри), 2-жилдидан Тўра Мирзо олиб келган.

<sup>2</sup> Бибихоним ҳақидаги тарихий очерк сал кейинроқ босилмоқда.

чукур хаёлга чўмган ҳолда қоронғиликка тикилиб турар эди. Сарой Мулк хоним ҳаяжонда:

— Бу қандай гап, улуғ амирим?! Изғиринли тунда касал ҳолингиз билан... бу ерда туришингизда не ҳикмат бор? — дея амирни ўрдагоҳ томон етаклайди. Темур ўрдагоҳга келиб, ўз ўрнига ётгач, Сарой Мулк хоним бу ғайритабиий аҳволот сирини яна сўрайди. Амир Темур хўрсиниб, оҳ тортгач, шу кеча кўрган тушини сўзлайди:

— Ҳар икки чеккаси баланд қамишлар билан ўралган катта йўлда отимни елдириб бораётган эдим. Тўсатдан йўл четигадаги қамишлар шитирлаб қолди. Мен ўша томонга қарадим. Қарадиму ҳайратдан от жиловини тортиб, тўхтадим. Қамишзор ичидан падари бузрукворим шитоб билан чиқиб келаётир эдилар. Мен ҳайрат ичинда отдан тушиб, отам истиқболларига юрдим. Аммо падари бузруквор менга илтифот қилмай, олдимдан ўтиб бориб, отимнинг эгар-жабдуқларини ечиб олиб, ўз келган йўлларига қайтиб, қамишлар орасига кириб, кўздан ғойиб бўлдилар... Мен катта йўл сарангсиб, яланғоч от ёнида турганим ҳолда уйғониб кетдим... Уйғонганимда аъзойи баданим титраб, қизиб кетаётган эди. Бу хосиятсиз туш даҳшатидан ташқарига қандай чиқиб кетганимни ҳам сезмай қолибман... Ҳарҳолда паймона тўлганга ўхшайди...

— Яхши ният қилинг, улуғ амир, дард бошқа ажал бошқа, шукр, саломатлигингиз яхши! — тасалли беришга уринарди Сарой Мулк хоним.

— Йигидан фойда йўқ, хоним! Тақдирни табдил қилиб бўлмас... Шукр, тонг ҳам ёриша бошлади. Посбонга буюринг, амир Шайх Нуриддин, амир Шоҳмалик ва амир Хўжа Юсуф ҳузуримга кирсинлар.

Амирлар ва беклар соҳибқирон қароргоҳига кирганларда у тўшақда беҳол ётарди. Сарой Мулк хоним ҳукмдорга яқинлашиб, амирлар ташрифи ҳақида секингина шивирлагач, у нурсиз кўзини оҳиста очиб, яқинроқ келиб ўтиришларига ижозат берди. Амирлар қисқагина ҳол-аҳвол сўрашишгач, ҳукмдорнинг оёқ томонида — пойгоҳдан жой олиб, бутун вужудлари қулоққа айланган ҳолда ерга қараб ўлтирардилар. Ҳукмдор оҳиста кўзини очиб, амир ва бекларга бир-бир раам солгач, энгикиб-энгикиб сўз бошлайди:

— Маълумингиз бўлғайки, Жаҳонгир Мирзонинг фарзанди Пир Муҳаммад Мирзони валиаҳд этиб тайинлайдурмен. Токи Самарқанд тахти ва арқони давлат анинг ҳукми — фармонида бўлғай. Мамлакат ва миллатнинг осойишталиги, қўшин салоҳиятининг мукаммаллиги, раиятнинг хотиржамлиги борасида фойдали тадбирлар кўрсин. Бинобарин, сизлар ҳам итоат ва эҳтиром борасида унга байъат билдириб, салтанатни бошқаришда, эл-юртнинг тинчлиги, мусулмонларнинг осойишталиги учун ҳамжиҳат бўлиб, кўмаклашмоғингиз лозим. Сизларнинг ҳамжиҳатлик ва иттифоқ билан қилган ишларингиз узоқ-яқиндаги дўст-душманларга кўри-

ниб турсин. Токим ўзаро низоларга ўрин қолмагай ва ҳеч ким салтанатга қарши исён кўтаришга ўзида жасорат топмагай. Билакес ўзаро низолар вужудга келгай, раият бошига ташвиш ва надоматлар ортиб, мамлакат ободонлиги барқам топгай. Инчунун, менинг кўп йиллик саъй-ҳаракатларим зое кетгай...

Амир Темур ҳолсизланиб кўзини юмади. Бу унинг сўнгги васияти эди.

Амирлар, беклар ва юртнинг катталари ҳамда шу ерда ҳозир бўлган шаҳзодалар, маликалар ҳукмдорнинг васиятини мукамал бажаришга қасамёд қилишгач, амир Шайх Нуриддин оҳишта сўз бошлайди.

— Агар амри олий берсангиз, Тошкент, Самарқанд ва Ҳиротга хабар юборсак, токи фарзанди дилбандларингиз — шаҳзодалар зўдлик бирлан етиб келиб, жаноби олийларининг ҳусни таважжуҳларидан баҳраманд бўлиб, гавҳарфишон насиҳатларингизни ихлос қулоғи бирлан тинглаб, итоат камарини белларига боғласалар, фойдадин холи бўлмас эрди.

Амир Темур аста кўзини очиб, амирларга мунгли назар соларкан, чап қўлини қўтариб, аввал кўрсатгич бармоғини, кейин ўрта бармоғини қўшиб кўрсатади-да, қўлини тушириб, кўзини юмиб олади. Амирлар ҳукмдорнинг имо-ишорасига тушуна олмай, саросимада Сарой Мулк хонимга қарайдилар. Шу аснода ҳукмдор тамшаниб, кўзини очиб амирларга қарайди.

— Вақт ўтди, бир-икки кунлик умр қолди. Афсус, уларни кўриш насиб этмади. Энди дийдор кўришмак қиёматга қолди, — дейдию яна кўзини юмади.

Дарҳақиқат, эртаси 17 шаъбон 807/ 1405 йил 18 феврал чоршанба кечаси шом билан хуфтон намози ўртасида соҳибқирон амир Темур кўрагоннинг жони узилди. Унинг ўлими ҳаммадан сир тугилиб, тунда махсус безатилган аравада амир Хўжа Юсуф бошчилигида Самарқандга жўнатилди. Шундан сўнг амир ва беклар кенгаш ўтказиб, узоқ-яқиндаги барча шаҳзодаларга хабар юборишга, соҳибқироннинг вафотини вақтинча сир тугишга, токи салтанат душманлари оёққа қалқиб исён кўтармасинлар, деган қарорга келдилар...



## САРОЙ МУЛК ХОНИМ

Сарой Мулк хоним Чигатой улусига мансуб мўғул хонларидан Қозонхоннинг қизи бўлиб, 1341 йилда туғилган эди. Қозонхон тахтдан азл этилиб, қатл қилинган чоғда Сарой Мулк хоним ҳали беш ёшда эди. Сарой Мулк хоним балоғатга етгач, 1355 йилда уни амир Ҳусайн ўз никоҳига киритади. 1370 йилда амир Ҳусайн қатл қилинган, амир Темур никоҳига ўтади. Соҳибқирон амир Темурнинг ҳарамида бунгача бошқа хотинлари ҳам бор эди. Лекин Сарой Мулк хоним хон авлодига мансублиги туфайли ҳарамадаги барча маликалардан улуг ҳисобланиб, «катта хоним» (Бибихоним) деган унвонга эга бўлди. Албатта у бундай эъзозга шунчаки мушарраф бўла қолмаган. Тарихий манбаларда айтилишича, Сарой Мулк хоним ўз замонасининг энг ақл-идрокли, фаросатли ва тадбиркор заковат соҳибаси ҳисобланган. Қолаверса, ҳуснатофат бобида ҳам беназир бўлган. Сарой Мулк хоним сиёсатдон ва инсонпарвар аёл бўлиб, салтанатни бошқаришда билвосита қатнашган, мамлакатнинг маданий қурилишларига, айниқса толиби илмларга ҳомийлик қилган.

Соҳибқирон амир Темурнинг ҳарбий юришларида Сарой Мулк хоним кўпинча бирга бўлган. Тарихий манбаларда яқдиллик билан эътироф этилишига қараганда, Сарой Мулк хоним ўта зийрак ва тадбиркор аёл бўлиб, салтанатни идора этиш қийинлашиб қолган кезларда ва бирон-бир муаммо туғилган пайтларда ўзининг оқилона маслаҳатлари билан кўп мушкулларни осон этган. Гарчи амир Темур Сарой Мулк хонимга ошқора бўйсунмаса-да, унинг оқилона маслаҳатларига қулоқ солган, фикрини билишга қизиққан. Нақл қилишларича, амир Темур Эронга қарши юриш бошлаган кезларда Исфаҳон қамали кўпга-чўзилиб кетиб, қўшинни озуқа билан таъминлашга маблағ етмай қолади. Ниҳоят, амир Темур Самарқандга чопар йўллаб, Сарой Мулк хонимга мактуб жўнатади. Мактуб қисқа бўлиб, «қўшиннинг захираси тугади, хазинадан зар юборинг», дейилган эди. Сарой Мулк хоним кўп ўйлаб ўтирмай, мазкур мактубнинг орқа томонига: «Улуг амир, зарингиз тугаган бўлса, сиёсатингиз ҳам тугади-му?» деб ёзади ва уни чопарга бериб, тез қайтиб боришини буюради.

Амир Темур мактубни олгач, Сарой Мулк хонимнинг кинояли зам-замасини ўқийдию таг замиридаги гапга тушуниб етиб, шу заҳоти фармон беради: Лашкаргоҳда сўйиб ейилган қўй, қорамол, от ва туя суяклари борки, жами йиғдирилиб, турли ҳажмларда қирқилсин, катта ҳажмдагисига катта қиймат, кичигига кичик қиймат белгилаб, қиздирилган пўлат муҳр уриб тамға босилсин ва муваққат пул ўрнида муомалага киритилсин. Қўшни шаҳар ва қишлоқлардан ушбу суяк пулга қўшин учун озиқ-овқат сотиб олинсин. Шу тариқа Исфаҳон шаҳри тез кунда таслим бўлади ва суяк пуллар зар билан алмаштириб берилади.

Амир Темур саройида жорий этилган тартибга кўра, чет эллик элчиларни қабул маросимларида ҳукмдор ёнида ҳамisha унинг аёллари иштирок қилганлар. Испания қироли Генрих III нинг Самарқанд ҳукмдори Темур ҳузурига юборган элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг ёзишича, 1404 йил 8 сентябр — душанба кун и амир Темур Самарқанд четидаги «Дилкушо» боғида элчиларни қабул қилган. Қабул маросими катта зиёфат ва тантана билан бошланган. Клавихонинг ҳикоя қилишича, ушбу маросимда ҳукмдор Темурнинг ёнида Сарой Мулк хоним бошлиқ барча хотинлари юзларига парда ташлаб ўтирганлар. Испан қироли юборган ҳадялар орасида ҳукмдорга айниқса қизил мовут маъқул тушган ва бу ҳақда у ўз аёллари, биринчи навбатда Сарой Мулк хоним билан фикрлашган. 1404 йил 17 октябр жума кун и эса, Сарой Мулк хоним катта зиёфат берган. Ушбу зиёфатда бошқа элчилар қатори испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ҳам иштирок қилган. Клавихо Темур боғларида берилган зиёфатларнинг тўқинлиги, боғларга ўрнатилган рағ-баранг ипак чодирлар, ундаги олтин-кумуш жиҳозлар ҳамда боғлар ўта дид ва фаросат билан ясатилгани ҳақида мароқланиб ҳикоя этади.

Нақл этишларича, кунлардан бир кун Сарой Мулк хонимнинг кўнглига қутлуғ бир ният тушиб, ўз жамғармалари ҳисобидан савоб учун худо йўлида бир мадраса бино қилдирмоқчи бўлади ва эри амир Темурдан ижозат сўрайди. Ҳукмдордан руҳсат бўлгач, отаси Қозонхон совға қилган бир жуфт олмос балдоқни сотувга қўяди ва шу маблағни мадраса қўрилишига бағишлайди. Айтишларича, Сарой Мулк хоним мадраса қурилишига тез-тез келиб, устабоши ва иш бошқарувчиларга турли кўрсатмалар бериб турган. Ривоят қилинишича, мадраса қурилиши ниҳоясига ета бошлаган пайтда Сарой Мулк хоним яна канизлари билан қурилиш майдонига келиб устабошига бинонинг кам-кўстлари ҳақида кўрсатма бера бошлаганда бир сирли воқеа содир бўлган. Устабоши Сарой Мулк хонимнинг юзини умрида кўрмаган бўлса-да, унинг сўзларидан ниҳоятда оқила ва ўткир зеҳли аёл эканлигига тан берган. Узини тенги йўқ гўзал, лобар аёл бўлса керак деб тасаввур этган. Малика кетгач, устабоши хоним билан бўлган шу бир нафаслик мулоқотдан олган таассуротларини ичига сиғдира олмай, ҳиссиёт устун келиб атрофидагиларга:

— Ёспирай, аёл зоти ҳам шунчалик доно ва оқила бўлади-ми? — деган. — Хоним ҳақида шу кунгача эшитган барча таъриф-тавсифларнинг ҳаммаси тўғри эркан. Қани энди ҳамма аёллар ҳам шундай нафосатга эга бўлса, — деб чуқур тин торган.

Устабошининг соддадиллик билан айтган бу беғубор сўзлари тез орада қурилишда ишлаётган уста ва мардикорлар орасида дoston бўлиб, шаҳарга тарқаган. Сўнг миш-мишлар баттар ривож олиб, «нима дейсан, устабоши хонимга ғойибона ошиқ бўлиб қолган эмиш» тариқасида гап тарқаб кетади. Табиийки, бу миш-мишлар Сарой Мулк хонимга ҳам бориб етади. Устабоши ўзининг бемулоҳазакорлигидан мулзам бўлиб, ўкинч ичида юрган бир пайтда, ногоҳ Сарой Мулк хонимнинг хос канизларидан бири қўлида рўмолга ўралган лаганчани кўтариб келиб қолади ва уни устабошига тақдим этиб:

— Хоним ушбу тухумларни сизга юбормишлар. Токи мазкур етти хил рангга бўялган етти дона тухумни тановул айлаб, аларнинг мазасини фарқлаб бергайсиз экан. Жавобини эрта қиём пайтида эшитурмиз, — деб қайтиб кетади. Устабоши рўмолни очиб, етти хил рангдаги тухумни ўз кўзи билан кўрадио хоним нимага шама қилаётганини тушуниб етади ва чуқур изтиробда қолади.

Бунинг устига шу кунларда соҳибқирон амир Темур навбатдаги юришдан қайтиб келаётган, бугун-эрта Самарқандга етиб келиши ҳақида овозалар тарқалган кезлар эди. Устабошининг кўз ўнги қоронғулашиб, қўли ишга ҳам бормаё ўз тақдирини ўйларкан, бу миш-мишлар бошимга бало бўлди, ҳадемай соҳибқирон келса, мени албатта соғ қўймас, жазога мустаҳиқ қилмоғи тайин. Ё оллоҳ, тақдири азалда битилгани шу эрканми, деган хаёлларга боради. Аммо чиқмаган жондин умид, бу ердин қочмоқ чорасини излай бошлайди. Дарвоқе, қочиб ҳам қаерга борғуси? Пастга ҳам тушиб бўлмайди, дарҳол тутиб зиндонга солурлар. Не қилмоғи керак?.. Устабоши ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келгач, шогирдини ёнига чақириб, режасидан уни воқиф қилибди. Сўнг ўзига иккита қанот боғлаб, гумбаз устидан сакрашга журъат этибди. Қанот ёрдамида у шаҳар четига яйловга қўнишни мўлжаллаган экан. Аммо боши билан ерга урилиб, оламдан ўтибди. Буни кузатиб турган шогирд: «Эҳ аттанг, устоз андак хатога йўл қўйибдилар. Зеро, қанот билан бирга дум ҳам боғламоқ лозим эрди-ку» деб, ўзига қанот ва дум боғлаб, гумбаздан яланглик томон парвоз қилган экан. Воқеан шогирд дум ёрдамида сиҳат-саломат ялангликка қўниб, кўздан ғойиб бўлибди. «Устадан шогирд ўзди», деган мақол шундан қолган дейишади.

Сарой Мулк хоним қурдирган ўша мадраса Самарқанддаги мадрасалар орасида (XIV аср охири ва XV аср боши) энг улкани ва маҳобатлиси бўлган. Унда замонасининг етук мударрислари толиби илмларга диний ва дунёвий илмлардан

дарс берганлар. Сарой Мулк хоним эса, мадраса толибларининг ахволидан тез-тез хабар олиб, уларга ҳомийлик қилиб турар экан. Ривоятларга кўра, бир куни Сарой Мулк хоним ўз одатича қош қорайгач, ўзининг хос канизлари билан кийимларини ўзгартириб, мадраса томон йўл олади. У мадраса толибларининг ахволи-руҳияси, ким қандай тирикчилик ўтказаяётгани ҳамда тунда қандай иш билан машғул эканликларини зимдан текширмоқчи экан. Хоним мадрасага етиб келганида ҳужраларнинг деярли барчасида чироқ ўчган, толиби илмлар тун оғушида уйқуга кирган эканлар. Фақат биргина ҳужрада шам ёниб турар ва ичкаридан товуш эшитиларкан. Сарой Мулк хоним канизларини мадраса ҳовлисида қолдириб, ўзи оҳиста юриб ўша ҳужра эшиги ёнига келади ва ичкарига қулоқ солади. Толиби илмлардан бири иккинчисига:

— Айтинг-чи, биродари азиз, ҳозир кўнглингиз нима тусаяпти? — демоқда экан.

— Э, биродар, нима тусарди, қўй гўшти, қўй ёғида дамланган бир лаган серёғ палов бўлса, билакка пахта боғлаб, бир туширсак, унинг савобига ким етсун эди, — дебди-да, ўзидан сўрабди.

— Хўш, жўражон, ўзингизни кўнглингиз нима истаябди?

— Э, биродар, менинг кўнглимда тамоман бошқача орау. Ушбу мадраса соҳибаси Сарой Мулк хоним дунёда тенги йўқ гўзал деб эшитганмен. Қанийди иложи бўлса, шу хоним билан бир кеча суҳбат қурсам, — дебди ногоҳ чуқур тин тортиб.

Шеригидан бундай қалтис сўзни эшитган жўраси:

— Э, нафасингизни ел олсин, овозингизни бирон киши эшитсами, нақ осиласиз-а... нима деяётганингизни биласизми? — деб дашном берибди.

Сўз шу ерга етганда Сарой Мулк хоним ҳужра эшигидан узоқлашиб, канизлари билан саройга қайтибди.

Эртасига кун пешиндан оғгач, хоним надимларига мадрасанинг барча толибларини саройга олиб келишни буюрибди. Толиби илмлар бу ногоҳоний таклифдан ҳаяжонда, надимлар қуршовида саройга келибдилар. Фақат икки талаба шубҳага тушиб нуқул қалтирар эмишлар. Барча толиби илмларни катта меҳмонхонага киритиб, зиёфат қилибдилар. Зиёфат охирида эса қўй гўшти, қўй ёғида тайёрланган серёғ палов тортилибди. Ва ниҳоят, меҳмонхонага канизлар қуршовида юзига парда тортган Сарой Мулк хоним ташриф буюриб, махсус ўриндиққа жойлашгач, толиби илмлар орасидан кечаги тунги суҳбатдошларни ҳузурига чорлабди ва:

— Хўш, мулла йигитлар, билакка пахта боғлаб ейдиган палов бўлибдиму? — деб сўрабди. Ҳалигача қўрқувдан ўзига кела олмай турган ҳар икки толиби илм дарҳол тиз чўкиб, таъзим қилибдилар.

— Қуллук, хонойим, таърифдин зиёда палов бўлибдур, мадҳига тил ожизлик қиладур.

Сарой Мулк хоним биринчи толиби илмга юзланаркан:

— Энди сизнинг орзуингизга келсак, кўриб турганингиздек мен соҳибқироннинг никоҳларидамен, бинобарин, сиз бирлан суҳбат қурмоғим мумкин эмас. Биноан алайҳи ўзимнинг гўзал канизларимдан бирини сизга никоҳлаб бера қолай, розимудурсиз? — дебди кулумсираб. Шунда талаба дарҳол ўзини хоним оёғига ташлабди.

— Узр, афу этсунлар, хонойим, бу беадаб қулларининг гуноҳидан ўтсунлар...

Шу аснода Сарой Мулк хонимнинг ишораси билан меҳмонхонага қози ва имом кириб келибдилар ва барча толиби илмлар гувоҳлигида канизлардан бирини ҳалиги талабага никоҳлабдилар...

Афсуски, Сарой Мулк хоним мадрасаси узоқ умр кўрмади, XVI аср охирида Бухоро амири Абдуллахон II нинг теурийларга бўлган хусумати туфайли мадраса махсус фармон билан буздириб ташланди. Ҳозир мадраса ёнига қурилган мақбарагина сақланиб қолган. Уша мақбаранинг олд томони ранг-баранг кошинлар билан безатилган бўлиб, унинг ички қисмидаги безакларга яшил, қизил ва қора бўёқлар билан жило берилган. Изораларга юлдуз шаклида кўк нақшлар ишланиб, кошинли ҳошиялар билан ўралган. Мақбара даҳмасига ташқаридан махсус эшик орқали кирилган. Даҳма деворлари ҳам хилма-хил кошинлар билан безатилган. Даҳма ичига тош тобут қўйилган.

Бундан ташқари, Самарқандда машҳур Бибиҳоним масжиди жомъеси ҳам бор. Бу масжидни амир Темур Ҳиндистон юришидан қайтиб келгач, 1399—1404 йиллар мобайнида қурдирган. «Бибиҳоним» номи билан шуҳрат топган бу масжид Ўрта Осиёдаги обидаларнинг энг йириги ҳисобланади. Фақат ҳовлисининг саҳни 63,8×76,0 метр бўлиб, атрофи равоқ ва пештоқлар билан ўралган. Масжиднинг умумий саҳни 167×109 метрдир.

Давр ўтиши билан Бибиҳоним масжиди зилзилалар таъсирида аяча футурдан кетиб, вайронага айланган. Ҳозирги кунда Бибиҳоним масжиди бир-бири билан боғланмаган олти бўлакдан иборат бўлиб, ҳовлининг юқори қисмида баланд пештоқли бино, пойгакда масжиднинг иккига ажралган пештоқи ҳамда шимоли — ғарб қисмида якка ҳолда сақланиб қолган минора бор, холос. Уз даврида мазкур бўлақлар уч қатор оқ мрамар устунли енгил равоқли пешайвонлар билан бир-бирига бирлаштирилиб, уларнинг устида 400 та гумбазчалари бор эди. Устунларнинг жами 480 та бўлиб, 3,5 метр оралиғда ўрнатилган. Уларнинг остки қисми махсус тагкурсилли қилиб, ўрта қисми ўйма нақшлар, юқори қисми рангли кошинлар билан қубба шаклида ишланган. Ҳовли ўртасига мрамартошдан ишланган улкан лавҳ — Қуръон қўйиб ўқиладиган махсус курси ўрнатилган эди. У авваллари асосий бино ичида бўлиб, 1875 йилда катта гумбазнинг қулаш хавфи бўлганлиги туфайли ҳовли ўртасига чиқариб қўйилган. Мазкур лавҳ Улуғбек Мирзо кўрагоннинг фармони билан ясалган.

Лавҳага «Султони аъзам, олий ҳимматли хоқон, дин-диёнат ҳомийси, Ҳанафия мазҳабининг посбони, аслзода султон ибн Султон амир ал-мўминин Улуғбек кўрагон» деб ёзилган.

Бибиҳоним масжидига кираверишда катта пештоқ бўлиб, унинг устки қисми 1897 йилги зилзилада қулаб тушган. Пештоқнинг ички қисмида кичикроқ иккинчи равоқ ўрнатилган бўлиб, ўйма мрамар ва ҳошияли дарвозаси ҳам бор эди. Дарвоза устига ўрнатилган лавҳага масжиднинг қурилган йили ҳамда амир Темурнинг шажараси битилган. Масжиднинг «ҳафт жўш» — етти хил металл қотишмасидан ясалган қўш табақали дарвозаси кейинчалик йўқолиб кетган.

Бибиҳоним масжиди ҳозир вайрона ҳолда бўлса ҳам ундаги серҳашам безакларнинг ўта нафислиги билан киши диққатини ўзига жалб қилади. Ундаги ранг-баранг шакл ва нақшлар ўша давр усталарининг нозик дид ва юксак маҳоратидан далолат бериб турибди.

1405 йил 18 февралда соҳибқирон амир Темур Утторда вафот қилгач, Самарқанд тахтига унинг набираси Халил Султон Мирзо (1384—1411) ўтирди. Ибн Арабшоҳнинг берган маълумотига қараганда, Халил Султон Мирзонинг хотини Шоди Мулк бегим 1408 йилда Сарой Мулк хонимни заҳарлаб ўлдирган. Сарой Мулк хонимнинг жасадини ўзи қурдирган мадрасаси ёнидаги мақбарага, тош тобутга солиб, мўмиёланиб дафн қилинган. 1941 йил июн ойида Гўри Амир мақбарасида абадий уйқуга ётган амир Темур, Шохрух Мирзо, Муҳаммад Султон Мирзо ва Улуғбек Мирзоларнинг қабрлари очиб текширилгач, Сарой Мулк хоним қabri ҳам очилиб, жасадни текшириш мақсадида Тошкентга олиб келинган. Сарой Мулк хоним жасадининг Самарқанд — Тошкент ва Тошкент — Самарқанд орасидаги кўп йиллик «саёҳат»ини ҳурматли адиб Хуршид Давроннинг «Сарой Мулк хоним» номли эссесидан («Саодат» ойномаси, 1990 йил, 8—10 сонлар) билиб олишингиз мумкин. Тарихга Бибиҳоним номи билан кирган ва буюк соҳибқирон бобомизга ҳамнафас бўлган тадбиркор ва зукко аёлнинг тарихи шундай. Бизнинг ёд этмагимиздан унинг руҳи шод бўлиб, у дунёси ҳамиша нурга тўлсин.



## ЮРТИМ ДЕСАМ



*Мен буюк юрт ўғлидурман,  
Мен башар фарзандиман,  
Лекин аввал сенга бўлсам  
Содиқ ўғлон, ўзбегим.*



*Шеър — исён, ҳис — тугён... Ишқ —  
ҳижрондан тугилиб, соғинчга йўргакланиб,  
муҳаббатнинг бешигига беланган илоҳий  
неъмат. Ҳақиқий шоирнинг буюклиги  
шундаки, ошиқ юрагига чирмовуқдек  
чирмашолган оташин туйғуларнинг  
шакли-шамойилини қайноқ сўзга муҳрлаб,  
муҳаббатнинг расмини кипригингда чизгай.  
Инсонларнинг туйғулари мўртлашган.  
50-йилларда ўзбек шеърятига шу ҳисни  
жонлантирган шоирлардан Эркин Воҳидов  
кириб келди. Орадан йиллар ўтди. Шеър  
аҳлига аёнки, қалбнинг нозик  
тебранишларигача акс эттира олган  
«Ўзбекиж»нинг нафаси кўнгиллари ром  
этиб, шеърдан-шеърга жилоланиб бормоқда.*



**БУ ВАТАНДА БИР  
ВАТАН ҚУРМОҚНИ  
ИСТАЙДИР КЎНГИЛ**

**Ватан умиди**

Агарчи исми Эркин,  
Эрки йўқ, банда кишан бўлдим,  
Кўзим боғлиқ, дилим доғлиқ,  
Тилим йўқ, бесухан бўлдим.  
Кўриб ҳайратга тушди,  
Бу жаҳон ҳоли паришоним,  
Бамисли анкабут сўрган —  
Чибин, пажмурда тан бўлдим.  
Муаззам Сайхуну Жайхун —  
Лабиди ташналаб қолдим,  
Кийинтирдим жаҳонни,  
Жисми урэн, бекафан бўлдим.  
Чекибдур Бобуру Фурқат  
Ватан ҳажрида афгонлар,  
Мен эрсам, ваҳ, не гурбатким,  
Ватанда беватан бўлдим.  
Олисда, оҳ диёрим, деб  
Соғинган, эй ватандошим,  
Дема сен, ўзни бебахт,  
Бахти йўқ аслида ман бўлдим.  
Шукрим, келди истиқлол,  
Умидим рост қил, Оллоҳим,  
Ки шояд бекафас булбул  
Каби соҳибчаман бўлдим.  
Ишончим бор, Ватан, бир кун  
Келар чин нуғли давронинг,  
Дегайман шунда чин Эркин,  
Чин инсон қайтадан бўлдим.

# Ватан истаги

- Бу Ватанда бир Ватан  
қурмоқни истайдир кўнгил,  
Беқафас қушдек ўзин  
кўрмоқни истайдир кўнгил.  
Бу Ватан тижсоли бўлса,  
тенг қуёши шуғлавор,  
Шуғлалар қўйнида чарх  
урмоқни истайдир кўнгил.  
Ул Ватанга байроқ — инсоф,  
туғи — сарҳад, муҳри — меҳр,  
Сарҳад узра соқчидек  
турмоқни истайдир кўнгил.  
Ул Ватан бўйнига занжир  
солмоқ истар кимки боз,  
Кўзига нафрат ўқин  
урмоқни истайдир кўнгил.  
Ул Ватан елканларини  
маърифат уммонида  
Қиблаи имон сари  
бурмоқни истайдир кўнгил,  
Бас, етар ёлғон саодат,  
ёлғон эрк, ёлғон Ватан,  
Хуррият завқини чин  
сурмоқни истайдир кўнгил.  
Қутлуғ истиқлол куннида,  
эй Ватан, бағрингда шод,  
Эркин ўғлонинг бўлиб  
юрмоқни истайдир кўнгил.
-

## БИЗ ВАТАННИ

## ҚАНЧАЛИК

## СЕВАМИЗ?

Ватан. Ундан-да муборакроқ, аямлироқ ер борми-дир дунёда?

Ватан она каби якка-ягонадир, азиздир, мукаррамдир, севимлию бир умрлидир.

Лекин бу туйғу қачон, қай вақтда уйғонгай? Қўнглимизга меҳмон бўлиб келгай?

Умуман биз Ватанни қандай танигаймиз? Унинг қадрига қачон етгаймиз?

Албатта, биз дунёнинг турли чеккаларида бу Ватанни соғиниб яшаётганларчалик уни севмасмиз, қизганиб яшамасмиз. Лекин туғилмишда тақдирга битилмиш азиз юртни қанчалик таниймизу ардоқлаймиз?

Қолаверса, азизлар, Ватан деганда нимани англаймиз? Нима у, бошпанами, боқаётган диёрми ё киндик қонимиз тўкилган ер? Ехуд ота-боболаримиз ўтган юртми? Балки у бизнинг қавм бир дин, бир иймон, бир туғ остига бирлашиб, миллат сифатида макон топган заминдир?

Ватан туйғуси-чи? Илдизларимизни таниш, қайси миллатга мансублигимизни ҳис этиш, ўз томиримизга тортиш, қайишиш, шу халқ учун бир нималар қилиш иштиёқида ёнишдир?

Хўш, шу туйғу, шу ҳислар бизга бегона бўлмаса, эс-эс-эс-эр деб аталмиш халқлар турмасида қизил империянинг буткул «жаҳоншумул тажрибаларини» тотиб кўрган ўзбеклар — жафокаш халқимиз қаддиларини қандай кўтармоқдалар? Ўзларини, Ватанни, миллатни танимоқдалар?

Балки, ҳамон арслон ёлли харита, қуёш ҳам дафъатан қучолмас ўша каттакон Ватан кўз олдимиздан кетмаётгандир? Ҳали-да, ўша сохта эрку сохта саодатлар таъсирида юргандирмиз? Ҳали-вери бу сўқир кўзларимиз очила қолмас?.. Чинданам воқеалар бизнинг онғимиздан тезроқ ўзгариб бораётган бир кезде ҳам нимадандир ҳайиқамиз, кўздаги парда, онгдаги қизил занг, қўлдаги тушовлардан қутулолмаймиз. Ўзимизни қандайдир мустақил давлатлар ҳамдўст-

лиги фуқароси деб ҳис қиламизми-ей. Етар, шунча сизинди бўлиб яшаганимиз, ялтоқлик билан кун кечирганимиз дейишга-да журъат тополмасак...

Осон эканми?..

Ахир етмиш тўрт йил қандай руҳда тарбияладилар?

Эсланг: «Менинг икки онам бор, бири оқ сут берди, бири оппоқ нон»... Тавба, ана шундай «беозор» ғоялар, қўшиқлар қанотида чин юртга бўлган муҳаббатимиз устидан кул тортилган, миллий ғуруримиз куртаклари — бир кун келиб ўзимизни, ўзлигимизни англатиши мумкин бўлган куртаклар киши билмас эзгилаб қўйилган эканми? Оқибатда биз сохта Ватан туйғуси билан яшаб юрган каллаварамларга айланиб қолган эканмизми? Чинданам бизнинг манқуртлашувимиз қачон бошланган экан? Бир бутун Туркистон жумҳуриятларга бўлиб юборилган, фалонистон, пистонистон деб аталганданмикан ё у хариталарга Ўрта Осиё номи билан кириб, биз дамимизни ичимизга ютиб қолаверган кунданми? Балки, у бошпурт олиб, бошимиз «кўкка» етган куида, отамизнинг исмига «вич», бувамизнинг отига «ов» қўшилиб, исломий исм-шарифлардан жудо бўлган онимиздан бошлангандир?..

Бизни ана шундай мутелаштирдилар. Ватанимизнинг номини ўзгартирибгина қолмай исми-шарифларимизни ҳам «маданийлаштириб» чиқдилар. Биз эса додимизни кимга айтаримизни билмай қолавердик. Сўнг масжидлар ёпилди, бузилди, омборхонаю кўмирхоналарга айлантирилди. Диний китобларимиз йўқотилди, қанчаси оқизилиб, қанчаси кўмилди. Сўнг ернинг ҳақиқий эгалари кулоқ қилинди. Элнинг илмли кишилари, маърифатчилар, муллалар Ватандан бадалга этилди. Юрт тепасида юрган энг ақлли кишилар, арбобларимиз судга тортилди, кесилди, охири отиб ташланди. Фақат бўйсунганларгина яшаб қолдилар.

Улар бутун бошли миллатни тобе қилиб, каллаварамлаштиришни истардилар. Шунинг учун ҳам имломизни икки маротаба ўзгартириб, бизни ўз тарихимиз, илдизларимиздан узиб ташладилар. Негаки, тарихимизни билсак, ўқий олсак, кимлигимизни, қандай буюк миллат эканимизни таниб қолар эдик. Аждодларимиз дунёнинг уйғониши бошланган буюк заминда яшаганларидан, миллий қахрамонларимиз шу юртнинг эрки, мустақиллиги деб курашганларидан хабар топиб қолар эдик. Миллий ғуруримиз уйғониб, қандай қулликда, мутеликда, кимларнинг тобелигида ётганимизни англаб қолишимиз мумкин эди. Қизил салтанатчилар эса буни истамасдилар. Биз сизни чор империяси зулмидан озод этдик деб, йўқсулларга эрк шиори остида бошқа империяга, ўз қизил салтанатларига қарам қилиб олганларини энди билиб турибмиз. Байналмилаллик деб ҳамма нарсамизни ташиб кетаверибдилар. Дунёда ихтиёрий қуллик бўлганми десалар, совет замонасини кўрсатсалар ажаб эмас. Барча бойликларимиз — Она Ватанга шиори остида сохта Ватан омборларига қўш қўллаб тутқазилганини, шу бойликни яратган, шу ҳосилни

кўтарган одамлар эса қуруқ нон-чой билан кун кўрганларини, дунёда очлик эълон қилган кишиларгина шундай яшашга ҳақлари борлигини, биз ўшаларчалик ҳам эмаслигимизни энди билиб турибмиз. Неча йиллар бутун мамлакатда ана шундай империячилик сиёсатини олиб борган КПСС бекорга тарқатиб юборилгани ва империя чок-чокидан сўкилиб кетгани йўқ. Ҳар қандай зулмнинг ҳам чеки-чегараси бўлади. Бундай зулмлар худога ҳам, бандасига ҳам хуш келмагай. Халқлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниб, бутун-бутун юртлар, элатлар, қавм ва миллатлар мустақиллик олаётгани шундан.

Бу гаплар нечун? Мустақиллик берилди-ку, дунё афкор оммаси озодлигимизни тан олиб турибди-ку, дерсиз. Ҳа, четдан қараганда шундай. Лекин чинакам разм солиб кўринг-чи, унинг пойдевори мустаҳкамми? Биз ўзимиз тайёрмизми шу мустақилликка? Ватан туйғуси, миллий ғуруримиз уни асраб қолмоққа етарлими? Қизил салтанатда орттирган иллатлардан қутулганмизми? Шу мустақиллик учун керак бўлса жон фидо қилмоққа тайёрмизми? Бас, бу дунёга нимага келганман, агар шу миллатим, ота-боболарим юрти учун яшай олмасам, дея биламизми? Майда-чуйда гина-кудуратларни йиғиштириб қўйиб, бир миллат бўлиб бирлаша оламизми? Ахир, атрофингизга қаранг, зиёлилари гуруҳ-гуруҳларга бўлиниб кетган бир юртда, бошлиқлари тараф-тараф, ҳар ким ўз столидан нарини кўрмаётган ўлкада узоққа бориб бўладими? Тушунганлари шу бўлса, бошқалардан нимани кутиш керак? Ахир бунақа тарихий палла, имконият неча юз йилда бир келади-ку. Наҳот ҳамма ўткинчи ҳавасу манфаатларни йиғиштириб қўйиб, миллатнинг келажагини Ватаннинг тақдирини бир умрга ҳал қилиб олмаймиз? Бунинг учун миллат сифатида шаклланиш керак шекилли. Шаклланиш учун эса, миллат онгида оқу қизил салтанатлардан қолган мутеликлардан, қусурлардан қутулмоқ, элнинг ўзини, биринчи галда, ўқитувчиларини маърифатли, миллий ғурурли, Ватан туйғуси кучли қилиб тарбияламоқ керак шекилли.

Ҳар қанча аччиқ бўлса-да, тан олайлик. Биз ҳали совет тузумидан, ўша турмуш тарзидан мерос қолган фикрлашлардан, кўрқувлардан қутулишни ўйлаб кўрганimizча йўқ. У нималар? Аввало Ватанга лоқайдликдир. Шунчалар лоқайдмизки, бир ҳовуч зиёлиларни ҳисобга олмаганда, худди неча йил оёғидан тушовлаб қўйилган ва у озод этилганда ҳам қозикдан нари кетолмаган филга ўхшаб тутамиз ўзимизни. Ҳақимизни талаб қилишдан эса ҳамон ҳайиқамиз. Худди ҳайиқиш қонида бор одамдай, эртага яна бир Сталин ҳокимият тепасига чиқиб келадигандай ҳадиксираймиз. Ахир одам бу дунёга икки марта келмайди-ку, бошингни кўтарсанг-чи бундай, эркингни танисанг-чи, ўладиган дунёда одамга ўхшаб яшасанг-чи, дея олмаймиз.

Ўзимизми ўйламасак, фарзандларимизнинг келажагини ўйласак-чи. Жилла курса, улар шу Ватаннинг эгаси, эркаси бўлиб яшашини, миллатнинг фахри, гуллари бўлиб дунёга

танилишини истасак-чи! Йўқ. Юракдаги ҳадигу қўрқувларни сидириб ташлаш, нималардандир кечиш лозим бўлса-да, кечолмаймиз. Бу империянинг сўнгги кунларида берилган унвонлару орденларни ҳам ҳазар қилмай олаверамиз. Шунчалар ўзлигимизни йўқотган эканмизми?.. Эй ёронлар, бунчалар худбинмиз, ўз манфаатимиздан бўлак нарсани кўрмаймиз? Кўзингизни ёриб дунёга қарасангиз-чи: оламда нима гаплар кетяпти; нима ўзгаришлар кечяпти! Миллатсеварлик туйғуларингиз уйғонсачи бундай!..

Совет турмуш тарзидан бизга юққан энг ёмон иллатлардан яна бири — ялтоқликдир. Ҳеч қайси замоннинг одамлари бизчалик хушомадгўй бўлмаган, ўзидан каттага ёқишга бизчалик ўлиб-тирилмаган! Совет тузуми бизни ҳар битта отликқа, оқ ёқали амалдорга, шляпали кимсага қуллуқ қилишга ўргатганини, одат тусига киритганини ким тан олмайди? Лекин бундан қутулишга ҳаракат қилаётирмизми? Инсон ҳар битта раҳбарга, бошлиққа ёқишни ўзига ор деб билмас экан, уни қандай мустақил давлатнинг мустақил фарзанди дея оламиз? [.....]

...Ниҳоят, тушунмоқ керак. Эндиликда ҳамма жойда, ҳар бир идорада, ҳатто Президентнинг ёнида миллатнинг тилидан ҳар қандай рост сўзни айта оладиган кишилар бўлсагина, унинг ҳокимияти чинакам демократик ҳокимиятга айланади, иш олға босади. Агар биз чинакам демократик давлат қурмоқчи эканмиз, шу миллатнинг келажаги тўқис бўлишини, бу юрт янада гуллаб-яшнашини истар эканмиз, бошқача фикрловчиларнинг ғояларини, ҳар қандай хур фикр-ни ҳазм қила билмоғимиз лозим.

Ер — деҳқонга, боғ — борбонга, яйловлар — чорвадорга берилмас экан, фаровонлик эшиклари очилмайди. Биз истаймизми-йўқми, жамоа хўжаликларидан, ҳозирги туман, вилоят тузилмаларидан воз кечадиган, бир вақтлар халқдан тортиб олинган мулк — ерни халқнинг ўзига қайтарадиган вақт етди. Қолаверса, бу ишларга журъатимиз — Ватанни қанчалик севишимиз билан ҳам белгилангай.

Биз эса, пешонамизга битган энг азиз нарса — Ватанни ҳам тузукроқ қадрлай билмаймиз. Барчаси — миллий қадриятларимиздан узилиб, миллий турмуш тарзимиздан бегоналашиб кетганимиздандир. Биз бечоралар бошқа қавмларнинг одатларига таассуб қила-қила миллат сифатида ютилиб кетишимизга бир баҳя қолганини англаб етганимизга-да шукр айтиб турибмиз. Лекин шукрона билан иш битгайми? Чинакам тазарру керак. Ўз қадриятларимизга юз бурмоқ, бурганда ҳам симириб ичмоқ керак бу булоқлардан. Шунда шояд юқтирса, поклансак, юракларимизга бир ишқ, бир илоҳий туйғу ораласа. Миллатга, юртга қайишиш ҳисси, унга фарзандлик туйғуси уйғонса зора. Ватанни танисак... Илоҳим, ҳаммамизни шундай мунаввар ҳислардан бенасиб этмаган бўлсин! [....]

Албатта, Ватанни танимақ йўлида қилинган ишлардан

қилинмаганлари кўпроқдир. Биз жадидлар деб аталмиш буюк боболаримиз руҳи-понлари олдида жуда қарздормиз. Уларнинг қўлидан тушган байроқни ҳали кўтариб олганимизча йўқ. Улар бу Ватаннинг чин маърифатчилари, миллатга ўзлигини танитмакка отланган кишилар эдилар. Ниятлари кўп улуғ эди. Бу миллатни баркамол кўрмоқни истар эдилар. Ишни мактаб тузмоқдан, маърифат тарқатмоқдан бошлаган эдилар. Ана ўша пок ниятларни амалга оширмай, ўлкада миллий таълимни қайтадан қурмай туриб, чинакам рўшноликка чиқмоқ, Ватанни, миллатни танимоқ мушкулдир.

Ҳамма даврларда илм кишиларига иззат-икром кўрсатиб келинган. Лекин ростғўй кишиларнинг, ҳур фикрли одамларнинг қадри ундан-да баландроқ бўлган. Ҳукмдорлар ҳам улар билан алоҳида ҳисоблашганлар. Аслида жамиятнинг ривожини ҳам кўпинча ўшалар белгилайдилар. Бизнинг элни ҳам Тангри таоло ўшандай ҳур фикрли зотлардан қисмаган.

Тангри таоло Шарқнинг буюк фарзандларига хос алло-малик ато этган, лекин биз ҳаёт эканликларида унчалик ҳам қадрламаган замондошимиз Алихон Тўра Соғуний ҳазратлари ўз эсдаликларида ёзадилар: «Дунёда яшаган ҳар бир кишининг энг аямлик, қизғаниб сақлайдиган беш нарсаси бордир: биринчи — жони, кейингилари — дини, моли, оиласи, она Ватанидир». Хўш, биз — ўзини онгли, маърифатли, қолаверса, юртнинг зиёлилари деб биладиган кишилар шу беш нарсадан қай бирини кўпроқ, афзал кўриб келмоқдамиз? Менинчга, олтинчи нарсани — ўз ҳузуримизни кўзлаб кетганмиз. Аслида шу беш нарсани қанчалик тенг кўришимизга қараб, бизни зиёли деб аташлари лозим.

Ахир яширишга не ҳожат: жонимиз, молимиз, оиламиз учун ўзимизни фидо қилишимиз мумкин бўлган бизлар динимиз учун жон фидо қила оларли даражада комил эдикми? Ватанга-чи, миллатга-чи? Минг таассуфлар бўлсинки, ҳа, дея олмаймиз. Ана шунинг учун ҳам бу юртда ҳаром-ҳариш ишлар, ғирромлик, диёнатсизлик авж олди. Фоҳишалик, бузуқлик, жиноятчилик ҳеч бир қаршиликсиз ҳаётимизга илдиз отиб кира бошади. Ҳаё, ибо, уят, андишага қурилган ўз турмуш тарзимиз қолиб, бошқа кўчаларга ўглаб кетдик. Дин афюн десалар, ишониб кетаверибмиз, бугун ўша билиб-билмай, тушуниб-тушунмай қилган гуноҳларимизга тавбатазарру қиладиган, ўзликимизга, ўз динимизга қайтадиган пайтдир.

Дин деса лабига учуқ тошадиганлар, яна жаҳолатга қайтамизми, деб энсаси қотадиганлар тушуниб олсинлар. Дин покликдир. Покликка қурилган ахлоқдир. Нурдир. Нурли оламдир. Бутун бир исломий маданият хазинасидир биз бебаҳра қолган. Ахир даҳрийлик кўчасида юпанчисиз, илинжсиз, мангу бир ишонч-эътиқодсиз саросар тентираб нима топдик? Охири на кофир, на мусулмонмиз, на ғофил, на комил

инсонмиз. Энди руҳан ва маънан покланишимизга нима монелик қилмоқда? Ахир тавба билан энг азиз нарса — иймон ва Ватанни топгаймиз-ку.

Ватанни топишнинг яна бир йўли — афвдир, ноҳақлик қурбонларининг муборак номларини оқлаш, адолатни ўрнига қўйишдир. Эрта-кечи йўқ бу хайрли иш бошлангандан бери Чўлпону Қодирийдек, Фитрату Бехбудийдек, Мунаввар Қорию Усмон Носирдек Ватан ва миллат шарифига айлана олган буюк зотларнинг табаррук номлари қайтариб берилди. Бу эл, бу юртга жон фидо қилган кишиларнинг номлари Ватан тарихию миллат қалбида абадул-абад қолажаги яна бир қарра исбот этилди.

Кечаги қизил салтанатда миллатни таҳқирлаш, ғурурни синдириш, тобеликда тутишнинг йўллари кўп эди. Улар аввал-бошда миллатнинг гулларини миллатчиликда айблаб, бадном этган бўлсалар, кейин элбошиларини қоралаб уриб юбориш, ўлгандан кейин ҳам гўрдан гўрга солиш, номини оёқости қилиш, элда кўзга кўринганларни қамаб, йиллаб тергов бердириш йўлларини ўйлаб топдилар.

Кейинги вақтнинг ўзида Шароф Рашидов номининг оқланиши, пахта иши билан қамалганларнинг барчасига афв бериб юборилиши ва уларнинг озодликка чиқиши — барча-барчаси мустақиллик меваси. Ватанни таний бошлаганимиз, бир миллат сифатида шаклланаётганимиз, қаддимизни ростлаётганимиздан даракдир.

Энди яна бир буюк юмуш турибди. Ватан учун, мустақиллик учун кураша-кураша ночор-ноилож бу юрт сарҳадларидан чиқиб кетишга, дунё кезиб мусофир бўлиб яшашга мажбур бўлган миллионлаб ватандошларимиз олдидаги миллатдошлик қарзини узиб қўядиган, уларга фуқаролик берадиган пайт етди. Уларга бағримизни очайлик. Боболари юртидан ер бериб, Ватанга чақирайлик. Токи бизнинг миллат бир бутун бўлиб, буюк миллат бўлиб яшасин, кўнгли ўқсий, қалби доғлик дарбадар дунё кезмасин. Бир вақтлар синган адолатни қайта тиклайлик. Ватандан жудоликка чек қўйиб, буюк савобга қўл ўрайлик.

Шунда биз ўзбеклар Ватанни қанчалик севишимизни жаҳонга кўрсатгаймиз. Узимиз эса, буюк миллат бўлиб танил-гаймиз.



## ЛУТФ

*Фалак пештоқида-ку юлдуз соч  
толаларидай сон-саноқсиз. Абдулла Орипов  
ҳам илк шеърлар тўпламини «Митти юлдуз»  
деб атаган эди. Ният холис экан. Не-не  
бедор тунлар уни кўҳна шеъриятнинг  
номдор юлдузларига ёндош этди.*

**ЕЛКАМИЗГА  
ОФТОБНИНГ  
ТЕККАНЛИГИ РОСТ  
БЎЛСИН...**

**Оломонга**

*Машраб осилганда қаёқда эдинг?  
Дорка отилганда қаёқда эдинг?  
ҲИММ*  
*Суриштирганмидинг Қодирийни ё,  
Қалқон бўлганмидинг келганда бало?*

*Хукмлар ўқилур сенинг номингдан,  
Тарихлар тўқилур сенинг номингдан.*

*Нимасан? Қандайин сеҳрли кучсан?  
Нечун томошага бунчалар ўчсан?*

*Қаршингда ҳасратли ўйга толаман,  
Қачон халқ бўласан сен, эй, оломон?!*

**Фожиа**

*Бахтлидир, ўз даврин заволин кўрмай,  
Йўқликка равона бўлган инсон.  
Бахтлидир, янглишиб экканин ўрмай,  
Шўдгорни қайтадан бошлаган деҳқон.*

*Мўйсафид жангчига қарайман ғамгин,  
Кўксиди нишону кўча-кўйда хор.  
Унга на ўтмиши беролгай таскин  
Ва на келажакдан зарра умид бор.*

Наҳот ўтган умр буткул ҳавоӣи,  
Наҳот кўрганларим барчаси сароб?!  
Наҳот етмиш тўрт йил сизинган жойи  
Манфур манзил бўлса, жирканч ва хароб?!

Авлиё дегани — ёвуз жодугар,  
Доҳий деганлари — каллакесар зот!  
Набиранг ўзингга тутса оғу гар,  
Дардингни кимга ҳам дегайсан, ҳайҳот?!

Шаҳид кетмасжиди ўша жанг чоғи,  
Фидоӣи бир аскар номини олиб,  
Бугун на қалқон бор, на бир яроғи,  
Мағлубдан садақа сўрайди ғолиб!

Оламда фожиа кўп эрур, бироқ —  
Бунисин алами ҳаддан зиёда.  
Оҳ, нечоқ даҳшатдир, тирик турган чоқ,  
Ужринг оёқ ости бўлса дунёда.

## Фурқат нидо̀си

Мен Ватандан кетмаганман,  
Айри тушганман холос,  
Ажрагандек сув кечарда  
Бир нафас тандин либос.  
Юрт у ёнда, мен бу ёнда,  
Уртада ҳижрон сели,  
Анга кўприк ташламакка  
Байтларим бўлди асос.  
Уксиб-ўксиб йиғладим мен,  
Мисли тил билмас гўдак,  
Онаизор кўкрагидан  
Айрилиб қолган бехос.  
Мен Ватанда Холмуҳаммад  
Уғли Зокиржон эдим,  
Фурқатий деб ном қозондим,  
Бунга ҳижрон иқтибос.  
Сўнмаган ишқ, ўлмаган қалб,  
Бир уюм тупроқ бўлиб  
Сарзаминдан бош кўтарди,  
Ушбуга қабрим қиёс.  
Ким Ватан деб ёна-ёна  
Кул бўлиб битмиш магар,  
Ут-оловни мендан олсин,  
Ут-олов мендан мерос.  
Шоирингни ёд этарда ўзбегим,  
Сендан ўтинч:  
Бир-бирингга қил мурувват,  
Бир-биринг бағрингга бос!

## Адолат офтоби

Адолатнинг ҳаётбахш шамоллари елдими,  
Ҳақ ниҳоят халқимнинг арзин қабул қилдимми,  
Неча йиллар орзиқиб кутган кунлар келдимми;  
Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин,  
Ўзбекнинг ўз уруғин экканлиги рост бўлсин.

Ўтди қанча талатўп, ўтди қанча ғавғолар,  
Ўтди қанча маломат, гийбату кин, иғволар,  
Оқартирди сочларни неча қора савдолар;  
Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин,  
Ўзбекнинг ўз уруғин экканлиги рост бўлсин.

Сафга тизил набирам, отажоним тур энди,  
Мустақиллик нашъасин, ҳаққинг бордир, сур энди,  
Қўлни бериб қўлларга, бир тан бўлиб юр энди;  
Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин,  
Ўзбекнинг ўз уруғин экканлиги рост бўлсин.

Унутмагин ва лекин олдда бор ҳали ётлар,  
Қадамингни пойлайди очкўз, юҳо не зотлар,  
Шоҳ сурибсан, инжима, ғингшиса агар мотлар;  
Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин,  
Ўзбекнинг ўз уруғин экканлиги рост бўлсин.

Ўз қўлингга олганинг — ялов сенга муборак,  
Юрагингда сўнмаган олов сенга муборак,  
Ёндиролдинг қорларни — қалов сенга муборак;  
Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин,  
Ўзбекнинг ўз уруғин экканлиги рост бўлсин.



## ҲУР ФИКР



*Тарихинг битмакка, халқим,  
Мингта Фирдавсий керак,  
Чунки бир бор чеккан оҳинг,  
Мингта дoston, ўзбегим.*



## ТУРКЧИЛИК АСОСЛАРИ

### Миллий бирдамликни кучайтириш

Ярашишдан сўнг инглизларни, франсузларни яқиндан кўриб, танимоққа бошладик. Улардаги кўзимизга тушган илк жиҳат — бу маданий ахлоқнинг бузуқлигидир. Билхосса, мамлакатимизга келган ва ё Малтада ҳоким бўлган инглизларнинг маданий ахлоқини кўп тубан кўрдик. Колониал аҳолини таламоқ, мағлубларга қул сифатида, қулга қилинадиган муомалада бўлиш, ҳарбий асирларни, ҳатто сулҳга кўра айирбошланадиган асирларнинг пуллари, ашёсини олмоқ улар учун тамомила ҳалолдир.

Инглиз миллатидаги биз кўрган маданий ахлоқдаги бундай пастликка қарама-қарши ватаний ахлоқи кўп даражада юксак. Туркияда юзларча, ҳатто мингларча ватан хоинларининг пайдо бўлишига қарама-қарши бутун Буюк Британияда биронта ватан хоини чиқмади. У ҳолда бизда маданий ахлоқнинг юксаклиги нимага яради? Қошки бизда ҳам уларнинг ўрнига фақат ватаний ахлоқ бўлсайди!

Ватаний ахлоқнинг юксак бўлиши миллий бирликнинг асосидир. Чунки ватан деб устида ўтирганимиз оддий бир тупроқ эмасдир. Ватан, миллий маданият деган нарса шундайки, устида ўтирганимиз тупроқ унинг ёпинчиғидир. Ва у ёпинчиқ бўлганлиги учун ҳам муқаддасдир. Демак, ватаний ахлоқ миллий мафкуралардан, миллий вазифалардан таркиб топган бир ахлоқдир.

У ҳолда миллий бирдамликни кучайтириш учун ҳар нарсадан олдин ватаний ахлоқни юксалтириш лозим бўлади. Ватаний ахлоқни юксалтириш учун нима қила оламиз?

«Ватан — миллий маданиятдир», деяр эдик. Яъни, Ватан — дин, ахлоқ ва эстетик гўзалликларнинг бир кўرғазмасидир. Ватанимизни тегаран бир севги билан севамиз, у ўша гўзалликларнинг мажмуаси бўлганлиги учун ҳам севамиз.

---

Муаллифнинг шў номли асаридан С. Мадаминов таржимаси.

Миллий маданиятимизни энг кўп севажакмиз ва бундай шиддатли севги билан фақат таҳлика замонларида ҳаётимизни эмас, балки тинчлик онларида ҳам бутун шахсий ва группавий эҳтиросларимизни ҳам унга фидо қилабилажакмиз. Кўриниб турибдики, миллий бирдамликни кучайтириш ва миллий маданиятни юксалтирмак учун бунга, аввал, зиёлилар киришмоғи лозим.

Миллий бирдамликнинг биринчи асоси «ватаний ахлоқ» бўлганидек, иккинчи асоси «маданий ахлоқ» дир. Ватаний ахлоқ ўз миллатимизни муқаддас танимоқдан иборат бўлгани каби, маданий ахлоқ ҳам миллатсиз кишилар билан уларга ўхшаган бошқа кишиларни муҳтарам танимоқдан иборатдир. Жамият муқаддас бўлса, унинг кишилари муқаддас бўлмайди?

Ватанимизни, миллатимизни қандай севсак, миллатдошларимизни ҳам худди шундай севамиз. Бутун миллатдошларини севмаган бир одам миллатини ҳам сева олмайди.

Шу пайтга қадар зиёлиларнинг халқни, халқнинг эса зиёлиларни севиши мумкин эмасди. Чунки тарбияларини зиёлилар — усмонлилар маданиятидан, халқ эса — турк миллатидан олмишлар. Қарама-қарши тарбияланган икки синф қандай бир-бирини сева билар? Қолаверса, зиёлилар сарой бандалари эдилар ва амалга чиққан заҳот халқни талаб, саройнинг исрофгарчиликларига хизмат қилишдан бошқа нарсани билмасди. Табиий, бу жиҳатдан ҳам мазлум халқ уларни севмасди.

Ўрталарида рақобат, ҳасад каби эҳтирослар бўлганлиги учун зиёлилар ўз ичида ҳам бир-бирларини севмас эдилар. Мамлакатимизда бир-бирини севган фақат халқдан чиққан кишилар эди ва қадимда миллий бирдамлик фақат шуларнинг самимий муҳаббатига таянар эди.

Шуниси ҳам борки, маданий ахлоқ фақат миллатимизга мансуб кишиларни муҳтарам деб танишда ва самимий бир муҳаббат-ла севмоқдан иборат эмасдир. Гарчи, аввалда муҳтарам танилган ва севилган кишилар ватандошларимиз бўлса ҳам, чунки бизни улар билан бирлаштирган бир маданият, бир юрт, умумий тил ва умумий дин бордир. Фақат биз бир миллий маданиятга мансуб бўлганимиз каби, худди шундай миллатлараро цивилизацияга ҳам мансубмиз. Миллий маданиятимизни севганимиз каби, цивилизациямизни ҳам севамиз. Демак, бир цивилизацияда биз билан яшаган бошқа қавмларни ҳам севмоғимиз ва муҳтарам санамоғимиз керак эмасми?

Цивилизация гуруҳлар аввал диний бир уммат ҳолида вужудга келади. Мусулмонлик, христианлик, буддистлик каби универсал динлар бир қатор миллатларни ўз ичига олди ва бу ҳолни ўзаро бирлаштирилган идишлардаги суюқликка ўхшатиш мумкин. Физик тадқиқотларда ўзаро туташтирилган идишларнинг бирига қуйилган сувнинг дарҳол бошқасида ҳам пайдо бўлишини ва ҳаммасида сув сатҳининг

бир хил даражага чиқишини кўрмаймизми? Бир умматга мансуб бўлган миллатнинг эришган ютуқларини ва ёхуд бошига тушган кечмишларни дарҳол бошқаси ҳам кечириши ҳам шунга ўхшайди.

Миллатлараро алоқалар даставвал диний ўлароқ бошланса-да, узоқ тараққиётдан сўнг илм ва фан соҳасида бирлашган, диндан ташқари миллатлараро цивилизация вужудга келиши мумкин. Бугунги Овруро цивилизацияси Овруро миллатлари орасидаги боғлиқлик шаклида кечди. Овруро миллатлараро цивилизацияси японлар ва яҳудийларни ўз цивилизациясига мансуб деб ҳисоблаганлиги учун диний цивилизациядан ва диний миллатлараро бирликдан чиқмоқда истиётганлигига имо қилади. Лекин улар муслмон ўлкаларининг мандат остида қолишига уринаётганлиги, уларнинг ўша «салб юриши» одатларидан ҳамон воз кечмаганлигини кўрсатади. Бу таассуб оёққа турса, бизнинг тенг шароитлар асосида Овруро цивилизациясига кирмоғимизга фақат ғов бўлиб қолиши эҳтимоли бор. Хулоса қилиб айтилганда, маданий ахлоқ энг аввало миллатдошларимизни, сўнгра диндошларимизни, энг сўнгра эса бутун инсонларни севмоқдан ва муҳтарам кўрмоқдан иборатдир. Бутун бир кишиларнинг ҳаётига, мулкларига, ҳурриятига, шаънига тажовуз этмаслик маданий ахлоқ илгари сурадиган вазифалардандир.

Кўришиб турибдики, ватаний ахлоқ ташқаридан марказга қараб, маданий ахлоқ марказдан ташқарига қараб йўналади. Ватаний ахлоқ севгиларимизнинг ватан доирасида кашф этилишини эътироф этса, маданий ахлоқ буларнинг секин-аста миллат чегараларини ошиб, уммат чегарасига, уммат чегарасини ошароқ миллатлараро чегараларга ва бундан ҳам ошиб, бутун инсонийлик оламига қараб боришини ва ёйилишини орзу этар. Баъзан бу икки ахлоқ орасида ажралиш ва қўшилиш ҳам кўзга ташланади. Масалан, уруш пайтларида ватаний ахлоқ юксак даражада шиддатланиб, маданий ахлоқни ҳам, ватаний ахлоқни ҳам кучайтириб юборади. Душманнинг бир қатор моддий ва маънавий зарарлари билан бирга ижтимоий бир фойдаси ҳам бор, деган ғояни илгари сурганлар айнан шу нуқтага назарга таянадилар.

Миллий бирдамликни кучайтирмоқ учун ватаний ахлоқни маданий ахлоққа бермак, яъни инсон қийматининг маданий ахлоқ доирасида марказдан муҳитга қараб камайиб боришини, муҳитдан марказга қараб ортиб боришини дастур сифатида қабул қилиш лозимдир. Яъни, юқорида айтганимизга кўра, қийматнинг биринчи даражасида миллатдошларимизни, иккинчи даражасида умматдошларимизни, учинчи даражасида маданиятдошларимизни, тўртинчи даражасида бутун инсонларни кўрмоғимиз ва уларни бу даражаларига кўра севмоғимиз лозим келур.

Миллий бирдамликни кучайтириш учун ватаний ва маданий ахлоқлардан сўнгра маслакий ахлоқни юксалтириш лозимдир.



Ҳар миллат ижтимоий иш тақсимоти натижаси ўлароқ, бир қатор маслак ва ихтисосдаги гуруҳларга ажралади: инженерлар, докторлар, мусикашунослар, рассомлар, ўқитувчилар, ёзувчилар, аскарлар, адвокатлар, савдогарлар, деҳқонлар, фабрикантилар, дурадгорлар, пахта тозаловчилар, тикувчилар, тегирмончилар, нонвойлар, қассоблар, баққоллар ва ҳ. к. Бу гуруҳлар бир-бирларига қарши ўлароқ, айни пайтда бир-бирига зарур ва муҳтождирлар. Уларнинг бир-бирларига кўрсатадиган хизматлари ва бу эҳтиёж ва муҳтожлик ҳам бир қадар бир-бирига таяниш эмасми?

Бу навдаги ўзаро таянишнинг кучайиши учун аввал иш тақсимоти биров яқин эътиқодга эга жамият ичида вужудга келиши шартдир.

Майли, бошқа-бошқа миллатларга мансуб бўлсин, аммо ораларида умумий эътиқод бўлмаган гуруҳларнинг иш тақсимоти ҳақиқий иш тақсимоти моҳиятида эмасдир. Дюркгейм бу навдаги хизматларнинг олиниб борилишига «қаршиликли паразитлик» номи беради. Масалан, эски Туркияда турк ва ғайримусулмонлар умумий бир иқтисодий ҳаёт кечира олардилар. Фақат ораларидаги иш тақсимоти ҳақиқий бир иш тақсимоти эмасди. Қаршиликли бир паразитликдан иборат эди. Чунки турклар ва турк бўлмаган унсурлар орасида умумий эътиқод йўқ эди. Турклар мусулмон бўлмаганларнинг сиёсий бир паразитлари эдилар; ғайримусулмонлар эса туркларнинг иқтисодий паразитлари эдилар. Миллатлараро иқтисодий муносабатлар ҳам ана шу тарздадир.

Бирдамликнинг кучайиши учун маслак гуруҳларининг бутун мамлакатни қамраган миллий ташкилотлари тузилгандан сўнг, ҳар маслак гуруҳида маслакий бир ахлоқни таъсис этади.

Маслакий ахлоқ маълум бир гуруҳларга дахлсизлик имконини берса, бошқа бир гуруҳга бу имконни фақат бир маслак арбобига бермаслиги мумкин. Масалан, бир мамлакатда вабо тарқалса, у ердан ҳар қандай одам қочади. Фақат докторлар билан поплар қоча олмайдилар. Шунингдек, ҳар бир киши тижорат билан машғул бўлаверади, лекин расмий нуфузга соҳиб бўлган давлат маъмурлари ишларини давом эттира олмайдилар. Аскар синфидан бўлганларнинг кўрқок, полициянинг тентаклари, ҳокимларнинг тарафбозлиги, ўқитувчи ва муҳаррирларнинг жоҳил ва мафкурасизлиги маслак ахлоқига зиддир. Котибларнинг оғзи берк, адвокат ва докторларнинг таъқиқга ҳурмат кўрсатишлари (сир сақлашлари) ҳам маслак ахлоқи ижобларидандир.

Шу билан бирга, бу маслакий ахлоқларнинг ўз санкциялари ҳам бордир. Маслакий вазифаларнинг бу санкциялари ҳам маслак ташкилотига махсус бўлган «номус кенгашлари» дир.

Кишиларнинг маслак мутахассисларига қарши ҳаёлларини, номусларини, эрк ва манфаатларини қўриқлайдиган ягона санкция ана шу маслакий ахлоққа оид ташкилотлардан

ва вазифаномалардан иборатдир. Булар йўқ экан, турли мас-лаклар орасидаги бирдамликни яратиш қийин. Энди юқоридаги сўзларга хулоса ясаймиз:

Миллий бирликнинг кучайтирилиши ижтимоий интизом ва тараққиётнинг, миллий ҳуррият ва мустақилликнинг асосидир. Миллий бирликни кучайтириш учун ватаний, маданий, маслакий ахлоқларни кучайтириш, юксалтириш лозимдир.

Миллий маданиятимизнинг онгли бир ҳолга келиб юксалмоғи қандай ташкилотларга муҳтождир? Аввало, миллий маданиятимиз яширинган гўшаларда зиёлиларнинг таклиф қилган илмий-текширув ташкилотларига эҳтиёж бордир. Бу ташкилотлар қуйидагилардир: Миллий Музей, Этнография музейи, Миллий архив, Миллий тарих кутубхонаси, Статистика Умумий мудирлиги.

1) Турк халқининг эстетик даҳосини жонли кўрсата олган ва фақирлик туфайли қадимги турк уйларидан парча-парча чиқарилиб, букинист бозорларида сотилган пардалар, гилла-ламлар, шоллар, ипакли материаллар, қадимги дурадгорлик ва чилангарлик ишлари, чинилар, ҳуснихат ёзувлар, ахлоқ китоблари, гўзал чарм муқовалар, чиройли ёзилган Қуръони қаримлар, миллий тарихимизнинг васиқалари бўлган эски пуллар (тангалар), буларнинг ҳаммаси ажнабийлар тарафидан сотиб олиниб, Оврупога ва Америкага ташиб кетилмоқда. Буларнинг ташқарига олиб чиқиб кетилишига тўсиқ қўядиган бир қонунимиз бўлмаганидек, уларни сотиб оладиган, миллий санъат ошиқларининг кўз ўнгига қўядиган миллий бир музейимиз ҳам йўқдир. Гарчи Тўпқопи саройида катта бир музейимиз бўлса ҳам, унга «Миллий маданият музейи» эмас, «Маданият музейи» номини бермоқ янада ҳам тўғрироқ, уйғунроқ бўлур эди. Чунки бу музейга қўйилган турк маданиятига оид миллий асарлар бизнинг ўтмишимизни тўла кўрсата олмайди ва улар иккинчи даражали аҳамиятга эгадирлар, биринчи даражали қийматга эга асарлар эса, миллатлараро маданиятга оиддир. Хулоса шуки, шу пайтга қадар мамлакатимиздан сандиқ-сандиқ олиб чиқиб кетилган туркларга хос гўзал асарларни қочирилишига тўсиқ қўйилмаган, букинист бозорда юрган бу гўзал асарларни сотиб олиб, асрашга киришилмаган.

Бундан музейимизнинг даҳоли бир қурувчиси бўлган марҳум Ҳамди Бейнинг қиймати ниҳоятда юксак бўлган хизмат ва ҳимматларини инкор этипти, деган хулоса чиқарилмасин. Абдулҳомид даврининг турли тўсиқларига қарама-қарши ўзининг соф ташаббуси ва ғайрати билан илм нуқтаи назаридан ғоят қийматли бир музейни йўқдан бор қилган Ҳамди Бейни ҳурматини бажо келтирмаслик нонкўрлик бўлар эди. Буюк қардошининг бу шахсий асарини бойитган ҳолда сақловчи Халил Бей афанди номини юксак тутмаслик мумкин эмас. Бундан ташқари, бу музейда эски турк пулларига ва анъаналарига оид бир қатор миллий ёдгорликларнинг мав-

жуд эканлигини ҳам бирон кимса инкор этмайди. Аммо, Миллий музейнинг вазифаси миллий асарларнинг миллиондан бирини тўплаб, қолганларини ажнабийларга бериб юбориш эмасдир. Ҳамди Бей музейининг илм-маданият ва миллатлараро қийматлари ғоят юксак бўлиши мумкин: фақат миллий маданиятга оид қиймати миллатлараро маданият қийматларига нисбатан анча пастдир. Ҳатто, бу нуқтаи назардан, Евқоф музейидаги ашёнинг ҳаммаси турк маданиятига оид асарлар бўлганлиги учун аввалгисидан кўп қийматлироқ кўринади.

Бу ифодалардан англашиладики, бугун бизда ҳақиқий бир турк музейига эҳтиёж бордир. Бу турк музейи туркларга оид гўзал асарларни ола билмоғи учун етарли даражада бир дотацияга эга бўлмоғи ва воситачиларга эга бўлмоғи зарур. Айни замонда мамлакатимиздан бутун эски асарларни ва гўзалликларни ташқарига чиқарилишини кескин таъқиқ қиладиган бир қонун чиқариш керак. Евқоф музейи ҳам ўз маъмурларини хизматга жалб қилса, Евқоф биноларининг ортиқчаси ва ишдан чиққан нарсалари орасида яна бир қатор қийматли обидалар ҳам топилиши мумкин. Эҳтимол, келажакда бу уч музей бирлашиб ягона музей ҳолига ҳам келар. Ҳарҳолда, ҳозир ёлғиз турк маданиятига оид асарларни тўловчи миллий бир музейга катта эҳтиёж бордир.

2) Этнография музейининг вазифаси миллий музейникидан бошқадир. Миллий музей миллий тарихимизнинг музейидир. Этнография музейи эса, миллатимиз бугунги ҳаётининг музейидир. «Бугун»нинг «ўтмиш»дан нима фарқи бўлса, этнография музейининг ҳам миллий турк музейидан фарқи шундайдир. Этнография музейи энг аввало мамлакатимизнинг турли ўлкаларида, қозиликларида, шаҳарларда қўлланиладиган барча ашёларни тўплайди. Бу тўпланган ашёдан ҳар нави, тартиби билан, энг ибтидоий шаклидан энг такомиллашган шаклигача тадрижий шаклда тузилади. Масалан, оёқ кийими навини олайлик. Бунинг энг ибтидоий шакли бўлмиш «чорик»дан бошлаб, энг такомиллашган шакли бўлган зариф ботинкаларга қадар такомил босқичлари бир силсила ҳолида сараланади. Бошга кийиладиганлари, эркак ва хотин уст кийимлари, эгар ёпқичлари, чодирлар, кўрпалар ва ҳоказолар ҳам тадрижий тизилажақдир. Уйларнинг кўчириб бўлмайдиганлари ва бошқа катта биноларнинг кичик моделлари яратилади. Кўчалар, шаҳарлар, кўприклар, жомеъ каби манзарали суратлар олдирилажақдир.

Фақат, этнография музейининг тўплайдиган нарсалари ёлғиз шунга ўхшаш моддий ашёларга тегишли эмасдир. Халқ ичида юрадиган пари масалларини, қўшма ва дostonларини, маъни (ўлан) ва тез айтишларни, мақолларни ва топишмоқларни, ҳикоя ва саргузаштларни шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ юриб тўпламоқ вазифаси ҳам этнография музейига оиддир. Айни замонда, ҳар вилоятнинг сўзлашувига оид, турк сўзамолларига оид ибратли сўзларни, уларгагина тегишли

бўлган талаффузни, ўзига хос грамматик ва синтактик қоидаларини ҳам тўплайди. Булардан бошқа халқ орасида «тандирнома аҳкомлари» (кампирларнинг эртаклари) ва ёхуд «кийгиз китоб» оти берилган ва саводсиз хотинлар билан билимсиз халқ орасида инониладиган омийона қоришган диний қарашларни ҳам тўплайди. Масалан, бу эътиқодлардан бирига кўра, ҳар инсоннинг ўзига хос махсус бир париси бордирки, у эгасининг «қирқли» (қирқ кунлик) даврида сўнг даражада озғинлашиб, таҳликали бир вазият олур. Инсонлар қуйидаги уч ҳолда қирқли бўладилар: 1) Бир чақалоқ дунёга келган замоноқ, бола билан бирга отаси ва онаси қирқли бўладилар. 2) Биров уйланса, келин ҳам, куёв ҳам қирқли бўладилар. 3) Биров ўлган замон у билан бир уйда яшаган бутун яқинлари қирқли бўладилар.

Қирқни меъёрига етказишда диққат қилинадиган бир қатор сеҳрли — диний маросимлар бордир: масалан, икки қирқли хотин — булар хоҳ бир сабабдан, хоҳ бошқа сабаблардан — бир хонада тасодифан бирга бўлсалар, ўпишмоқлари лозимдир. Ўпишмасалар, парилари бир-бирлари билан жанжаллашадилар, парилардан бири бу ғавғода яраланса ёхуд ўлса, бу ҳол соҳибига ҳам ўтиши мумкинлигидан бу маросим ижро қилинмаса, катта хавф туғилади. Яна иккита қирқли кишининг бири бошқасининг устида бўлган хонада ётолмаслар. Тандирномага кўра, ҳар одамнинг бир париси бўлганидек, ҳар уйнинг ҳам бир париси бўлади. Уй париси уйнинг тоза тутилмаслигидан ўпкаланadi. Бу ўпкालаниш оилага зарар келтирмаслиги учун, уй бекаси уйни тоза тутишга диққат қилади. Демакки, бу «хато эътиқодлар» ичида фойдалилари ҳам бордир. Этнография музейи бундан ташқари ҳар ўлкадаги фонетик ва халқ оҳанглариини ё фонограф аппарати билан, ёхуд нота усули билан қайд қилади. Демакки, этнография музейининг бир суратчиси, бир нотачиси бўлмоғи зарур. Масал тўплайдиганлар ҳар бир кишидан тинглайдиган масалларнинг айтилиш гўзаллигини илғай олишлари керак. «Масалчи» лақабини олган бир қатор хотинлар ёхуд эркаклар борки, улар масалларни сақлаиб келаётган барқарор ва гўзал услублар билан нақл этадилар. Бунда ҳақиқий масалчи бўлса, у айтган бутун масаллар қандай бўлса, шундайлигича тўғри қабул қилинади. Чунки миллий масалларнинг ҳар таъбири бир муассаса бўлган масаллардир. Қўшмалар (иккиликлар), туркилар (қўшиқлар) ва нағмалар ҳам ҳақиқий соз шоирларидан олинадилар. Насриддин Хўжага, Қоракўзга, Инжили Човушга, Бакри Мустафога, Бектошийларга оид фикрлар ҳам уларни яхши билганлардан ўрганилиши керак. Миллатларга ва маслакларга оид тақлидлар маддоҳлардан олинади. Тандирнома эътиқодлари уларга ҳануз инонаётган ўқув-ёзувни билмайдиган хотинлардан сўралади. Ҳар ернинг хусусий лаҳжасига оид тадқиқотлар ўша ерларнинг ўзида қилинади.

3) Миллий архив яширин ва махфий моҳиятли хусусий

архивлардан бошқадир. Миллий Архив бугунда ҳукумат билан алоқаси қолмаган эски архивнинг хазинасидирки, миллатнинг тарихчилари ва илм одамлари учун тартибга солинган бир шаклда, бир идора кузатуви остида ишлайди. Афсуски, Боби-Алига ва Ташқи ишлар вазирлигига ёки Дафтари Ҳоқонийга. Архивга ва фатвохонага оид эски архив хазиналари шу пайтга қадар на бир ерга тўпланган, на тартибга солинган ва на муҳофаза қаровига олингандир. Миллий тарихимизнинг энг тўғри васиқалари бўлган бу архивдан энг муҳимлари жуда кўп Оврупо кутубхоналарида эканлиги қайд қилинмоқда.

Диёрбакр каби эски вилоятлар ва ўлкалар марказларида гоёт қийматли бўлган эски ҳужжатларнинг баққолларга сотилиб, пакет қоғози қилиб ишлатилаётганлиги ҳам бор гапдир. Кўриниб турибдики, миллий бир архивнинг қурилиши мутлақо заруриятдир.

4) Миллий тарих кутубхонаси ҳам умумий кутубхонадан бошқадир. Умумий кутубхона фаннинг, адабиётнинг ҳар соҳасига оид китобларни ўз ичига олади. Миллий тарих кутубхонаси эса, фақат миллий маданиятимизни ташкил қиладиган муассасаларга оид тарихларни ва тарихий манбалар билан васиқаларни ўз ичига олади. Бу китоблар ва васиқалар динимиз, ахлоқимизнинг, ўқиш ҳуқуқимизнинг, фалсафамизнинг, адабиётимизнинг, мусиқамизнинг, меъморчилигимизнинг, иқтисодимизнинг, армиямизнинг, сиёсатимизнинг, илмларимиз ва фанларимизнинг тарихлари ва васиқалари тамомила бир жойда бўлиши демакдир. Яъни тарих соҳаларидан ҳар бирининг тарихини ёзмақ истаган бир тарихчи зарур деб топилган ҳамма манбаларни ва васиқаларни бу кутубхонада мавжудлигини билсин.

5) Умумий Статистика Мудирлиги ҳам вазирликлар таъсис этган хусусий статистик ташкилотлардан бошқадир. Чунки ҳар вакилликнинг таъсис этган статистик ташкилоти фақат шу вакилликнинг ўз расмий муомалаларида зарур бўлган статистик рақамларга аҳамият беради. Умумий статистика Мудирлиги миллий маданиятнинг майдонга чиқиши учун ва миллий ҳаётнинг барча соҳаларини ўз ичига олган умумий бир статистик ташкилотдир. Овруполи бир мутахассиснинг идорасида бўладиган бу умумий статистика мудирлиги ташкил этилгандан сўнгра вазирликларга ва бошқа расмий бўлмаган муассасаларга мансуб бўтун статистика билан боғлиқ ташкилотлар унинг қарамоғига ўтказилади, ҳаммаси айни усул ва система асосида бирлашадилар. Ана шундай марказий бир ихтисос доирасига мансуб барча соҳаларни қамраб олган статистик ташкилот вужудга келгандан сўнггина мамлакатимиз рақамларидан ижтимоий нуқсонларимизни ва вазиятларимизни тушуниб олиш мумкин бўлади. Ўтказилган эслоҳот ва янгиликларнинг жамият учун зарарли ёхуд фойдали эканлиги ҳам статистик дафтарлар тайёрлангандан сўнг тадқиқ қилиниши мумкин.

Миллий маданиятнинг бу санаб ўтилган ташкилотлари соф миллий маданиятни ажратилиб олишга ярайдиганларидир. Миллий маданиятнинг бошқа бир қатор ташкилотлари ҳам бор. Уларнинг вазифаси ҳам миллий маданият тадқиқ қилиниб бўлингандан сўнгра Оврупо маданиятининг турли соҳаларига қизиқишидан иборатдир. Бу вазифани бажарадиган ташкилотлар қуйидагилардир: Турк театри, Турк консерваторияси, Турк университети, Туркийот институтидир. Булардан мисол ўлароқ консерваторияни олайлик. Истанбулда мавжуд бўлган Дорулалхон (консерватория) «дум-так» усулининг, яъни Бизонс Византия мусиқасининг консерваториясидир. Бу муассаса халқ оҳангларида кўринган ибтидоий унсурларни Оврупо мусиқасига мослаб уйғунлаштиргандан сўнг, ҳақиқий турк мусиқасига ҳеч бир аҳамият бермапти. Мавжуд Дорилбадаё (сеҳр театри) ҳам шу ҳолдадир. Чунки театрнинг тараққиёти гўзал туркча билан халқ вазнини қабул қилишга боғлиқ экан. Дорилбадаё бунга етарли даражада аҳамият бераётгани йўқ. Бу икки муассаса турк консерваторияси ва турк театри ҳолига келтирилиши лозимдир.

Бу муассасалар ичида турк маданиятига ёрдамчи бўлган фақат дорилфунундир. Дорилфунуннинг Адабиёт факультети — деярли турк маданияти факультети деб аталиши мумкин — миллий маданиятни энг кўп юксалтирган ҳам шу муассасадир.

Туркийот институтига келсак, бугун бу муассасани мукамал ҳолда ташкил қилмоқ имкони бор. Оврупонинг мухталиф миллатларида Туркийот (туркшунослик) илми учун жонини фидо қилишга тайёр туркологларни бу институтга аъзо сифати билан олмоқ жоиздир. Овруполи туркологлар билан маҳаллий туркшуносларимиздан ташкил топган бир институт ташкил қилинса, у миллий маданиятнинг хазиналарини танлаб бера олади ва миллатлараро академиялар оламида илмий обрў қозонажакдир.



## ЯНГИ БИТИКЛАР



*Давр зулмига ва лекин  
Бир умр бош эгмадинг,  
Сен — Муқанна, сарбадор — сен,  
Эрксевар қон, ўзбегим.*



Ватан... Бу қандай сەҳрли маконки, уни деб халқлар қўлга қурул 'олади? Унинг қандай жозибаси борки, эгалари бегоналарга бергиси келмайди? Унинг қанақа қуввати борки, ҳимоясига халқлар жонларини тикадилар. Тангри таолонинг улуғ неъматини бўлмиш ҳаётларини қурбон берадилар?

Дарвоқе, «Ватанни севмоқлик — иймондандир». Демак, босқинчиларга, мустамлакачиларга қарши курашганлар энг аввало иймон учун курашгандирлар, ор-номус учун жон бергандирлар. Иймонсизда ор-номус бўлмайди. Ор-номуси йўқ кимсалар ватанларини-да осонгина сотадилар. Шукрки, бизларнинг озод яшашимиз учун жон фидо қилган иймонли боболаримиз бор. Уларнинг миллий озодлик учун олиб борган курашлари бизни мағрур қилади.

Ёш ёзувчи Эшмуҳаммад Донохоновнинг «Қуюн» қиссаси ана шундай ор-номусли аجدодларимиздан бири Иброҳимбек ва унинг йигитлари тақдири ҳақидадир.



# Эшмухаммад Донохонов

## ҚУЮН

### ҚИССА

Бегона юртда сиғинди бўлиб яшаш нечоғли оғир экан. Буни Иброҳимбек ҳам ўз танасида сизди. Афғондан чиқиб кетишмаса, лақай элатининг ёшу қарисини қилич тифидан ўтказишлари аниқ. Шундай шартни ўртага кўндаланг қўйишмоқда. Э, воҳ, бундай қотилликка борадилар, деб ким ўйлабди? Борамиз деса, мусулмон мамлакатларининг кўписи бағрини очиб турибди, шоҳона яшашлари мумкин. Бироқ, ватан — ватан-да! Устига устак, йўл олис, қиш чиқиб баҳор кирган: тинмай ёмғир қуяди, ҳаво илиб кетганича йўқ. Болачакаю кексаларнинг кўпчилиги йўл азобига дош беролмаслиги тайин. Иброҳимбек ана шуларни ўйлаб, бошқа юртга боришдан бош тортди. Афғонга ўтиб кетганлар ватанга қайтсалар афв этишларини сўраб, сарҳаддагиларга хат жўнатди. Шартга кўнсалар, ўз оёғи билан ҳузурларига боришини ҳам айтиди. Аммо бек яна алданди... Ватандошларини ўққа тутишиб, дарё бўйи ўликка тўлиб кетди. Ўзларини тўқайга уриб омон қолганларнинг бир қисми кейинчалик Арабистон, Ҳокистонга ўтиб кетишди. Кетиш имконини қилолмаганлар эса афғон юртининг ҳар чеккасида яшириниб, жон сақлаб юришди...

Ахийри бўлмади. Бормаслик номардликдай кўринаверди, борақ эса куяверди. Иброҳимбек омон қолган йигитларини олиб, яна юртга қайтадиган бўлди. Йўл-йўлакай Эгамберди Ботирнинг жасади қўйилган тепаликка тушишди. «Жойинг жаннатдан бўлсин, ботир, — деди бек қабр бошидан жилаётганларида, — бу дунёда роҳат кўрмадинг. Эгам у дунёнингни обод қилсин. Ҳарна бўлсаям сен тинчидинг, ботир. Биз бўлса, борар манзилимизни билмай сарсон-саргардонмиз. Аросатда қолдик, ботир, аросатда! Энди бор умидимиз чин дунёдан»...

«Водариғ, — деб ўйларди Иброҳимбек, — ватаним деб жон берган ботирга ватан тупроғи насиб этмади-я?! Шу қабрда ботирнинг жасади бўлса — шунисига ҳам шукр қилардик. Ботирнинг жасади Амуга кетган деган гаплар ҳам бор. Шунисидан худо асрасин».

Шу ўйлар бекнинг вужудини кемириб борарди. Қай бирига

ишонсин, ҳеч бирига гувоҳлик берувчи тирик зот йўқ. Униси ҳам, буниси ҳам тахмин. Ҳе-е, бунақаси камми: кимлар қай заминда туғилди-ю, жасади қай юртда қолди? Мана, Анвар пошо, бошқа элдан келиб, Хатлонзаминда абадий маскан топди. У шу мақсадда ватанидан бош олиб чиққанмиди?!

... Анвар пошо туркистонликларга ёрдам кўрсатмоқ ниятида сафарга чиққанлигини эшитганда Иброҳимбек бунга унчалик ишонмаганди. Ниҳоят, Афғонда юрган Саид Олимхонга: «Анвар пошо дегани биз томонга ўтмоқчи экан. Ул зот ҳақида маълумот ва унга нисбатан қандай муносабатда бўлишимиз ҳақида маслаҳат берсангиз», деб нома жўнатди. Чопар Афғонистондан шундай кўрсатма келтирди: «Анвар пошо нодир қобилиятли киши ва истеъдодли саркарда. Эҳтиром билан кутиб олинмоғи керак. Бордию акси бўлса — изига қайтарилсин!»

Сўнг у йигитларини тўплаб, Анвар пошони кутиб олишга чиқди.

— Қай мақсадда биз томонларга сафарни ихтиёр этдингиз? — деди у.

— Мусулмонларга холис хизмат қилишдан бошқа мақсадимиз йўқ, — деди Анвар пошо, ҳеч бир иккиланмай ва жилмайиб турганича.

Учрашувдан қаноатланган Иброҳимбек уни қабул қилди ва сўнг қўшинга бошчилик қилишни унга топширди. Мана, бугунга келиб, у қўшин ҳам тум-тарақай бўлиб кетди... Ажалга чап бериб келган йигитларига ҳам бек бугун жавоб бериб юбормоқчи.

Афғондан қайтаётганлар дарёнинг ёйилиб оқадиган жойига келиб тўхташди. Ортда — Афғон. Дарёдан ўтилса — Чубек. Барчанинг боши қуйи солинган, бек ҳам жим. Отлар ер депсиниб, пишқиради. Дарё суви қуёш ёғдусида жиллолиниб-жиллолиб оқади. Иброҳимбек нигоҳини сувдан уздию атрофидагиларга қаради. Бир зумдан сўнг деди:

— Ўзимни уларнинг қўлига топширмоқ ниятидаман. Бу ёрига ёлғиз кетишни ихтиёр этдим. Азизлар, розилик бераман, кўнги қай томонга тортса — ўша ёққа бориб умр кечириш пайдан бўлинглар. Азиз бошларингиз омон бўлсин. Сиздан розиман...

Жўяли маслаҳат у ёқда турсин, бирон кишидан ақалли сас ҳам чиқмади.

— Унда, — деди бек қўлидаги қирғийни назарда тутиб, — ҳамиша йўл бошлаб келган мана бу жонвори учирамиз. Қай томонга қараб йўл олса — ўша ёққа от бошини бурасизлар. Таваккали худо, пешонага битилгани-да...

Кўкка кўтарилган қуш бошлари узра икки-уч бор давра олиб айланди-ю, отлиқ ўта олмайдиган тоғ чўққиси томон кўтарилиб кетди. Шу кетганича қайтмади. Бек қушнинг қайтишини умид-ла узоқ кутди, зор-зор кутди — қайтмади. Буни бор умиди пучга чиққанлигига, омад юз ўгирганлигига йўйди. Йигитлар не бир сирли, не бир ғамнок нигоҳлар билан

ёкка кўз қири-ла назар солишди. Бек от жilовини дарё сари  
Курганида унсиз эргашишди.

— Азизлар, — деди бек ўта илтижоли оҳангда, — бузруг-  
ларнинг бир гапи бўлар эди: «Боланг кўз олдингда манман-  
лик қилса, хотининг сенласа, итинг қопса, отинг тепса — бил-  
илки, омад сендан юз ўгирган. Унда тўрт кишининг бошини  
бирлаштириб, раҳнамолик қилишингга ҳожат йўқ. Азизлар,  
галаринг гувоҳ, шу ҳолнинг бири ўз бошимдан кечиб турибди.  
Мен энди ҳали айтганимдай, уларнинг ихтиёрига ўзимни топ-  
тираман. Бу ёғига хайр, азизлар. Кўнгил қаерга тортса—  
ўша ёққа боринглар. Фақат, фақат танларинг ватан тупроғи-  
га қолса бўлди. Менга эргашиб, беҳад азиятлар чекдиларинг.  
Бу учун кўпдан кўп узр сўрайман. Илоё тангрим сенларни ўз  
қаноҳида асрасин. Бундан ўзга маглабим йўқ. Яшириниб  
юриш ўлимдан минг бор оғирроқ экан. Бунақа яшаш сизу  
бизнинг қўлимиздан келмайди. Улсак ҳам шуларнинг қўлида  
ўлайлик. Жасад ватанда қолади-ку?!

Иброҳимбек не бир машаққат билан йигитлар даврасидан  
ажралиб чиқди. Қаюм парвоначи билан мулла Раҳмат бек-  
нинг ялиниб-ёлворишига ҳам, дўқ-дарангига ҳам кўнмай,  
ёнида бўлишга розилик олдилар. Учовлон Кофарниҳон ёқа-  
лаб йўлга тушдилар.

Бек кўз юмганича от устида иргалиб кетиб бораркан, амир  
билан биргаликда Евон томон ўта туриб, Шўрчи қишлоғида  
жаноза устидан чиқиб қолганликларини эслади. Ҳарорат ба-  
данлиги боис бўлса керак, жасад бостирмага қўйилган эди.  
Энг яқин қавм-қариндошлари, ёр-дўстлари марҳумнинг атро-  
фида айланганларича айтиб йиғлашмоқда эди. Еши элликдан  
ошган аёл чапак чалиб, бор овоз билан нола қиларди:

*Тапқанини яхшилиққа жаратқан,  
Элди авзига қаратқан тўр-ем!  
Тўр-ем-а, аҳ, саркерде, тўр-ем,  
Уйда ўрнинг бўш қалди.  
Балаларинг жаш қалди,  
Тўр-ем-а, аҳ, саркерде тўр-ем!  
Умидминен баш қўшқан,  
Жўрангди кимга тайладинг,  
Аҳ, арманли кеткен тўр-ем-а!..*

Мункайиб қолган етмиш-саксон ёшлар оралиғидаги кам-  
пир бўғиқ овоз билан ўксиб-ўксиб йиғлаётир. Оҳ-нола қилаёт-  
ган икки аёл уни суяб туришибди. Кампир қалқиб-қалқиб  
кетади. Эзилиб-эзилиб, ўксиб-ўксиб йиғламоқда эди:

*Улимем шундай бўлама,  
Қари қалип жаш ўлема,  
Атинг ўчқир, аҳ, ўлим-а!  
Кўйиб кўл бўлдим, балам,  
Сен ўлгинча мен ўлсем  
Бўлмасмеди жан балам-а!..*

Еши қирқлардан ошиб қолган киши бош чайқаб-чайқаб бўзлаяпти:

*Қўрган эдинг гуладинг,  
Визди гамага белединг,  
Суйенчигим, аҳ айнам-а (акам)!  
Ата бўлип аш бердинг,  
Қийин дамде иш бердинг,  
Ич куерим, аҳ айнам-а!..*

Амир оҳиста Иброҳимбек сари энгашиб сўради:

— Бек, марҳумнинг укаси шекилли-а?

Иброҳимбек тасдиқ маъносида бош ирғади.

Ун саккиз-ўн тўққиз ёшлар чамасидаги йигит зор қақшаб фарёд қилаётир. Унинг йиғиси юрак-бағирни ҳам эзиб юборарди:

*Кўзинг қурсин, демебенг,  
Ақали бир чертмебенг,  
Аҳ, меҳрибанғана атам-а!..*

Эллик ёшлар чамасидаги киши деворга суяб қўйилган тобутни кучоқлаганича бор овоз билан айтар эди:

*Эл устида бек эдинг,  
Жаман ишде жўқ эдинг,  
Базар жўрамнан айрилдим, жўрам-а!..*

Иброҳимбек йиғлаётган одамни таништирди:

— Тақсир, буниси марҳумнинг тўн ёпинган дўсти.

— Мен ҳам шундай ўйга боргандим, — деди амир ҳорғин овозда. Мотамхонадан узоқлашиб кетишгач эса, қўшиб қўйди:

— Бек, марҳум ўзи етим ўсган, лекин яхши ишларга бош бўлганлиги билан обрў қозонган одаммиди?

— Худди шундай, тақсир.

Саид Олимхон от устида яна бир фурсат жим борди ва сўнг хиёл бош кўтариб, Иброҳимбекка юзланди:

— Бек, қаранг, халқ бисоти қандай бой. Айтиб йиғлаганида ҳам бутун бир авлод ўтмишини кўз ўнгингизга келтиради.

— Ҳа, тақсир, халқ — буюк, халқ — доно. Халқ — хазина. Аламлиси шундаки, буни унча-мунча одам тушунолмайдди.

— Шунақа, — деди амир оғир сўлиш олиб. — Сизу биз ҳам нималарнидир тушуниб, нималарнидир тушунмай юрибмиз. Бир кун қарабсизки, умр деган ўтиб бўпти...

Улар узоқ жим қолдилар. Сўнг яна амир сўз очди:

— Бу томоннинг одамлари хусусида қандай фикрдасиз, бек?

— Эътиқодли одамлар, имонлари бут. Ислом йўлида қўларидан келган ишга тайёрлигига ишончим комил, тақсир!

— Тўғри англабсиз бек, тўғри англабсиз!..

Бир халқнинг қанақалигини тўғри англаган бек ўшанда амирнинг ўзи аслида ким эканлиги ҳақида ақалли ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Фақат бир нарсани — амирни асраб қолишни биларди. Саид Олимхоннинг ўзи ҳам жонини сақлаб қолиш пайдидан бўлиб, Бухородан бош олиб чиққач, Ҳисорда олти ой умргузаронлик қилди, сўнгра Афғонга ўтиб бошпана топди. Энди у юртдан кўра яқин кишилари хавфсизлигини таъминлашу ортда қолган бойликларини кадриҳол жамғариб олиш пайида. Бекдан ҳам воситачи сифатида фойдаланмоқчи... шекиллик. Ҳангомагўйларни-ку, ён-веридан аритмайди. Бир марта никоҳ тўйига ҳам олиб борувди. Бек лақай элатининг никоҳ тўйини қўни-қўшни яшаб келаётган халқу элатлар тўйларидан қолишадиган жойи йўқ; деб биларди. Кўнглини эса шўро удумларини жорий қилиш билан шу урф-одатларимиз оёқости қилинмасмикан, деган ҳадик кемиргани-кемирган эди. Мана, у юртга қайтапти, ўз жонини эмас, шу сингари кутлуғ мерослар тақдирини ўйлаб, ич-ичидан зил кетиб борашти.

«О-оҳ, тўғри ўзбекмизда-я, — хаёлидан кечирарди бек, — энди ўйлаб кўрсам, амир ўз жонини асраб қолиш пайида юрган экан-у, мен эсам, элим урф-одатларини унга кўрсатиш пайида бўпман».

Отлар ҳорғин одимлайди, шериклари бекнинг раъйига қараб жим кетишяпти. Иброҳимбек хотирасида ўша тўй лаҳзалари бирин-кетин жонланиб борарди... Амир бошдан-оёқ кўрсин учун тўй очик майдонда ўтказиладиган бўлди. Амир ва унинг аъёнларини бўйра устига кигизу қават-қават кўрпачалар ташланган баланд супага ўтказишди. Саид Олимхоннинг у ён, бу ёнига қат-қат болишу ёстиқлар қўйилди. Ғўштнинг қоврилгану қайнатилгани товоқ-товоқ. Карсон товоқлар тўла чалоп, кўнгли тортганига — ёғоч косаларда қуйиб берилляпти.

— Буни бизда оёқ дейди, денг? — Саид Олимхон ёғоч косани қўлида айлантирганча Иброҳимбекка таъсирланиб қаради. — Косани оёқ дейишларини билардим, ҳазрати Навоий битикларидан ўқиб беришган. Чегалдақларингу ёғда пиширилган юпқа патирларинг жа хушхўр бўларкан. Това нонларингиз ҳам маъқул. Бизбоп — мулойимгина.

— Қуллуқ тақсир, қуллуқ, — Иброҳимбек қўлларини кўксига қўйди ва оҳиста деди: — Тақсир, Навоий ҳазратларининг тақия деган сўздан фойдаланганлари ҳақида меним ҳам эшитган жойим бор.

Иброҳимбек шундай дея салласини қўлга олди ва тоза ипақдан гулланган учи шишроқ бош кийимини орасидан сугурди:

— Бизда мана шуни тақия дейишади. Тақсир, шундай ўйларга ҳам бориб қўяман: қайси бир замонлар лақайлар тили ҳам маълум бир мавқеъга эга бўлган эмасмикан?

— Эҳтимолдан холи эмас, — деди амир. — Бу кўҳна дунё, нималар бўлиб, нималар ўтмаган, дейсиз...

Қай бир ёндан кўтарилган каклик қаноти шарпасидан

хурккан от илкис силкиниб, бир тўхтади, хаёл риштаси узилган бек чайқалиб кетди. Кўз очиб, ёнидагиларга қаради. Уларнинг оти ҳам хурккан шекилли — сергакланган, ўзлари ҳам Бек яна кўз юмди. Хотирасида ўша тўй маросимининг давоми жонлана бошлади: кампиру хотинлар даврасида қизлар гуруҳи ҳовлига кириб келишди ва бир четга ташлаб қўйилган гилам устига бориб ўтиришди. Амир қизларга суқланиб суқланиб боқди. Қизлар ибонинг зўридан кўзларини ердан узишмас, бошларида учи шиш тақияю устидан бари ерни чизадиган рўмоллар ташланган. Бўйинлар тўла тақинчок, бурунларга лати, қулоқларга сирғалар осилган. Амир ўзини тутиб туролмай пичирлади:

— Ҳар биттаси бир қошиқ сув билан ичиб юборгулик-а? Минг афсус, қизларнинг сараси лақайларда экан-у!

Иброҳимбек қошлари чимирилиб ва асабийлашган ҳолда тим қора соқолини силади. Узгалар яна таъзимда бўлишди. Амир Иброҳимбекка бир зум тикилиб турди, жавоб қайтавермагач, кайфияти бузилганлигини гарчи пайқаган бўлсада, яна сўради.

— Нима дедингиз, бек?

— Тақсир, аввало узр, — деди Иброҳимбек табиатига хос ўжарлик билан. — Кейинига, сизни бу ерга таклиф этишимиздан мақсад лақай қизларини кўз-кўз қилиш эмас, элатимнинг урф-одатларидан бохабар этиш эди.

Бекнинг жавоби амирнинг қаҳрини келтирди. Илгари вақтлар бўлса-ку таъзирини берармиди. Сўнг ноилож тилғламаликка ўтди:

— Бек, мен асло ёмон мақсадда айтганим йўқ! Оталик меҳри билан гапирдим, оталик меҳри билан.

Шу дам олдинда ўрта яшар икки киши, изидан ўн-ўн беш чоғлик йигитлар ҳовлига кириб келишди ва давра қуриб ўтирган хотин-қизлар атрофини қуршаб, тўхташди. Олдинда келган кишилар келин ўтирган жойга яқинлашиб келинчакка дедилар:

— Қирмиз, Қирмизой! Укилимни<sup>1</sup> тоғамга бағишладим, дегин. Қани, бағишладим де! Қани, айт-чи, тоғамга бағишладим, де!

Келинчак жим, ёнида ўтирганлар жим. Амир ва ёнидагилар ҳам жим. Иброҳимбек бу ҳолатга изоҳ берган бўлди:

— Қиз ўкилини тоғасига бағишлаганлигини овоз чиқариб айтиши керак. Айттирилгунча анави эркаклар бир ўлиб тирилади, ҳали кўрасиз.

Эркаклар узоқ муддат давом этган ялиниб-ёлвориш, дўқ-пўписа ва келинчак ёнидаги қизларга совға улашишлардан кейин қиз ваколатини олишди. Кейинига улар бир четдаги кигиз устида ўтирганлар ёнига келишди. Икки киши гувоҳликка ўтди. Тугун ечилиб, тоғага аталган тўн, кийимлик ва саллалик матолар, этик, иккита тилла танга бирма-бир кўр-

<sup>1</sup> Ваколатимни.

сатилиб, тогадан жияни ваколлатини куёв йигитга бағишлаши сўралди. У жим туравергач, яна бир дона тилла танва ташланди, сўнгра тоға розилик берди. Даврадагилар «тўн кулдук бўлсин», қилишга тушишди.

Сўнг хутба ўқилди...

Йигитлар ҳовлидан чиқишиб, ҳеч қанча ўтмай куёвни ўраб кириб келишди. Аёллар куёв йигитга бола тутиб, ойна сўрсатишди ва атрофидан чироқ айлантиришга тушишди. Куёвнинг ёнидагилар эса аёлларга кумуш, баъзида тилла тангалар улашиб туришди. Кейинига қўл ушлатарга ўтишди, яъни, удумга кўра йигит билан келинчакнинг қўлларини бир-бирига тегизишди. Бу ишларнинг барчаси ўринлатилгандан кейин аёллардан бири кўшиқ бошлаб юборди:

*Эшик алди мавжум (мажнун) тал,  
Мавжум талга таъзим сал,  
Мен патаҳа (фотиҳа) айтайин  
Куёв бегим қулақ сал,  
Уй артида таба таш,  
Таба ташдинг суви бўш.  
Куёв бекти сўрасанг  
Ўрта бўйли қалам қаш.  
Хулкерминен (билан) тарази,  
Ат чаптирим араси.  
Куёв бегим тўнлари  
Турли жибек чирази.  
Чимилдиғи чимкеште,  
Алған яри ўн беште.  
Кележегини сўрасанг,  
Вол дунйеда пейиште (жаннатда)  
Атта бўсин, патте бўсин,  
Зуваласи катта бўсин.  
Дағдағаси элде бўсин,  
Салтанати бекте бўсин.  
Жатти хатар нари бўсин,  
Бўхча тўлған зари бўсин,  
Зулпи гажек яри бўсин,  
Қазани тўла кўже бўсин,  
Тугереги чўже бўсин,  
Учағи тўла кул бўсин,  
Уйи тўла ул (ўғил) бўсин,  
Ули бўса мўлла бўсин,  
Дамулладай сўзи бўсин.  
Периштедей жузи бўсин,  
Қизи бўса буви бўсин,  
Ханақада жайи бўсин,  
Қўш чайнекте чайи бўсин.  
Қиш кийими ҳулпи бўсин,  
Авзи тўла кулки бўсин.  
Қабиргани қарта жесин,  
Ўмиртқани ўрта жесин.  
Жаққани арча бўсин,  
Таққани тумар бўсин,  
Жегени қатиқ бўсин,  
Давлеги артиқ бўсин.*

Жегени жузум бўсин,  
 Умири узун бўсин.  
 Ҳавлиге гўла қақтирсин,  
 Гўлаға бедев байласин.  
 Узаққа сапар қиғанда  
 Калле тўлғап ўйнасин.  
 Ати бўсин кўкжўрга,  
 Уриб сасин танг жўлға,  
 Ати минсин жалтўшлап,  
 Саврисиға қўл ташлап.  
 Жегени тўйир бўсин,  
 Мингени ўйир бўсин.  
 Адир туби хас бўсин,  
 Кийган тўни лас бўсин.  
 Минган ати мас бўсин...  
 Чавуп ёган бедев  
 Тақимида харисин.  
 Суйиб аған суйдиги  
 Қучағида қарисин.  
 Ақ газеден куёв чиқди,  
 Ат ўйнатип, авузлигин чайнати.  
 Бийкелари ўтирир  
 Қўй башини қайнати.  
 Қара жуннинг қуйқаси,  
 Билегиде чуйкеси.  
 Айна куев келди, деб,  
 Жугурип чиқсин бийкеси.

Фотиҳа айтаётган аёл овозини пасайтириб бориб жимиди  
 ва эркаклар томонидан қандай изн бўлишини кутиб қолди.  
 Бек фотиҳагўй аёлнинг фаросату зукколигига ичдан таҳ-  
 син айтиб, қани, қанақа ишора бўларкан, дея Саид Олимхон-  
 га юзланди. Амир эса, ундан ҳайратланиб сўради:

— Тугадими?

— Истасангиз, давом эттиришади, — деди бек унга жаво-  
бан.

— Унда, давом эттиришсин!

Кейин аёллардан бошқаси фотиҳа айтишга ўтди:

Адақдан келер кўп атли,  
 Кўп атлининг ичиде  
 Бизинг куёв симбатли;  
 Симбати сувдан ўтти,  
 Давруғи Қўқан жетти.  
 Қўқандағи маллари  
 Элден алдин пулға ўтти.  
 Қўйи қумлақ жайловласин,  
 Карсен қуйруқ байласин.  
 Бухарадаги пирчани,  
 Бизинг қизга сайласин.  
 Бийке харжи дегенде  
 Чимилдиқдинг башидан  
 Мушдай сақич тайласин.



Адақдағи майда қиз  
Чекменташ қип ұйнасин.  
Пачечекдей гулли бўсин,  
Навурзекдей турли бўсин.  
Келеси жили шу маҳал  
Қўш какулли улли бўсин.  
Бирининг атини Турап қўйсин,  
Бирининг атини Юсуп қўйсин.  
Тураби гапке журмесе  
Қулағидан бурап қўйсин.  
Юсуби гапке журмесе  
Бўрбайдан қисип қўйсин.  
Эшик алди темир хачче,  
Тўрегисин куёв басса:  
Аемин, десин қўл кўтерип  
Шу ердеги катта-киччи.

— Яхши-яхши, — деди амир таъсирланиб. — Биз лақайнинг отлари доврўғидан бошқа ҳеч нарсани билмай юрган эканмиз-да. Бу мадҳияни қарангу, овозни қарангу! Бошдан-оёқ эзгуликка йўғрилган тилакни қарангу! Никоҳ тўйининг ҳаммаси ҳам шунақа ўтадимми?

— Ҳа, тақсир, — деди Иброҳимбек, — худди шу тақлид-да ўтади. Бундай далада эмас-у, ҳар бир удум алоҳида-алоҳида хоналарда. Сизнинг кўриб билишингизга қулай бўлсин учун очиқ майдонда ўтказдик, тақсир. Яна бир ҳолатни кўрсатиш имкони топилмади. Хутба ўқилишидан бурун «қиз қочди» си бўлади. Ғору тоғ-тошлар орасигами ёки бирон кишининг уйигами яширинишган қизларни куёв томон йигитлари топиб келишлари керак. Кечаси ўтказиладиган қиз қараш тонг отаргача давом этган пайтлари бўлади. Ваъзида қизларнинг қаерга яширинганлигини кўрсатган қишлоқ болаларига куёв томон совға улашишлари керак.

— Ажойиб, ажойиб, — деди амир ўтирган ерида қўзғалиб қўйиб. — Ибратли удум.

— Энди, тўй соҳибидан қайтмоққа ижозат олсак бўларди.

— Хўп, тақсир, хўп, — ўрнидан турди бек, — тўй эгаси ўзимиз, қани, дуо қилиш сиздан.

— Вожаб, — деди амир бош чайқаб, — ақалли кўнгил учун ўтирибсизлар-да демасиз-а?

Бек тавозеланди:

— Тўғри ўзбеклигимиз бор-да.

Хаёлида эса: «Бировга ёмонликни раво кўрмаймиз, бировдан ёмонлик кутмаймиз. Шу хислатларимизни йўқотиб юбормасак бўлгани энди», деб қўйди...

Улар мана энди яна Боботоғ ёнбағирлаб боришаркан, қўш хайдаб юрган деҳқонга кўзлари тушди. Орада сойлик, у бетда деҳқон, бу бетда — учовлон.

— Хў-ўв, деҳқон, — дея овоз солди Иброҳимбек қўшчи-

га қараб, — худо ёрлақасин, егулик бирон нарса топилади-ми?

— Сизлар кимсиз ўзи?

— Қўрқманг, деҳқон, — деди бек. — Мен Иброҳимбек бўламан. Савобталаб бўлсангиз, ақалли бир бурда нон берсангиз. Бергингиз йўқ бўлса, унда ҳам ихтиёр ўзингизда.

— Ҳозир, тақсир, ҳозир, — деҳқон ҳўкизларни қўшдан бўшатди ва сўнгра нон тугилган белбоғини қўлга олиб, беклар сари югургилади.

— Худо хайрингизни берсин, эй, яхши одам, — деди Иброҳимбек қўлга олган ёрти това нонни тўрт бўлак қилиб ушатар экан. — Бир фурсат бўлса-да, жонимизга оро кирдингиз. Оллоҳнинг ўзи ёрлақасин!

— Сизни зиёрат қилиш насиб этганига минг қатла шукр, тақсир, — деди деҳқон қўлларини бекнинг елкасига тегизиб тавоф қиларкан. — Қандай хизматингиз бўлса, буюринг, бажаришга тайёрман!

— Унда сизга битта хизмат бор, — деди бек, — бориб, Қувондиққа билдиринг, биз Эсонбойли Гулбой раисникида бўламиз. Командирни тополмасангиз Муқимга хабар беринг. Тангрининг хоҳиши шу кўринади. Ҳукуматга таслим бўлишни ихтиёр этибди, денг. Келиб ўз қўли билан олиб кетсин. Ҳарна бўлса, бизга унча-мунча хизмати ўтган.

Деҳқон тоғ оша Эсонбой сари тушиб кетди...

Иброҳимбекнинг шикаст топган қўли зирқираб оғрир, от силкиниб кетганида беихтиёр «иҳ», деб юборарди. Отлар ҳорғин одимлар, хаёллар тутқич бермас, ҳар ким ўз ўйи билан. «Жонни Оллоҳ йўлига тиккан одамлар бўлсак, — хаёлидан кечирарди Иброҳимбек. — Қай бир гуноҳимиз учун тангрим бу жазога маҳкум этди. Тўғри, биздан ўтган жойи ҳам бўлди. Йигитлардан ўтди. Кўпчилик-да, олаям чиқаркан — булаям. Сафимизда юрганлар орасида икки нафсига ҳам эрк бериб қўйганлар тобора кўпая борди. Уларни тийиб туришнинг иложини қилолмадик. Қай бирининг йўлини тўсардик, қай бирини жазолардик. Мана, оқибат: улуғ ниятларга етолмай кетяпмиз».

Иброҳимбек халқ бошига ситам келтирганларга нисбатан шафқатсиз эди. Билса — жазосини бермай қўймасди. Лекин... Бирида Деновда эр-хотин арзга келди. Паранжили аёл тўлғаниб-тўлғаниб йиғлар, эр эса куйиб-пишиб, тутилиб-тутилиб сўзларди:

— Бек?! Бу қанақаси бўлди, бек?! Йигитларингиз ҳалол уйимни ҳаром қилди, бек! Куфур қилмаган ишни қилишди, бек! Уйимни куйдиришди, бек! Лашкарининг қилмиши шунанга бўлса, исломининг ўзи қанақа, бек?!

— Ушаларни йигитлар орасидан кўрсатоласизми? — деди Иброҳимбек ва оҳиста отдан тушди. Йигитлардан бири югургилаганича келиб, от жиловини ушлади. — Танийолсангиз, менга кўрсатинг!

Арзга келган йигит отликлар орасидан бирини кўрсатиб

«зино қилган шу», яна бирини кўрсатиб, «гувоҳ мана бу», деди.

— Гапи ростми? — деди Иброҳимбек дастлаб кўрсатилган йигитга еб қўйгудек ваҳожат-ла тикилиб. Йигит қўрқинчдан қалт-қалт учар-у, «тавба қилдим, тавба қилдим» дан нарига ўтолмасди. Бек ёнидан маузерини олдида йигитнинг пешона-сига тўғриларкан, «Сенинг ҳақинг шу» дедию ўқ узди. Сўнгра иккинчисига юзланди: — Шу қабоҳатни кўриб, томошабин бўлганинг учун!

Қўрқинчдан юзи докадай оқариб кетган иккинчи йигит ҳам пешонасидан ўқ еди...

— Бек, — деди Қаюм парвоначи.

Иброҳимбекнинг хаёл риштаси узилди. Оҳиста бош буриб овоз соҳибига қаради.

— Бек, — деди яна овоз соҳиби, — амирнинг топшириғи нима бўлади?

Иброҳимбек бу саволга ҳадеганда жавоб қайтармади. Кўзларини юмганича яна хаёлга берилди. Отлар ҳамон ҳорғин одимлайди. Икки содиқ инсон бекдан қандай жавоб қайтишини кутиб жим. Бек эса, жавоб қайтаришга шопилмай — жим. Бек беихтиёр Саид Олимхон иккалалари орасида куни кеча бўлиб ўтган гап-сўзни эслади.

— Бек, — деди амир унга қайтиш арафасида, — икки юз отга юк бўлгуси ғазнам Қарши тоғлари атрофида ётибди. Ғазнани элтиб кўмганлардан биронта тирик жон қолган эмас. Тилланинг қаерга кўмилганлигини биладиган ёлғиз ўзим. Давронни Калапўш, Калапўшни Низомиддин, уни бошқа бириси ўлдирворган. Ғазнанинг қаерда эканлигини биладиганлардан иккинчиси энди сиз бўласиз, бек. Ушани бир илож қилиб Афғонистонга ўтказсангиз — баҳам кўрардик. Етти пуштимизга етиб-ортарди, бек.

«Имкон топилса — ҳаракат қиламан», деб қўяқолди Иброҳимбек. Аммо, мана шунча кун ўтибдики... у асло имкон қидирмасди. Учовлон ажрашиб чиққандагина буларга амирнинг топшириғи хусусида шунчаки билдириб қўйганди холос. Иброҳимбек оҳиста бош кўтарди:

— Амирга насиб қилганида ғазна аллақачон Афғонистонга ўтиб кетган бўларди. Насиб қилмаганки... у ер-бу ерда қолиб ётибди. Афғон юртини кўзлаганларнинг бари бойлигини олиб ўтолдимиз? Йўқ! Кўпи базўр ёлғиз жонини олиб ўтди. Ота-боболарнинг юз йиллар оша тўпланган ғазнаси Саройкамарнинг қайси бир ғору ўнқир-чўнқирларига кўмилди. Дарёга кетгани дарёга кетди. Афғонга ўтгани Афғонга ўтди. Бу юртда нима қолди, вайрона макону бағри қон одамлар. Мана, юртнинг ҳоли, юртдошларнинг аҳволи. Қиёмат қойим бўлгани шу эмасми?!

Бек бир зум тин олиб, яна гапида давом этди:

— Авалқуззеклик Бибисаме кампирни яхши биласизлар. Худо берган, бой-бадавлат кампир эди. Уғилдан тўққизта. Каттаси Ҳисор беклигида мирзабоши бўлиб, беҳад илмли

киши эди. Кенжа фарзанди Боймурод Тошмачитда имомлик қиларди. Чорвасининг сонини ўзи ҳам билмас экан. Йилқининг ўзидан қирқ уюр. Эшитишимча, Афғон юртига ўтаётиб бор бисотидан айрилиб, Данғара атрофида қолиб кетганмиш.

— Ҳалиги, мулла Хидир билан қуда бўлган кампирми? — деди мулла Раҳмат.

Бек тасдиқ маъносида бош ирғаб жим қолди.

Сўнг елкага ташлаб қўйган қора чопонининг барини тортиб, тақими остига қистирди ва кўзларини юмди. «Воҳ, дарифо, — деди хаёлан ўзига ўзи, — шундай қилиб, умр дегани ҳам оёқлаб боряпти. Еш бўлса — энди қирқ иккида. Тўрт аёлдан икки фарзанд қоляпти. Ойимхолдан ўғил бор. Ким биларди, унинг тақдири не кечади? Туймехоли Афғонистонда қолди. Иккинчи фарзанди Чубекда, уям бўлса — қиз. Қиз дегани бировнинг хасми. Ундан унган зурёт ҳам бировнинг номи билан аталади. Ундан-чи, нима қоляпти?»

Иброҳимбек дастлаб отаси Чақабой тўқсоба билан Қулмет бийнинг хоҳишига кўра Ғаров қишлоғидан уйланган эди. Келиннинг умри қисқа экан. Йилини беришгач, «хеш-товарлик узилмасин», деб Иброҳимбек балдизига уйланди. Бухородан қайтгач эса, мана, ҳозир ёнгинасида кетаётган Қаюм парвоначининг қизига уйланди. Бунинг тарихи тубандагича бўлган эди.

Ушанда у тоғма-тоғ овчилик қилиб юрган эди. Бир кетса, ҳафталаб кетарди. Тоғ кезиб юрганида изидан уч-тўрт киши келди. Данғаралик Қаюм парвоначи жўнатибди. Милтиқлари бормиш-у, ундан дурустроқ фойдаланишни билишмасмиш. Қишлоққа келиб, йигитларга йўл-йўриқ кўрсатишини илтимос қилганмиш.

— Меган, — дея мурожаат қилди Қаюм парвоначи Иброҳимбек Тўрткўлга борганида, — бир дунё милтиқ топтириб келганман. Сабилни эплайдиган одам йўқ. Шу сабабдан сизни сўратдим. Йигитларнинг қўли милтиқ ушлашга ўрганиб қолгунча кўз-қулоқ бўлиб турсангиз.

— Бош устига, таксир, — Иброҳим қўлларини кўксига қўйди.

Иброҳим милтиқни ўқлаб ҳовлидаги тутга томон кесак отди. Бир жуфт чумчуқ кўкка ўрлади, бири ўнг, иккинчиси сўл томонга қараб учди. Иброҳим олдин ўнг, сўнгра сўл томондагисини отиб туширди.

— Офарин! — деди Қаюм парвоначи Иброҳимнинг мерганлигига қойил қолиб. Сўнгра қўнглидан ўтказди: «Қиройи ўғлинг бўлса — шундай бўлса! Ҳеч бўлмаса, қизинг шундай йигитга тушса».

— Таксир, — деди Иброҳим Қаюм парвоначига, — бунча милтиқни нима қиласиз?

— Наҳот эшитмаган бўлсангиз. Қизиллар бостириб келяптимиш. Ор-номусни, мусулмончилигимизни ер билан яқсон қилдириб қараб ўтираммизми — чиқамиз-да. Ушанга тайёр-гарлик, ўғлим.

— Биз томонда ҳам шундай гаплар юрибди, — деди Иброҳим, — аҳли мусулмонга қийин бўладиган кўринади. Уларнинг мақсади — ислом динини йўқотишмиш. Ҳайронман, биз уларга нима ёмонлик қилибмиз: охирагу тирикчилик йўлида умргузаронлик қилиб юрган одамлар бўлсак? Бир бошга бир ўлим дейдилар. Тирик туриб, динимизни оёқости қилдириб қўймасмиз!

— Баракалла йигит, баракалла! — дея Қаюм парвоначи ўрнидан туриб, кўшни хонадан туя жунли оқ чакмон кўтариб чиқди-да, Иброҳимнинг елкасига ташлади. — Фарзандим ўрнида фарзанд бўлинг!

— Қуллуқ, таксир, қуллуқ! — Иброҳим ҳурмат юзасидан кўлини кўксига қўйди.

— Фарзанддан нечта, йигит? — сўради Қаюм парвоначи.

— Ҳозирча йўқ, — бош эгди Иброҳим.

— Хотиндан-чи?

— Битта.

— Шарият бир йигитга тўрт хотинни раво кўрибди. Бунинг яхши томони шундаки, ҳаром-хариш юришга имкон топмайсиз. Болам, бориб қишлоқ оқсоқоллари билан кенгашиб кўринг, рози бўлишса, куда тутунмоқ ниятим бор.

Иброҳим кутилмаган бу таклифдан бироз саросимага тушиб, ийманганнамо ҳолатда нигоҳини ерга қадади.

...Иброҳим бу гапни қишлоқ оқсоқоллари ҳукмига етказганда улар қизни кўрдингми ё бунга ўзинг нима дейсан ҳам деб сўраб ўтиришмади. Негаки, лақай элатида бунақа ақиданинг ўзи йўқ. «Қаюм парманачидай одам бизнинг қишлоққа қиз беради-ю, биз йўқ деймизми?» деб мамнун бўлиб кетишди.

Иброҳимбек шу тариқа Қаюм парвоначига куёв бўлганига ҳам ўн йил ўтибди. Қува-қув, қоча-қоч сабаб аёлни ёнида ёлчитиб бўлолгани ҳам йўқ. Бироқ, қайнотаси иссиқ-совуқ, оғир кунлар демади, ҳамон бирга. Эътиқодининг устиворлигига қойил-е!

Бек хаёл-хушини йиғиб, ёнига оҳиста назар ташлади. Қайнота кўз юмганча от ҳаракатига мос чайқалиб борар, нималар хаёлини олиб қочган — билиб бўлмас эди. Илк учрашганларида соқолига энди яккам-дуккам оқ оралаган эди. Мана, энди — оппоқ оқарибди. Шунча йил юриб, на бекка бировни сотиб имонини қўйдирди, на яхши кўринмоқ йўлида сохта мулозимат қилди. Охир-оқибат ҳам комил инсонлигича қолди: мана, ёнма-ён кетиб боряпти...

Бу дунё бамисоли оқар сув экан. Нелар тушиб, нелар чиқмайди. Нелар оқиб, нелар чўкмайди. Дунёга келдингми, яшаш учун курашмоғинг керак экан. Шуниси бор: ҳар ким ўз хоши-иродасига кўра яшаб ўтмоққа ҳаракат қиларкан. Бундан ўн йил муқаддам Саид Олимхон бошпана истаб Ҳисорга кетган эди. Мана, бугунга келиб, Иброҳимбек ҳам Ҳисорга қайт-япти. У бошпана истаб эмас, жонини топширмоқ бўлиб... Одамларни, халқини асраб қолмоқ бўлиб...

Бек амирнинг Ҳисорга келиши ва унинг изидан тушган қизилларга қарши ғазот эълон қилиб, қўли устун келган кезларни бир лаҳза эсга олди. Қизик, бек энди режалар ҳақида кам ўйлар, ўтмиш хотиралари кўз олдидан ясов тортиб ўтгани-ўтган, ўзи эса босиб ўтилган йўлни сарҳисоб қилгани қилган эди. Ҳозир ҳам шу...

Амирнинг хавфсизлиги тўла таъминланган бўлишига қарамай, Иброҳимбек унинг кўзига кўринишни ўзига эп билмади. Чопар келиб, амир йўқлаётганлигини ва унинг гуноҳини кечганлигини айтгандагина ноилож ҳузурига бориш та-раддудига тушди.

— Ҳозир, ҳозир, — деди Иброҳимбек чопарга, — ҳозирок йўлга тушаман.

Чопар ташқарида кутиб туришини айтиб, уйдан чиқди.

Иброҳимбек атрофида ўтирганлар ҳайрону лол — амир унинг қанақа гуноҳини кечибди? Шу одамда ҳам гуноҳ бормикан?

— Бек, — деди Эгамберди ботир, — ислом йўлида чеккан азиятингиз ҳаммамизга маълум, ёлғиз жонни савоб йўлига тиккан одам бўлсангиз, амир наздида яна қанақа гуноҳингиз бўлиши мумкин?

Бек ўнғайсизланган ҳолда ён-верида давра қуриб, одоб сақлаб ўтирганларга хижолатлик ва сергаклик билан кўз қирини ташлаб қўйди. Барчаси қўли кўксида таъзим қилишди. Эгамберди ботир англади: бек ўша сирни айтмоқ ниятида, лекин ўтирганлар ҳузурарида эмас. Ботир бекка сезилар-сезилмас қилиб, ён-веридагиларга «чиқиб кетинглар», ишорасини қилди. Даврадагилар тушунишди: бек билан ботир танҳо қолмоқни исташяпти. Шу боис ўта тавозе билан билан биринкетин чиқиб кетишди.

— Мен бу ҳақда оғиз очолмай юрардим, — дея гап бошлади Иброҳимбек, ботир иккаласи қолгач, — мен амирнинг тузини тотиб, тузлиғига тупуриб қайтганим бор.

Бек яна узоқ вақт жим қолди. Сўнгра оҳиста гап бошладди:

— Отам бир нокасининг ҳожатини чиқариб, тортиқ қилган нарсасини олган-у, устидан амирликка арз тушган экан. «Тўқсоба, — дебди амир ўшанда отамга, — эшитишимча, овчилигу отбозликда тенги йўқ ўғлингиз бормиш. Уни йигитларим сафига қўшсам дейман». «Бош устига тақсир, бош устига», дебди отам. «Унда, — буюрибди амир, — борибоқ ўғлингизни хизматга жўнатинг».

Шундай қилиб, отамни маломатдан қутқармоқ ниятида амир талабини қабул қилган эдим. «Овчилигу отбозликда беқиёс ҳунарманд», — дея таърифимни қилишган эмасми, отбоз йигитлар сафига қўшиб қўйишди. Овга чиқамиз, қаерда яхши отнинг дарагини эшитсак амирликка келтирамиз. Ҳалол хизмат содоқатим билан амирнинг назарига тушган эканман, саройга эшик оғаси қилиб тайинлади. Ичкарига бемалол кириб-чиқаман. Бир сурув аёл, ҳаммаси эркак зо-

тига ташна — гўё ейман, дейди. Худони дилимдан қўймайман: кечаю кундуз инсоф-қаноат тилайман. Аммо биттасидан қочиб қутулишнинг иложи бўлмади. Найрангнинг бор турини ишга солди-ёв. Бориб-бориб қандай шайтон ёзғирди — билмайман. Шайтонга бир бўйин эгдинг, қули бўларкансан-қоларкансан. Охир-оқибат қинғир ишнинг қийиғи чиқиб қўлга тушдим. Амир ўлим жазосига буюрди. Шайтон қурғур яна қўйинга кирди: «Йўлини қилу қоч», деди. Яна хотинлар макри иш берди: йўлини қилиб қочиришди.

— Их-ҳи, — деди Эгамберди ботир, — келиб-келиб сич-қоннинг ини минг тилла бўлганда, гуноҳингдан ўтаптимми?

— Жон ширин, ботир, жон шири-ин, — бошини сарак-сарак силкиди бек. — Буни шу савдо бошига тушган кишигина билади.

— Боринг энди, тақсир, — деди у мийиғида кулиб. — Амир кутиб қолмасинлар.

— Ботир, бўлинг, бирга борамиз. Баҳонада амирни зиёрат қилиб қайтасиз. Улуғлар зиёратида бўлиш савоб, ботир.

— Унда, бошланг, — деди Эгамберди ботир кутилмаганда отланиб.

Белгиланган жойга кўпчилик бўлиб боришди-ю, амир хузурига Иброҳимбек фақат Эгамберди ботирни олиб кирди. Амир ўрнидан туриб, Иброҳимбекни бағрига босди. Йиғлади. Йиғлаганда ҳам шоҳона эмас, ўта ғарибона йиғлади. Эгамберди ботир кўзига ёш олди. Иброҳимбекнинг кўзида йилт этиб нам жилоланмади, шунчаки маъюсланиб қўйди. Саид Олимхон унга ўнг ёнидан жой кўрсатди. Бек эса, орқага тисарилиб, пастроққа ўтирмоқчи бўлаётган Эгамберди ботирни ўз ёнига чорлади.

— Бек, — деди амир ўта маъюслик билан, — ўтган ишга салават. Эгамнинг ўзи қўлласин. Бу ёғига устивор бўлайлик. Зафар бизники.

Иброҳимбек бунга жавобан бирон жўяли гап тополмай «қуллуқ» маъносида қўлини кўксига қўйди.

Дастурхонга яна пистаю майиздан келтириб ташланди, гўшт солинган товоқлар янгиланди. Гурунг бир қовушиб, бир қовушмай турган эди, амирнинг ёнида ўтирганлардан кимдир Иброҳимбекка луқма ташлади:

— Кўриб турибсиз, бек, амиримизнинг таъълари сал хирароқ. Шунини ёритвориш иложини қилсакмиди...

— Айтинг, — деди Иброҳимбек ҳурмат юзасидан ўрнидан бир қўзғалиб қўйиб, — қай йўл билан кўнгиллари шод қилишимиз мумкин? Буюрсинлар, хизматларига тайёрмиз. Насли инсон эплайдиган иш бўлса, бас.

— Қоча-қоч билан бўлиб, амиримизнинг заифа зоти билан суҳбат қурмаганликларига ҳам ой қораси бўлиб қолди. Шу, яқин-атрофда кўз остига олиб қўйилганлари бўлса...

— Бир қошиқ қонимдан кечинг, — деди Иброҳимбек авзойи бузилиброқ амирга тикиларкан. — Худо шоҳид бандалармиз. Бошимга қилич келса ҳамки... бундай оғир гуноҳни

бўйнимга ололмайман. Бизнинг элатда бунақа ишни гуноҳ ҳисоблашади.

Саид Олимхоннинг авзойи бузилиб, ҳалиги одамга хўм-райиб қаради ва сўнгра Иброҳимбекка юзланди:

— Бек, бўлса, машшоқми ё аскиячилардан топтирсангиз бас. Бошқа ҳе-еч нарса керак эмас.

— Бизда дostonгўй соқилар бўлади. Тулхаригўй одами-миз ҳам бор, зўр қизиқчи. Истасангиз, ўшаларни келтирай.

— Тулхаригўйиси қанақа бўлади? — қизиқсинди амир.

— Қабодиён томонда тулхари, деган қабила бор. Қилган ишлари ҳам, айтган гаплари ҳам кулгулик. Ўшаларнинг ҳаёт-тий машмашаларидан нақл қилади.

— Зап иш бўларди, — деди амир. — Айтинг, келтириш-син.

Орадан ҳеч қанча ўтмай, даврага қирма соқол, хушрўй киши кириб келди. У эшикдан кирибоқ икки букилиб салом берди ва хизматингизга тайёрман, дегандай қўл қовуштириб, Иброҳимбекка қаради.

— Тақсир, — деди Иброҳимбек кулумсираб, — айтган одамимиз шу киши бўладилар.

Амир бошласин, дегандай бош ирғади.

Иброҳимбек келган кишига тушунтирди:

— Бугун амиримиз бизга меҳмон. Қизиқ-қизигидан бир-иккита айтиб берасиз?

— Бош устига, бош устига.

Келган киши устма-уст таъзим қилди ва ижозат билан ҳўкоясини бошлади:

— Бир йили тулхарилар ўзаро кенгашиб, тегирмон қурмоқчи бўлишибди. Узоқ-узоқлардан ҳам кўриниб турадиган тепаликдан жой танлаб ниҳоят тегирмонни ҳам қуриб битказишибди. Кейинига этакдан оқиб ўтадиган анҳордан тепалик сари ариқ кавлай бошлашибди. Ариқ ҳам тегирмонга етай-етай деб қолган экан, эрларига нон-сув элтаётган аёллардан бир йўловчи баландликдаги бино нима-ю, бу ариқ не мақсадда қазилаётганлигини сўраб қолибди. Бино тегирмон эканлигини, ариқ эса, ўша тегирмонга сув олиб бориш учун қазилаётганлигини айтишибди. Бу сувинг юқорига чиқмайди-ку, дебди йўловчи. Аёллар эса, «сув чиқади», деб чувиллашибди. Йўловчи улардан бирининг қўлидан кадини олиб, сувини ариққа тўкибди ва «сув қайси томонга қараб оқди», деб сўрабди. «Пастга», дейишибди хотинлар анҳор томонни кўрсатиб. «Сув пастга оқар экан, хўш, унда пастдаги сув қандай қилиб юқорига чиқади?» дебди йўловчи. Бу гап хотинларга ҳам маъқул тушибди. Уни оқизмай-томизмай эркакларга етказишибди. Эрлар ҳам аёллар келтирган сувни ариққа қуйиб кўришса, тегирмон томонга эмас, анҳор сари оқаётганимиш. «Э-э, сув ўша томонга оқса, тегирмонни анҳорнинг нариги томонидаги тепаликка қурган маъқул», деб уни бузишга тушиб кетибдилар...

Амир зўрма-зўраки кулган бўлди. Сўнгра:



— Зап содда одамлар эканми? Улар қайси элга ётади? — деб сўради.

— Дўрманлардан, — деди Иброҳимбек кулиб ва изн кутгандай қаради, — айтаверсинми?

— Майли. Қани, эшитайлик-чи? — Саид Олимхон тулхарига кўз қирини ташлади. У эса, «қайси бирини айтай?», дегандай Иброҳимбекка юзланди.

— Бекка арзга борганларини айт, ҳа, ўшани.

— Тулхарилардан беш-олти киши Ҳисор бегининг олдига арзга борадиган бўлишибди. Минишга на от, на эшаклари бормиш. Узаро кенгашиб, ҳар бири биттадан таёқни безаб, от қилиб минишибди-ю, йўлга тушишибди. Етиб боришса, бекдикда сайл бўлаётган экан. Бекка арз билан келганликларини айтишибди. Навкарлар аввал дастурхонга таклиф қилишибди. Арзчилар «ҳа, яхши», деб қўлларидоғи қамчиларини белбоғларига қистиришиб, таёқларини пешвоз чиққанларга тутқазишибди: «Илтимос, отларни боғлаб қўйинглар». Хизматкорлар ажабланиб елка қисишибдию кўнгиллари учун таёқларни бир четга чиқариб, боғлаган бўлишибди. Сайл эса, эски қўй қўтониди бўлаётган экан. Дастурхонга майизу ўрик қоқи тўкиб ташланган. Порихона эмасми, яккам-дуккам қора қўнғизу қорачигиртка дастурхонга қўниб-учиб турганмиш. Буни кўрган тулхарилар «тургани ўзимизники, юрганини териб е», деб қимирлаганини тутиб ютаверишибди. Ажабтовур ҳолда келишию ҳашоротни териб еяётганидан ҳайратга тушган навкарлар бориб бекка арз қилишибди.

— Боринглар, — дебди бек ҳам саросимага тушиб, — нима хоҳишлари бўлса, бажо этинглару келган йўлларига қайтарворинглар...

— Юргани нимасию ўрнида тургани нимаси экан? — деди Иброҳимбек кулиб. — Амиримиз ҳам билсинлар.

— Ўрнида тургани дастурхондаги майиз бўлса, учиб юрган қора-қўнғизу қорачигирткаларни майизнинг қочиб кетаётгани, деб тушунишган экан...

Амир чехраси ёришиб кулди. Саид Олимхоннинг очилиб кулганигаям анча вақт бўлиб қолган эди. Атрофидагилар яйраб кулишди. Сабаби — Саид Олимхон амирликни тарк этиб, ишонарли бошпана ястаб юрар, яқинларининг кўни эса, аллақачон бориб Афғонистондан макон топган эдилар. Охир-оқибат Саид Олимхоннинг ўзи ҳам қўшни мамлакатга бош олиб кетишни ихтиёр эта бошлаганини ҳали кўплар билиб-билмас эди.

Бир фурсатлик жимликдан кейин Саид Олимхон Иброҳимбекка қараб оғиз жуфтлади.

— Тулхаригўйингиз ҳам дўрманларданми?

— Таксир, бу киши кўнғиротлардан бўлади, — деди Иброҳимбек ва яна қўшиб қўйди. — Қўнғиротлар синовдан ўтган, дўстга содиқ кишилар.

— Бу ерда улардан ҳам кўпчиликми?

— Қабодиён томонда бор. Уша ёқда Оқмиён бобо, деган

табаррук эшон яшайдилар. Эсонбойдан кўчиб ўтишган. Фурсат топиб зиёратга бориб тураман. Бу ҳангомагўй ошнаминини ҳам ўша ерда топганман.

— Ҳим-м, яхши, — деди амир ва бир зум сукут сақлаб қолгач, кутилмаганда яна сўради, — бек, Эгамберди ботирнинг сизга қандай қариношлиги бор?

— Ҳаммамиз бир элдан, — деди бек, унинг нима ниятда сўраганини англай олмай. — Ботир лақайларнинг малиш деган уругидан бўлади. Биз — оқсарисидан.

— Яхши, — деди у, ўтирган ерида оғир қўзғолиб қўйиб. — Ул тожикми, туркми ё ўзбек биз учун фарқи бўлмаслиги керак. Негаки, баримизнинг динимиз бир. Дунёга келишимиз биру дунёдан кетишимиз бир. Тўй-маъракамизнинг ўтиши бир. Ҳаммамиз аҳли муслимимиз.

— Боз устига, — дея гапга суқилди амир ёнида келганлардан биттаси, — бек билан ботирнинг тутган йўллари ҳам бир.

— Илоё тангрим бу суюкли бандаларининг мартабасини бундан ҳам баланд қилсин, омин! — дея Саид Олимхон юзига фотиҳа тортди. Кутилмаганда қолганлар ҳам қўшқўллаб дуо қилишди.

— Қуллуқ, куллуқ, — бек билан ботир ҳурмат юзасидан бараварига ўринларидан туришди.

— Елғиз жон бўлса, дини ислом йўлига тикканман, тақсир. Бошни йўқотсам, йўқотаман, исломга бўлган эътиқодимни асло йўқотмайман. Бир бошга бир ўлим! — деди бек.

— Асло кам бўлманг, бек. — Саид Олимхон кетатуриб Иброҳимбекнинг кифтига қўлини қўйди. — Оллоҳ сизнинг у дунёю бу дунёингизни обод қилсин. Ислом йўлига жонини тиккан ҳар бир муслиминнинг жойи жаннатда бўлмоғи тайин, бек!

Уша йиллари жаннатий ё дўзахий ишлар, имонли ва имонсиз кишилар ҳақида кўп гаплар юрарди. Устма-уст содир бўлиб турган фожиаларга эса ҳар ким ҳар хил баҳо берарди. Дўғдоначи Абдуназар чолнинг ўз ўғлини отиб ташлагани тафсилоти Иброҳимбекка етказилганида бек бунга дарров муносабатини билдира қолмади. Енидагилардан бири эса:

— Тақсир, ота ўз фарзандини отган-а? Бу охир замонанинг нишонаси эмасми? — деб сўрашини қўймасди.

Иброҳимбекнинг жаҳли чиқиб, атай тескари гап қилди:

— Чолни имони бутун одам, деб юрардим, адашмаган эканман. Лекин, яхши иш бўлмабди. Ҳай аттанг-а! Эшитган қулоққа ёмон-да.

Фожа бундай юз берган эди.

Абдуназар чолнинг боши ёстиққа текканига ҳам бир йил бўлиб қолган эди. Қийин-қийин — Бибинос кампирга қийин бўлди. Касал бошида ўтирган кечалардан бирида кампир юрак ҳовучлаб оғиз очди:

— Чол?

Мўйсафид қовоғини эриниброқ кўтарди.

— Бир гапни икки кундан буён айтолмайман, — у мунгайди. — Ботиралидан айрилиб қолдик...

— Нима? Қандайига? — сесканиб тушибди чол ва бироз дол тургач телбанамо овоз чиқарди. — Оҳ, болам-а? — Сўнг кампири кўмагида деворга суяниб ўтирди. Лаби пирпирар, ичига ботиб кетган кўзлари жиққа ёш эди. — Қамбар эшитган бўлса, адои тамом бўлди-да.

Аламини ичига ютиб йиғлаётган кампир энди икки муштани пешонасига тираганича ўкраб юборди.

— Куйиб кетяпман, чол, куйиб.

— Пешонага битилгани шу бўлса, нима қилайлик.

— Мен бошқа нарсага чол, бошқа нарсага. Отган Қамбарингиз, — дея олди кампир тўлганиб.

— Тавба! Бу не кўргулик бўлди! Йўқ-йўқ, ишонмайман... Ахир, улар худони ўртага солиб дўст бўлишган эди-ку?!

— Билмасам, чол, билмасам. Уйларига келиб, отиб кетибди.

— Ё поко парвардигор, бу не кўргулик? Охир замондан нишона-ку бу!

Чол бир зум сукутда қолиб, кейин бошини сарак-сарак қилди. Сўнг кутилмаганда кампирига қараб хитоб қилди:

— Милтиқни ол!

Бибинос кампирнинг юраги орқасига тортиб кетди. Чигал, бир-бирдан жилов бермайдиган фикрлар хаёлида улоқ чопишарди. «Милтиқни нима қилмоқчи? Ўзини отмоқчими ё ёлғиз фарзандининг баҳридан кечмоқчими? Э худо-о, чолга ўзинг инсоф бер».

— Мен сенга айтапман, милтиқни ол!

Кампир шамол измидаги япроқ мисол титрар, беихтиёр диёнатни оёқости қилиб, ҳаётида илк бор ёлғон гапирди:

— Берворгандим.

— Кимга?

Кампир ямланди ва яна — иккинчи бор ёлғон гапирди:

— Қамбарга.

Чол кампирнинг ёлғон гапираётганини сизди. Сиздию ўзини гўлликка олди, уни ҳовлидан узоқлаштиришга баҳона излади.

— Бўлмаса сойга тушиб, сув олиб чиқ.

Кампир уйдан узоқлашгиси келмаса-да, чолининг важоҳатидан чўчиб ўрнидан тура қолди.

У кетгач, Абдуназар оқсоқол машаққат билан ўриндан тушди. Мадорсиз оёқларини судраб босиб, айвонга чиқди. Аввал қозикқа илиб қўйилган милтиқни, сўнгра, латтага ўраб сандиққа ташлаб қўйилган ўқларни олди-да, қайтиб кўрпачанинг тагига тикиб қўйди. Ҳаллослаб-ҳансираб ўтирганча қийиқ билан зўр-базўр елпинди ва секин ўрнига чўзилди.

Кампир сув олиб узатди. У ютоқиб ичдию кўзи юмуқ ҳолича бирпас жим қолди. Сўнг буюрди:

— Бир амаллаб отни эгарла-да, эшикнинг олдига олиб чиқ.

Кампир энди билди: чол милтикни олиб Қамбарнинг изидан бормоқ ниятида. Чинданам чолни жин урибди! Худонинг ўзи асрасин ишқилиб. Кампир калаванинг учини йўқотиб, эшик сари йўналди. Айвонга чиқиб, милтиқ ўрнида йўқлигини кўрдию юраги бир қалқиб кетди. «Милтиқ қўлида, энди отни қочириш керак», деб ўйлади кампир ва шошилинч тўриқни бўшата бошлади. Сўнг иккала қўлини силкиб ҳайдади: «Чух жонивор, чух!» Қанчадан бери боғлоқлик жонивор ер тепиниб, устма-уст кишнадию тепалик сари ўрлаб кетди. Кампир уйга киришния, кирмасиния билмай, деворга суянибгина ўтириб қолди. Аммо шу тоб узоқдан от дупури қулоққа чалиниб, уй сари тобора яқинлашиб келаверди. «Тўриқ қайтди шекилли», дея кампир ўша томонга ўтирилди. Йўқ, отлик — ўғли экан, яқинига келганда таниб, сесканиб кетди. Қамбар ҳовлига келиб, отдан тушди.

— Отамнинг аҳволи қандай?

Кампир индамади, боласининг овози совуқ ва бегонадай туюлди. Қамбар отини қозикқа боғлаб, уй томон юрганди, йўлини тўсди.

— Шошма болам, кирма, отангнинг авзойи бузук.

— Нимага?

Ўғил онасини четлаб ўтиб уйга кириб борди-да, салом берган эди, жавоб бўлмади. Аммо бир зумдан сўнг овоз берди:

— Ботиралини сен отдингми?

— Ҳа.

— Нега?

— Юз алиндим, минг ўтиндим, йўлидан қайтмади. Уйига борсам, «сендақа ўртоғим йўқ, йўқол, ит», деб ҳайдади. Чидолмай...

— Яна бу исломни ҳимоя қилармиш? Аблах!

Чол ўғлининг босмачилар гуруҳига қўшилганидан ичида хурсанд. Ботиралининг қизиллар сафидалигидан норози эди. «Ўғлим исломни ҳимоя қиляпти», деб қувонарди. Энди англа-са, у нодонларга қўшилиб бундай номаъқулчиликлар қилиб юрган экан. Имони бутун бўлса — ўз дўстига қарата ўк узадими?

Абдуназар чол аста кўрпача остига қўл юборди.

— Чол, чол?! — жон ҳолатда кампир ўртага тушди. — Шайтонга ҳай беринг!

— Йўқол, қўшмозор қиламан... — унинг қўлида милтиқ кўринди.

Кампир адои тамом бўлган, чолининг қўлидаги нарсага ёпишишни ҳам, ўғлига «қоч», дейишни ҳам билмас, донг қотиб, девонавор турарди.

Фарзандига милтиқ ўқталиб турган чолнинг кўзига қон қуюлгандай бўлди. Бола унинг важоҳатидан қўрқиб кетди, кўзи пирпираб тисарилди.

— Ота, отажон?!

— Чол, чол, ёлғиз ўғлимиз-а?

Аммо мўйсафид бармоғини тўхтатиб қололмади.

Хонадонни милтиқнинг гумбурлаган овози, ўқ ҳиди тутиб, Қамбарнинг ноласига она фарёди билан отанинг доди қўшилиб кетди. Уғил кўксини чангаллаганича гужанак бўлиб йиқилди. Ота охирги кучини тўплаб, ўглининг устига ўзини отди.

— Болам, болажоним!

Кампир юзларини тилиб-тимдалар, ўглини бағрига босиб ётган чолининг елкасига қўшқўллаб муштлар, тўлиб-тошиб йиғлар эди-ю, фарзанди билан қўшилиб жон узган ота буни сезмасди...

«Во-о, дариг-а, — дерди бек чуқур тин олиб. — Ота-болани бегона, дўстни душман қилиб қўйишди-я. Ахир, биз бир отанинг болалари эмасмидик? О-о, узоқни кўролмайдиган, дўст-душманинг фарқига бормайдиган халқим-а! Оҳ-х, оёқ-ости бўлган ғариб юртим-а!»

Бек шоҳид бўлгану қувғинда юрган не-не асил одамларни бир-бир кўз олдига келтирар ва улар билан хаёлан суҳбат қуриб борар эди... Сафларига келиб қўшилган комил инсонлардан бири Эгамберди ботир эди. Ботир деса, дегулик, кўз-кўз қилиб кўрсатгулик эди. Ғайрати ошиб-тошган, қилич-бозликда баҳосиз эди... Бир гал қизил командирлардан бири у билан яккама-якка қиличлашиш ниятини билдирди. Ботир тақлифни қабул қилди.

Олдиндан келишувга кўра қизил аскарлар Орол томондан чиқиб келишди. Эгамберди ботир ўз йигитларини эргаштириб, Етимтоғдан тушиб келди. Икки томон ўртада эллик-олтмиш метрлик жой қолдириб, ўзаро саф тортишди. Эгамберди ботир ўртага чиқиб, отдан тушди — ўта басавлат ва хушрўй. Командир ўртага чиққач, ботир отига минди. Эгарга жойлашгач, оёғини узангига қўймай, шалвиратди — ерга тегай-тегай деб қолди. Сўнгра оёғини йиғиштириб олиб узангига қўйди-да, ўрнидан турди. Тарлон чайқалиб кетгандай бўлди. Эгарга ўрнашиб ўтирганида эса тиззаси отнинг қулоғидан ҳам юқори кўтарилгандай туюлиб кетди. Командир от устида ўтирганича рақибининг хатти-ҳаракатини ҳайратла кузатаркан, вужудига қўрқинчга ўхшаш бир нарса оради.

Командир ўз қўшини, Эгамберди ботир эса ўз йигитлари олдига келди ва отлари бошини бир-бирлари томон буришди. Расмий ишорадан кейин иккаласи бир-бирларига қараб от солишди. Унг қўлларида қилич, чапида — отнинг жилови. Биринчи бўлиб командир қилич сэрмашга улгурди, ботир ўзини отнинг ёнбошига ташлаб қутулди. Қилич эгарнинг қошини олиб кетди. Анча нари боришиб, иккаласи ҳам отни изига буришди. Бу галгисида ботир оёғини узангига тираб, ўрнидан тураркан, ўнг ён бурилиброқ қиличини кўкка кўтардию рақиб сари от солди, қаршисидан эса, командир измидаги от ўқ мисол учиб келарди. Кўз очиб-юмгунча фурсат ўтмай, отлар ёнма-ён бўлди. Ботир рақиб елкасини мўлжаллаб қилич

солди. Командир гўё хуржуннинг икки кўзи мисол икки ёнга айрилиб тушди. От кетганича кетди, жасаднинг бир томони ерда қолди, иккинчи томони узангига илашганича кетди. Бу дақшатли воқеанинг тирик гувоҳи бўлган қизил аскарлар орқасига бурилиб, келган йўллари сари от солишди. Изидан Эгамберди ботир тушди, унинг ортидан йигитлари, Ботир етганини чошиб кетаверди. Аммо қизиллар ғаллазорга етганида қочиб қутулишларига кўзлари етмай отдан сакраб тушиб, буғдой ғарамлари тагига кириб кета бошлашди. Эгамберди ботир йигитларига буйруқ берди:

— Ўт кўйинглар!

Ўтда ёнаётганлар жон ҳолатда бақириб-чақиривар, қочмоқчи бўлгани эса ўққа учар, ё қилич тиғидан ўтказиларди. «Орасида мусулмонлари ҳам бор экан», деди кимдир «жон акажон»лаган овоз чиққан томонга қараб.

— Бу куйгани нима! — деди соқолига оқ оралаган киши. — Ҳали у дунёда куйишини кўр. Охир замонга қадар қабридан олов аримайди.

Орол томондан карнай-сурнай овози эшитилди.

— Оҳ, уйинг куйгур-е! — деди Эгамберди ботир. — Булар ёпирилиб чиқибди-ку? Қани, қайтдик! Қайтдик-қо, қайтди-ик!

У бошлиқ йигитлар Эшмасой ёқалаб Етимтоғ сари от кўйиб кетишди. Сойдан чиқиб, юқори ўрлашганда Оқтошнинг даштига кўз тикишди: қизил аскарлар ёпирилиб келарди.

— Қовчинлар истиқомат қилаётган қишлоққа бостириб киришибди, — деди аллаким.

Орадан ҳеч қанча ўтмай, қишлоқнинг ҳар жой-ҳар жойидан ваҳимали аланга билан қуюқ тутун чиқиб, кўкка ўрлайверди. Милтиқ овози тинимсиз эшитилар, қуёш ёғдусида қиличлар ялт-юлт қилар, қишлоқ одамлари ўлим чангалидан қутулмоқ мақсадида тўғри келган томонга қочар, отлиқлар эса, изидан қувиб бориб чопгани-чопган эди...

— Ҳой аттанг! Қишлоқда тирик жон қолмади ҳисоб, — деди Эгамберди ботир афсус билан. — Қийин-қийин халққа қийин бўлди. Қизилларга ён босдинг, деб бизникилар қиргинини беради, босмачига нон-сув бердинг, деб қизиллар бошига шўр солади. Ерданга борайлик, десак, кучлар тенг эмас. Ҳай аттанг-а, буларнинг ёзуғи нима эди?!

Иброҳимбек бўлиб ўтган воқеани эшитиб ёмон афсусланди:

— Эҳ, аттанг, Эгамбердидай яна ўнта йигитим бўлгандами! — Сўнг бир фурсат жим қолди ва давом этди. — Худо уни кам-кўстсиз қилиб яратган. Савлатни ҳам, сумбатни ҳам, имону эътиқодни ҳам бус-бутун берган. Худо суйган бандасини шундай яратади...

Бек яна жим қолди. Эгамберди ботирга алоқадор бошқа воқеа хотирасида жонлана бошлади. Ушанда у уч қизил аскарнинг қурол-яроғи ва иккита отни етаклаб келган эди. Сўнг уни ҳузурига киритишди. Иброҳимбек қўл қовуштириб

турган бу сухсурдай йигитга бир зум ҳавас-ла тикилиб қолдию кейин ўз ёнидан жой кўрсатди.

— Хуш кўрдик. Қани ўтинг-чи, бу ёққа ўтинг!

Иброҳимбекнинг очиқ чехра билан қабул қилгани Эгамбердига кўнгил ёзиб гапириш имконини юзага келтиргандай бўлди. Дастурхонатрофида ўтирган аъёнлардан бири бекнинг ишораси билан сопол косани тўлдириб унга чалоп узатди. Иброҳимбек илтифот билдирди:

— Олинг, одамнинг тафтини олади. Анча ҳориган кўри-насиз!

Эгамберди Иброҳимбекнинг ҳурмати учун чалопдан то-тинган бўлди-ю, қайтариб дастурхон устига қўйди. «Сумбат-ни ато этган эгам, фаросатдан ҳам берган экан», хаёлидан кечирди Иброҳимбек ва мулойимлик билан сўради:

— Қани, гапиринг-чи, не кориҳол рўй берди?

— Қўш ҳайдаётгандим, — деди истиҳола билан Эгамберди, — уч аскар келиб, ҳўкизларни ечиб беришимни талаб қилиб туриб олди. Ейдиган овқатлари тугаганмиш. У десам, бу деди, хуллас, кўнмади. Зўрлик билан ҳўкизлардан бирига пичоқ тортиб юборди. Аччиқ устида кўшнинг бўйинтуруғини суғириб олибману ҳалигиларни ура кетибман. Бир вақт ақлни йиғиштириб қарасам, уч аскар уч томонда чўзилиб ётипти. Уликми-тириклигини билмайман. Бизни озодликка, ҳурликка чиқарадиган қизил аскарлар шунақа бўлса — шу бугундан бошлаб менга дўст эмас, деган тўхтамга келиб қўйдим. Шундан буён қизилларга қаршиман. Буюринг, бек, хизматга тайёрман!

— Отангизга раҳмат! — деди Иброҳимбек унинг елкасига қоқиб. — Уларнинг кимлигини англаб етибсиз. Сиз бугундан бошлаб шунчаки Эгамберди эмас, Эгамберди ботирсиз. Шу ном билан тилга олинасиз. Бир туман йигитларга бошчилик қилиш зиммангизда бўлади. Евон томонни ҳамоя қилиш асосан сизнинг зиммангизга тушади. Бу хайрли ишда тангрининг ўзи ҳаминиша мададкор бўлсин, омин! — Иброҳимбек дуо учун қафт ёзиб, қўл кўтарди.

Уша куни Иброҳимбек тўнини Эгамберди ботирнинг елкасига ташлади. Ўзи суйган арғумоқларидан бирига эгар бостириб, қўлига тутқазди. Негадир, шундай қилишга ички бир туйғу ундаб турарди. Тутган иши, нигоҳидаги қатъиятликни кўриб, Эгамбердига ишонган эди. Адашмаган экан, қаерда ва қандай ҳолатда бўлмасин, ислом йўлида қадрли хизмат қилди. Қизил аскарлар устун келиб, ватан йўлида қўлга қурол тутганларнинг олди Афғонистонга ўтиб, кўпи уларнинг изидан кетиш пайига тушган пайтда ҳам Эгамберди ботир ётқиқодига қарши бормади. Нима қилмоқ кераклиги ҳақида Иброҳимбекка маслаҳат солди.

— Сизга минг раҳмат, — деди Иброҳимбек унинг маслаҳатидан мутаассир бўлиб. — Юртнинг оёқости бўлмаслиги учун сидқидилдан курашдингиз, ботир. Буни ҳаммамиз била-миз. Бугун қўлимиз калталиқ қияпти. Мен розиман, сизлар

хам ўтаверинглар. Эҳтимол, мен ҳам бориб қоларман. Иложи борица хотин-халаж, бола-чақаларни қолдирмаслик йўлини қилинглар. Не бўлса ҳам мусулмон юрт, ёрдами тегар, балким, куч тўплаб қайтармиз.

— Сиз қачон йўлга тушасиз, бек? — деди Эгамберди ботир тавозе билан.

— Мулла Алмат ҳазратларининг кўнглини оғритган жойим бўлган, — деди Иброҳимбек хижолат аралаш. — Ўша киши билан учрашиб, бир маслаҳатлашиб кўриш мақсадим бор. Кейин ўшанга қараб иш тутарман.

Бу гап-сўзларнинг бўлиб ўтганига ҳам анча вақт бўлиб қолган, Эгамберди ботир бошлиқ бир гуруҳ одамлар Афғонистонга ўтиб кетгану Иброҳимбек пайтини топиб мулла Алматнинг ҳузурда бўлиш пайида юрган эди. Мулла истиқомат қилаётган Қораёғоч қишлоғига ёлғиз боришнинг иложини тополмай, йигитлардан иккитасини уни олиб келиш учун жўнатди. Уларнинг қайтиб келиб, айтган гапи шу бўлди:

— Мулла келишга кўнмади. Бекка айтаримни айтганман, гапимга кирмаган девди, ўзини чопиб ташладик!

— Нима? — Иброҳимбек қаҳр ичида ўрнидан туриб кетди ва шахд билан қиличини қинидан суғурди. — Нима дедиларинг?! — Иброҳимбек ўкирганича ҳалиги йигит ёнига борди. Шум хабар келтирганлар тилига калима келмас, қалт-қалт учиб туришарди. Мулланинг танасидан жудо этилган боши хуржунда эканини улар айтишолмади, бек ҳам пайқамади.

— Булар дини ислом лашкарлариданмиш. Оҳ, уйинг куйгур, гумроҳлар! Сенларга ўхшаш нодонлар бизни бир умр иснодга қолдиради. Уша одамга қиблагоҳдай сиғинишимни билардиларинг-ку, ахир?! Э, вох! Бу не кўргулик, не жўргулик? — Сўнгра ёнидагиларга ўгирилиб буюрди: — Булар қилмишларига яраша жазолансин!

Иброҳимбек «Муллани босмачилар ўлдириб кетди», деган гап чиқишини ўйлаб, ҳад-ҳудудсиз номус исканжасига тушдию Афғонистон сари кетишдан бошқа иложи қолмаганини ҳам яққол сезди.

Охирги учрашувда мулла Алматнинг кўнгли оғринганлигини Иброҳимбекнинг ўзи ҳам пайқаган эди. Лекин индамай қўя қолган ва унинг гапини унсиз эшитиб ўтириб, шу ҳолатда яна изига қайтиб кетган эди.

Қаранг-а, авлиё экан. «Бек, ислом йўлида бир мусулмон бандасининг қилган иши шунчалик бўлар. Кучинг етмаган тошдан тавоб қил, деган гап бор. Аэроплани бўлмагандаям бирнав эди. Энди таслим бўлганларинг маъқул. Худонинг иродаси шундай кўринади, бек?!» деган эди. Ростки, ўшанда нима деб, нима жавоб қайтаришни ўзи ҳам билмаган. Тутган йўлидан тирик туриб қайтолмасди. Мана шу ночорлиги боис сукутни афзал кўриб, чиқиб кетган эди...

Иброҳимбек от устида кетиб борар экан, яна хаёлан муллага мурожаат қилди: «Ғафлатда қолдим, бобо! Бундай бўли-



шини хаёлимга ҳам келтирмагандим, Афғонистонга ўтганим маъқулми ё ҳукуматга таслим бўлганим? Мен сиздан шу ҳақда маслаҳат олмоқ истагандим, бобо! Иложини қилиб ҳузурингизга ўзим борсам бўлмасмиди-я?! Салла деганда калла кўтариб келишларини туш кўрибманми, бобо?! Сизни қай даражада ҳурмат қилишимни ўша нобакорлар яхши билишарди-ку?! Ё вазиятга қараб, қасддан шунақа қилишдими — билмадим, бобо. Қотилларингиз ҳам қилич тигидан ўтказилди. Лекин, начора, бу — ҳеч нарсани ўзгартира олмайди, бобо?!»

Иброҳимбек мулла Алмат билан ўша сўнгги учрашувда лақай элатининг келиб чиқиши ҳақида гапириб беришини сўраганда у ялт этиб қаради-ю, яна кўзларини олиб қочди. Сўнг бир муддат ўтиб, деди:

— Бек, бу ҳақда ҳар хил ривоятлар бор. Бирида айтилишича, Балхда Лақай исмли шоҳ ўтганмиш. Унинг Эсонхўжа, Бадрахли, Тўртвул, Байрам деган тўрт ўғли бўлган экан. — Айтаверайми, деган маънода мулла Алмат Иброҳимбекка разм солди. Бек эса ўз навбатида қўлини кўксига қўйганича «тақсир, бундан хабарим бор. Бошқасини айтсангиз», деди.

— Буниси узок, — деди мулла жилмайиб, — ўтириб эшитишга фурсатингиз бўлармикан?

— Тақсир, — деди Иброҳимбек қўлини кўксидан олмай, — элатим тарихидан гапирадиган одам топилса — куну тун эшитишга тайёрман. Гапиринг тақсир, гапиринг?

— Дўбигул мерган билан Девон синчи ҳақидаги ривоятничи, эшитганмисиз?

— Эшитганман, бу ҳам Балхга бориб тақалади-да?

— Балли, — дея бош силкиди мулла.

Шуларни хаёлдан кечирган Иброҳимбек беихтиёр: «Илоё жойинг жаннатда бўлсин, мулла Бобо!» деб қўйди. Сўнгра кўзи юмуқ ҳолда бош ирғаб-ирғаб ўзига ўзи гапираётган мисоли: «Ҳай дариг-а, ҳай дариг, — деди. — Ҳар бир юртни бўлак-бўлакка ажратиб, миллатлар номи билан атагани чатоқ бўлди-да, Ўзбекистон, деб бўлганида неча миллат бору Тожикистон, деб ажратилганида қанча миллат умр кечирарди? Биргина ўзимизда фақат тожик миллати эмас, ўзбек ҳам, туркману қозоқ ҳам яшайпти-ку! Мана, ўрис деганининг ҳам қадами етиб келди. Бошқасида ҳам шу тақлид йиллар ўтиб, қай бир жойда, қай бир аҳмоқ миллат ажратишга киришади. Уни яна бир гуруҳ аҳмоқ қўллайди. Қарабсизки, улар ўртасида низо чиқибди. Қиёмат қойим ўшанда бўлади. Ҳозир қиёмат қойим бўлмадимми? Кимдир ислому имони деб қўлга қурол олди, кимдир не мақсадда жанг майдонига кирганлигини билмай халқ бошига қирғин келтирди. Кимдир амал истаб, кимдир тирикчилик кўйида қилич кўтариб чиқди. Охир-оқибат аҳли муслим бир-бирига ёв бўлиб кетди. Бу қачонгача давом этади? Ҳукумати қачонгача умр кўради?»

Воҳ, дариф-а, бахтига қора тўнғиз чанг солган аҳли муслимим-а?!»

...Йигитлардан бири Иброҳимбекка «Сизни галли», деб юрибди, деган гийбатни етказганда аввалига истеҳзоли кулди, сўнгра юзига тундлик кўланкаси тушгандай бўлди. Бир фурсатлик сукунатдан сўнг сўради:

— Ҳазимизнинг лақайлардан бўлса керак-а?

— Ҳа, ҳа, тақсир, — ҳамон қўлини кўксидан туширмай турган йигит шоша-пиша жавоб қайтарди. — Қўрбоши, қўрбошимиз.

— Бу гап лақайдан чиққанлигини қаердан билдим, қани айт-чи? — Иброҳимбек йигитга синчковлик билан кўз тикди. Юз-кўзлари газабга йўғрилиб, ўкиниш белгисини ўзига жо этган эди.

Топган «хабар»ини не бир азоб билан баён қилган йигитнинг баланига титроқ югурдиб, ранг-кути ўчиб бораверди. Тилига белгили жавоб келмай, елка қисди.

— Билганим сабабини билмасанг — билиб қўй, йигит, — деди бек, — лақай дегани ўзиникининг яхшисини ошириб, ёмонини яширишни билмайди. Эл олдига тушган кишисини кўриб қувонишни, уни кўллаб-қувватлашни билмайдиган халқ. Унинг изидан қим бўпти — фалончининг сағираси ёки валлиси-да, дейиши тайин. Нима қилайлик, тангри шундай қилиб яратган. Кейин йигит, биз амал йўлида от солиб юрганнинг Бухоро амирлигини қўш-қўллаб бериб қўярди. Бериб ўз хоҳишимизга қўйса — рози бўлардик. Вале, шундай қилардики, этимиз емиш, қонимизни чанқоқ босди қилишарди. Ҳазимизга қолган қоқсуягимизга ҳам Ҳазимиз хўжайинлик қилолмасдик. Шунин билганимиз учун ҳам жонни жабборга топшириб, тоғу тошларда дайдиб юрибмиз. Яна бир гап, йигит: бизга душман керак эмас — ўз сиримизни Ҳазимиз очиб қораверамиз. Оқибат яна Ҳазимиз ёмон.

\* \* \*

...Жалтиркапа текислиги. Тумонат одам тўпланган. От тепкисидан шикаст еган қўлини бўйинбоғига осиб олган Иброҳимбек мағрур турибди. Икки содиқ кишиси ёнида. Шу иккала комил инсоннинг дунёда борлигига, ҳамон ёнида эканлигига шукрона қилади. Бошга салла ўраб, белга белбоғ боғлаганларнинг кўписи охир-оқибат заифона иш тутди — ўз жонларини олиб қочиш билан овора бўлишди. Ушаларнинг кўпи аввалига қизилларнинг уйини куйдирди, кейинига, танг ҳолатда қолгач, хоинлик йўлини тутишди: Ватанини сотишди, эътиқодни, имонни сотишди, дўстларни сотишди. Охир-оқибат на у дунёлик, на бу дунёлик. Иброҳимбек енгилганлигини тан олса олдики, на эътиқодидан қайтди, на имонини йўқотди. Шуларни ўйласа — ўксик қалбига ҳаловат югургандай бўлади.

Оломон орасида ғала-говур кўтарилди:

— Оч бўри!

— Талончи!

— Босмачи!

— Оломон, шўринг қурғур, сўқиркўз оломон, — деди Иброҳимбек кутилмаганда истехзоли оҳангда ўта босиқлик билан. — Оч бўри бўлиб, кимнинг қўтоғига кирибман?! Талончилик қилиб қай бир элат юртидан қиз келтирибман. Қани, айт халойиқ, айт! Мен нима қилган бўлсам, эл-юртимни деб, сен гумроҳларни деб қилганман. «Қуръон» оятларига доғ тушмасин, деб шу ишни қилганман. Босмачи бўлиб, қўлда қилич билан қўшнининг ҳовлисига бостириб кирганим йўқ. Нима қилсам — ўз юртимда қилдим. Афғон юртига ўтганим, жоним олиб қочганим боис бўлди. Жон дегани ширин бўларкан. Афғонистондан қайтганим сабабини сўрасаларинг жонсиз жасадни Ватан тупроғига топширишни, бегона юртда шоҳона турмуш кечиришдан афзал билганим бўлди. Қочоқ, деган санкамга қолмайин, дедим. Хатоликка борган бўлсам ҳам, сенлар ғамингда бўлди. Шунисига шукр, сотқинликка, хоинликка юз бурмай ўтдим. Элим, мана, наздинга ўз оёғим билан келиб турибман. Нимани раво кўрсанг, ўшани қил! Шуниси аламли, ҳукми сен чиқармайсан. Шуниси ачинарли, оёқ-кўлларинг кўзга кўринмас чилвир билан боғлаб ташланган. Минг афсус, буни ўзларинг кўрмайсанлар! Минг афсус, оқу қоранинг фарқига бормайсанлар!

Оломон жимиди. Иброҳимбек жимиди, ёнидаги икки комил инсоннинг қўллари ҳамон кўксиди, улар жим. Фурсат ўтиб Иброҳимбек яна деди:

— Халойиқ, гарчи юртим озодлиги учун азият чеккан бўлсам-да, босмачи деган тавқилаънат бўйнимга осилиб турибди. Бу иснод номим оша элатимга ёпишмасин, деган мақсад билан Қувондиқ бошлиқ тўрт-беш кишини мени олиб кетишга даъват этган эдим. Бунга не муносабат билдирганлигини англайолмадим. Халойиқ, мен уларни шу сабаб даъват этган эдим, лақайдан битта босмачи чиққан бўлса, бир босмачини ушлаб берадиган беш-олтита қизил командири бўлган, деган гап қолсин, дегандим. Афсус, айтилган жойга Қувондиқ келмади. Бу ерда ҳам унга кўзим тушмаяпти. Билмадим, таклифим унга бориб етдими-йўқ?

— Командирга хабар бориб етган, — деди кимдир оломон орасидан овоз чиқариб.

— Унда, таклифимга не муносабат билдирди экан? Хабардор бўлсангиз, менга маълум қилинг!

— Гапни эшитгач, ўқиб-ўқиб йиғлаганмишу бошқа бирон оғиз сўз демаганмиш.

Энди Иброҳимбекнинг кўзлари юмилди ва боши қуйи солинди. Негадир, юзига мамнунликка, мамнунлик бўлганда ҳам ўкинч аралаш мамнунликка ўхшаш ифода югургандай бўлди. Сўнгра бошини кўтарди-да ёнидаги икки шеригига ўта мамнуният ҳисси билан қараб қўйди. Бу томонда эса

Иброҳимбекни тайёрага ўтиргизиш учун тараддуд кўриляпти...

Иброҳимбек яна хаёлга изн берди: Қувондиқни мақсад йўлидан қайтармоқ ниятида такрор-такрор юзма-юз бўлган. Аммо, эътиқоди қатъийлиги боис тутган йўлидан қайтара олмаган эди.

— Қувондиқ, — деган эди бирида Иброҳимбек, — ҳукуматинг келса, ҳамма бир кўрпа тагида ётармиш, хотинлар ўртада бўлармиш. Бу қандай гап, Қувондиқ?! Қандай га-ап!!! Ўзинг шунга розимисан, айт, розимисан?! Мизожинг шуни кўтарадими?!

— Шундай бўлади, деб ким айтибди, ахир? Бунинг ҳаммаси ёлғон, тўқима гаплар!

— Елғонлиги рост бўлса, мени ишонтир, одамларни ишонтир! Асанотин сенлар томонда бўлайлик! Аҳли уламони кўр, оёғи етган жойга тушунтириб юрибди, халқни гапларига ишонтириб юрибди, ўзларига эргаштириб юрибди. Сенлар эса, қуруқ қилич силтаганларинг силтаган. Нима мақсадда қилич силтаганларингни ўзларинг ҳам билмайсанлар. Қувондиқ, яна бир гап. Энди оёғи чиққан болачанинг йўл юрганига эътибор берганмисан? Йиқилади — туради, туради — йиқилади. Лекин, етаклайман, десанг, қўймайди, қўлини силтаб ташлайверади. Негаки, инсон зоти табиатан эркинликни хоҳлайди, ўзи юришни хоҳлайди. Қачонки, ноилож қолсагина мадад истаб қўл чўзади. Шуни унутма, Қувондиқ!

— Хў-ўш, бу билан нима демоқчисан?

— Демокчиманки, ҳали бу халоскор дегувчиларинг аҳли муслимингни нўхталаб, ҳалқумидан шундай ушлаб оладики, бошини на чапга, на ўнга бура олади. Ана ўшанда аттанг, деб ёнларингга шапатилайсанлар, вале, унда кеч бўлади, Қувондиқ!

Қувондиқ ўшанда Иброҳимбекка белгили жавоб топиб айтолмаган ва яна ўз йўлига қайтиб кетган эди. Охириги учрашувлари ҳам шу бўлди. Негадир шу дамда бек Қувондиқ командирнинг бўлиқ гавдасини, кенг елкасию макр-ҳийладан холи бўлган ёқимтой нигоҳини, бир фурсат кўз ўнгига келтирди ва ўта соғиниш ҳамда аламга йўғрилган меҳр билан хаёлан унга тикилди. Бу дам ўзи билиб-билмай туғилиб ўсган Қодирберди қишлоғини, ёшлиги кечган Норинни соғиниб, эсга олди. Нориндан Кўктошга кўчиб келишганларидан кейин Қувондиқ билан топишганини, қўлда гўлак чумчуқ овлаганликларини ким ўзарга от чоптириб завқланганликларини, сўнгра уруш иккаласининг йўлини айри туширганлигини эслади. Эътиқодлари айри эканлигидан ўксинди. Во ажабо, Қувондиқ билан шу ерда юз кўришармиканман, деб ўйлаганди. Бундай бўлиб чиқмади. Энди у яна бир нарсага тушуниб етди — абадий учрашишмайди...

— Қувондиқ кўрққан, Қувондиқ кўрққан! Яна у қизил командир эмиш! — деди кимдир оломон орасидан.

— Йўқ, йўқ, асло, асло! — деди хаёл риштаси узилган Иброҳимбек бош чайқаб. — У қўрқадиганлардан эмас. Мени тутиб беришни ўзи учун ор деб билганидан шундай қилган. Оҳ, гумроҳ оломон-е, шуни ҳам тушуниб етмадингларми-я?! Мана, бу ерга ҳам келмапти-ку? Буям қўрққаниданми?! Йў-ўқ, мени шу ахволда кўришни истамаганидан келмаган. Ха-алқ, шуни унутма: лақайдан аҳмоқ чиққан, лақма чиққан, бепаросат кўп бўлган, лекин хоин чиқмаган, тиланчи чиқмаган. Ўз мурдасини сотиб, умр кечирадиган пасткаш чиқмаган. Тангрининг шу илтифотига минг қатла шукр. Элимда шундай йигитларнинг борлигига шукр. Ўшаларнинг отасига минг раҳмат! Ха-алқ, ха-алқ, бориб айт, мен Қувондикдан розиман...

Иброҳимбекнинг Қувондиқ командирни кўришга илҳақ бўлганлигига яна бир сабаб бор эди. Уққа учган Асадулло-бекнинг калласини кесиб келиб, қизилларга топширган, деган гапни етказишган эди. Бунга Иброҳимбекни асло ишонтиришолмади. Ўзидан сўраб билай деса, тақдир уларни қайта юз кўриштирмади. Бек икки ўт ўртасида қолди: наҳот Қувондиқ жасаднинг бошини кесиб келишдек гуноҳи азимга қўл урган бўлса?! Ишонмасликка ишонмайди-я. Лекин, ҳам-манинг оғзида шу гап. Ҳай дариг, буям бекнинг кўнглида бир армон бўлиб кетди.

Иброҳимбек тайёрага қўйилган нарвон узра кўтарилди.

\* \* \*

— Уруш вақтида ҳам Қувондиқ билан учрашганми-сан? — сўроққа тутишди Иброҳимбекни.

— Кўп учрашганмиз.

— Ораларингда қанақа гаплар бўлиб ўтарди?

— Ҳар гал учрашганимизда у мени, мен уни ўз йўлидан қайтармоқ учун тортишувлар бўларди. У ўз билганидан қайтмасди, мен эса — ўз эътиқодимдан.

— Ҳимм, кўп учрашганмиз, дегин? — чайналди сўроқ қилаётган киши.

— Кўрдингми? — деди Иброҳимбек заҳархандалик билан. — Сенлар қанақа пасткаш, номардсанлар. Касби-корларинг тирноқ тагидан кир қидириш. Келиб-келиб ҳукуматнинг йўлига жонини тиккан Қувондиқни ҳам бадном қилмоқчисанлар-а! Афсус, минг афсус, Қувондиқдай йигитлар алданиб юрганлигини ўзи билмайди!

— Иброҳим! — деди сўроқ қилаётган киши. — Сен ўзинг нима мақсадда жанг қилганлигингни биласанми?

— Биладан! — деди Иброҳимбек янада сергакланиб. — Элим ўз топганини ўзи есин, ўзи кийсин, дедим, ор-номуси ғайридинлар томонидан оёқости қилинмасин, дедим. Ҳаё кўтарилмасин, дедим!

— Иброҳим, — деди савол берувчи, — мана, сенга қатл

жазоси тайинланди. Қилган гуноҳларингни бўйнига олиб, ҳукуматдан шафқат сўрасанг, балким, жазонгни енгиллаштирармиди? Бир ўйлаб кўрсанг?!

— Ўйлаб? Нимасини ўйлайман! Нима деб шафқат сўрашим керак?! Мен ҳукуматингнинг бошига қилич кўтариб борган одам бўлмасам! Гуноҳим эътиқодимни, куюнда қолган ўз юртимни, ўз динимни ҳимоя қилганимми?!

Сўроқ қилувчи ўта тажанг ҳолда чиқиб кетди. Иброҳимбек эса имонини бутун қилиб яратган Тангрига шукрона айтиб, ҳар эҳтимолга қарши икки ракаат намоз ўқиб олишга тайёргарлик кўра бошлади.

## ҲУЖЖАТГОҲЛАРДАН ТОПИЛДИҚЛАР

Скобелев вилоят депутатлари кенгаши томонидан 1918 йил 19 декабрда Тошкент шаҳар Халқ Комиссарлари кенгаши номига юборилган телеграммадан.

«Андижон депутатлар кенгаши Андижон уезди ҳузурида ҳаракат қилаётган қароқчи тўдалари бошлиқларининг хатларини бизга юборганди. Унинг мазмуни қуйидагича: Андижонлик товаришлар! Биз сизларга шуни маълум қиламизки, Сизлар Қўғай қишлоғига келгансизлар ва тинч аҳолининг уйларига ўт қўйгансизлар. Бекор бу ишни қилдингизлар, агар бундай иш яна бирор марта қайтарилса, у ҳолда сизларнинг станцияларингиз, заводу уйларингизга ҳам худди шундай ўт қўямиз. Агар сизлар урушишни ҳоҳласангиз биз билан урушингиз, халқ билан эмас. Биз барча тинч аҳолини хоҳ у ўрис бўлсин, хоҳ у яҳудий, хоҳ у арман бўлсин, хоҳ у сарт — барчаси баробар, деб ҳисоблаймиз. Кун бўйи пешона терини тўкиб ишлайдиган камбағал одамларга бундай зарарлар келтириш инсофдан эмас. Урушиш керак бўлса, сизлар билан мана биз урушамиз, тинч халқ эса сизлар билан ҳам, биз билан ҳам урушмайди. Агар сизлар халққа қарши урушни давом эттиравсангиз, у ҳолда 3 кун ичида Тошкентдан то бу ергача бирорта ҳам бутун нарсангиз қолмайди. Имзолувчилар: Мадаминбек, Эргаш қўрбоши, Холхўжа, Эшмат бойвачча, Маҳкамхўжа, Файёз махсум!»

# АНВАР ПОШОНИНГ СЎНГГИ МАКТУБИ

Бу одам ҳақида кўп эшитганмиз. Тарихларда ҳам қўб қоралаб битилган номи. Лекин шунча вақт ўтиб, у ҳақдаги чин ҳақиқат энди юзага чиқмоқда.

Туркиянинг нуфузли сиёсий арбоби бўлган бу одам 1921 йилда, бизга айтганларидек, Бухорога ўз ҳукумати йўнатгани эмас, Туркистонни келгиндилардан озод қилгани келган ва шу халоскорлик жангида шаҳид кетган жасур ва фидойи ўғлондир.

Унинг хотинига йўллаган сўнгги хати Анвар пошо маънавий дунёси қанчалик бутун буюк шахс эканлигидан далолат берувчи бир ҳужжат ҳамдир.

## «Севгили Нажиба.

Сен ёзган кейинги мактубни олдим. Уни доимо кўксимда кўтариб юраман. Сенинг сеvimли, тотли юзингни ҳозир кўрмак имконсиз бўлса-да, бу мактубдаги сўз ва сатрларни ул гўзал бармоқларинг қандай тизганини тасаввур этурман. Ахир улар бир замон маним сочларимни тараган нозик бармоқлар эмасми? Энди мен сендан кўп йироқларда бир қон ва оташ дарёсинда қаҳрамонларча курашмоқдамен. Бу эса сенинг инжа қалбингни эзмоқдадур.

Сен мактубингда қилич ва жангни севганим қадар ҳеч бир нарсани севмаслигини ёзибсан. Гапинг ёлгон демайман. Аммо бирор бир нарса тўғрисида «Фақат шуни севаман», деб ҳам айта олмайман (айтсам ёлгон бўлади). Сен билурсанки, маним ҳақимда туҳмат ташвиқотлар тарқатиб юрган бадбахт кимсаларнинг иддао этганларидек, мен бу олис диёрларда мол-дунё ахтариб, бой бўлмоқ ёки ўз ҳокимиятимни қурмоқ учун келганим йўқ. Мени сендан узоқлаштириб, бу жойларга келтирган Жаноби Ҳақнинг зиммамга юклагани муқаддас бир вазифадир.

Бу — жиҳод вазифаси эрур. У шундай улуғ ишдурки, уни ҳатто сидқ ила ният қилганлар илоҳий жаннатга кирмоқ ҳуқуқини олурлар. Оллоҳга ҳамд ўлғайки, мен тўла маънода жиҳод этурман. Ҳар на қадар сендан айру қолмоқ, сенинг севгингда масрур қалбимни вайрон этмоқда эса ҳамки, ушбу йўлда буюк бир имтиҳон бермоқдан кўп бахтиёрман.

Бу фоний дунёдаги ишлар ичинда сенинг ишқингдан ўзга маним иродамни синдирадиган ҳеч нима йўқдур. Фақат ва фақат Тангрига шукрлар бўлсинким, унинг амрини бажаришда сенга бўлган севгимга бўйин эгмадим. Бундан сен ҳам айрича саодат, хушбахтлик ҳиссини туйгайсан. Ҳаётда сенинг шундай бир орқадошинг борки, унинг сенга бўлган

ишқини Оллоҳ ишқига фидо этажак қадар қувватли имони бордир.

Нажибам, гарчи хотинларга билфеъл қилич-ла жиҳод қилмоқ фарз этилмаган бўлса ҳам, улар ўзларини бу илоҳий бурчдан озод тутмаслар. Сенинг жиҳод этмагинг эса, дунёнинг ўткинчи орзу-ҳавасларидан юз ўгириб, Оллоҳга илтижо қилмоқ ва уни севмақдир. Бу эса мендаги жиҳод азмини қувватланишига ёрдам беражак. Сенга яна бир карра шунини сўзламоқчиман: ёлғиз ўз хотиржамлигини кўзлаган хотин сифатида менинг ҳарб майдонларидан соғ-саломат қайтиб боришимни тилаб зинҳор дуо қилмагайсан. Зеро, бундоғ ўзни англамоқдин Оллоҳ ҳам мамнун бўлмас. Сен Оллоҳдин менинг хизматларимни қабул айлашини сўра. Сен Оллоҳдан менинг ё музаффар қўмондон ўлароқ қайтишимни ёки мени шаҳидлик мартабасига етказишини тилаб дуо эт!

Севгили Нажиба! Яхшилаб тушун, бу бош, ўйлаки, ҳар замон чўх ёқишли дедигинг бир бош сенинг кўз ўнгингда малаклар қадар маъсум ва бутун аскарлардан даҳо буюк бир вужуддан узилмиш (қонлар ичинда шаҳид ўлмиш). Бундан ҳам юксак бир мазҳарият борми?

Ҳаёт қисқа, ўлим эса муқаррар. Шундай экан, ўлимдан қўрқмоқ нега? Қолаверса, шаҳидлик мутлақ ўлим (йўқлик) эмасдир. У янги бир ҳаётга — абадий бир ҳаётга қовушишдир.

Нажиба, сендан илк истагим бундай: болаларим ҳам менинг (аскарлик) маслагимда камол топиб, вақти замони етгач, улар ҳам Исломга хизмат учун ҳарб майдонларида курашсинлар. Иккинчи бир орзум ҳам борки, у Мустафо Пошо билан боғлиқ. Унинг башарий мавқеи ва мартабаси учун мумкин бўлган ҳеч қандай ёрдамни аямаслик керак. Чунки Оллоҳ уни мамлакатимизни душманлардан қўриқламоқ ва халос қилмоқ учун юборгандир.

Азиз севгимим, Оллоҳ сизларни паноҳида асрасин. Қалбимнинг ичиндан қайнаб чиқаётган қандайдир сас сенга энди бошқа мактуб ёза олмаслигимдан шаҳодат бермоқдадур. Яна ким билур... балки шаҳидлар қаторига қўшилурмен... Ўзингни тут! Менинг ўлимимдан қайғуга чўмма! Сабрли бўл!

Аввалдан фаҳмла, менинг шаҳидлигим сенинг учун абадий бир ифтихор қийноғи ўлажакдир».

Усмонли туркчадан  
Иброҳим Ҳаққулов ўзбекчалаштирди



# МУҲАММАД ИБРОҲИМБЕК ЖИҲОДИ ҲАҚИДА ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР

«Зудлик билан юртимиздан даф бўлингиз — тўрт тарафингиз қибла! Талофатсиз чиқиб кетишларинг учун имкон яратиб бераман. Бундан ташқари отларингизни ем-хашак билан таъминлайман. Фақат тезроқ қорангиз ўчса бас!»

Иброҳимбек ўз аскарлари билан Душанба шаҳрини қамал қилиб, шаҳар ҳарбий қисмининг бошлиғига ўринсиз қон тўкилишига йўл қўймаслик учун 1921 йил 20 декабрда юборган талабномасидан (Марксизм-ленинизм институтининг Марказий фирқа ҳужжатгоҳи, 122-жамгарма, 1-сон рўйхат, 257-жилд, 115-бет).

\* \* \*

«Мутлақо махфий

юмалоқ хат.

Ўзбекистон К(б) Ф. М. Қ фирқа тўдаси.

ўрт. Толпигога  
Душанба шаҳри

Тожикистонда босмачиликнинг аҳволи

Биз Тожикистонда босмачилар миқдорини камайтириб, шу маънода ютуққа эришдик. Бироқ, биз сифат жиҳатдан ғалабага эришганимиз йўқ, фақат обрўси тўкилган қўрбошилар ва сабрсиз йигитлар ҳисобига босмачиларнинг умумий миқдори камайди, холос...

2) Қизил аскарларга тутқич бермайдиган халқ қасоскорлари — малакали қўрбошилар, кичик гуруҳлар, ўртаҳол босмачилар деярли ҳеч қандай зарар кўргани йўқ. Иброҳимбек ҳам зиён-заҳмат кўрмади...

А. Босмачиларга қарши кураш жабҳаси...

Раҳнамоларни (Иброҳимбекни, Раҳмон додхони, Исмаилов ва бошқаларни) жисмонан маҳв этиш учун бизга ўз хоҳиши билан таслим бўлган ишончли йигитлардан жанговар разведка ташкил этилсин! Шу мақсад йўлида хориждаги муҳожирлардан ҳам фойдаланилсин.

Босмачиларнинг таянч нуқталари — қишлоқлар бир ва-  
ракайига хонавайрон қилинсин! Яъни муайян тўда чиқиб  
келган, паноҳ топадиган, моддий ва маънавий кўмак олиб  
турадиган туманлар, қишлоқлар кунпаякун этиб ташлансин:  
куйдирилсин, ёндирилсин, бузилсин! Йўқотиб юборилиши  
лозим бўлган туманларда босмачиларнинг тарафдорларига  
нисбатан қўлланадиган қатли ом олдиндан пухта режалаш-  
тирилсин, сўнг изчил, қатъият билан ижро этилсин! (Ўтган  
галги шундай чора-тадбирлар ҳаётга тадбиқ этилаётган пайт-  
да баъзан кўнгилчанликка йўл қўйилди)...

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги Ваколатли вакили:

Белский (имзо)

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги ваколатли ваколатхонаси «Соч»

бошлиғи: Берман (имзо)

(Тожикистон Коммунистик фирқаси ҳужжатгоҳи,  
1-жамғарма, 1-сон рўйхат, 29-жилд, 45—51-бетлар)

\* \* \*

«Қандай қилиб бўлса ҳам Иброҳимбек янчиб ташланиши  
керак! Унинг тўдалари худди юқумли касаллик мисоли ер  
юзидан супуриб ташланмоғи зарур! Бугунги кундаги қаҳра-  
монларимизнинг, жангчи ва қўмондонларнинг жанговар  
шиори қуйидагича бўлиши керак: «Иброҳимбекка бир кун  
ҳам омонлик йўқ!»

(13-ўқчи корпус жангчиларига мурожаатдан)

\* \* \*

«Ишончли маълумотларга кўра, 1925 йил 13 август кечаси  
Олмабулоқ қишлоғида (Кунгуртдан ўн олти чақирим жануб  
тарафда) Вахш дарёсининг сўл соҳилидаги мужоҳидларнинг  
йирик раҳнамоси, ўзбек қўрбошиси Исматни учта йигит бир-  
галашиб ўлдирди. Исматни ўлдирган йигитлардан икkitаси  
илгари кўнгилли қизил тўда жангчилари эди. Учови ҳам  
Қизилмозор гарнизонига боришиб, ўз ихтиёрлари билан қи-  
зилларга таслим бўлдилар: учта милтик, учта қилич, битта  
тўппонча, қирқ саккизта ўқ (патрон) ва уч от топширишди.

Қизилмозор тумани аҳолиси Исматнинг ўлимини шод-  
хуррамлик билан кутиб олишди ва ўлим муносабати билан  
ғуж-ғуж бўлишиб митинг қилишди.

Исматнинг қолган йигитларини қўлга тушириш учун  
Қизилмозордаги 78-отлиқ полкдан саралаб олинган 36 та  
қизил аскар жўнатилди...»

«14 август куни Кўлобга Исматнинг кесилган боши келти-  
рилди ва уни танийдиган кишилар бу бош Исматники эканини  
тасдиқладилар...»

(13-ўқчи корпус айғоқчихонаси бисотидаги маълумотлардан)

«Биродарларим Абдуллабек бий додхо, Ҳайдарқул бий, Назрат Муфтий Судур!

Биродарлар, Сизлар юборган шум хабар менга етиб келди: сизгарбандим Исмаббек додхо йиртқичлар қўлида қиймаланиб ўлдирилганини эшитиб, беадад қайғуга ботдим — дунё кўлимга зимистон кўриниб кетди.

Е Оллоҳим, ёлғиз Ўзингга сиғиниб эдим-ку! Сени хожамам эдим-ку! Шунчалар бебахтманми ё?.. Ла илаҳо иллоллоҳу Муҳаммад-ар-Расулиллоҳ! Тик туриб эрдим — қаддим тукилди, ўлтириб эрдим — бошим ҳам бўлди, туфроққа етиб эрдим — бовурим эзилди! Оллоҳим, марҳаматингни дарифрутма! Оллоҳим, мен бебахтга мадад бергил!.. (кейинги бир сеча жумла сув томчисиданми, ўчиб кетган; афтидан кўзёш томган бўлса керак. — Изоҳ 13-ўқчи қорпус қошидаги махсус бўлим таржимони қаламига мансуб.)

Биродарлар, аскарларингизни сафга тизингиз-да, бир ёқадан бош чиқариб, қонхўрлар устига юриш қилингиз! Ҳар бир қишлоқда шаҳидлар учун қасос олингиз! Ҳукуматга кўмак берган уламо бўлса ҳам, фуқаро бўлса ҳам қатл этингиз! Кимки, «Сувет» номини тилга олса бас, тўхтовсиз қатл этилсин! Кофирпарастларнинг уйлари вайрон қилинсин! Бундан ташқари, Эшони Судурдан сотқинларни жазолаш, қатл қилиш учун фатво олингиз!

Маълумотларга қараганда, Исмаббекни уч киши ўртага олиб қиймалаб ўлдирган экан. Уша қотилларнинг авлодлари, жамики қариндош-уруғлари ҳам ўлимга маҳкумдир!

Мужоҳидлар билан Кўлобдан Қизилдашт ва Кунгурт қадар, Сангалак тоғидан Сарсарак ва Сабистон қадар от солиб ўтингиз! Исломий бутунлик ва иттиҳод йўлига ров бўлган хойнлар, кофирлар қиличдан ўтказилсин! Токим, мусулмонлар ҳаётига қарши қаратилган ҳар бир тажовуз, хиёнат бежавоб қолмаяжани муртад кимсалар, ёвуз ниятли ялоқхўрлар билиб қўйсинлар!

Ассалому алайкум!

1344 ҳижрий»

Муҳаммад Иброҳимбекнинг катта ва кичик муҳри босилган.

(Изоҳ: 1925 йил август ойида Исмаббек ўлдирилган кезде ёзилган. Илгари кўрсатилган манба. 132-жилд, 69—70-бетлар).

Коммунистик фирқа ҳужжатгоҳида сақланаётган ушбу мактуб ва юқоридаги ҳужжатлар «Муҳаммад Иброҳимбек» ҳужжатли қиссаси муаллифи Набижон Боқийнинг розилиги билан эълон этилмоқда. Қисса ҳозир нашрга тайёрланаётир.

# ҚАЙҒИСИЗ ОТАБОЕВНИНГ ҚАЙҒУЛАРИ

Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг Раиси Қайғисиз ОТАБОЕВнинг ТуркМИК 4-пленими, 5-мажлисида сўзлаган нутқи стенограммаси. 1922 йил 18 июл. Ташкент шаҳри.

Уртоқлар, босмачилик бизнинг Туркистондаги аҳтимол, бутун Шарқдаги барча ишларимизда улкан бир маломатдир. Хўш, 4 йил давомида босмачиликнинг наинки тугатилиши, балки, аксинча, унинг Фарғонада авж олиши. Қўшни вилоятларга ёйилиб, бутун Самарқанд вилоятини. Сурхондарё ва Туркменистон музофотларининг маълум қисмини Қамраб олганлиги нима билан изоҳланади? Бу шу билан изоҳланадики, бизнинг 4 йил мобайнида олиб борган барча ишларимиз бу ердаги маҳаллий аҳолининг асрлар давомида шаклланган турмуш тарзига, урф-одат ва анъаналарига бутунлай зид эди. Вазият билан ҳисоблашишга уқувимизнинг йўқлиги ҳаммамизнинг умумий касаллигимиздир: биз у ёки бу даражада раҳбар ҳисобланар эканмиз, мазкур касаллик қўшни мамлакатлар олдида бизнинг жуда мушкул аҳволга тушишимизга олиб келди.

Хато ва камчиликларимизни, Фарғонада ҳамон давом этаётган ярамасликларни яққол тасаввур қилиш учун бизга қўшни бўлган мамлакатлар билан олиб бораётган ишларимизни қисқача тавсифлаб ўтиш лозим деб ҳисоблайман. Форс (Эрон-тарж)даги инқилобий ҳаракатни олиб кўрайлик. 20-йилда биз улкан муваффақиятларга эришганимизни яхши биласиз: Каспийортидаги оқгвардиячилар устидан ғалаба қозонган бизнинг қўшинларимиз уларни бутунлай тугатиш учун Энзелини эгаллаб олишди. Ана шу пайтда бизнинг «Инглиз империализмига қарши кураш» шиоримиз форс аҳолисига жуда тушунарли эди, чунки улар ўнлаб йиллар мобайнида инглизлардан зулм чекиб келишган эди, шу боисдан ҳам бу шоир форс аҳолисида ҳамдардлик туғдирди ва дарҳол ўзига жалб этди.

Бу курашда, биз улкан форс инқилобчиларидан бири бўлмиш Кучукхон<sup>1</sup> билан боғландик ва биргаликда бутун Хуросон вилоятини эгаллаб, инглизларни Машҳаддан чиқа бошлашга мажбур қилдик. Қачонки биз жиндай каттароқ муваффақиятга эришгудек бўлсак, қўққисдан коммунист

<sup>1</sup>Кучукхон Мирзо — Ғилондаги (Эрон) империализмига қарши партизанлик ҳаракати раҳбарларидан бири.

жанлигимиз эсимизга тушиб қолади, зеро, коммунистнинг хон авлодидан бўлган, мурасасоз, меньшевизмга мойил ва ҳ.к. Кучукхон билан неча пуллик иши бор! Шунинг учун ҳам биз уни, ҳаммадан аввал унинг ўзини ағдариб ташланган деб эълон қилдик, айти пайтда Кучукхон эса дарҳол бизга қарши куруш эълон қилиш имкониятини бой бермади, оқибатда эса биз Форсни тарк этишга, чиққан жойимизга қайтишга мажбур бўлдик. Шундай қилиб, Форсдаги барча ишларимиз, қўлга киритган ҳамма ютуқларимиз бутунлай барбод бўлди.

Агар орангизда бирон-бир киши Форсдаги аҳвол билан, у ерда ҳукм сураётган қашшоқлик, аҳолининг мутассиб ва ҳолоқлиги билан, форс меҳнаткашларининг тарқоқлиги ва тоқиллиги билан таниш бўлса, унга у ерда синфий табақаланишдан гап очиб бутунлай бемаънилик эканлиги ўз-ўзидан аёндыр.

Эндиликда биз Хивани олиб қарайдиган бўлсак, бу ерда биз олиб борган ишнинг чиппака чиқиши Форсдагидан ҳам қайғулироқдир. Сизга маълум, Октябр инқилобидан сўнг биз Хивани нима қилиб бўлса-да, инқилобийлаштирмакчи бўлдик. Визнинг йўлимизга аввалги хонлик даврларида бош нозир бўлган Жунаидхон тўғаноқ бўлди.

Биз Хива хонлигининг пойтахти бўлмиш Хива шаҳрини эгалладик, хоннинг ўзини асир олдик, бироқ Жунаидхонни узок вақт дафъ этолмадик, бордию бир бахтли тасодиф ёрдам бермаганида уни тор-мор қилиш ҳам гумон эди. Жунаидхонга қарши курашга қўққисдан унинг душманлари ҳисобланмиш Ғуломали ва Қўшмамад деган туркман йўлбошчилари қўшилиб қолишди. Натижада биз икки уруғнинг ўзаро адоватига эришдик, Жунаидхон эса Ғуломали ва Қўшмамад ёрдамида бизнинг Қизил Армиямиз томонидан ҳарбий қўшилма сифатида янчиб ташланди.

Ана шу дастлабки муваффақиятлардан сўнг биз тагин Хивада мавжуд шарт-шароитни мутлақо билмаслигимизни ва бу шароит билан ҳисоблашишга лаёқатимиз йўқлигини намоён этдик, бурнимиздан нарини кўролмай қолдик.

Мен барча тафсилотларни гапириб ўтирмайман, фақат Хивада азалдан бир-бирига рақиб бўлган, хусусан, ўзаро сув таллашиб низолашиб келган икки уруғ — ёвмид ва ўзбеклар яшашини айтиб ўтишим керак. Ўзбеклар қулоқнинг бошида бўлганлиги учун сувдан истаганча фойдаланишар, этакда яшовчи ёвмидлар эса сирқинди сувларни ичишга мажбур эди. Сувнинг бундай адолатсиз тақсимланиши ҳаминша турли англашилмовчиликларга, низо-жанжалларга, кўп ҳолларда эса қуроли тўқнашувларга сабаб бўлиб келган. Ана шу душманлик янгигина ташкил топган ҳукуматга — Нозирлар Советига ҳам кўчиб ўтди.

Туркманлар, жумладан, Ғуломали билан Қўшмамад ҳам кирган Нозирлар Советида бу икки йўлбошчига қарши ни-фоқлар бошланди. Уларга давлатнинг душмани деб, гўё улар тўнтаришга ҳозирлик кўришяпти ва ҳ. к. деб айб қўйишди.

Афсуски, Федерациянинг<sup>1</sup> Хивадаги собиқ мухтор вакиллари бўлиш Шокиров ва Малишев ўртоқлар ҳам бу нифоққа қўшилиб кетишди ва натижада Жунаидхонни тор-мор этишда бизга ҳоят катта хизмат қилган Ғулومали ва Қўшмамадни бутун гуруҳи билан тугатишга қарор қилинди. Уларни бутун қўшини билан тугатиш мақсадида, гўё яқин орада Бухорога юриш учун тайёргарлик кўриляпти, барча йигитларингиз билан Хивага етиб келинг, дея махфий хабар етказишди.

Мен Фавқулудда трибуналга (ўзим ҳам унинг аъзоси эдим) топширилган тергов материаллари орқали ушбу воқеа тарихи билан батафсил танишиб чиққанман.

Ҳеч нарсадан шубҳаланмаган Қўшмамад ва Ғулумали ўз йигитлари билан Хивага бемалол кириб келишади ҳамда ҳозирлаб қўйилган биноларга жойлашишади. Шу кечанинг ўзида бизнинг қизилармиячилар қўққисдан Қўшмамадга ҳужум қилиб, уни ҳибсга олишади ва йигитларини қуролсизлантиришади. Ҳибсга олинганидан бир неча соат ўтгач, Қўшмамад ўзининг яқин ёрдамчилари томонидан чопиб ташланади. Ғулумали эса қочиб кетади.

Бу маълум бўлгач, изидан жазо отряди жўнатилади, бу отряд ўз йўлида дуч келган бир неча қишлоқни таг-туғи билан йўқ қилиб юборади.

Бундан хабар топган ёвмид аҳолиси ҳамма нарсасини ташлаб, кимдир отда, кимдир туяда, кимдир ҳўкизда, кимдир пою пиёда хотин-халаж ва бола-чақалари билан Туркман вилояти томон йўл олишади, сувсиз саҳрода минглаб чақирим йўл босиб, Хазар денгизига чиқиб олишади ва Форсга бориб кўним топишади.

Ана шу воқеа бизнинг нақадар саводсиз эканлигимизни, на ижтимоий кучларни, на улар ўртасидаги ўзаро муносабатни ҳисобга олишда уқувимиз борлигини яққол кўрсатади.

Ушбу барча ҳодисаларнинг оқибати ўлароқ эришган натижамиз шундан иборатки: 1) ёвмидлар бутунлай хароб бўлди; 2) Жунаидхон мисолидаги босмачилик ҳамон давом этмоқда; 3) туркман аҳолиси ёппасига ларзага тушди.

Энди, ўртоқлар, Бухорони олиб кўрадиган бўлсак, бу ерда ҳам шарт-шароитни мутлақо билмаслигимиз яққол кўриниб турибди, ҳолбуки, бизнинг ана шу шароитда ишлашимизга тўғри келади. Биз Қизил Армиямизнинг кучи ёрдамида бундан икки йил аввал қарийб бутун Бухорони эгаллаган эдик, бизнинг икки йиллик бошқарувимиз мобайнида у ерда шу қадар ноқулай вазият вужудга келдики, натижада бутун Бухоро аҳли Совет ҳокимиятига қарши қўзғала бошлади.

Бундан бир неча кун аввал мен Бухорода бўлдим ва ушбу қисқа муддатда шу нарсани аниқлаб етдимки, бу ерда ҳам биз ўзимизнинг уқувсиз сиёсатимиз билан аҳолининг ўзи-

<sup>1</sup>Россия Социалистик Федератив Совет Республикаси.

мизга қарши қўзғалишга сабаб бўлибмиз. Мисол тариқасида бир жуда ўринли далилни келтиришим мумкин. Бухоро инқилобининг моҳиятини тушунтирар экан, нотиқлар бизнинг инқилобимиз бошқа инқилоблардан шуниси билан фарқ қиладики, бу инқилоб фақат амиргагина эмас, айтишимиз мумкин, айтишимиз мумкин, айтишимиз мумкин, айтишимиз мумкин, айтишимиз мумкин. Бухорода ҳам қарши қаратилган, деб жаврашяпти. Бу гапни шаҳри шариф ҳисобланган Бухорода, дин ғоят мустаҳкам ўрин олган, бутун турмуш тарзи тўлалигича диний асосга қурилган, аҳолиси ўта диндор ва мутаассиб ҳисобланган Бухорода айтишяпти! Табиийки, бу ҳолда биз бутун аҳолини ўзимизга қарши қўзғаймиз.

Ҳозир, баъзи бир ён беришлар, яъни Бухорода қозикалоникнинг тикланиши, вақфларнинг қайтариб берилиши ва бошқа қатор муросасозликлар натижасида аҳоли аҳволи руҳиясида маълум ўзгаришлар рўй берди, эндиликда у босмачиликни тугатиш ишига бевосита иштирок эта бошлади ва шубҳасиз, Бухорода босмачиликка қарши кураш ниҳоясига етказилади.

Энди, қўшни жумҳуриятларда олиб бораётган ишимизнинг қисқача тавсифидан сўнг, Фарғонадаги ишларимизга ҳам тўхталиб ўтишни шарт деб ҳисоблайман.

Фарғонада Совет ҳокимиятини узоқ вақт маҳаллий аҳоли билан тил топиша олмаган темирйўл ишчилари ўрнатдилар. Совет ҳокимияти ўрнатилиши билан бир пайтда Фарғонада мусулмон зиёлиларининг бир гуруҳи уламолар билан бирга-ликда мусулмон жангчи ва деҳқонларининг қурултойини чақирди. Ана шу қурултойда Туркистон Мухториятининг ҳукумати сайланди. У барча босқинчи ва ўғриларга афви умумий бериб, уларни Фарғонада ташкил топган миллий армия сафига киришга даъват этди. Дарвоқе, бу сафга собик қароқчи ва ўғри, чор ҳокимияти томонидан сургун қилинган ҳамда инқилобдан сўнг қайтиб келган Эргаш ҳам таклиф қилинди. У қўрбоши қилиб тайинланди. Бунинг маъноси — Қўқон шаҳри мудофаасининг бошлиғи демакдир.

Бу тўдани тугатиш учун Қўқонга Совет ҳокимияти томонидан ўртоқ Перфильев бошчилигидаги отряд жўнатилди ва у шаҳарни қамал қилишга киришди. Мухтор ҳукумат ислом динини, Мухтор ҳукуматнинг миллий озодлигини ҳимоя қилиш учун, барча мусулмонлар озодлигини ҳимоя қилиш учун мусулмонларни миллий армия сафига киришга даъват этди. Дарҳақиқат, атрофдаги қишлоқлар бу чақириққа лаббай деб жавоб беришди ва Қўқонга кетмон, болта, ов милтиғи ҳамда шу каби бошқа қуроллар кўтариб олган оломон оқиб кела бошлади. Жанг уч кун давом этди. Шу орада Мухтор ҳукумат ғойиб бўлди, Эргаш ҳам қочиб кетди. Шаҳар эгалланганда у ерда фақат ёрдамга келган қишлоқ аҳли қолган эди. Энг кўп жабрни ҳам ана ўшалар кўрди [...]

Қирғин асосан тижорат аҳлига қарши олиб борилди. Барча маҳаллий савдогарлар отиб ташланди, уларнинг

мол-дунёси омборлар ва вагонларга ташиб келтирилди, неки қолган-қутган бўлса, ҳаммаси ёқиб юборилди. Аҳоли зўрланди, талон-тарож қилинди, шаҳар эса вайрон этилди.

Бундай шафқатсиз қиргинни кўрган Фарғона аҳли мухториятчиларнинг, большевиклар талончи, босқинчи, улар ҳеч нарсани тан олишмайди, Худога ҳам қарши боришади, деган гапларига ишонч ҳосил қилишди.

Мухторият тугатилгандан сўнг совет тузуми иш бошлади. Советлар Ишчи-деҳқон ва Қизил Армия советлари деб аталарди, ҳолбуки, маҳаллий аҳоли орасида ишчилар йўқ эди, натижада совет аппаратлари маълум муддат маҳаллий аҳолидан ажралиб қолди. Бу аҳволнинг ўнгланиб кетишига чор ҳокимияти томонидан мардикорликка олинган ва эндиликда қайтиб келган ерли ишчилар ёрдам беришди.

Сизга яхши маълумки, 1916 йилги мардикорликка олиш маҳаллий аҳолининг норозилигига сабаб бўлган. Самарқанд ва Еттисув вилоятларида бир қанча қўзғолонлар бўлиб ўтган эди. Фарғонада қўзғолонлар бўлмади, аҳоли жуда эҳтиёткорлик билан сафарбар қилинадиганларни улгуржи сотиб олди, яъни у ўзига ўзи маҳсус солиқлар солди ва йиғилган пулга Фарғонада бижғиб ётган қиморбозлар, киссавурлар, бекорчихўжалар, хуллас, ҳар хил қаланғи-қасангиларни ёллади. Бир йил ўтгач улар ўз уйларига қайтишди ва «ҳақиқий ишчилар» сифатида маҳаллий Советларга жалб этилишди. Фарғонада Совет ҳокимияти ана шундай бир вазиятда ташкил топди.

Хўш, у ерда бизнинг сиёсий фаолиятимиз қай йўсинда олиб борилди? Бизнинг «Йўқолсин эски дунё, йўқолсин буржуазия!» деган шiorимиз ҳаётга тахминан қуйидагича жорий этилди. Биз эски дунё деганда барча мачит ва мадрасаларни тушундик ва уларни бекитиб қўйдик; қози ва уламоларни ҳибсга олдик; диний хурофотга қарши курашимиз шундай ўз ифодасини топдики, Марғилонда Совет ҳокимиятининг вакиллари мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлмиш Қуръонни ёқиб юборишди; Андижондаги Жомеъ масжиди мусулмон отрядларининг қўналғаларига айлантирилди ва у ерда баччавозлик авж олиб кетди.

Бизнинг отрядларимиз масжидларга ҳужум қилиб, намоз ўқиб ўтирган эшон ва уламолар устига бомбалар ташлашди. Натижада уламо ва эшонларнинг ҳаммаси босмачилар томонига ўтиб кетишди.

Маҳаллий бойларни Оврупо буржуазияси қаторида ҳисобладик ва ҳибсга олиб, авахта қилдик, маълум миқдорда товон тўлаганларинигина чиқариб юбордик. Шуни ҳам таъкидлаб ўтишим лозимки, ўртоқ Ленинга қилинган суиқасд Фарғонада бою боёнларнинг қатағон қилинишига сабаб бўлди. Уларни биз: «Сиз, аблаҳлар, Ленинга суиқасд қилдингиз!» — дея ҳибсга олдик. У ерда синфий кураш ана шу заийлда давом этди.

Хўжалик соҳасидаги ишларга келсак, сизга яхши маъ-



лумки, Фарғона ёппасига деҳқончилик ва ҳунармандчилик ўлкаси ҳисобланади, биз эса бу ерда «Коммуна»лар эълон қилдик. Бу ҳақда маълум декрет бўлиб, бутун ерлар ва энг кичик ҳунармандчилик корхоналаригача мусодара қилинди, натижада жуда кўп кишилар ишсиз, бир парча нонга зор бўлиб қолди. Бунинг устига инқилобнинг дастлабки даврларида кўплаб пахта тозалаш заводлари бекилганини қўшадиган бўлсак, Фарғонада дарҳақиқат барча соҳаларда — ҳам хўжалик, ҳам сиёсий, ҳам ташкилий соҳаларда жуда оғир вазият юзага келди. Табиийки, бу кадрларнинг ҳаммаси дарҳол босмачиларга қўшилиб кетди.

Шуни ҳам айтиш керакки, биз ана шу табдиллар билан бир пайтда отларни сафарбар этдик, мажбурий меҳнатни жорий қилдик, кишиларни Қизил Армия сафларига сафарбар этдик. Шулар билан мувозий равишда ғалла монополияси, озиқ-овқат тақсимоти каби табдилларни амалга ошира бордик, натижада барча деҳқон ва ҳунармандлар совет тузумига, совет тартибларига қарши қўзғалди ва босмачилар тарафига ўтиб кетди, дастлабки даврларда босқинчилик руҳидаги бу ҳаракат эндиликда сиёсий мазмун касб этди. Шуни таъкидлаш лозимки, 1919—1920 йилларга келиб Фарғонада қароқчилик, босмачилик эмас, балки ўзига хос халқ исёни вужудга келди.

4 йил мобайнида биз бу ҳаракатга ҳатто тўғри баҳо беришни ҳам билмадик, у халқ қўзғолони бўлгани ҳолда биз уни босмачилик деб атадик. Босмачилик моҳиятан талончилик деган маънони билдиради, бизнинг ушбу ҳаракатга берган нотўғри таърифимиз масалани ҳал этишда нотўғри ёндошувларга олиб келди. Ва алал-оқибат 4 йил давомида биз бу ҳаракатнинг бирон-бир жиҳатини тугата олмадик.

Совет ҳукумати тобора кучайиб бораётган бу қўзғолонга юзма-юз келганида, бу қўзғолон йирик шаҳарларда янада мустаҳкамланди ва Совет ҳукуматига қарши кураш олиб борди.

Дастлабки даврларда бизнинг Қизил Армия бўлинмаларимиз ягона қўмондонликка бирлашмаган бўлиб, ҳар бир шаҳарда босмачиларга қарши алоҳида-алоҳида кураш олиб борарди. Биз худди ана шу отрядлар билан босмачиликка қарши кураш олиб бордик, бу ҳаракат эса ўша пайтда шу қадар кучли эдики, улар бизнинг ҳар қандай отрядимизга қарши жанг қила олар, ҳар қандай ҳужумга бас кела олар эди. Кўп ҳолларда маҳаллий аҳоли томонидан қўллаб-қувватланган босмачилар голиб бўлиб чиқишар эди.

Маҳаллий ходимларнинг етишиб чиқиб, ерли тинч аҳолини фақат талон-торож қилиш ва зўрлаш билан шуғулланаётган бизнинг ушбу отрядларимизга қарши норозилик билдиришлари учун кўп йиллар керак бўлди.

Фарғона фронтининг қўмондони ўрт. Коновалов босмачиларнинг турган жойи ҳақида хабар топиб, Бозорқўрғонга йўл олди. Ва отряднинг ҳаракати ҳақида босмачиларга хабар

берилишидан кўриқиб йўлда учраган барча ўзбекларни отиб ташлади. Отряд Бозорқўрғон яқинида яна босмачилар билан тўқнашиб, кичик жанг қилади. Урт. Коновалов бу ердан жўнаб кетаётиб, Бозорқўрғонга қўшни бўлган Никольское қишлоғи крестьянларига Бозорқўрғонни босмачилардан тозалашни таклиф қилади. Никольское крестьянлари 23 кун мобайнида Бозорқўрғонни «тозалайдилар». «Тозалаш» шундай олиб борилдики, аввал «фақат» талайдилар, кейин аҳолини отиб ташлайдилар: эркакларни босмачиларга ҳамдард деб, болаларни эса келажакда босмачи бўлишлари мумкин деб ўлдирадилар. Никольское қишлоғи крестьянлари уч марта отишни тўхтатамиз деб эълон қилдилар. Қишлоқдан қочиб кетган аҳоли қайтиб келишини талаб қилдилар. Аҳоли қайтиб келгандан кейин крестьянлар ҳужум қилиб, уларни қириб ташлашган. Крестьянлар босмачиларни тугатганликлари. кишлоқ аҳолиси қайтиб келиб, муволадални кўмишларини, энди кишлоқ аҳолисига душманлик қилмасликларини учинчи марта эълон қилдилар. Қишлоққа қайтиб келган аҳоли отилганларни қабристонда дафн этиш маросимини ўтказаетганда, крестьянлар бу ерга ҳам ҳужум қилиб, охиргиларни бир йўла қириб ташлаган.

Сизга шуни айтишим лозимки, биз босмачиликни бир пайтнинг ўзида ҳам ўт, ҳам қилич билан тугатмоқчи бўлдик. Ана шу мақсадда «босмачилик билан заҳарланган» катта-кичик қишлоқларни шафқатсиз вайрон қилдик, уларнинг аҳолиси эса Совет ҳокимиятидан тобора узоқлаша борди. Бутун Фарғонани ишғол этишимиз ҳам ҳеч қандай ёрдам бермади. Бир пайтнинг ўзида Фарғонага 30 мингтагача қўшин ташланди, барча йирик қишлоқларни Қизил Армия гарнизонлари эгаллаб олди. Аҳоли бизга душман бўлиб қолди, босмачилар эса бу гарнизонларни осонгина тор-мор қила бошладилар, натижада биз қишлоқлардан қўшинларимизни олиб чиқиб кетишга мажбур бўлдик.

Фарғонани тозалаб чиқиш деб аталадиган системани амалга ошириш мақсадида бутун Фарғона бўйлаб алдҳида бригадаларни қўйиб юбордик. Босмачилар бундан ҳам ғалвирдан тўкилган сувдек омон қолаверишди. Кураш жараёнида босмачилар жуда катта тажриба орттиришган бўлиб, бизнинг заиф жойларимизни жуда яхши билиб олишган эди; уларнинг разведкаси ажойиб ишлар, бизнинг отрядларимиз қай тарзда ҳаракат қилаётганидан мунтазам хабардор бўлиб туришар ва ҳамиша ўз вақтида жўнаб қолишарди. Биз уларнинг устига бостириб борганимизда эса улар жанг қилиб ўтирмасдан учқур отларида турли томонларга тарқаб кетишар эди. Еки, бизнинг отрядларимиз келаетганидан хабар топишган заҳоти уй-уйларига қайтишар, қурол-яроғларини яшириб қўйиб, отрядларимизни тинч аҳоли сифатида кутиб олишар, хизмат қилишар, ем-хашак, озиқ-овқат билан сийлашар, қайтиб кетаётганимизда эса орқадан ҳужум қилиб қолишарди. Баъзан бизнинг отрядларимизни 20—30 чақи-

римгача таъқиб қилиб боришар, ҳаммаёқ боғ-роғ бўлгани учун уларни пайқаш қийин эди.

Бундай ҳол Қизил Армиямиз жангчиларининг руҳига жуда ёмон таъсир қилар, улар ғазабга миниб, кўп ҳолларда бутунлай тинч аҳолини қириб ташлашар эди.

Барча ана шу воқеалардан сўнг ҳам қўмондонликда, ҳам Қизил Армия жангчиларида, аҳолининг ҳаммаси босмачи, деган собит фикр пайдо бўлди.

Худди ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб жазолаш сиёсати олиб борилди. Гаровга олиш тажрибаси ҳам ҳийла узоқ давом этди. Шунчалик кўп кишилар гаровга олиндики, бутун Фарғонада қамаш учун жой топилмай қолди. Гаровга олинганларни гуруҳ-гуруҳ отиб ташлаш ҳам босмачилик ҳаракатини тўхтата олмади. Ҳадемай Фарғонада босмачилар билан алоқадорликда шубҳаланмаган бирон-бир маҳаллий ходим қолмади.

Ниҳоят, бизнинг жазолаш сиёсатимиз босмачиликка қарши курашнинг янги системаси билан — барча босмачиларни ҳисобга олиш ва қайд этиш системаси билан алмаштирилди. Ушбу борада ишлаб чиқилган кўрсатмага биноан Чеканинг маҳаллий органлари маҳаллий аҳолидан сўраш орқали босмачиларни қайд этишга киришдилар.

Босмачилар сотқинларни дарҳол сўйиб кетишини билган маҳаллий инқилобий қўмиталар бутунлай бегона исм-шарифларни тузиб беришар эди. Бу рўйхат бўйича босмачиларни тутиш ниҳоятда кутилмаган оқибатларга олиб келди. Умрида босмачилик қилмаган одамларни олиб кета бошлашди.

Айни пайтда Туркфронт штаби армияни соғломлаштириш учун қатор табдилларни амалга оширди. Фарғонадан (...) отрядлари жуда катта тартибсизликлар билан зўрга олиб чиқиб кетилди. Армиянинг ўзида қатъий интизом ўрнатилди, ишончсиз кишилар чиқариб ташланди. Қўмондонлик ягона раҳбарият остида бирлаштирилди. Айни пайтда партия томонидан аҳолини тинч меҳнатга даъват этувчи қатор сиёсий кампаниялар қабул қилинди.

Тинимсиз жанг-жадаллардан гоят толиққан Фарғона аҳолиси дарҳол бу вазиятдан чиқиб олиш йўллариини излай бошлади ва Совет ҳокимияти томонига ўтиб, босмачи тўдаларининг бошлиқлари — қўрбошилари умуий таъқиб этиш ишига қўшилишди.

Ниҳоят, 1921 йилнинг августида, Туркистон Советларининг X қурултойида Фарғона босмачилари диний, хўжалик ва сиёсий масалаларга тааллуқли қатор шартларини қўйган ҳолда Совет ҳокимияти билан тинч музокаралар олиб боришни таклиф этиб мурожаат қилди. Уларнинг шартлари шариатга йўл бериш, мачит, мадраса ва мактабларни очиб қўйиш, қозилар маҳкамасини тиклаш, бозорларга, деҳқончилик хўжалиги ва ҳунармандчилик қорхоналарига эрк бериш ҳамда босмачи отрядларини Қизил Армия сафига қабул қилишдан иборат эди.

Музокараларда барча тинч аҳоли иштирок этди ва демак, босмачилар қўйган бу талаблар айни пайтда аҳолининг ҳам талаби эканлигига шак-шубҳа йўқ эди.

Биз барча шартларни рад этдик. Ҳолбуки, биз учун жуда қулай фурсат келган эди. Биз ундан фойдалансак, аҳоли билан узил-кесил битим тузишимиз ва вилоятни тинчлантиришда улкан ютуқларга эришишимиз мумкин эди. Тадбиркорлик билан, оқилона музокара олиб борганимизда эди, сўзсиз босмачилар сафи парчаланиб кетган бўлур эди. Ана шу қисқа муддатда содир бўлган икки ҳодиса эътиборга лойиқ. Биринчи бўлиб таслим бўлган нуфузли қўрбошилардан бири бўлмиш Бойтуман, таслим бўлганларни афв этиш ҳақидаги буйруқдан четлаб ўтилиб, 40 йигити билан ҳибсга олинди ва авахта қилинди. Совет ҳокимияти томонидан Фарғона отрядининг қўмондони ўртоқ Зиновьев қабул қилган қўрбошиларнинг иккинчи тўдаси дарҳол қўлга олинди ва отиб ташланди.

Ана шу икки далил тагин аҳолини биздан узоқлаштириб юборди, босмачилар эса янги куч-қудрат билан ҳуружга чиқди. Бироқ бу музокаралар биз учун беҳуда кетмади. ТуркМИК кейинги ойларда қабул қилган қатор декретларда аҳоли талаби бир қадар ҳисобга олинди, бизнинг ишимизда «сиёсий ён беришлар» деб аталадиган янги йўналишни вужудга келтирди; қозилар маҳкамасининг тикланиши, вақфларнинг қайтариб берилиши, мадраса ҳамда мактабларнинг очилиши ва ҳоказолар ана шу тадбирлар самарасидир.

Бу сиёсий ён беришлар аҳолининг мўътадил хўжалик юритишига имкон берувчи янги иқтисодий сиёсатга мос бўлиб тушди. Буларнинг ҳаммаси аҳоли онгида Совет ҳокимиятига нисбатан жиддий бурилиш ясади. Ҳожимат Эшон бошчилигидаги руҳонийлар ҳам аста-секин босмачилар билан алоқани уза бошладилар, қолбуки, ана шу даврга қадар Ҳожимат Эшон босмачиларнинг гоъвий раҳнамоси ҳисобланар эди. Кўплаб муридлари бўлган муқаддас руҳоний Ҳожимат Эшоннинг омма кўз ўнгида советлар томонига ўтиши, уламо ва эшонлар анжумани, кейин эса Фарғона руҳонийларининг мурожаат ва чақириқлари тинч аҳолини ҳушёр бўлишга ундади.

Айни пайтда ТуркМИКнинг таслим бўлган қўрбошилар ва уларнинг йигитларини афв этиш, уларнинг шахсий хавфсизлиги ҳамда мол-мулкнинг дахлсизлигини таъминлашга қафолат бериш ҳақидаги декрети эълон қилинди.

Аҳоли босмачи тўдаларининг бошлиқларидан Совет ҳокимиятига таслим бўлишни қатъий талаб қила бошлади. Шу аснода аҳоли билан босмачилар ўртасида кескин нифоқ келиб чиқди, баъзи жойларда аҳолининг ўзи босмачиларни қириб, уларнинг тўдаларини йўқ қила бошлади. Кейинги жараёнлар босмачиларни ўз ҳаёт манбаларидан жудо қилди, аҳоли уларни қўллаб-қувватлашдан бош тортди; босмачилар муттасил талончилик билан шуғулланишга мажбур бўлишди, натижа-

да халқ вакиллари ўзларини босмачилардан муҳофаза этишни сўраб Совет ҳокимиятига мурожаат қила бошладилар. Бизга у ёки бу қишлоққа Қизил Армия жангчиларидан гарнизонлар берилишини, гарнизоннинг барча таъминотини ўз зиммаларига олажакларини сўраб кўплаб талаблар туша бошлади. Уларнинг илтимосларини адо этишга қўмондонликнинг имконияти йўқ эди, чунки Фарғонада қўшинлар сони у қадар кўп эмас, гарнизонлар билан таъминланган қишлоқларда эса улар шу қадар ўзбошимча эдики, маҳаллий аҳоли муттасил бу гарнизонлар устидан шикоят қилиб келар эди. У ёки бу қишлоқда гарнизон қолдиришнинг узок вақт имкони бўлмади. Кўп ҳолларда қолдирилган гарнизонлар ҳарбий топшириқни бажариш учун ўзи жойлашган қишлоқни тақдир ҳукмига ташлаб, бошқа районларга йўл олар, шундай пайтда дарҳол босмачилар ёпирилиб келар ва қишлоқдаги барча нуфузли кишиларни сўйиб кетишар эди. Шунинг учун ҳам қишлоқдан гарнизон қўзғалиш биланок аҳоли ҳам мол-мулки, уй-жойини ташлаб у билан бирга чиқиб кетар, бу эса ўз навбатида оғир, чорасиз оқибатларга, очлик-яланғочликка олиб келар эди. Бизнинг ёрдамимиздан ҳафсаласи пир бўлган аҳоли ўз-ўзини ҳимоя қила олиши учун қурол-яроғ берилишини талаб қила бошлади. Афсуски, ҳарбий қўмондонлик бу қурол-яроғларнинг босмачилар қўлига тушиб қолишидан чўчиб, аҳоли илтимосини рад қилди. Ушбу барча муваффақиятсизликлар, талончиликлар, босмачилар қирғини, умумий тушкунлик ва умидсизликни аҳоли Оллоҳнинг жазоси деб баҳолади. Бутун Фарғонада диний кайфият жуда кучайиб кетди. Оммавий равишда ҳажга жўнаш ҳаракати бошланди.

Алоҳида-алоҳида кишилар, мусулмон гуруҳлари, кўп ҳолларда бутун бошли қишлоқ аҳли ўз хўжаликларини тугатиб, рўзғордаги игнагача сотиб, фарзанди йўқлар хотинидан ажрашиб, поездга ўтиришарди-да, Маккага йўл олишарди. Маккага ҳаж қилиш шу қадар авж олиб кетдики, бутун Фарғона хавф остида қолди. Ана шундай бир вазиятда менинг раислигимда босмачиликка қарши кураш махсус комиссияси тузилди ва у 1922 йилнинг 15 февралда Фарғонага етиб борди.

Биз Фарғонада қуйидаги аҳволга дуч келдик. Бутун вилоят босмачилар қўлида. Совет ҳокимияти фақат шаҳарлар ва темирйўл ёқаларидагина мавжуд эди. Вилоят маркази ҳисобланган, Фарғона группасининг штаби ва хийла салмоқли ҳарбий бўлинмалар жойлашган Қўқон шаҳрининг фақат ярми бизнинг қўлимизда эди.

Қоронғи тушиши билан эски шаҳар босмачилар қўлига ўтар, орани кичик бир сой ажратиб турса-да, бу томонда жуда катта кучлар тўпланган бўлса-да, нариги томондан эшитилаётган қичқириқлар, вой-додларга ҳеч ким эътибор бермас, ёрдам кўрсатиш учун ҳеч қандай чора-тадбир кўрилмас эди.

Босмачиларни ўта қўрқоқ талончилар деб баҳолаган қўмондон, улар эски шаҳарга ҳужум қилганларида мен уйда бамайлихотир ухлайвераман, чунки босмачиларнинг сойдан буёққа ўтишга юраклари бетламайди, деб айтди. Ихтиёрида ФЖнинг отряди бўлган Махсус бўлимнинг бошлиғи нариги томондан нажот сўраб қилинган илтижоларга, вой-додларга ёрдамга бориш жуда хавфли, чунки босмачилар ҳамиша пистирма қўядилар, дея ошкора тан олди. Шаҳардан икки чақиримча нарида, Авғонбоғ деб аталадиган жойда босмачиларнинг илғор кузатувчилари муттақил навбатчилик қилиб турган, уларни дафъ этишни эса ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган.

...Андижон шаҳрида аҳвол бундан ҳам баттар эди. Уезд инқилоб қўмитаси аъзолари босмачилар ёғдириб турган ўқлар остида иш олиб боради, кечқурун соат 5 ларда ҳаммалари янги шаҳарга йиғилиб олиб, катта кўчанинг муюлишидан босмачилар билан отишиб чиқар эдилар. Жалолобод шаҳри ана кетди, мана кетди бўлиб турган, Уш шаҳри эса ташқи дунёдан бутунлай узилиб қолган эди.

Биз вилоятни илк бор жуда катта таваккал қилиб айланиб чиқдик. Биз ўтгандан икки соат кейин Горчаково станциясига босмачилар ҳужум қилишган. Аслида бу бизга қарши қаратилган зарба бўлиб, фақат жиндай кечикишган эди.

Вилоят билан танишиб чиққач, биз шундай қатъий ҳулосага келдикки, агар Фарғонада аҳолининг ўзи босмачиларга қарши курашга жалб этилмаса, уларни ҳарбий йўл билан тугатиш мумкин эмас. Нуқул овруполиклардан иборат бизнинг ҳарбий отрядларимиз босмачиларни фарқлай олишмайди. Жуда катта тайёргарлик билан берилган жанг зарбалари ҳам ё беҳуда кетади, ёки арзимас муваффақият келтиради, холос. Бунинг сабабини босмачиларнинг тактик жиҳатдан устомонлиги билан изоҳлаш мумкин: улар биқиндан ҳужум қилар, ҳеч қачон очиқ жангга киришмас, паст-баландни беш қўлдай билишар, керак бўлганда учқур отларига миниб, дарҳол уй-уйларига тарқаб кетишар эди. Масалан, бизнинг отрядимиз куппа-кундузи илгарилаб бораётганида қўққисдан босмачиларнинг шафқатсиз ўқ ёмғирига дуч келиб қолишади. Уз навбатида Қизил Армия жангчилари ҳам ҳужумга ташланишади, бироқ душман ўрнига паранжи ёпиниб тинчгина кетаётган ўзбек аёлига, кетмон чопиб турган деҳқонга, нонвойга ёки масжид олдида ўтирган оқсоқол чолга ва шу кабиларга дуч келишади. Улардан, ҳозиргина ўқ узган босмачилар қаёққа ғойиб бўлди, деб сўрагудек бўлсанг, қўллари билан бирон томонга ишора қилишади, бироқ Қизил Армия аскарлари жиндай нари юргач, дарҳол орқадан ўқ узишади. Шундай қилиб, босмачилар турли-туман усуллардан фойдаланишади, ҳар қандай қизил аскар улар ўйлаб топган айёрликнинг осонгина қурбони бўлиши мумкин. Босмачиларнинг бунақанги тактикаси кўп ҳолларда жуда оғир оқибатларга олиб келди, бизнинг отрядларимизнинг тинч аҳолига ҳужум

қилиши уларга қўл келарди, чунки биздан озор топган аҳоли ҳамиша босмачиларни қўллаб-қувватлай бошларди.

Ана шундай бир вазиятда бу боши берк кўчадан чиқиб кетишнинг ягона йўли аҳолининг ўзини босмачиликка қарши курашга жалб этиш эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ эди, зеро, фақат аҳолигина босмачиларнинг ўзига хос жиҳатларини, уларга қарши қанақанги муқобил кучлар қўйиш лозимлигини билар эди.

Баъзи бир районлар билан, аҳоли ва унинг кайфияти билан танишиб чиққач, биз Фарғонада аҳоли ўз-ўзини ҳимоя қилишни ташкил этиш учун фурсат етилганлигига ишонч ҳосил қилдик. Ўз-ўзини ҳимоя қилишни ташкил этишда биз асосан стратегик шарт-шароитни ҳисобга олдик: Фарғонада икки турдаги босмачилик ҳаракати мавжуд эди. Водийда — ўзбеклар, тоғда — қирғиз босмачилари. Бу ҳаракатни тугатиш учун аввало ишни ҳамиша босмачи тўдалари қатнай-диган тоғдаги доvonларни қаттиқ қўриқлашдан бошлаш лозим эди.

...Фарғонада ишларни ташкил қилиш жараёнида уламо-лар, эшонлар, қози ва бошқа нуфузли шахсларни босмачиларга қарши курашга жалб этдик, улардан отряд бошлиқлари, оддий милиционерлар сифатида фойдаландик. Шу тариқа бутун халқнинг кўнгилли ҳаракатини кўзгаб юбордик ва босмачиларни ҳаёт манбаларидан маҳрум этдик. Биргалиқда иш олиб бориш натижасида кўнгиллилар билан Қизил Армия жангчиларининг, кейинроқ эса аскарларимиз билан аҳолининг бир-бирига яқинлашувига эришдик. Биз Қизил Армияга нисбатан аҳоли муносабатларининг яхшиланувига эришдик, ҳатто аҳоли Қизил Армияга озиқ-овқатдан ёрдам бера бошлади. Беш ой мобайнида олиб борган фаолиятимиз натижасида: 1) йигитларининг умумий сони 1851 та бўлган 38 йирик ва ўртача қўрбошиларни тугатдик. 1256 та милтиқ тортиб олинди; 2) бутун Ўш уезди босмачилардан тўла-тўқис тозаланди. Андижоннинг ҳам 29 волостидан 23-таси тозалаб чиқилди. Қўқон шаҳрига қўшинларимиз мустаҳкам ўрнашиб олди. Қўқон уездининг эса учдан бир қисми тозаланди. Марғилон уездининг ярми тозаланди. Ҳаммасини жаъмлаб айтганимизда, Фарғонадаги босмачилик ҳаракатининг 50 фоизи тугатилди. Шубҳа йўқки, аҳолини курашга жалб этишдан иборат биз бошлаган иш шу тариқа давом эттирилса, янаги йилнинг охирларига бориб босмачилик батамом тугатилади.







## ЮРТИМ ДЕСАМ



*Мир Алишер наърасига  
Акс садо берди жаҳон,  
Шеърият мулкида бўлди  
Шоҳу султон, ўзбегим.*



## Баҳорги боғ

1

*О!.. Оламдан тўкилди гуноҳ!  
Оралаган боғларга санми —  
Гуллайсанми шунақа, оллоҳ,  
Оллоҳ шундай кўкарасанми?*

*Ёмғирларинг бир дунё хитоб!  
Олам қайта яралди — янги!  
Менинг қайси «оҳ»имга жавоб —  
Йиғлайсанми шунақа, тангрим?*

*Сен — сахийсан, Меҳрдир боринг.  
Гуллашингу йиғлашинг — ошкор...  
Мен — бир тўзгун майсангман, тангрим,  
Мен — бир қатра ёшингман, жаббор.*

2

*Зирқиради илдизим — тупроқ  
Заррасини аранг кўтардим.  
Ҳали қорлар бўлмасдан адоқ,  
Сабрим етмай, тангрим кўкардим.  
Турфа кўкат ердан қалқиди,  
Теварагим тўлди зиёга.  
Мен ҳам битта гиёҳ талқини —  
Қариндошман ҳамма грёҳга.  
Бепарводир баҳор гуллари:  
Хуш лаҳзага ташлаб ихтиёр,  
Ёмғирларга тутиб қўлларин —  
Очилишди мендай бахтиёр.  
Бахтли бўлдим меҳрингдан мен ҳам,  
Чақмоқларда ёришди юзим —  
Теракларда эркесвар кўклам  
Урмаларкан кўкларга узун.  
Боғларингда тураркан тўлиб,  
Бошларимга урилди туман.  
Англадим, бу — туманмас, булут,*

Англадимки, мен ҳам тоғлардан.  
Эриб битди қишнинг мунглири —  
Маҳв бўлдингми сен ҳам охир, марг?  
Навдаларнинг сўлу ўнглири —  
Куртаклари сачраб очди барг.  
Ер юмшади она бағридай,  
Сочил, Ҳаёт! — давронинг келди.  
О, баҳор ҳам олқиш — тангридан —  
Кўкарғувчи замонинг келди.  
Телбалик эт, барқ ур, яшиллан,  
Гулла! — нуру бўйга қоришиб.  
Асабларим, қара, яшиндан  
Жисму жоним борар ёришиб.  
Кўкка боқдим — кўзим йўлиқди —  
Утмоқдадир турна галаси:  
Тизилишди — ўлкам тўлиқди,  
«Қур-ей»... — оқди кўзим жоласи.  
Келин тонглаз салқинларида,  
Шабнамларга почаларим ҳўл,  
Кезарканман чорбоғларингда —  
Тангрим, сездим, ҳали қалбим жўл...  
Зирқиради илдизим — тупроқ  
Заррасин озод кўтардим.  
Бир кўргани рўйингни бу чоқ  
Мен кўкардим, тангрим, кўкардим...

### 3

Еру кўкни кўмдинг зиёга —  
Меҳру шафқат кўргаздинг, жаббор.  
Усаётган ҳар бир гиёҳда  
Бандаларга талпинишинг бор.  
Мана, менинг чарчоқ бошимга  
Телба-телба ёмғиринг қуйди.  
Бир уйғониш туйдим лошимда —  
Меҳри қаттиқ кўк мени суйди.  
Олов отиб кетди кўзимга  
Умри қисқа, жунунвор яшин —  
Мен кўнглимни кўрдим ўзимда —  
Руҳим торгди ногоҳ ям-яшил.  
Хаёлимнинг адирларида  
Бағрини қон этди қизгалдоқ.  
Менинг ғамгин сатрларимда  
Қанот қоқди бир қушча сайроқ.  
Йўқ ачинмай қуйдим қадримга —  
Мен йўқдирман! Мен — сенинг нолаң!  
Жаббор! Бир қуш йиғлар сатримда —  
У менингми, ё сенинг нолаң?..

Энди менга эмас муносиб,  
 Юрагимни ошкора ёқмоқ,  
 Ярашади — ақлдан озиб,  
 Кўкрагимга бекинган чақмоқ;  
 Ё томоша этмоқ — қувониб —  
 Дилда учган капалакларни;  
 Ҳам изламоқ — ногоҳ уйғониб —  
 Тушимдаги камалакларни;  
 Ёки бизни нурга ундаган  
 Ҳақ айтган чоғ ҳақиқат сўзин —  
 Бошни шартта қўймоқ кундага,  
 Биродарлар учун ҳам ўзим;  
 Нафрат отин йўлда қантармоқ —  
 Адашганга меҳр нурун сочиб  
 Ва юракни танга қайтармоқ  
 Ҳужайралар зеҳрини очиб...

Эй, ўзини менга бахш этган  
 Умр! Тавба кўксимда урэн.  
 Шамолимда соврилиб кетган  
 Куйларингни қайтарай қачон?  
 Юлдузларни борар оқизиб,  
 Бошим узра йўловчи дунё...  
 Утмоқ нега, ахир, гард бўлиб,  
 Мен, ахир, дард бўлмоқчиман, о!  
 Хабар бергин, кўнглим, фалакка —  
 Мен янгича яшай бошладим:  
 Ёқамгамас, қара, юракка  
 Сизиб тушар аччиқ ёшларим.

Майли, осмон бошимда хира,  
 Баҳоримда чилланинг қиши —  
 Менга муҳим чалкашлик ичра  
 Уз-ўзимни англамоқ иши.  
 Шафқатнинг кенг чорбоғларида  
 Бир дарахтдай гуллади меҳрим.  
 Нафратнинг чарс қийноқларидан  
 Қутилмоқда юракнинг сеҳри.  
 Рўҳнинг сокин гирдибодиди  
 Учар экан таннинг куллари,  
 Истайманки, дилнинг додига  
 Садо берсин ҳаёт гуллари.  
 Мен кўнглимни гул каби уздим!  
 Тангрим, юбор гулга зор касни...  
 Тангрим, қандай ўйинни буздим —  
 Ҳеч кимга гул керак эмасми?

Товушини йўқотган эмас,  
 Юрак ҳамон девона ҳофиз.  
 Фақат унинг ёнида бесас  
 Пайдо бўлди доно Кайковус.  
 Ҳамон тунлар тўлғайди наво,  
 Қовурғалар чанқовуз — танда.  
 Фақат ошиқ дилда уйғонди  
 Тазарруга бош эккан банда.  
 Шафқат танни забт этди-олди,  
 Чоҳдан чиқди ҳамма сўзларим.  
 Менинг жисмим тамом йўқолди —  
 Утқирлашди фақат кўзларим.  
 Юрак энди авжларни қўйиб,  
 Паст пардада куйлар шикаста —  
 Жону жисмим кетару куйиб;  
 Ёшларимни артаман аста.  
 Қалбдан тошдай оғир кўчган шеър  
 Ҳаётдами, ўлимда кўпроқ?  
 Англамайман, залворлими Ер,  
 Ё кафтдаги бир ҳовуч тупроқ?  
 Ушбу шеърни битаркан, армон  
 Юрагимга такрор буюрди:  
 — Бемалол уч — узоқдир осмон,  
 Ер қаттиқдир — бемалол юргин.

Агар дардга тўлсанг дўстни излама,  
 Энди сўзлар кетди — сўзни излама.  
 Шафқат келтиргувчи рўзни излама —  
 Дардингни телбавор шамолга яшир.

Мақомсан — дилни шўх баёт тушунмас,  
 Сен — сайдсан, «оҳ»ингни сайёд тушунмас,  
 Ҳасратни гуллаган ҳаёт тушунмас —  
 Кўз ёшнинг таъбирини саволга яшир.

Дунё чайқалмоқда — оғиб турибди,  
 Шоҳларга шайтонлар ёқиб турибди,  
 Қара, ҳақ фалакдан боқиб турибди —  
 Ростни илдиздаги камолга яшир.

Ҳамдард бўлмоқликка беморлар топгин,  
 Ватаннинг кўйида зор-зорлар топгин,  
 Ниқмоққа дарахтмас, деворлар топгин —  
 Эрк сўзин қафасда беҳолга яшир.

Бу гўзал боғ ичра баҳор денгизи,  
Мавжлари — ям-яшил, уфқи — қирмизи,  
Баҳор — пайғамбардир, сен ҳам — Термизий —  
Бир ҳадис топсанг гар ниҳолга яшир.

Баҳор юрагингга бир ширин сасдир,  
Узлигин сезмайди — бу дунё мастдир,  
Мастлик ҳам бешафқат ҳаётдан баҳсдир —  
Ҳаётнинг маъносин заволга яшир.

8

Оҳ, аён дарахтлар яшолмас якка —  
Гуллаб — очилишган боғларда тўп-тўп...  
О, тангрим кезаман мен ёлғизликда,  
Гуноҳларим кўндир, гуноҳларим кўп.

Тўп-тўп яшамоқда — сокин камолдир,  
Ёлғиз яшамоқда — бепоён тўзим.  
Ҳамма дарахтларга битта шамолдир,  
Ҳамма шамолларга битта мен ўзим.

9

Ана, юрак қуш каби учди!  
Баҳор чоғи вужуд — ёрилтош...  
Чексизликка кўнглимдан тушди,  
Мен йўқотган қатра севинч ёш.

Баҳорҳолим! — Беадоқ кенглик —  
Кўринмайди «оҳ»имнинг чети...  
Уринади — житти қуш — «мен»лик,  
Йўқ, севинчга бўлмайди етиб...

Қирқ от қўйди қисмат қаршимда,  
Эгарлама, керакмас, дедим.  
Юрагимнинг сўнгсиз даштидан  
Мен ниёда ўтмоқчи эдим.

Қирқ қуш қўйди қисмат қаршимда,  
Йўқ, Семурғлар керакмас, дедим.  
Юрагимнинг юксак аршига  
Мен қанотсиз кетмоқчи эдим.

Қаршимдаги қирқ ёшим — қирқ ғам,  
Сенга йиглаб нималар дедим?  
Баҳоримни биргина кўрсам  
Кузга ўзим кетмоқчи эдим...



## АРМОНИМ МАНИМ



Тоғларинг тегрангда гўё  
Бўлма аждар бўлди-ю,  
Икки дарё — икки чашминг,  
Чашми гирён, ўзбегим.



## ҲАЙРАТ УЛ-АВОМ

Эсимни таниб, ўзимнинг инсон эканлигимни хис қилганимдан буёқ ҳайратланишдан тўхтаган эмасман. Аммо эндиги ҳайратим... Келинг, яхшиси, бир бошдан ҳикоя қила қолай.

Даставвал, бизнинг авлод кўзи очилиб, оқ-қорани энди таниган даврда уруш бошланди. Аму этакларидан Орол денгизи орқали фронтга кетаётган аскарларнинг изи узилмас эди. Ҳаммаёқ тўс-тўполон, қий-чув, йиғи-сиғи, кўз ёши. Кечқурунлари қариялар даврасида уларнинг суҳбатини эшитиб ўтирар эканмиз, гап фақат уруш ҳақида кетар эди. Ғарбга ботган куёш ўз нурларини ҳамон уфққа сочиб, осмонни қонталаш рангга бўяр, буни аскарларнинг жангда тўкилаётган қонлари шуъласи деб тушунтиришар эди.

Сўнгра қаҳатчилик бошланди. Юпун кийинган одамлар эрталабдан кечгача белини букиб, бир тишлан нон учун тер тўкиб ишлар эдилар. «Қорнинг тўйса — қурбон ҳайит» деган мақолни кўп эшитар эдиг-у, аммо маъносини чакмас эдик. Энди тушунапмиз. Камбағалчилик улуғлар, бойларга нисбатан қаҳр-ғазаб уйғотилар, бу кайфият она сути билан кириб, тобора фалсафий ақидамизга айланиб, жонтанимизга сингиб борар эди. Ўзини ҳурмат қилгувчи ҳар бир киши, айниқса зиёли, ўзининг таржимаи ҳолига келиб-чиқишим камбағал деҳқон оиласидан деб фахрланиб ёзар эди.

Урушдан сўнги даврлар... Йўқчилик. Нон ҳам йўқ, кийим ҳам. Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот шаҳри. Атроф кўл ва дарёлар, тўқайзор ва қамишзор. Ер ҳам кўп, сув ҳам мўл. Аммо халқ оч-яланғоч. Қойил қолмоқ керак, ҳосилдор тупроқ мавжуд, тоза сув сероб, аммо халқ ундан бенасиб. Аҳоли кўримсиз паҳса уйларда, ҳаттоки ертўлаларда яшар, экин экиш учун бир парча ерга зор эди. Теракка, мева дарахтининг ҳар тупига шафқатсиз солиқ солинар, эгаларининг боши қарздан чиқмас эди. Оқибат одамлар уй қуриш учун лойдан бўлак ҳамма нарсага муҳтож, бола-чақа эса мева ва сабзавотга зор бўлиб қолди. Худонинг кўлларида ўсиб ётган пичан дегани нима ўзи, ўшани ҳам молга олиш амри маҳол эди. Чунки бетайин божмонлар йўл тўсиб, пичанчиларнинг бор-



тўғини шилиб олар эдилар. Бозорда гўшт-сут, кийим-кечак ва хўжаликка зарур нарсаларни харид қилиш, сотиш билан қилинган, агар қўлга тушсанг қамалиб кетишинг ҳеч гап эмас эди. Айниқса пойафзал харид қилиш қийинлигидан болалар мактабга кишин-ёзин ялангоёқ қатнар эдилар. Шакар чеккаларида яшириниб, теридан чарм ошлаб юрган кўнчилар, агар қўлга тушса, аёвсиз жазога тортилар эдилар.

Таажжуб! Ешлик чоғларимда ҳукуматимизнинг ана шу ғалати сиёсатига ҳеч ақлим етмас эди. Кишилар ҳамма нарсага муҳтож бўлса-ю, уларнинг ўз қорини ўзи тўйғазишига, ўзига бир бошпана қуриб олишига, усти-бошини бут қилишига йўл бермасалар, бундай ҳаракатлар хусусий мулкчилик иллатлари деб қораланса!

Каттаю кичик оилалар абгорликда яшаб, бир хонада истиқомат қилганликларини, бир кўрпанинг тагида ётганликларини кўрмадикми? Бўй етган қизларини тўй қилишга қурби етмай, тўғри келган йигитнинг қўлига ушлатиб юборганларини-чи? Билмаймизми? Балки, «Тенгини топсанг, текин бер» деган мақол ўшанда чиққандир!

Аммо қизиги шундаки, ўша йилларда Амударёнинг қуйи этаклари нақ жаннатмакон жой эди. Бир томонда бепоён Орол денгизи ўзининг кўм-кўк ва тиниқ, тоза ва юмшоқ сувлари билан то Қўнғиротгача ястаниб ётар эди. Беҳисоб чучук кўллар балиқ ва қушларга тўла, ям-яшил яйлов ва пичанзорлар ирғалиб турар эди. Амударёнинг кўп сонли ирмоқларидан ширин сувлар оқиб ётар эди. Деҳқончилик учун серунум ерлар бағрини сахий офтоб нурларига тоблаб ётса, иккинчи томони Устюрт ясси тоғлигининг кўз илгамас чексиз қирлари эди. У ерлардаги соф ҳаво, хушбўй майса чорвачилик учун атай яратилгандек, ҳатто ёввойи ҳайвонлар, жумладан, жайрон ва сайғоқлар ҳам бундан баҳраманд эдилар.

Афсуски, ана шу табиат бойликларининг ҳам замонамизнинг ғайриинсоний қонунлари ва бачкана сиёсий ғоялари туфайли халқимизга деярли манфаати тегмади. Устига устак қатағон йиллар ва уруш асорати халқни икки букиб ташлаган эди.

Сўнгра халқ хўжалиги бир амаллаб аста тиклана бошлади, кишилар қорни тўйиб овқат ейдиган бўлдилар, турмуш ва маданият бирмунча яхшиланди. Аммо бу ижобий ўзгаришлар узоққа чўзилмади, халқнинг бошига бошқа кулфатлар тушди. Еппасига ўғрилик, порахўрлик, олибсотарлик, ичкиликбозлик, маишатпарастлик, тўрачилик ва бошқа иллатлар чирмовиқдек илдиз отиб кетди. Пиروفард бой ва камбағал, тўра ва меҳнаткаш, хўжайин ва малай келиб чиқдики, авом халқ раис ва бошлиқларга қарам бўлиб қолди, ҳуқуқлари поймол қилинди, ҳатто тегишли ҳақларини ололмай сарсон-саргардонликда яшади. Илгарилари эскилик сарқити деб уқтириб келинган урф-одатлар бодраб кетди. Шулардан биттаси қалин бериш эди. Аввало қизнинг «нархи»

2-3 минг бўлса, кейинроқ 10-15 минг сўмга чиқди. Камбагал одамнинг кун кўриши яна қийинлашди.

Еш авлоднинг довдир йиллари бошланди. Ота-она ёрдамисиз уларнинг қўлидан биронта иш келмайдиган бўлиб қолди. Ўқишга кириш, уйланиш, ишга жойлашиш ва ҳоказолар ота-оналар зиммасига юкланди. Ҳаттоки арзимаган нарса — тайёрага чипта сотиб олишга ёшларнинг қурби етмай қолди, чунки бунга ҳам таниш-билиш керак эди. Хуллас, ўз фарзандларини оёққа турғазини ота-оналар учун муаммога айланди, оқибат улар орасида антиқа мусобақа келиб чиқди. Ана шу тариқа қобилиятсиз, дангаса, сиёсатдан йироқ, аммо яхши ейиш ва ичишни, яхши кийиниш ва яшашни хуш кўрадиган янги авлод юзага келди. Биронта мутахассисликни эгалламаган, чаласавод ва маишатбоз арзандалар умр жilовини ота-оналар қўлидан олишга ҳеч шoшилмас, эски авлод эса меҳнат тагидан чиқмас эди.

Шу билан бирга кўп жойларда, айниқса Орол бўйларида табиат тобора таназулга юз тута бошлади. Амударё ва Сирдарё сувлари йилдан йилга камайиб, баъзан денгизга етиб ҳам келмай қўйди. Сув таркибидаги туз ва химикатлар 1-2 фоизга етиб, у ичишга батамом яроқсиз бўлиб қолди. Орол денгизи қурий бошлади. Ерлар шўрланиб, экинзорлар майдони қисқарди, мева ва сабзавот танқислиги бошланди.

Юртимнинг бошига қора кунлар келди. Илгарилари Орол бўйларидаги аҳоли яшайдиган Мўйнок, Учсой ва Урга минтақаларида муҳит аянчли ахволга тушиб қолди. Халқ ёшасига Қўнғиротга кўчирила бошланди. Аммо уларнинг баъзилари яна ўша ўзлари ташлаб кетган жойларига қайтиб борар эдилар, чунки одам ўз туғилиб-ўсган жойи, киндик қони тўкилган ерларни ташлаб кета олмас экан. Кўчиб кетиш иложини тополмаганлар ёки яна қайтиб келганлар ҳозир бир амаллаб кун кечирмоқда. Улар сувсизликдан ва аτροφ-муҳитнинг ёмонлигидан дўзах азобини чекимоқдалар. Айниқса, шу кунларда Учсойга бориб қолган киши ҳайратдан ёқа ушламаслигига илож йўқ. Бизнинг сайёрамизда бундан ҳам даҳшатлироқ, бундан ҳам ғариброқ, бундан ҳам чиркинроқ бошқа ер йўқ. Ҳаммаёқ харобага айланган. Бир қарашда сувоғи тушиб кетган пастак қамиш уйлар кимсасиздек кўринади. Аммо уларнинг баъзиларида гимирлаб юрган шарпаларга назарингиз тушади. Булар аксарият қариялардир. Уларнинг оху зорини эшитсангиз эди, юракларингиз эзилиб кетарди.

Дарвоқе, «53-йилнинг совуқ ёзи» деган фильм Россия қишлоқларининг бирида сувратга олинган экан. Бу кинони кўрган чет эллик меҳмонлардан бири, шунақа хароба қишлоқ декорациясини яшаш учун қанча пул сарфланди, деб сўрабди. Ҳечқанча, бунақа қишлоқлар бизда ҳар қадамда ва хоҳлаганингизча топилади, деб жавоб беришибди ватандошларимиз. Агар ўша ажнабийлар бизнинг Учсойни

келиб кўришса эди, ақлдан озиб қолишлари тайин, деб уйлайман.

Келинг, энди, шу айтганларимиз ҳам етар. Аммо беихтиёр савол туғилади. Бу аянчли ҳол, бу кулфат халқ бошига қаёқдан қордек ёғилди? Халқ ўз ризиқ-рўзи бўлган денгизи, кўли, дарёси ва еридан нима учун ажралиб қолди? Мана шу бир авлод кўз ўнгида содир бўлган фалокатларнинг нима учун олди олинмади? Халқ ичида унга раҳнамо бўлиб турган йўлбошчилар қаерда эди? Мазкур офат яқинлашаётганда уни олдиндан пайқай оладиган донишмандлар, олимлар ва ор-номусли кишилар йўқмиди? Еки ҳамманинг қулоғи қар, кўзи кўрмиди?

Ана шу саволларга ҳозир ҳамма, жумладан, жумҳуриятимизда, Иттифоқда, ҳаттоки чет элларда яшаётган виждонли кишилар жавоб изламоқда. Карахтлик зулматидан кутулиб кўзидаги тўр пардалар пича очилган замон халқ ўз ҳолининг нечоғли оғир эканлигига фаҳми етиб қайратга тушмоқда. Буни ҳайрат ул-авом дейдилар, яъни фуқаронинг содир бўлган воқеадан ёппасига ҳайратланишидир.

Биз ҳам ана шу муаммога баҳоли қудрат изоҳ беришга бир уруниб кўрайлик-чи.

Даставвал шуни айтмоқ керакки, юқорида зикр қилинган денгиз, кўл, сув ва ерлар 70 йил мобайнида халқники бўлган эмас. Улар давлатники, яъни ҳеч кимники эмас эди. Бу табиат инъомларининг хўжаси йўқ, улар етимдирлар. Боз устига халқ пешона тери билан яратилган бойликлар — иморатлар, корхоналар, уй-жойлар, мактаблар, завод-фабрикалар, каналлар, иншоотлар, касалхоналар, кўприклар, экинзорлар, чорва моллари, борингки, ҳаммаси эгасиз эди.

Бошлиқлар, йўлбошчилар, раҳбарлар, раислар нега бу моддий бойликларни муҳофаза қилмади ва уларга кўз-қулоқ бўлмади, деган қонуний савол туғилади. Улар гоё кетидан эргашиб борар эдилар, уларнинг худоси юқоридан келган буйруқ эди. Тепада эса коммунизм машъали кетидан қувлашарди. Халқнинг онгига зўрма-зўракилик билан ғайриинсоний ақидалар сингдириларди. Ҳамма нарса қоғозда қойил-мақом этиб бажариларди, амалда эса хўжасизлик авжида эди.

Бунга мисол ахтариб ўтиришнинг кераги йўқ. Орол денгизи бўйларида не-не корхоналар, тураржойлар, иншоотлар кераксиз бўлиб, харобага айланиб ётибди. Денгизнинг эски қирғоқларида ётган кемалар, катерлар, баржаларнинг занглаган таналари гўё баҳайбат динозаврларнинг қолдиқларига ўхшаб кетади. Аму этакларидаги канал ва коллекторлар атрофидаги ташландиқ кемалар, насослар ва моторлар лой билан қоришиб кетган. Устюртда темир-терсақнинг минг хилдан намуналар топса бўлади. Эсиз техника, халқнинг пешона тери билан бунёдга келган моддий бойликлар! Ҳаммаси хор бўлиб ётибди. Бу ачинарли ҳолнинг сабаби битта: **х ў ж а с и з л и к !**

Кунларнинг бирида яйловда бир чўпон чол билан учрашиб қолган эдик. Уларнинг турмуши ниҳоятда ночор эди. Уйлари эски, хаттоки томлари нураб, чакка ўтиб кетган. Молхона йўқ, хашак йўқ, сув йўқ. Оқибат молларнинг сони йилдан йилга камайиб кетаётган экан. Биз чолдан бунинг сабабини сўраб эдик, у «молнинг эгаси йўқ», деб жавоб қайтарди. Мана шу ўқимаган, дунёда нима бўлаётганлигидан батамом беҳабар чол жамиятимиз бошига тушган фожа сабабини тўғри ва лўнда қилиб: «эгасизлик» деб тушунтириб берди. Ана шу оддий чол тушунган нарсани мамлакатимиз тепасида турган раҳбарлар ва уларга маслаҳат бераётган донишмандлар неча-неча олий ўқув юрларида таҳсил олиб, дунёни энига ҳам, бўйига ҳам кезиб чиққан бўлишларига қарамай, ҳамон англамай ётибдилар.

Эгасизлик оқибатида эътиқод дарз кетди. Халқнинг адолатга, виждонга, ҳақиқатга ва имонга нисбатан ишончи йўқола борди. Алдамчилик, ёлғончилик, порахўрлик, фирромлик, иккиюзламачилик одатий тусга кирди. Тўғри йўл турганда эгри йўл билан кун кўриш осон бўлиб қолди. Тер тўкиб меҳнат қилиш билан бола-чақани боқиш, деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан рўзгор тебратиш тобора қийинлаша борди. Пировардида яшаш учун ҳар кун зарур нарсалар, жумладан, гўшт, сут, тухум, сабзавот ва мева камайиб кетди, савдогарчилик ва олибсотарлик авж олди. Еш авлод ҳанг-манг бўлиб, қўли ишга бормай, саёқлик йўлини кашф қилди. Мактаб ўз зиммасига юклатилган вазифани, яъни элга маърифат тарқатишни уддалай олмай қолди. Мактаб бинолари тўзди, дарсликлар етишмай қолди, хаттоки дафтар ва қалам танқислиги вужудга келди. Ўқувчиларни қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилиш қонун тусига кирди, улар пахта далаларидан тўғри синфларга келиб дарс олар ёки имтиҳон тошширар эдилар. Ана шунақа қилиб ёппасига саводсизлик учун замин яратилди. Сўнгра олий ўқув юрларининг аҳволи ҳам тангликка учради, чунки уларнинг пойдеворига қўйилган ғишт хом эди.

Дин халқ учун афюндир деган йўқсиллар шиори, мачитларнинг ёпилиши, диний житобларнинг тақиқланиши, эски расм-русумларнинг қораланиши халқда эътиқоднинг йўқолиб, ёввойилашига олиб келди. Урушдан сўнг Қўнғирот шаҳридаги эски мачит бузиб ташланди, аммо янгиси қурилмади. Натижада маърака ва маросимларни ҳар ким ўз билганича пала-партиш ўтказаверди. Бу дунёда туғилмоқ бор экан, ўлмоқ бор. Динни йўқотиб, бу ҳолатларни қайд қиладиган янги нима ихтиро қилдик? Ҳеч нима!

Сўнгра қайта қуриш даври келди. Ниҳоят-а, деб кўпчилик катта умидлар билан назар ташлади келажакка. Истибдод сиртмоғидан энди қутулдик деб энгил нафас олдик. Аммо, афсуски, қайта қуришнинг мана олтинчи йили ҳам ўтиб кетяпти, лекин ҳаёт ўзининг ўша эски ирмоғидан оқмоқда. Йўқ, ундан баттарроқ бўлмоқда. Назаримда, орқага, ўша

Ўзимизга маълум бўлган муҳитга қараб шахдам қадамлар билан чекинмоқда. У ёқда бизни нималар кутади, бу сир эмас, биз у йўлни босиб ўтганмиз.

Шундай қилиб, Орол бўйлари экологик, иқтисодий, маданий ва ахлоқий инқирозни бошдан кечирмоқда. Ерлар шўрланиб экишдан чиқиб кетмоқда, сув ва ҳаво ифлосланмоқда, юқумли касалликлар, айниқса сариқ касали кенг ёйилмоқда. Болалар ўлими тобора кўпайиб бормоқда, аҳоли қашшоқлашмоқда, ахлоқ бузилмоқда. Турмушнинг ана шу йўсинда ночор ва ғариб ҳолга тушиб қолиши, тобора ортиб бораётган тирикчилик ташвишлари, соғлиқни сақлаш соҳасидаги муаммолар кишиларнинг келажакка бўлган ишончини йўқотиб қўйди. Энди улар нима эшитса ўшанга ишонадиган, ғайритабиий кучларга сиғинадиган ва ғойибдан нажот кутадиган лақма бўлиб қолди.

Шундай бир даврда бамайлихотир яшаш мумкинми? Катта-кичик бошлиқлар бу аҳволдан ташвишланаётганмикин? Ёки амал курсида ўтирганда халқнинг ғам-ташвиши эсларидан чиқиб кетармикин? Умуман бу мушкул аҳволдан қутулиш йўли борми? Ёки бизнинг пешонамизга ёзилгани шумикин?

(...) Асли инқилобдан илгари ҳам халқимиз адолат ичра яшаган эмасди. Акс ҳолда Бердақ қуйидаги шеърни битмаган бўлур эди:

*Бу дунё дунё бўлгали,  
Подшо одил бўлган эмас.  
Шоирлар қалам олгали,  
Хатга тўғри солган эмас.*

Биз ана шу сатрларни мактабдалигимизда ўқир эканмиз, эски замонда яшаганларга ачинардик, ўзимизнинг давримиздан мағрурланардик. Аммо яхшилаб бир назар ташлайлик-чи, бизнинг ота-боболаримиз оқни оқ деб, қорани қора, деб ҳарҳолда айта олган. Биз шўрликлар-чи, оқни қора, қорани оқ дейдиган замонда яшамадикми? (.....)

Ҳақиқатни ҳамма изламоғи, ҳамма унга интилноғи керак. Шунингдек, радио ва телевидениеда ҳам кўпфикрлилик ҳукм сурмоғи шарт. Ҳар бир вилоят ва туманларда юз бераётган воқеалар ва масалалар ошқора айтилмоғи, кўрсатилмоғи керак.

Шу билан бир қаторда эркинлик керак. Халқнинг қўлёғидаги тушов ва кишанларни олиб ташлаб, уни ўз ҳолига қўймоқ керак. Табиб даволамаса, деҳқон экмаса, уста қурмаса, шоғирд ўрганмаса, турмуш фаровон бўлмайди!

Яқин келажакда халқни ер билан тўла таъминламоқ керак. Катта-кичик корхоналар халқ қўлига топширилмоғи, ишбилармонларнинг фаолияти учун бутун имкониятлар яратилмоғи лозим. Ниҳоят, қонун керак, яъни адолатни

барпо қилмоқ лозим. Ҳамма ёқда фақат қонун ҳукм сурмоғи, қонун олдида барча бирдек жавоб бермоғи зарур.

Агар ҳозир оёғимизнинг тегини пайпаслаб юраверсак, ҳаттоки баъзан чекинсак, тарих ғилдираклари олға қараб шиддат билан ҳаракатланиб турган даврдан сурилиб қолиб кетишимиз мумкин. У тақдирда авлодларимиз бу иккиланишларимизни ҳеч қачон кечирмайди. Ҳеч қачон биздан рози бўлмайди.

Биз бутун орзу-умидларимизни фақат Орол денгизини қутқариш билан боғламоқдамиз. Аммо бундан ҳам муҳим муаммо бор: бу Аму ва Сир дарёларининг шўрланиши билан ифлосланишидир. Агар мазкур дарёлар сувининг то-залигига эришолмас эканмиз, бошқа ҳар қандай қилинган ишлардан натижа чиқмайди.

Туркменистонликлар чучитилган дарё сувининг 1 литрини 1,5 сўмдан сотиб олиб ичишмоқда. Яқин даврда бизда ҳам шундай бўлади, бошқа иложи йўқ. Ана ўшанда битта оила ҳар куни ичимлик сув учун камида 10-15 сўм сарф қилиб, ойига 300-400 сўм тўлайди. Бир товукқа ҳам сув керак, ҳам дон керак экан. Тасаввур қилинг, ана ўшанда баъзи оилаларнинг топгани фақат ичимлик сувга аранг етади деган гап бу!

Масаланинг ташвишли томони шундаки, биронта саноат ёки қишлоқ хўжалик корхонаси йўқки, қонунга хилоф ра-вишда ҳар хил йўллар билан ерни, сувни ва ҳавони ифлос-ламаса.

Бунинг оқибатида, эшитяпсизми, эй яхшилар,

овқат ейиш,

сув ичиш,

нафас олиш

хавфли бўлиб қолди!

Энди илгаригидек раҳбариятдан нажот тилаб, улардан хайр-эҳсонлар кутадиган даврлар ўтиб кетди. Атроф-му-ҳитнинг касали меъёридан ошиб борапти. Бир жойда депси-ниб туриш ёки орқага чекиниш ниҳоятда хавфли, чунки жар ёқасида турибмиз. Бу экологик фалокатдан қутулмоқ учун бутун аҳоли ёппасига ҳаракат қилмоғи керак. Халқнинг экологик саводини очмоқ керак. Кучли ва серҳаракат экологик жамоалар тузмоқ лозим, яъни бу ишларнинг жилловини халқ ўз қўлига олмоғи даркор.

Хулласи калом, қиссадан ҳисса, нима демоқчиман? Чет мамлакатларда ажойиб ҳаёт кечираётган халқларнинг турмуши ҳақида матбуотдан ёки ўша юртларда бўлиб, ўз кўзи билан кўриб келган одамлардан эшитиб қолсам, ўзим-нинг 55 йиллик умримнинг фақат азоб-уқубатда, сарсон-лик-саргардонликда, хомхаёллик ва ушалмас орзулар оғуши-да, ғариб ва саёз гоёлар қуршовида, темир парда ичкари-сида, қўл кишанланган, оёқ эса тушовланган ҳолда ўтиб кетганлигига ачинаман. Агар ҳақиқат, ростгўйлик, эркин-

лик, адолат бўлганда эди, ў-ҳў, шу йиллар ичида қанча-қанча инсон учун фойдали юмушларни бажарган бўлур эдик. Халол ишлаб ҳеч нарса орттиролмайдиган замонда яшадик. Энди, мана, шахсий мулкнинг йўқ, бошпананг ҳам ўзингники эмас. Фарзандларингга нима мерос қолдирасан? Ҳеч нарса!

Мана шу мулоҳазаларни алам ва изтироб ила қайд қиляпман!

Ахир инсон ҳаётга фақат бир марта келади. Ана шундай бебаҳо умримизнинг ҳамон заҳарланиб ётгани кишини ларзага солмайдими?!

Ноумид шайтон дейдилар. Бобомиз ҳазрат Навоий армон қилганидек, бизлар етолмаган бахтли замонларга, шоядки авлодларимиз етса. Илоҳим, Ота юртимиз Туркистон ўз ерига, тилига ва имконига ўзи эгалик қилиб, дунё халқлари ичида юксак мартаба ва обрў ила эркин, озод, ҳур, тўқ ва пок яшасин! Омин!

## **ВАТАНДАН АЙРИ ТУШМАСИН ЙЎЛИНГ**

Аҳмадбек Хожа ҳовлисида пирымни  
кўрдим...  
Ҳайратимнинг кўзгусида кўринди  
гулшан.

Абдулҳай НОСИР

— Бу уй менинг қиблагоҳимдир, бобо! Не учундирки, зиёрат этмоққа сизни, отамиз Жайнақ Мирзони, онамиз Тожинисо бегимни ва яна дунёнинг минг бир бурчакларига сочилиб кетган, бу она заминга келмоқни бир умр орзу қилиб, ниятларига етолмай оламдан ўтган жигаргўшаларим ҳаққи бу қутлуғ хонадонга сиғинаман.

Бир вақтлар ўзингиз ҳам: «Унг оёғимни шаҳри Андижонга қўйсаму чапини босмоққа улгурмай жоним узилса қанийди», деб нола қилган экансиз. Водариг! Бу нолаларнинг сасига еру осмон қандай тоқат этди экан дейман. Шул боисдан бу шаҳри муборакка қадам ранжида этганим чоғ, зиёрат этмоққа аввал бу даргоҳга шошиламан. Мабодо берк бўлса худди елкангизни силаб тавоф этгандай деворларини сийпалайман. Сиғинаман унга, тупроғини кўзларимга тўтиё этиб суртаман. Бошимизга тушган мусибатларни, сарсонлик-саргардонликларни эслаб йиғлайман. Шу қўнға қолдирганларни лаънатлайман.

— Ундай эмас ўғлим, зинҳор-базинҳор бундай янглиш ўйларни хоҳиш этманг, вужудингиздан ҳайданг уни. Мен умрим бўйи тоат-ибодат этиб, Оллоҳга шукроналик билдириб, ундан сўрадим: «Эй раббим, пок этиб яратибсанки ўзинг, имонсиз оломон ва ғайридинлар олдида хор қилмагил», дедим. Парвардигори олам илтижоларимни қабул этиб, оёқости қилмади. Мингдан минг шукр. Юртимни кўрмоқ истаги эса... қиёматга қолибдир. Сизга насиб этган экан бу табаррук заминнинг дийдорига тўймоқ, яратганнинг шарофатидан ва унинг иноятидан деб, ҳайратга тушинг. Қул-



ук этиб парвардигорга бош эгинг. Бандасига ва унинг барпоган уйига сигинмоқ гуноҳи азимдир, ўғлим.

Сизлар Оллоҳга сигинмоқни, Расулиллоҳнинг барҳақлини ёдингиздан чиқарган бўлсангиз-да айтгайман. Ул абаррук зот саҳобаларидан бири — ҳазрати Умар билан бир-а Мадинадан Маккага сафар қилишаётган экан, Карбало аштида бир зум ором истаб, ёлғиз дарахт соясида дам лишибди. Ниҳоят нафасларини ростлаб, йўлга равона бўишгач пайғамбаримиз ҳазрати Умарга: «Эй Умар, бориб ен ҳозир соясида ўлтирган дарахтни кесиб келурсан», ебдилар.

Ҳазрати Умар сўрабдилар: «Эй Муҳаммад, сен ўзинг изга қиёмат қойим чоғига бир дақиқа қолганида ҳам арахт экмoқни буюргансан, не сабабки, бутун саҳройи Карарда яратганнинг каромати билан яшнаб турган дарахтни асурман?»

Шунда Расулиллоҳ: «Замонлар ўтар, бир вақтлар келиб, мматларим, шул дарахт соясида пайғамбаримиз ором олган канлар, деб, унга сигинмасинлар, Оллоҳ ёдларидан кўрилмасин», деб жавоб берган эканлар. Шул боис эътиқодинг замирида ёлғиз яратганнинг ўзи турмоғи лозим. Одамод ва унинг суратига сигиниб яшаган фуқаронинг косаси кармагай.

— Узр бобо, мен бугун юртимизда ҳур фикр айтмоқ мкони туғилган кунда сизни кўмсадим, кўмагингизга муҳрж бўлиб ёнингизга келдим.

— Ун бермоқ шунчалар узоқ бўлдим, ўғлим?

— Ҳа, кўп мушқул бўлди бошимизни кўтармоқ, сизарни ёдга олмоқ. Бу ҳисни биздан бегона этган эканлар.

— Унда емак-ичмоғингиз тўкин, уст-бошингиз бутўлдими?

— Йўқ, бобо, емак-ичмоғимиз тўкинмас, уст-бошимиз ҳам ўтмас. Лекин ўзимизни биروز англаб, ҳур фикрламоқнинг етонасига қадам қўйдик чоғи, бобо.

— Кўп яхши иш бўлибдир. Яратган эгам бандаларига мак-ичмоғини мукамал ва бисёр этур. Ҳарқалай ўз юртингиздасиз, тарки Ватан этмагансиз, шукр қилинг, ҳали шундай ёриломон замонлар келурки.

— Тарки Ватан дедингиз, менинг жисмим мана шу камининг азобида куюр. Гўё биз бир умр тарки Ватан этандаймиз. Уз элимизга қайтсақ-да бегонасираймиз, ўз йимизда омонат ўтиргандаймиз. Уша сиз барпо этган, намиз Тожинисо бегим туғилган ҳовлимизга чипта сотиб либ кираймиз, бобо.

— Таваллуд топган муборак тупроқдан қадам узмоқни ратган эгам ҳам хуш кўрмагай. Мен ва сизнинг отангиз комоннинг тавқи лаънатларидан, ҳукмдорнинг сиёсатидан ўчиб, парвардигорнинг измига бўйинсунмадик, бул азоб аҳшаргача чўзилгай энди ўғлим. Подишо ҳукми эса вожиб рур.

— Узр бобо, Оллоҳга шак келтирмасам-да, подишо ҳукми вожиб деганингиз не? Ахир не гуноҳ қилибсизки, сизни юртдан жудо этсалар? Сиздан сўнг бошимизга тушган қиргинбарот кунларни кўрмадингиз, бобо. «Контр» деб одамларни суд қилиб-қилмай отдилар, қулоқ деб, еринг кўп деб, Урусиянинг узок ўлкаларига бадарга этдилар. Қизларимиз, опаларимизнинг юзларидан чимматларини юлдилар, паранжиларига ўт қўйдилар, шарм-ҳаё, ор-номус ҳам шунга қўшилиб ёнди, бобо. Қориларимизнинг қироатлари сўнди, аҳли диндорнинг унлари ўчди, масжидларимизни устахона, мадрасаларимизни оломонга бошпана қилиб бердилар, уламоларимизни илми-маърифатдан узок дедилар, саводли халқ оми деб аталди бу мамлакатда бобо, 1933 йилнинг очарчиликлари азобидан юз минглаб, миллионлаб одамларнинг ёстиғи қуриди. Бойки, уламоки бор, доғоки бор заволга йўлиқди, юрт бойўғлининг маконидай вайрон бўлди бобо. Буларнинг ҳаммаси подшоларимизнинг амри-фармони билан бўлди. Қарғагайман уларни, лаънатлагайман. Маҳшар чоғида аларнинг юзлари қаро бўлгай, гўрларида тўнғиз қўпгай илойим.

— Алҳазар, алҳазар, астағфирулло, астағфирулло, вужудимни, жисмимни тилка-пора этдингиз ўғлим. Ожиз бандангман, бу норасоликларни эшитганим учун ўзинг кечиргайсан. Бизларни бой деб, кафангадо этиб, юртдан жудо этгандилар, йўқсуллар бой бўлдимиз, ўғлим?

— Йўқ, бобо, ўғрилар, муттаҳамлар, порахўрлар, мансабдорлар бадавлат бўлишди. Ҳозир сиз яшаб, тарки Ватан этиб, сўнг уни кўрмоққа зор бўлиб ўтган тупроқда ўн миллиондан ортиқ йўқсул бор бобо.

— Ул аҳли йўқсулларга нени ваъда этгандилар?

— Коммунизм деган «буюк» жамиятни бобо.

— Ҳали ул манзилингизга етмадингизми ўғлим? Яратган эгам мўмин-мусулмонларга қиёмат қойимдан сўнг жаннатни ваъда этиб, аларнинг кўнглига қаноат ва инсоф уруғини сепаб эди, сизларнинг ваъда этган жамиятларингиз қаноатга ярамадими, болам?

— Йўқ, бобо, негаки бу замини азимнинг ўзида росмана қиёмат бўлди чоғимда, лекин ундан сўнг жаннатдан дарак бўлмагач, одамларнинг эътиқоди сўнди бобо.

— Недин?

— Биз аларга ваъда этган жамиятдан бобо.

— Фақир, йўқсул фуқароларингизнинг дардига не билан малҳам берурсиз?

— Гап билан, мажлислар, қарору қонунлар билан бобо.

— Мўминларнинг сабр косалари, паймони тўлса не қилурсиз? Кўп ҳурлиққа изн берибсиз ўғлим, азиз бошингиздан чўчирман.

— Йўқ бобо, бугун сизга баён этган сўзларим учун бошимни танамдан жудо этмагайлар, етмиш йил мобайнида элни алдаганимиз, жамики хунрезликлар, қиргинбарот қилганлар

на барча норасоликлар энди элга ошкор бобо. Шул сабаб курликка изн бериб турибман.

— Катта бир авлод эдик, бу олам аро тарикдай сочилиб кетдик. Эсласам, рухим безовта бўлаверади.

— Мен ҳам бобо. Бир умр беоромликни бўйнига олган дамдай сафар хуржунимни елкамга ташлаб, ўша вужудимни куйдираётган олов ичида дунё кезадирман. Ватанда набираларингизнинг кўплари оламдан ўтди бобо. Марғилонда ўғлингиз Баҳромбек яқиндагина кўз юмди. Яна бир фарзандингиз Узганда шаҳид бўлди. Дунё кезиб юрганам тоғ, жигаргўшаларимнинг ҳаммасини кўрдим беармон. Ўша қутлуғ Маккаи мукаррамада қизингиз, бизнинг Сафурахон аямиз ҳаётлар, у онаи азиз сизнинг ёшингизга этиб қолдилар, бобо. Қайси бирини айтай, қайси бир сарсон юрганлардан сўйлайин. Қоҳирада учратдим битта жигаргўшамни, Юнонистонда ҳамсухбат бўлдим яна бири билан. Истанбулда йиғладим жигарим Неъмат Жайнақ қабри бошида, яна уммонлар ортида — Амриқода, сизни кўрган табаррук хотлар, набираларингиз билан тонг ёришгунча гурунглашдим бобо. Номингиз бу олам ичра ўчмагай.

— Ҳозир не билан машғулсиз, ўғлим?

— Ўша сизнинг куйиб адо бўлмаган дардингизни, ўша тупроқ остида ҳам безовта этган азобингизни, авлодларингиз фарёдларини жисмимга жо этиб, уларнинг армонларини вужудимни куйдираётган олов ичра қорозга тушираётирман, бобо.

— Жисмингиз ором истамасми, ўғлим?

— Йўқ, бобо, ёнгайман, куйиб кул бўлгунча ёнгайман, тутамагайман. Вужудимни тилка-пора этган замондан, танамни мажруҳ этган тоғу тошлардан, сувдан, осмондан, юрагимни зада этган разиллардан ҳам, азиз тупроқдан, кўзларимни яшнатган алп тоғлардан, босган изим тушган майсалардан, узган гулларимдан, уларнинг муаттар ҳидларидан, оқ сут берган онамдан, бошимни силашга улгурмаган отамдан, мен учун сувини тамом этган дарёлардан, қуриган уммондан, чўлдан, саҳролардан ва жаъмики мавжудотдан, Сиздан ва яна буюк бобомиз Алишер Навоидан, ул ҳазратнинг қаҳрамони Фарҳод янглиғ узр сўрагайман, бобо.

— Унда маҳшар чоғида дийдор кўришмоқ насиб этгай. Раббинг ким десалар, яратганининг номини айтмоққа, кимнинг умматисан десалар, Муҳаммад расулиллоҳ алайҳу вассалам демоққа, калима айтиб, имон келтирмоққа тилингиз ҳозир бўлгай ўғлим.

— Иншоллоҳ, бобо, иншоллоҳ! Ҳеч кимсани биздек Ватандан Мосуво этмасинлар, тўзитмасинлар, илоҳим.





## НАСАБНОМА



*Тарихингдир минг асрлар  
Ичра пинҳон ўзбегим,  
Сенга тенгдош Помиру  
Оқсоч Тиёншон, ўзбегим.*

*Сўйласин Афросиёбу  
Сўйласин Ўрхун хати,  
Кўҳна тарих шодасида  
Битта маржон, ўзбегим.*

*Ал-Беруний, Ал-Хоразмий,  
Ал-Фороб авлодидан,  
Асли насли балки Ўзлуқ,  
Балки Тархон, ўзбегим.*



## ЎЗБЕК УРУҒЛАРИ

Бугунги ўзбеклар, Шайбонийхон ўғилларининг ўзбеклари Мовароуннаҳр ва Хоразмга Жўжи улусининг бутун муассасалари ва ташкилотлари билан келган эдилар. Ҳатто ҳукуматда қабилаларнинг эгаллаган ўринлари ҳам кўпайганди. Ўзбеклар теурийларни енгар экан, ҳар ерда ўзларининг ташкилотларини ўрнатдилар.

Шундай қилиб, Олтин ўрданинг «ич эли» ҳисобланган ва саройга яқин ҳамда яхшигина маданиятли унсурлар ҳам келган эдилар. Бунинг ила баробар Мовароуннаҳрга келган шайбонийлар, тарихчи Утамиш Ҳожининг таъбирига кўра, эскидан «Ўзбек эли»... манғитларнинг ўтроқ улуслари яшамокда бўлган Туронзаминда, том маданий қием заминда ҳоким бўлган халқдир. Маркази «Оқ кўл», «Чалқар кўл» бўлган Тўрғай вилояти шайбонийлар қўлига ўтган. Илгари бу ерларни, кейин Сирдарёнинг нариги чегараларини ва 1431 йилдан Хоразмда умр кечирган Абулхайрхон «Турон ва бошқурт» тарафларини шайбонийлар қўлидан ва Ғарбий Сибирияни Маҳмудбекхоннинг қўлидан олган эди. Бу зот давлат идорасини Жўжи улусининг жануб ва шимол тарафидаги зироат соҳаларига қаратиб, ўтроқ ўлкаларга айлантирмоқ сиёсатини тарғиб этган эди. Зотан, замоннинг буюк олимларидан Ҳусайн Хоразмий бу хоннинг номига атаб туркча гўзал бир асар — «Қасидаи Бурда»ни ёвган эди. Масъуд Кўҳистоний деган бир одам ҳам унинг ҳаётини тавсиф этган бир форсий тарих китобини битган экан.

Ўзбекларнинг катта бир қисми XVI асрда Зарафшон ҳавзасида ва Хоразмда ўтроқ ва деҳқончилик ҳаётига ўтди. Булар яна Сирдарё ҳавзасида ва Турон тарафларида яшаган вақтида ўтроқ ҳаётга ўтаётган бўлсалар керак. Шайбонийхон эса Сирдарё ила Аштархон орасида етишган бир султондир. Шайбонийдан кейин Мовароуннаҳрга келган авлодларидан Маҳди ва Ҳамза султонлар илгари Туронзаминнинг қалъа ва истеҳкомларига ва маъмур қисмларига эга бўлган Бахтиёр султоннинг ўғиллари эди. Улар билан келган ўзбеклар сўнгги теурийлар замонида келганликлари айтиб ўтилади.

Қабила тузилишига кўра «Ўзбеклар»ни ҳар ерда тўқсон икки бов ўзбек деб атайдилар. Бов — бу қабила демакдир.

Бошқуртлар ичида шундай бов бор: «Ун икки бовли бошқурт» дейдилар. Ўзбекларда 92 қабилавий бир «Насабнома» бордир.

«Насабнома»нинг XVI—XVII асрларда ёзилган нусхалари билан янги нусхалари орасида фарқ жуда оз. (Масалан, Охунд Қурбонали ва Хаников ҳамда Шайх Сулаймон нашрлари). Шубҳа йўқдирки, «Насабнома» ўзбекларнинг Олтин Ўрда замонидаги янги Манғит — Нўғой ва қозоқлар айрилмасдан илгариги ҳаётига оиддир. Бу қабилалар шулардир:

Минг, Юз, Қирк, Унгажит, Найман, Қипчоқ, Арғин, Бурлок, Буслоқ, Чемарчин, Бўзай, Қатай (Хитой), Жит, Жуют, Салжовут, Манғит, Қанғит, Оймавут, Улажи, Гулеген (?), Қишлиқ, Томо, Мечет, Кирдери, Рамадан, Жуйрат, Бўзажи, Уйсун, Татар, Тилов, Ширин, Ағир (Оғиран), Бузан, Бузақ, Барин (Баҳрин), Мўғул, Нукус, Жалойир, Сарой, Унғ, Қўнғирот, Олчин, Чичоқ, Қалмоқ, Ойрат, Қорлуқ, Тургавут,

Қатағон, Килечи, Кенагас, Бўйрак, Қиёт, Қанғли, Ўзже бўлуи (?), Упулачи, Гулун, Боёвут, Утарчи, Арлот, Керайит, Унғқут, Қачат, Меркат, Бурқут, Қуралаш, Қарлоп, Уғлон, Кудей, Туркман, Дўрмон, Тобин, Мумун, Адай, Тўқсаба, Қирғиз, Уйружи, Жўрга, Баташ, Қўйсун, Сулдуз, Тумай, Қўрлавут, Жилкаш, Юғур, Ебу (Еқабу), Мўйтан, Мажор, Қўжалиқ, Чўран, Чурчут.

Бу айтилган қабила исмларининг 33 қадари мўғул қабиларининг, бошқалари эса Жўжи улусидаги бутун машҳур турк қабилаларининг бир қисмидир. Бизга бугун номаълум бўлган қабилаларнинг номидир. Ўзбеклар келмасдан аввал Мовароуннаҳрда яшаб, сўнг уларга аралашиб кетган Барлос, Қовчин каби қабилалар бу орада йўқдир. Зикр этилган 92 қабиладан 45 қадари бугун ўзбек ҳаётига оиддир. Айтилган мўғул қабилалари эса албатта Жўжи улусига келган мўғул қисмларини ташкил қилган монголлардир. Монголча аталган қабилаларнинг катта қисми бу ерда, Мовароуннаҳрда ва Хоразмда яшайдилар. Анъана шаклидаги бу «Насабнома» бизга Мовароуннаҳр ва Хоразм ўзбекларининг мазкур рўйхатга кирган тўла қабилаларини, шу билан бирга Олтин Ўрданинг асл истинодгоҳи бўлган бутун кучларни кўрсатувчи ва барча ташкилотларнинг ҳаммасини Мовароуннаҳрга баробар дахлдорлигини намоён этса керак. Қабилаларнинг бугунги бўлиниши эса қуйидагича:

1. Қўнғирот қабиласи. Бунинг катта аймақлари беш тармоқ бўлиб, биринчиси: Қонжиғали. У 14 тармоқдан иборат: Ўрис, Қорақурсоқ, Чўллик, Қуён, Қулдовли, Милтек, Кўр тўғи, Гала, Тўпқора, Қорабўз, Нўғой, Билғалик, Дўсталик, Иккинчиси: Уюнли аймағи. 9 тармоқдан иборат: Оқ тана,

Қора Чуран, Туркман, Қувук, Бешбола, Қорақалпоқ, Қажай, Хўжабача; учинчиси — Қўштамғали аймоғи 9 тармоқдир: Қўлоби, Бармоқ, Гўжахўр, Кўл-Чубурғон, Қарақалпоқ, Қўштамғали, Сафарбиз, Дилбари, Жачақли; тўртинчиси — Оқтамғали аймоғи 7 тармоқдир: Тортувли, Оғамайли, Ишиқоли, Қозонжили, Уйқули, Бўкачли, Қиюғали; Бешинчиси — Қир аймоғи беш тармоқдир: Гузили, Кўсавли, Терс, Балиқли, Қуба.

Қўнғиротнинг бутун уруғи шўббалари-тармоқлари Амударё ҳавзасида, Бухоронинг Ғузор, Шеробод, Қўрғонтепа вилоятларида бўладилар. Бухорода кўчманчи умр кечирадилар. Хоразмдагилар эса ўтроқдирлар.

2. Найман қабиласи, бунинг аймоғи учта: Қўштамғали, Увақтамғали, Садир. Хоразм ва Самарқанд атрофида бўладилар.

3. Кенағас беш аймоқдан иборатдир: Қаюрасали, Қароқли, Очамайли, Жикқут, Абоқли. Булар Хива ва Шаҳрисабз атрофида бўладилар.

4. Манғит, уч аймоқдан иборатдир: Тўқ манғит, Оқ манғит, Қора манғит. Булар Хива ва Қарши атрофида бўладилар.

5. Туёқли. Самарқанд ва Каттақўрғон туманларида бўладилар.

6. Мўйтан. Самарқанд ва Каттақўрғон туманларида бўладилар.

7. Сарой. Шаҳрисабз, Яккабоғ ҳудудида ўрнашган.

8. Борин. Фарғона вилояти ва Каттақўрғон туманида яшайдилар.

9. Хитой. 10. Қипчоқ. Самарқанд, Каттақўрғон туманларининг муҳим жойларини эгаллаганлар. Хива ва Фарғонада булар озчиликни ташкил қиладилар.

11. Минг. Самарқанд, Панжакент, Жиззах тарафларида ва Фарғонада бўладилар.

12. Уч уруғ: Мисит, Томо, Ебу. Бухоронинг Зиёвиддин ҳудудида яшайдилар.

13. Бурқут. Челак ва Кармана атрофларида.

14. Арлот. Қорақўлда.

15. Қангли. Жиззах ҳудудида.

16. Қирқ, Юз, Минг, Жиззах туманида.

17. Баташ. Қарши, Ғузор тарафларда яшайдилар.

18. Қорақалпоқ беш аймоқдан иборат: Қорақўйли, Қорасингир, Оймавут, Истек, Очамайли. Булар Амударё ҳавзаси ва Самарқанднинг шимолида Оқтепада бўладилар.

Ўзбекларнинг эски шеваларини ва одатларини ўзига хос тарзда сақлаганлари, асосан Жиззах туманида бўладилар (Қирқ, Қангли, Солиқ, Турк, Туркман, Найман, Манғит, Қитойюз, Сулоқли, Туёқли, Олача, Бурқут, Серкали, Баймоқли, Жалойир, Қирғиз, Юз, Қуён туёқли, Парчаюз, Қарабча, Қушчи, Уроқли, Тўқжори, Қўштамғали, Сарой, Қонжигали). Фақат бу қабилаларнинг нуфузи жуда оздир. Шарқий Бухорода кўчманчилик ҳаётини тўла тарқ этмаганлар.



Душанба атрофида «Лақай», «Марқа кичик юз», Файзобод атрофида «Қарлуқ» каби қабилалардир.

XIX аср бошларида ҳиндистонлик Мир Иззатуллоқ тарафидан афғон Туркистонидаги Ўзбеклар ҳақидаги тартиб этилган жадвал бироз эътиборга молик. Бунга кўра, у ердаги қабилалар қуйидагилардир. Шибирғон яқинидаги Сарипулда Минг қабиласининг Очамайли аймағи; унинг ёнида Сайёд деган жойда Очамайли ва Қазайоғли, Минг, ундан қуйироқда Қипчоқ уруғи, Қундузда тамоман Қатағон, Балх ҳудудида Сарой ва Мўйтан уруғлари, Бадахшонда Эшкамиш ва қатағонларнинг Бурга ҳамда Тимиш номли аймақлари яшайдилар. Норинда Чигатой уруғи: Мир Иззатуллоқ Мўйтан ва Қатағон уруғларининг аймақларига оид белгиларни беради. Мўйтан етти аймақдир: Тиликхона, Кўрмишли, Қазайоғли, Чағар, Сўм, Оқшайиқ, Чучен, Қатағон уруғи эса уч аймақдир: Беш қабан, Салжовут, Тўрт ота. Беш қабаннинг тўрт бўлағи бор: Лаққа (Лақай), Янғи Қатағон, Кесмавир, Қаён, Манас. Кесмавирнинг тўрт тирағи бор: Оқ тоғлик, Андижони, Қаласи, Бумин. Манаснинг уч тирағи бор: Тимиш, Сар-бағиш, Бурга. Тўрт отанинг тўрт бўлағи бор: Сарик Қатағон, Чурок, Бошсиз, Мардод. Чуроқнинг икки тирағи бор: Қиз отизи, Шўланг. Мардоднинг уч тирағи бор: Иучата, Бўзон, Жўтудук.

Ўзбек қабилари ичида аристократ — «Бекзод» лақабини олганлар бор. Булар хонларнинг тахтга чиқиши ва мамлакатни бошқаришда фаол иштирок этганлар. Булардан Хивада Қиёт-Қўнғирот, Йўғур-Найман, Қанғғли-Қипчоқ, Нукус-Манғит қабилалари, Бухорода эса шайбонийлар замонида Қўшчи, Найман, Қарлуқ, Бўйрак қабилар. Манғитлар замонида (Радловга кўра) Минг, Арлот, Борин, Баташ уруғлари маъруф бўлмишлар. Қатағонлар даврида «Бекзод»лар сайлаганлар. Уруғлар ичида Туёқли, Мўйтан, Хитой, Манғит ва Қўнғиротларнинг Бухородаги аксарияти Дашти Қипчоқдан энг кейин келган уруғлардир. Булар илгариги Манғит-Нўғой, Қозоқ ҳайъатларига доҳил бўлиб, кейинчалик Мовароуннаҳрга келганлар.

# Ҳерман Вамбери

## ТУРКИЙ ХАЛҚ

«Ўзбек» деган ном хоҳласангиз сиёсий, истасангиз ижтимоий маънога эгадир, лекин этник маънога эга эмас.<sup>1</sup> Машҳур Абдулхайрхоннинг набираси Шайбоний Муҳаммадхон туркий лашкари билан пастки Ёксартдаги уч хонликни истило қилиб, темурийлар давлатида бошланган парчаланишни тўхтатгандан сўнг 16-аср бошларида Марказий Осиё ёки, аниқроқ айтганда, шу уч хонликда яшовчи туркий халқлар бу номни қабул қилишган. Шайбоний лашкарининг энг катта қисми аввало туркий халқлардан иборат бўлган ва улар Орол денгизи билан Ёйиқ дарёси ўртасида кўчманчилик қилиб юришган ҳамда Олтин Ўрда таркибига киришган. Яна шуни айтиб ўтайликки, Олтин Ўрдада «ўзбек» деган ном анча олдиндан маълум бўлиб, мусулмонча тарбияланган дегандек тушунилган.<sup>2</sup> Аслида туркий халқларнинг келиб чиқиши қисман қорақалпоқ, қисман қирғизқозоқ, қисман Олтин Ўрдадаги турли-туман кўчманчиларга бориб тақалади. Агар Ўзбекхонни эсласак, «ўзбек» номининг негизи бизга анча яхши тушунарли бўлади. У 1340 йилгача Олтин Ўрдада ҳукмронлик қилган ва ислом динини қабул қилишга ғоят кучли иштиёқ кўрсатганлиги билан эътиборни тортган. Абулғозининг сўзлари билан айтганда, «у фуқароларига ислом динини қабул қилдиришда жуда катта ғайрат кўрсатган ва бунинг натижасида жўжи халқи, яъни Олтин Ўрда турклари «ўзбек» деган номни олишган». Абулғозининг бу сўзлари шу ҳақдаги бошқа хабарлар билан, айниқса Темурнинг маддоҳи Шарафиддин Яздийнинг қишлоқларни «ўзбеклар» деб кўрсатганлиги билан тўғри келади. Лекин бизнинг фикримизча, XIV асрда кўп жойларда кўчманчилар бўлган даврда Ғиёсиддин Ўзбекнинг янги динга

<sup>1</sup> Ҳ. Вамбери. «Туркий халқ», 1885 йил. Лейпциг. Шу асарнинг «Ўзбеклар» деб номланган қисмидан.

<sup>2</sup> Албатта, бу ва бундан кейинги фикрлар Ҳ. Вамберининг ўз қарашларидир. Уни ўзбеклар ҳақидаги ягона тарихий ҳақиқат деб талқин этишдан биз йироқмиз. Шундай бўлса-да, улар бугунги кун ўқувчисида катта қизиқиш уйғотади, деб ўйлаймиз (Таҳририят).

Ўтказиш иши муваффақият қозонмаган шекилли, улар мусулмонликни қабул қилишмаган. Ислом динига кирганлар мусулмонлар дейилгани каби чиғатойлар, нўғайлар, салжувқийлар ва усмондилар ўз номи билан, Ўзбек тарғиб қилган динни қабул қилганлар эса «Ўзбек»лар деб аталган. Хулоса қилиб айтганда XIV—XV асрларда «Ўзбек» деганда мусулмон динига ўтган турклар тушунилган ва шу ном билан улар бошқа, эски динга садоқатли бўлиб қолган турклардан фарқ қилганлар.

Ўзбекларнинг эски динга садоқатли турклар билан табиати ва тили бир бўлса-да, лекин улар янги дин билан бирга мусулмон маданиятини ҳам қабул қилишган ва бу қадамлари билан туркликдан, яъни шафқатсиз одатлардан бош тортишиб, Ўзбекхон муқаддаслаштирган мусулмон-осиё маданиятига йўл очишган. Олтин Ўрдада Ўзбекхоннинг бу фаолияти унинг обрўсини кўтаришда жуда зўр аҳамиятга эга бўлди ва у ўзининг бу ишларини Ўрта Осиёга ўтказишда янада омади юришди. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ўзбекхон Ўрта Осиёда барча маданий бойликка эга бўла олмагани сабабли Марказий Осиё ва Туркияда Русия томонидан босиб олинган туркларни жамловчи нўғай номи билан аташгани каби, у Шайбонийхондан анча олдин Волга ва Ёйиқ дарёлари бўйлаб яшаб келган юртдошлари ҳамда диндошларини жамловчи бир ном билан аташга мажбур бўлган. Ниҳоят, «Ўзбек» деган сўз қайси маънони билдиради деганда, энг аввало шуни айтиб ўтиш керакки, бу сўз «ўз» ва «бек» сўзларидан иборат бўлиб, шулардан биринчиси асл, ажойиб, таги мустаҳкам, иккинчиси эса бек, сардор маъносини билдиради. Демак, бу сўзнинг том маъноси «Асл бек»дир. Ўзи аслини олганда «Ўзбек» деган сўз анча кейин туркийлашган ва мажорлар Оврупога келмасдан олдинроқ ҳам ишлатилган. XI—XII асрларда бу сўз шахсий ва қабила номи сифатида маълум бўлиб, бунини учратилган манбалардан кўриш мумкин.

Биз «Ўзбек» сўзининг келиб чиқиши ва маъносини маълум даражада текшириб кўрганимиздан сўнг, биринчи навбатда Шайбонийхон бошчилигида XV аср охирларида Шимолий Орол ва Ёқсартдан ёриб ўтган ва Мовароуннахрни истило қилишга киришган Ўзбеклар қайси туркий халқлар ёки қабилалардан иборат бўлганини ўрганиб чиқишимиз мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, биз мутлақо аниқ маълумотга эга бўла олмаймиз, лекин қўлимизда Берёзин томонидан напір этилган ва ўрис тилига таржима қилинган «Шайбонийнома» ва мен олдин айтиб ўтган «Шайбонийнома» достони бор. Унда ўзбеклар ҳақида бирмунча маълумотлар мавжуд. Айтиб ўтилган асарларнинг биринчисида дастлабки жанглarda ўзини кўрсатган қаҳрамонлар ва шулар ўртасида қуйидаги шахсий исмлар ва қабила номлари эслатиб ўтилган: Шайх Мурод мажорлар қабиласидан (мажор кўп марта эслатиб ўтилган, бу — мадёрларнинг осиеча номи, бу ерда яна қабила номи — қабилага тааллуқлилиқ маъносидан

ишлатилган — Ҳ. Вамбери), Али Мардон уйшун қабиласидан. Мамиш татарлар қабиласидан, Минқай уйгурлар қабиласидан, Мишри (Мисри) Али қўнғирот қабиласидан, Бек Ота салур қозоқ қабиласидан (эслатмаси билан: узоқ Туркистондан — Ҳ. Вамбери) ва ҳоказолар. Айни вақтда бошқа жойларда яна дўрмон, ямалиқ, отаж, қиёт, найман каби қабилалар ҳам эслатилади. Буларнинг ҳаммаси Шайбоний Муҳаммадхонга қўшилишган ва «ўзбек» деган номни қабул этишиб, хонликларни истило қилишда қатнашишган. Ва ниҳоят, Шайбоний қўшинлари қаерданлигини билмоқчи бўлсак, бу асарларда баъзилари чўлнинг узоқ шимолидан эканлиги, иккинчилари Хатайдан (яъни Хитойдан), учинчилари Чимбойдан (яъни Оқсув дарёсининг тармоқланган мансабидан, у ерда ҳозир қорақалпоқлар яшашади). эканлигини кўрамыз. Бундан Шайбоний Муҳаммадхон қўл остида турк элининг хилма-хил вакиллари бирлашган деган хулоса чиқариш мумкин. Лекин иккинчи манба — «Шайбонийнома»нинг Шайбоний Фарғона шимолида мўғулларга қарши юриши ҳақида гап бораётган жойида қуйидаги қabila номларини кўришимиз мумкин: сийиут, қиёт, қўнғирот, боркут, манғит, найман, дўрмон, ушун, қушчи, жалойир, қарлуқ, сулдуз, нукус, татар — ҳаммаси бир тилда гапиришади, ҳаммасида бир хил исмлар ва бу исмлар бугун қирғиз, қорақалпоқ, туркман ҳамда ўзбекларда учрайди. Биз бу ерда уларнинг келиб чиқиши турли хил эканлигини кўрсатдик. Шу хабарларга қўшимча тарзда яна алоҳида эслатиб ўтилган тушунчалар ҳам бор, масалан, қозоқ элини — бу ерда эркин, ҳеч кимнинг ҳукмронлиги билан енгилмаган чўл аҳолиси, қирғиз халқини форс, саргарда ва боши бузуқларнинг бир тури деб тушунса бўлади. Бундан кўрииб турибдики, Шайбонийхон билан Жанубга чиққан турклар Мовароуннаҳрнинг жанубида ва шимолида жойлашган туркий элнинг хилма-хил табақаларидан йиғиб олинган ва уларнинг ҳаммаси жамловчи «ўзбек» деган номни қабул этишган, чунки буларнинг ўртасидаги етакчи кучнинг сиёсий ва оммавий номи ўзбек бўлган.

Бу ўзбеклар XVI асрнинг бошларида ўз сардорлари билан Оқсув дарёси атрофида жойлашган ва уларнинг шу ерда олдиндан яшаган турклар билан аралashi натижасида Марказий Осиёнинг бугунги ўзбек халқи пайдо бўлган. Марказий Осиёда қисман бутунлай ўтроқ, қисман ярим ўтроқ бўлиб яшаган турклар эса турк элининг қайси бир вакили эканлигини ҳозир айтиш жудаям қийин, лекин улар бу ерда қадим замонлардан бери яшаб келаётганлигига ҳеч шубҳаланмаса ҳам бўлаверади. Марказий Осиёнинг туб аҳолиси, дарҳақиқат, эронийлар бўлган ва бу қадимий шаҳарларнинг жугрофий номларидан кўрииб турибди. Лекин шуниси ҳам тўғрики, айрим турк қабилалари тарихдан илгари даврларда ноқ кўчманчиликдан бош тортиб, эроний халқ ўртасида ўрнашиб қолганлар ва бу қадим замондан

маълум бўлган аҳоли яшайдиган жой номларининг туркий оҳангдошлигида кўришиб турибди. Жумладан, Бойканд, Талас (Талас деган сўз қора-қирғиз тилида қароқчилик юришини, талашни билдиради — Ҳ. В.). Чоч (соч, яъни бошдаги сочни билдиради — Ҳ. В.), Қўқон хонлигида туркча номланган Оқча шаҳри (сўзнинг биринчи қисми Оқ маъносини билдиради) ва бундай мисоллар кўп.

Албатта, бу ерда турк аҳолиси тасодифан ва кам миқдорда пайдо бўлган деб ўйлаш ҳам мумкин эди, лекин турк аҳолисининг кўчиб ўтиш йўналишлари шимоли-шарқдан жануби-ғарбгача чўзилиб борган ва улар, биринчи навбатда, пастки ва ўрта Еқсарт ерларини эгаллашган, шундан кейингина туркий аҳоли Оксув дарёсининг ўнг қирғоғини топиб яшай бошлаган, деган тахминлар бор. Бу ҳақдаги биринчи тарихий хабарни биз араблар орқали олдик. Улар Оксувнинг ўнг қирғоғи учун кураш олиб бораётганда у ерда туркларга тўкнашганлар. Лекин қарши ҳаракат қилмай, бу ерларнинг туб аҳолисининг таърифлаб берганлар, холос. Сомонийлар ҳукмронлиги пайтида бу аҳоли асосан эронийлардан иборат бўлса, Курхон истилоси ва айниқса Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида бу ер аҳолисининг ҳокимияти асосан туркий қўшинларга суянган. Бу қўшиннинг кўпчилиги ўтроқ ҳаётнинг қулайлигини кўриб шу ерда қолган ва яшай бошлаган. Лекин туркий халқнинг Марказий Осиёнинг маданиятига биринчи кучли ва улкан таъсири мўғуллар истилоси пайтида сезила бошлади ва истилодан кейин ҳам сақланиб қолди. Шу даврга келганда, айниқса чигатойлар ҳукмронлиги пайтида деҳқончилик, саноат ва савдо билан шуғулланиб, шу орқали кун кўриб юрган эроний аҳоли муболағасиз айтиш мумкинки, қаттиқ зарбага дучор бўлади. Чунки турклар ҳамма жойда устунликка эриша бошлаганлар ва XIV асрнинг иккинчи ярмида Темур чигатойларнинг охиргисига қарши уруш қилгандаёқ бу кураш Мовароуннаҳрда устун бўлган турк элининг мўғуллар ҳукмронлигига қарши курашига айланган эди. Ушанда турклар нафақат Еқсарт, Зарафшон ва Оксувда, балки Жанубий Кешда ҳам (Шаҳрисабз) ақсарият кўпчилигини ташкил этардилар.

Энди чигатойлар деган номга келсак, ҳамма жойда тарқалган турклар бу номни сиёсий ва фахрли ном сифатида қабул қилганлар. Ўзбеклар орасида шу бугунга қадар ўзини чигатойлар деб атайдиган қабила бор ва уларнинг обрўси шунчалик каттаки, янги хонни тахтга ўтқазганда, шу қабила-нинг оқсоқоллари хонни оқ кигизга солиб кўтаришади. «Ўзбек» деган ном шайбонийлар даврида қандай аҳамиятга эга бўлса, худди шундай мўғуллар даврида «чигатой» деган сиёсий ном ҳам катта аҳамиятга эга эди. Чигатойлар даврида Марказий Осиёда турк эли мавжуд бўлиб, туркий тил энг тушунарли тил эди. Бу тил ҳаттоки Оксув дарёсининг чап қирғоғига ҳам тарқалиб кетган ва Темурнинг катта

невараларидан бирининг ҳукмронлиги пайтида Хуросоннинг ўша даврдаги пойтахти — Ҳиротда яшаган туркий гўзаллик шайдоси Алишер Навоий бу ерда гуллаб-яшнаётган форсий маданиятга қарши ўлароқ маънавий кураш бошлашга журъат этган.

Ўзбеклар Марказий Осиёда пайдо бўлишганда бу ерда жуда кўп туркий аҳолини учратганлар. Бу ерлик турклар ҳам худди ўзбеклар каби келиб чиқиши жиҳатидан ҳар хилдир ва биз тасодифан улар керакан, бойқаро, қипчоқ, дўрмон, найман ва ҳоказо қабилалардан эканлигини билдик. Ўз-ўзидан тушунарлики, улар туб аҳоли билан аралашиб ҳамда турмуш тарзини ўзгартиргани сабабли қурамадирлар. Демак, жисмоний жиҳатдан улар ҳар хил туркий ҳамда мўғул қўшилмаларидан ташкил топган ўзбеклар десак янглишмаймиз. Лекин асрлар давомида Хуросон ҳамда Мовароуннаҳрда яшаб келиб, форс маданияти таъсирида бўлган, шунинг учун маънавий жиҳатдан шимолдан ёриб ўтган шафқатсиз қондошларидан устун халқ эса, табиийки, Шайбонийхонни ўша замон маданиятини хароб қилувчи ёвуздек қарши олган, чунки у ўз одамлари билан жоҳилдек ҳамма нарсани вайрон қила бошлаган. Албатта, Шайбоний Марказий Осиёдаги ўз ҳукмронлигини теурийларни забт этиб мустақкамлади. Лекин бахт унга кулиб боққанда туркий халқлар ўртасидаги обрўси ҳам кўтариларди. Ҳали Бобур даврида биз уч миллат — мўғуллар, турклар (хонликлардаги турклар) ва ўзбеклар (Ексарт шимолидаги турклар) ўртасидаги учратган тўсиқлар аста-секин йўқола бошлади ва охирига айтиб ўтилган ном, яъни «ўзбек» деган ном олдин бир қавмнинг сиёсий номи бўлиб келган бўлса-да, бора-бора кўпайиб Шайбоний тарафдорлари томонидан нафақат сиёсий, балки этник номдай қабул қилинди. Мисол учун биз буни шоир, малик Муҳаммад Солиҳ, яъни хивалик турк, Шайбоний теурийлар ташлаб кетган Хивани эгаллаганидан сўнг қандай қилиб ўзбекка айланганлиги мисолида кўрсак бўлади. Муҳаммад Солиҳ қилган нарса жуда кўп марта бошқа вилоятларда ҳам такрорланган. Мовароуннаҳр туркларининг эски номларидан кечиб, бу номга мослашуви фақат аста-секин давом этган ва XVI асрдан янги вақтгача этник маънода фақат у хонлик туркларида сақланиб қолган, холос. Улар аста-секин тожиклар, сартлар ва қирғизлар қони билан аралаша бошлаган бўлса-да, лекин бошқаларга нисбатан ҳукмронлигини сақлаб қолганлар. Асл ўзбеклар кейин жуда кўп миқдорда Хива, Маймана ва Шахрисабзда учрай бошладилар, камроқ миқдорда эса Бухорода ва жуда кам Ҳўқандда учрайдилар. Бухоро хонлигида ўзбеклар жанубга қараганда камроқ учрайди ва ҳамма жойда улар шаҳарлардан кўра қишлоқларда кўпроқдир. Оксув дарёсининг чап қирғоғига ўзбеклар аштархонийлар ҳукмронлиги пайтида келиб қолишган, лекин афғонлар билан бўлган доимий тўқнашувлари туфайли уларнинг бу ердаги сони анча

камайган. Фикримизча, биз ўзбекларнинг этнологик алоқаларини анчагина аниқ баён этдик. Шу бугунгача ўзбек халқининг шажараси тўғрисида турли фикрлар мавжуддир. Масалан, Бёрнс ўзбекларнинг 32 қабиласи ҳақида маълумот беради. Тахминан шунча қабила борлигини мен ҳам ҳар хил ҳудудларда ўзбекларнинг ўзидан эшитганман. Хаников Шарқий манбалардан бирига асосланиб, 9 асосий шажара ва саноқсиз шохобчаларни эслатиб ўтади. Айни вақтда Хорошхин 92 қабила борлиги ҳақида гапирди. Лекин у янглишиб, «ўзбек» деган жамловчи ном билан ҳамма туркларни белгиллаган, шу жумладан нўғайларни, қирғизларни, туркман ва ҳоказоларни ҳам ҳисобга олган. Лекин маълумотларнинг ҳар хиллиги ўзбекларнинг уруғ-аймоқ муносабатлари нақадар чигаллигини ва бу уруғ-аймоқларда бугунга қадар туркий халқнинг ҳамма қабилавий, қавмий номлари йиғиб олинганлигини кўрсатади.

Энг аввало туркий халқнинг этнологиясидаги чигал масалаларни аниқлашимиз лозим. Лекин биз бундай даргумон масалалардан бош тортиб ва тарихий далилларга асосланиб, туркий халқнинг ичида ҳақиқий ўзбек деб, Шайбоний истилоҳи давридан бошлаб охириги уч аср давомида Бухоро, Хива ва Балх хонликларида ўзбеклар сифатида тарихдаги тутган ўрнини ҳам ва ўзбеклар сифатида олдинги сиёсий номни бугун этник номдай қабул қилганларини ҳам ҳисобга олишимиз керак. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, биз ўзбеклар деб қисман бутунлай, қисман ярим ўтроқ бўлган Хива, Бухоро ва Оқсув дарёсининг чап қирғоғининг туркларини тан олсак бўлади. Шу билан бирга, умуман олганда қуйидаги жуғрофий бўлиниш эслатиб ўтилади: Хива хонлигида Оқсув дарёсининг чап қирғоғидаги аҳолиси, туркман ва айрим сартларни ҳисобга олмаганда, шаҳарларда бутунлай ҳаммаси ўзбеклар, Бухоро хонлигида Зарафшон дарёсининг икки қирғоғидаям, жанубий ва ғарбий ҳудудларидаям ўзбеклар аксарияти дехқончилик билан шуғулланаётган аҳоли ҳисобланган. Шунга ўхшаш аҳволни Бухорога қарашли Шаҳрисабзда ҳамда Афғонистон ҳукмронлиги остида яшайдиган Қундуз, Худм, Оқча, Шибирғон, Андхўй ва Майманадаги ўзбекларда ҳам кузатса бўлади. Айрим қабила-қавмлар гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда кўпроқ, баъзи жойларда камроқ, масалан, қўнғирот, уйғур, қипчоқ, нукус, очамайли ва ҳоказо қабилалар Хивада кўпроқ, кенагас Шаҳрисабзда, минглар Майманада, найманлар Қаршида айниқса жуда кўпдир. Лекин бу қабилаларнинг айрим аждодлари бошқа жойларда учраш эҳтимоли ҳам бор. Бу ҳолда қабилаларнинг бирлиги анчадан бери туркман ва қирғизларникидай аҳамиятга эга эмас ва мен хивалик ўзбек — қўнғирот Урта Еқсартлик ўзбек — қўнғирот билан яқин қариндошлигини лоқайдлик билан муҳокама қилганлигининг гувоҳи бўлганман. Лекин бу ҳам мутлақо ажабланарли эмас. Иқлим, одат, ерга муносабат ҳар хиллиги ва айниқса ўзбекларда намоён бўлган тожик, сарт, форс,

афғон қонлари уларда ўзига хос ҳар хил фазилятлар қолдирган ва бу хусусиятлар фақат ўзбекларга хос эмас. Агарда хивалик ўзбекни тасвирлай бошласак, энг аввало шуни кўрамизки, Оқсув дарёсининг пастки оқимида яшовчи ўзбеклар маълум даражада ўзининг Зарафшондағи ва Оқсув дарёсининг чап қирғоғидаги юртдошларидан фарқ қилишади. Чунончи, хивалик ўзбекнинг гавдаси ўрта бичимли, лекин қирғизлардан баландроқ, жуссаси эса туркмандан пишиқроқ бўлса-да, қорақалпоқлардай зуваласи пишиқ эмас ҳамда улардай баланд эмас. Хивалик ўзбекларнинг боши чўзиқроқ, кўзлари чўзинчоқ, бурни тўдишган бўлади, оғзи катта, ияги юмалоқ, ёноқлари унчалик туртиб чиқмаган, терисининг ранги тожикларникидан анча оқроқ, тук қопламаси туркманларникидай кучли ва жигарранг. Аксинча, бухоролик ўзбеклар хивалик ўзбекларга нисбатан маҳаллий эронийлар билан тез-тез ва жадал аралашганлигининг жонли излари яққол кўриниб турибди. Чунки сочида ва териларида қора ранг хивалик ўзбекларникига нисбатан анча кўпроқ учрайди. Шу билан бирга, қўқонлик ўзбеклар у ерда яшайдиган сартлардан деярли фарқ қилмайди.

Энг янги этнографик тадқиқотларга асосланиб, ўзбекни қуйидагича тасвирласа бўлади: у «ўрта гавдали, озгин ёки истисно тариқасида жуда семиз, териси силлиқ, буғдой ранг, сочи қора, малла ва камдан-кам қизғиш-қўнғир бўлади, соқоли сийрак ва қора, баъзида кулранг ҳам бўлади, бурни кичкина ва тўғри, бурун қанотлари кенг, лаблари қалин ва бўртиб чиққан, тишлари оқ ва жуда соғлом, пешонаси тўғри ва дўнг, қош усти кам билинади, бурун ва лунжи ўртасидаги кесим унчалик чуқур бўлмайди, қошлари ёйсимон, лекин жуда қалин эмас, оғзи катта, ияги йирик, ёноғи чиқиб турувчи, юзи кўпроқ серқирра, қулоғи катта ва ажралиб туради, оёқ-қўли кичкина, гавдаси кучли эмас, балки кўпроқ нозикдир». Бу ўзбекларни илмий нуқтаи назардан тасвирлашдир, лекин қанчалик кўп ўзбеклар табиатини умумлаштирмайлик бу саволни барибир очиқ қолдириш лозим. Шахсан мен бу умумийлаштиришни Марказий Осиёда яшайдиган ўзбекларнинг ҳар хилдиги учун қабул қила олмайман. Яшаш тарзи бўйича ўзбеклар ўтроқ ва ярим ўтроқ бўлишади. Ўтроқ ўзбекларни кўпроқ хонликларда учратиш мумкин. Улар деярли фақат деҳқончилик ҳисобига яшашади ва жуда камдан-камлари савдо ёки саноат билан шуғулланади. Деҳқончилик билан шуғулланадиган ўзбеклар айниқса, Зарафшон, Қашқадарё бўйлаб, Оқсувнинг чап қирғоғи, Хивада кўп учрайди. Бу ерларда ўзбеклар қишлоқ одами сифатида ўз ҳолатининг асл намунасини кўрсатади. У бу ерда йўқ бўлиб кетган эроний маҳаллий аҳолида, энг муҳими, ерни суғориш санъатини астойдил ўрганиб олган ва ўз касбига ғайрат ва шижоат билан берилиб ишлайди. Ишида форс қулларини қўлласаям, лекин кўп ҳолларда ўзбек ўз ерининг ғамини ўзи ейди ва кимки далада ибтидоий омочни тортиб юрган оддий,



ишини ҳалол бажарувчи қишлоқ одамини кўрса, бу деҳқонни Марказий Осиёни забт этувчи ва ҳақиқий хўжайини деб тасаввур қилиши қийин. Ва айнан шу одам бизнинг вақтгача Марказий Осиёнинг хўжайини бўлиб келди. Чунки шу эддий, омоч тортиб юрган ўзбек керак бўлган пайтда отга ирғиб мина олади ва қўлига қурол олиб ўзини жанг майдонидида кўрсатади. Аслзодалар ўз белгилари бўйича амалдор аслзодалардир, номлари эса сипоҳ аталиб, улар навкар ёллашлари ва хон лашкарига етказиб туришлари лозим. Хусусан айнан ана шу деҳқон аҳолиси асрлар давомида ўтроқлик ҳаётига қарамай олдинги кўчманчилик ҳаётининг айрим ижобий ҳамда салбий томонларини ҳимоя қилишга тайёр туради. Улар ҳарбий хизматни яхши фойдаланилмаётган ва қолдириб кетилган ерлари учун ижара ҳақи деб тушунадилар. Шунинг учун ҳам аслида ўзбеклар Хива, Бухоро ва Оқсувнинг чап қирғоғида асл ҳарбий миллат бўлганлар, дея оламиз, фақат охириги ҳудудда ўзбекларга, эҳтимол, янада жангари афғонлар билан бўлган кураш жуда машаққатли кечган ва шунинг туфайли уларнинг қаршилигини охиригача енголмаганлар. Савдога келганда, оғир-вазмин, саноатда эса уларнинг ўрни унчалик билинмайди. Бу ўзбекларга ҳаммадан ҳам айрим қишлоқларга ҳар томонлама баланд девор билан қуршаб олинган ҳовлида енгил кигиздан қилинган чодир ёйиб яшаш ёқади ва айнан шу чодирни у қиш пайтида ҳам қишки уйдан афзалроқ кўради. Албатта, унга ҳаммадан ҳам чексиз эркинлик берадиган кўчманчилик ёқади. Лекин бунинг учун тегишли жой (ҳудуд) қаерда, шу билан бирга унинг ижтимоий аҳволи ҳам бунга йўл қўймайди. Шу сабабдан бутунлай кўчманчи ўзбеклар сон жиҳатидан оздир. Бу кўчманчи ўзбекларнинг бир неча юзтаси Хўжанд ва Жиззах ўртасида чодир ёйиб кўчиб юришади, яна бир табақаси Қарши ва Карки ўртасида кўчманчилик қилган. Кўчманчи ўзбекларнинг энг катта қисмини эса, эҳтимол, Оқсувнинг чап қирғоғида, бугунги Афғонистон Туркистонидида учратса бўлар. Ярим кўчманчилар бундан анча кўпроқдир, чунки ҳамма ўзбекларда шундай ҳаёт тарзига мойиллик бўлиб, уларнинг ҳар қайсиси бутун оиласи билан очиқ ҳавода яшашга тайёр. Уларнинг етарли ер-жойи, яйловлари бўлса-да, ва агар ҳосил ўриш ёки бошқа бирорта даладаги иш ушлаб қолишини айтмаса, хонликларда ҳам (вақтинча яшаб туришибди) десаям бўлаверади. Албатта, шубҳасиз, бу аҳвол янги даврдаги сиёсий ўзгаришларни кўзда тутганда узоқ вақт сақланиши мумкин эмас ва ўзбеклар ўрислар истилоси натижасида ўз қудрати ва ижтимоий обрўсини йўқотгач, тинчгина фуқарога айланади ва худди Қозон ва Астрахан татарларидай батамом деҳқончиликка ёки бошқа тинчгина касбларга берилиб кетади, деб эҳтимол қилиб ҳам бўлмайди. Бундай тахмин қилишимизга барча ўзбекларда учрайдиган феъл-атвор хусусиятининг анчагина бир хиллиги асос беради ва шуниси таажжублики, бу хусусият сиёсий

воқеаларнинг ҳар хиллигига ва ўзбекларнинг келиб чиқишлари турлича бўлишига қарамай ҳар доим билиниб туради. Бу халқнинг ижобий, маънавий томонлари энг аввало уларнинг очиқ кўнгиллиги, мардлиги, жиддийлиги, ҳақиқий туркий ҳимматга эгаллигида яққол кўзга ташланиб турибди. Бу нарса улар билан бир хил шароитларда ёнма-ён яшаётган бошқа халқларда ҳам кўринади. Кўпинча маъжосликкача камгап, оғир-вазмин ўзбеклар ўзларининг тожик ва сарт қўшниларидан худди кекса эркак беғам-беташвиш ёш йигитдан фарқ қилгандай ажралиб туради. Юзидаги мраммардай совуққонлик белгилари уларнинг тушунчаси бўйича одобахлоқ намунаси ҳисобланади. Бесўнақайлиги билан руҳий ҳолати мувофиқдир: бир гапни ўйлаб оғзидан чиқаргунча бир қанча дақиқалар ўтади, ўзбек бир сўзни айтгунча сарт ёки тожик қанча гапни қалаштириб ташлайди. Ўзбек ўйлаброқ гапиришга мойил. У бунга табиий деб билади. Жасур сипоҳ садоқатли ва дожурок бўлиб, тўғри гапирадиган, тўғри ҳаракат қиладиган, кўзга тик қарайдиган эркакни мукамаллик намунаси деб билади... У биз ҳамма жойда бошқа туркларда кўргандек, давлат ҳимоясини ўз зиммасига олган (орий маҳаллий аҳоли ҳам бунга ҳеч қачон унчалик истак билдирмаган ва бу ишда маҳорат кўрсатмаган), шунинг учун у доим сипоҳлик қилиб юрган ва санъат, илм ғамидан қадимдан бош тортган. Бошқа томондан қарасак, ўзбеклар бунинг эвазига айрим ажойиб қадимий одатларни сақлаб қолишган. Масалан, ўзбекларнинг оилавий муносабатларини асл намуна деб ҳисобласа бўлади. Кўп хотинлилик фақат ҳукмронларга хос ва Хивада Бухоро ва Қўқонга нисбатан анча камроқ учрайди. Ўзбекларнинг ўз хотинига муносабати тожик ва сартларга нисбатан анча яхшироқ, шуниси жуда таъсирлики, ўрта ёшларга бориб қолган фарзандлар ўз ота-оналарига жуда ҳурмат ва эҳтиромли бўлишади. Ўзи 30 ёки 40 ёшларга бориб қолган ўғил отасининг бир қарашидаёқ чўчиб кетади ва ҳеч қачон отаси бор пайтда чилим чекмайди, биринчи ўтирмайди ва биринчи гапирмайди. Аёллар билан бўлган муносабатларга келсак, ислом ташқи муносабат қоидаларида ғайритабиий қонунларнинг айрим томонларини жорий қилиб қўйган, лекин шахсий ҳаётда эмас, бу эса шуни билдирадики, шахсий ҳаётда ҳаммаша қадимий кўчманчилик ҳаёт тарзи ҳукм суриб келади ва бека ўз билганича эркин ва чўлда яшагандай чексиз ва Константинополдаги хонимдай хўжайинлик қилади. Ўзбеклар эрон-мусулмон маорифи ёрдами орқали ўтроқлик ҳаёт тарзига кўчганига асрлар ўтган бўлса-да, лекин маориф унинг ижтимоий ҳаётининг ички қисмига озгина таъсир қила олган. Этнологик масалада анча аҳамиятли томони шундаки, улар бугун асосан туркий шевада гаплашадилар. Одатда биз бу шевани чигатой ёки ўзбекча шева деб белгилаймиз. Чигатой номи мўғуллар ҳукмронлигидан қолган. Умуман олганда, ўзбек тили чигатой тилига пайванд қилингандек таассурот қолдиради. Чунки шимолдан ўтиб

келган янги туркий қабилалар хонликларда бўлган туркий халқларга янги тил маълумоти олиб келишган. Бу текширишларга асосланиб биз буни бир неча аср олдин бўлган шева аралашуш такрори деб кўрсак бўлади, чунки биз олдин эслатиб ўтганимиздай, турк тили жуда қадимда, тарихни вақт забт этмаган даврларда Урта Осиё шаҳарларида таниш бўлиб, унинг негизи шимолдан эмас, шарқдан чиққан ҳамда бу турк тилига энг яқин бўлган тил — қирғиз тили эмас, балки қадимий уйғур тили бўлганлигини билдиради. Шундан кейин қадимда ўтроқ бўлган Марказий Осиё туркларини шарқдан келган деб кўрқмасдан тахмин қилиш мумкин ва кейинчалик шимоли-шарқдан ва шимолдан кўчиб келган турклар тил ва одатларни шу ерда яшаган туркий қондошларидан ўрганиб олганлар ва аста-секин бугунги туркий халқни ташкил этганлар. Марказий Осиёнинг бугунги турк тили бунга энг муҳим далилдир...

Ўзбек тилининг адабий бойлиги ҳақида гапирганда, шу нарсани тушуниш керакки, уни гуллаб турган форсий адабиёт бўстонида улғайган Навоий, Бобур ва бошқа чигатой адабиёти билан тенглаштириб бўлмайди. Мен бу ҳақда асарларимда тўлиқ тўхталганим учун бу ерда фақат қисман ўзбек, яъни Урта Осиёнинг замонавий турк адабиёти асосини халқ оғзаки ижоди ташкил этишини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу ижод Марказий Осиёнинг кучли форс адабиёти билан куч синашишни ният қилмаган ҳам ва қодир ҳам эмас, у фақат маълум энг зарур талабларга мувофиқгина вужудга келган. Бу адабиётнинг катта қисмини диний ҳикоялар ва ҳарбий юришлар тўғрисидаги ҳикоялар ташкил этади. Буларнинг мазмуни қисман мусулмон афсоналаридан, қисман кўчманчилар, айниқса қирғизлар халқ оғзаки ижодидан олинган ва XV асрда хонликлар даврида биров такомиллаштирилган. Хивада сарой топшириғига биноан ёзилган солномалардан ташқари форс ёки арабчадан таржима бўлган тарихий асарлар фақат кам миқдордаги ўқимишли ўзбеклар хонадонларида учрайди. Бошқа ахлоқий-диний асарларда ҳам шунга ўхшаш мавзу такрорланади. Ҳамма жойда бўлгани каби, бу ерда ҳам маънавий ҳаётнинг равнақи иқтисодий юксалишга боғлиқ ва буни шу асрдаги адабиётнинг аҳамияти ҳамда бугунги ўзбек адабиётининг сусайиб кетганлигида яққол кўриш мумкин. Энди миқдорий маълумотлар йўқлиги сабабли, биз ўзбекларнинг қанчалигини аниқлаб олишимиз керак. Яккаю яғона ишончли маълумотни биз ўришлар ҳукмронлиги остидаги ўзбеклар яшайдиган Марказий Осиёдан олдиқ ва бу хусусан олдинги Қўқон, Сирдарё вилояти, Зарафшон ва Амударё ҳудудларидир ва бу ерда Костенконинг энг янги маълумотларича 201.972 киши яшаши керак. Миқдорий маълумотларга кўра, Зарафшон вилоятига (ҳудудига) 140.154 ўзбек тўғри келганини назарда тутсак, бизнинг тахминимизча, бугунгача бўлган 2 миллиондан кўпроқ деб баҳоланган сон жудаям кўп деб бўлмайди.

Чунки ўзбеклар сонига форсий тилда гапирадиган Қоратегин, Рошан, Вохан ва Шугнон каби тоғда яшайдиган аҳоли қўшилгани учун хато қилмасдан Бухоро ҳукмронлигида яшайдиган ўзбеклар сонини 1.000.000 киши деб баҳолашмиш мумкин. Бу сонга яна Хива ҳукмронлиги остида яшайдиган 700.000 ўзбекни, Афғонистон ҳукмронлигидаги яна 200.000 ўзбекни қўшиб, қўрқмасдан бу халқнинг умумий сони тахминан 2 млн. кишидир дея оламиз.

Ўзбекларнинг одатларига келсак, энг аввало шуни айтиб ўтиш керакки, бунинг ягона шакли ҳақида сўз юритиб бўлмайди. Чунки одамларда уч хонликдаги ҳар хил маданият таъсири бор ва шу билан бир вақтда чўлдан олиб келинган урф-одатлар ўтроқлик ҳаётига сингиши билан озми-кўпми ўзгарган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, Оқсувнинг пастки қирғоғида, Шаҳрисабзда ва Оқсувнинг чап қирғоғида яшовчи ўзбеклар Бухоро, Қўқон ва Шарқий Туркистонда яшайдиган қондошларига нисбатан эски турк дунёсининг кўпроқ одатларини сақлаб қолишган. Ўзбеклар у урф-одат бўйича яшашига қарамасдан, бу одатлар бировнинг кучли таъсири остида бўлмаган. Аслида кивалик ўзбеклар ўз миллатининг энг асл вакилларидир. Буни инкор қилиб бўлмайди. Қадимий Хоразмда ўтмишдаги форс маданиятидан келиб чиқадиган айрим удумларни ҳам қадрлайдилар. Бу одамларга тааллуқли бўлган кузатишлар этнографияда жуда катта қизиқиш уйғотади ва биз олдинроқ айтиб ўтганимиздек, энг аввало шуни кўрсатадики, Оқсувнинг пасткида, масалан, турклар мусулмон динини қабул қилишдан олдин ўтроқ бўлишган ва қадимий орий дунёқараши турклар томонидан ўзлаштирилган. Бунга мисол қилиб, Наврўз байрамини, яъни баҳорги тенг кунлик байрами нишонланишини айтиш мумкин. Бу байрам Хива ўзбекларида, Эрон форсларида қандай аҳамиятга эга бўлса, худди шундай аҳамиятга эга. Лекин Бухоро ва Қўқонда диний мутаассиблик кучли бўлгани учун аллақачон ўз аҳамиятини йўқотган. Хивалик ўзбеклар олов устидан ва унинг атрофида худди Ёзд ва Карманадаги гебрлардай сакрашади, агар ёш қиз биринчи марта ўз рафиқининг уйига кирадиган бўлса, уйнинг олдида жинларни ҳайдаш учун олов ёқилади ва бу гулханга ёш қиз орқасини кўрсатиши мумкин эмас, аксинча гулхан олдидан эҳтиром билан ўтиб, янги уйга киради. Яна гулханга тупуриш, ахлат ташлаш ва ҳоказолар худди кўчманчиларникидай ман этилади. Лекин ёруғлик берадиган гулханга, яъни қуёшга бугунги кунларда фақат Хива ўзбеклари сизгинишади, чунки эски одат бўйича қуёш ботганда жуда оғир касаллар ҳам туриб кетади дейишади ва одамлар қуёш нурлари муқаддас руҳий кучга эга деб ишонч ҳосил қилганлар. Одамлар оловда ҳам шундай шифобахш куч бор деб ҳисоблашади ва оғир касалларни гулхан атрофида олиб юрганларини кўриш ажабланарли эмас. Умуман олганда, нафақат эски оловга сизгиниш одатининг излари, балки бошқа қадимий

мий эрон афсоналари ҳам Оқсув дарёсининг пастигаги туркларда сақланиб қолган. Масалан, Рудапо исмлиқ сув париси, яъни оқсувлиқ Лорелея жуда кўп ичкадай бир-бири билан чалкашиб кетган оёқлари бўлган жуда чиройли аёл, Эрон қайиқчиларини минг йиллар олдин қандай қийнаган бўлса, бугун худди шундай Оқсув кема ва қайиқ эгаларига жодугарлик қилади ва даҳшат солади. Чўлу биёбон, яъни чўл ажинаси Уст-Юрт чўлидаги ўзбеклар ичида қиладиган жодугарликлари ва бебошлиқлари у Дашти қувирда ҳам, яъни Исфакон ва Язд ўртасида ҳам қилади. Шунингдек, форсий девнинг ёвуз ҳаракати Оқсувнинг бугунги одамларига энг камида қадимий хоразмликларга қандай маълум кўринган бўлса, шундай кўринади. Бу ва яна бошқа Марказий Осиёдаги исломгача бўлган дунёқарашни XVI аср бошларида Шайбоний орқасидан келганлар ўзларидан анча олдин пастки Оқсувда ўтроқ бўлган турклардан ўзлаштириб олган. Демак, Хоразмда қадим замонда туркий аҳоли бўлган деган тахминимиз анча асослидир.

Кўчманчилик ҳаётидан қолган одамлар ҳақида гапирсак, шуни кўрамлиқки, улар қайси нуқтаи назардан қарамайлик, ўзгариб ва ўтроқлик ҳаёт тарзига мослашишган. Ўзбекларнинг кийимлари тожикларникидан газламасининг қалин-қаттиқлиги билан, тузилиши эса унча кенг бўлмаганлиги билан фарқ қилади. Тожик салла ўраганда, ўзбекка кўпроқ баланд ва қаттиқроқ мўйна телпак ёқади. Бу телпакнинг кўриниши туркманларнинг телпагидан каттароқ, лекин тепаси сартларнинг телпагидай энли эмас. Ўзбек аёлларининг кийиниши тахминан туркман аёлларининг кийинишига ўхшайди, фақат одат бўйича ёш аёлнинг бошига ҳурмат юзасидан бош кийими кийгизилади, лекин шаҳарликлар бу одатга риоя қилишмайдиган бўлишган. Ўзбекларнинг овқати кўчманчи қондошлариникидан фарқ қилмайди, фақат деҳқон бўлгани учун етарли миқдорда нон ва хамир овқат ёйди, таомларига чўл одамларнинг гўшти ва сутли таомларини қўшганда, қирғизлар билан тенглаштиради бўлади. Сарт ва тожик таомларини камдан-кам ёйди. Ичимликлардан чой, бўза, куртоба (яъни сувда эритилган пишлоқ) ва айрон истеъмол қилади. Унга, айниқса айрон ёқади. Қимиз умуман учрамайди десаям бўлаверади.

Оилавий ҳаётнинг айрим тарзларида кўчманчилик ҳаётининг кўп хусусиятлари сақланиб қолган. Асрлар давомида етиб келган мусулмон динининг риояларига қарамасдан уйланишни ота-оналар ташкил этмайди. Чунки олдин ёшлар бир-бири билан танишишади ва ўзаро муносабат боғлаши мумкин. Совчи хотин эса фақат одоб юзасидан қатнашади. Ота-оналар қалин пулини ёки қалин ўрнига 9 от, мол, қўй, туя ва ҳоказоларни келишиб олгандан сўнг унаштириш учун келин уйда фотиҳа базми бўлади. Тўй маросимлари бундан кейин тез кунларда ўтади. Тўйнинг биринчи кунини куёв йигит ўн дўсти, келин бўлса, ўн дугонаси ўртасида ўткази

ва ўша куннинг ўзида кечқурун иложи бўлса очиқ ҳавода уларни никоҳлашади. Иккинчи куни бўлса, келинни тушуриш олдидан базмлар давом этади. Ёшларни олиб кетаётганда эркаклар отларда, аёллар араваларда кузатиб келишади ва улар олқишлаб қўшиқлар айтишади ва ҳоказолар. Тўй муносабати билан кураш бўйича мусобақалар ўтказилади, от чоптириш ва кўпқарилар бўлади, лекин унда фақат ёш йигитлар қатнашиши мумкин. Аёллар эса, кўчманчилар одати бўйича олдин иштирок этган бўлса-да, ҳозир бу мусобақаларда қатнашмайди. Бола туғилгандан 40 кун ўтгандан кейин уни йўргакдан (қўндоқдан) бешикка ўтказишади, бир ёшга кирганида у кичкина гилдиракли аравачага (адак-арава, оёқ учун арава — Х. Вамбери) тушади ва қисқа муддатда ўзи юришни ўрганади. Ўз-ўзидан тушунарлики, ёшлар чўлдаги ҳаётига нисбатан мактабларда қунт билан ўқишади. Чунки ўзбеклар художўйдир ва болаларидан қунт талаб қилишади. Лекин ўзбеклар ўзларининг диндош биродарларидай мутаассиб эмас ва айниқса уларнинг ўртасида муғомбирлик (мунофиқлик) камдан-кам учрайди. Авлиёларга сиғиниш Хива ўзбекларида Бухоро ва Қўқон ўзбекларига нисбатан унча кучли эмас, Маккага борувчилар сони жуда кам ва ўзбек ҳожиларига Ўрта Осиёнинг бошқа қисмларига нисбатан унча эътибор беришмайди. Бир сўз билан айтганда, ўзбеклар яхши мусулмондирлар, лекин динга берилишлари бўйича бухороликларга эмас, кўпроқ анатолиялик туркларга ўхшайдилар.

Марказий Осиё ўзбекларининг ҳаётидаги қизиқ нарса сартларга, яъни туркий тилда гапирадиган орий маҳаллий аҳолига муносабатидир. Улардан ўзбеклар, тили бир хиллигига қарамасдан, ажралиб туришни афзал кўришади ва ўзбек деганда ҳурматга сазовор бўлган одамни тасаввур қилиб, сарт деганда айёр, ишончсиз одамни тушунгандай, уларга паст назар билан қарашади. Ўзбеклар сартлар билан камдан-кам қариндош бўлади. Агарда сарт ўзбек оиласидан хотин олишга муваффақ бўлса, унинг кейинги авлоди ўзбек деб ҳисобланади... Сарт деган ном 800 йилдан бери мавжуд. Сартлар бошқа миллат сифатида тожиклардан фарқ қилади, шунинг учун ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, сартлар ўтган минг йиллардаёқ туркий тилда гапираётган ва турклар билан жуда аралашган ҳолда мавжуд бўлишган. Айнан сартлар бошқа орий маҳаллий аҳолиси, яъни тожиклар эмас, турклар билан жуда аралашиб кетишган ва нега турклашиш билан бир маҳалда тили узоқ вақт турклашмаганлиги диққатга сазовор масала бўлиб қолди. Тарихда бу саволга ҳеч қандай жавоб йўқ, лекин сартларнинг жуғрофий тарқалиши қадимий Фарғона ва Ўрта Ёқсартда зич бўлиб яшаганидан шундай тахмин қилиш мумкинки, улар, яъни сартлар, тарих вақтни забт этмаган бир даврда орий халқининг чегарасини ташкил этишган ва туркларнинг келиш тўлқинлари доимий бўлганлиги сабабли тиллари аста-секин турклашган,

лекин уларнинг табиатида, шубҳасиз, орий келиб чиқишларининг излари сақланиб қолган.

Ва, ниҳоят, Марказий Осиё ўтроқ туркий халқлари ўртасида яна қурама халқини ҳам эслатиб ўтиш керак. Улар Чирчиқ, Ангрен соҳилларида (бу дарёлар Еқсарт ирмоқларидир) яшашади ва кўпинча қирғизларнинг чўлдан сиқиб чиқарилган ва ўтроқлик ҳаётига ўтишга мажбур бўлган қавмидан келиб чиққандирлар. Кейинчалик улар бошқа турклар ва сартлар билан аралшиб кетганлар, шу бугунга қадар уларнинг сони 50.000 га етади. Чала қozoқларнинг келиб чиқиши ҳам тахминан худди шундайдир. Улар Тошкент округида яшашади. Ижтимоий келиб чиқиши қурамаларникидай, сон жиҳатидан камроқ, лекин аниқ сонини билмайман.

Олмон тилидан  
Турдибой ШОДМОНОВ ўзбекчалаштирди

## ЎЗБЕК УЛУСИ

Атоқли муаррих Бўривой Аҳмедовнинг «Ўзбек улуси» китоби «Мерос» нашриётида тўлалигича нашрга тайёрланмоқда. Биз шу қимматли асардан бир бобини таъништираётимиз.

Ўзбекларнинг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзи олимлар кўчманчи ўзбекларнинг келиб чиқишини Олтин Урда хони Ўзбекнинг (1312—1340) номи билан боғлайдилар. Н. А. Аристовнинг фикрича, «Ўзбекхонгача ўзбек номи тарихда учрамайди, шунинг учун ҳам бу ном подшонинг номидан бошланган, дейиш мумкин». А. Ю. Якубовский «ўзбек» иборасининг пайдо бўлишини «ўзбеклар» (кўплиги- «ўзбеки йун») сўзи билан боғлайди, улар ўз номларини шу Олтин Урда хони Ўзбек номидан олганлар, деган фикрни билдиради. И. П. Иванов ҳам шундай нуқтаи назарни тўғри, деб билади. Чет эллик тарихчилардан М. А. Чапличка ва Хильда Хукхэм ҳам ўзбекларнинг келиб чиқишини Ўзбекхон номи билан боғлайдилар. (Султон Жалолиддин Мангуберди даврида (1220—31) Озарбойжон вилояти подшоси Отабек Ўзбек деб аталарди — М. М.) Ўз пайтида бундай фикрларга В. В. Григорьев қарши чиққан эди. А. А. Семёнов ҳам бу фикрнинг асоссиз эканлигини кўрсатиб ўтган. Унинг айтишича, «ўзбек» ибораси Оқ Урдада пайдо бўлган ва Эрон ҳамда Урта Осиё тарихчилари XIV—XV асрларда Оқ Урдадаги турк-мўғул қабилаларининг ҳаммасини шундай аташган. Ўзбекхон эса Кўк Урда, яъни Олтин Урданинг подшоси бўлиб, кейинчалик ўзбеклар деб аталган қабилалар унга бўйсунмаганлар. Биз А. А. Семёнов ҳақ бўлса керак деб ўйлаймиз.

Ҳ. Вамбери, Х. Ховорс ва М. П. Пеллионинг фикрича, Дашти Қипчоқнинг турк-мўғул қабилалари бу номни ўзларининг эркинликлари сабабли олганлар. Ҳ. Вамберида қуйидагича қизиқ маълумот мавжуд: «Ўзбек» сўзининг туб маъноси — «ўзи ўзига бек, хўжайин, мустақил». Ажабо, бу сўз қадимги мажорларда (венгрларда) ҳам мартаба, унвон сифатида учрайди ва шу маънода 1150 йилга мансуб ҳужжатларда қайд этилган».

«Ўзбек» сўзи XIII—XIV асрларда, Жувайний ва Рашиддинларнинг асарларидан ҳам маълум эди. Бу сўз Элхон



Обока (1265—1282) замонида Эронда яшаган Пури Баҳонинг (Тождиддин ибн Баҳоуддин) достонида ҳам учрайди. Ушбу асарнинг Пури Баҳонинг ўгли Зайниддин Қазвиний томонидан ёзилган давомида «ўзбеки йун», «мамлакати ўзбек» ва «улуси ўзбак» сўзларини учратамиз. Бу ерда сўз Оқ Урда кўчманчилари эмас, Олтин Урда хони Ўзбекхон ва унинг давлати ҳақидадир.

Шундан кейин, то XIV асрнинг 60-йилларигача «ўзбек» сўзи манбаъларда учрамайди. XIV асрда яшаб ижод этган араб муаллифлари — Насириддин ибн Фурат (1361—1404), ал-Асадий (1377—1447), ал-Айнийлар (1361—1452) Ўзбекхон ва ундан кейин Олтин Урдада ҳукмронлик қилган бошқа хонларни «шимол даштларининг подшоҳлари», «дашт султонлари», «дашт мамлакатларининг подшоҳлари» ва «қипчоқларнинг подшоҳлари» деб атаганлар. Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бошқа бир араб тарихчиси ал-Қалқашоний (1418 йилда вафот этган) Тўхтамишни «Ўзбеклар подшоҳи» дейди. Низомиддин Шомий (XIV—XV аср) ўз рисоласида Тўхтамиш ўғлоннинг Дашти Қипчоқдан Самарқандга келгани тасвирланган ўринда бундай деб ёзади: «У (Темур) Тўхтамишга Утрор ва Саврон вилоятларини июнат қилди ва уни ўша ерларга юборди. Бир қанча вақт ўтгандан кейин ўзбекиё подшоҳ Урусхоннинг ўғли Қутлуғ Буғо кўшин билан келиб, Тўхтамиш ўғлон билан жанг қилди».

Маълумки, Оқ Урданинг хони бўлган Тўхтамиш XIV асрнинг 30-йиллари охирида Темурнинг фаол ёрдами билан Мовароуннаҳрнинг шимолий томонларини тасарруф қилиб турарди. 1390 йили Темур унга қарши қўшин сурди. Темур қўшини Сариг ўзан деган ерга етиб келганларида «нўйонлар ва амирлар йиғилишиб, «агар биз аввал Анқо Тўра устига юриш қилиб, у газандани янчиб ташласак, сўнгра ўзбеклар диёрига («диёри ўзбек») ўтсак маъқулроқ бўларди», деб (Темурга) арз қилдилар». Темур ушбу режага рози бўлиб, Бўрибоши орқали Анқо Тўрага қарши юриш қилди. Абдураззоқ Самарқандий Темурнинг Анқо Тўрага қарши юришини батафсил баён қилади. Жумладан, асарда бундай дейлади: «Ҳижрий 792<sup>1</sup> йилнинг (мелодий 1390) ўзида Темур Мўғулистонга қараб юрди (У вақтда Мўғулистонга Қашғар ва Андижон қарар эди) ва йўлда учраган асирлар унга Анқо Тўранинг Мўғулистондан қочиб кетиб, Ўзбек саҳроларида (дар саҳрои ўзбек) яширинганлигини айтдилар. Темур аскарлари қочоқларни уч кунгача Ўзбек даштида беҳуда излаб юрдилар ва, ниҳоят, тўртинчи куни қоровуллар (разведка) ёғийнинг шу ерга яқин жойда эканлиги хабарини етказишди. Утказилган қисқа маслаҳат кенгашдан сўнг Темур қўшинларини уч қисмга бўлиб, Анқо Тўра ва унинг қўшинини излаб топишга киришди. Жамолиддин Ҳамид ва шаҳзода Умаршайхнинг аскарлари ёвни ўраб олишга киришди. Темур бўлса ўртада қолиб, душман устига юрдилар. Умаршайх аскар-

лари Шербат йўлидан бориб, Қора-Хўжарни кесиб ўтдиларда, мўғулларнинг асосий чекиниш йўлларини тўсиб қўйдилар. Қиёс мавзеида Анқо Тўрани қувиб етиб, мағлубиятга учратди. (Тўра чекинди) Умаршайхнинг ўғлонлари Анқо Тўрани қувиб, Олакўлгача бордилар».

Манбаълар Анқо Тўранинг Тўхтамиш билан алоқаси тўғрисида бирон-бир хабар бермайдилар. Аммо, мўғуллар қудратли Темурга қарши курашиш ниятида Тўхтамиш билан иттифоқ бўлишга интилганлар ва 1388 йили ҳақиқатан ҳам мўғул ҳокими Қамариддин (1362—63—1388—89 йил) Тўхтамиш билан иттифоқ тузишга эришиб, Умаршайхни Жулакадаги жангда енгишга муваффақ бўлган.

Юқорида келтирилган далиллар, биринчидан, Дашти Қипчоқнинг чўл қисми Ўзбек дашти, деб аталганидан, иккинчидан эса, бу пайтга келиб, кўчманчи ўзбеклар Сирдарёнинг шимол томонидаги ерларнинг анчагина қисмида (ҳозирги Қозоғистоннинг жанубида) ҳукмрон эканликларидан далолат берадилар. Тўхтамиш қўшинларининг аксарияти кўчманчи ўзбеклар эдилар.

Хондамир ҳам 1388—89 йиллар воқеалари ҳақида сўз юритганида Тўхтамиш қўшинларини ўзбек қўшинлари (сипоҳи ўзбак) деб атайди. 1391 йили Қундузчадаги жангда қатнашган қўшинларни ҳам Хондамир ўзбек қўшинлари дейди. Муъиниддин Натанзаний, Едигей ва Қулғу Темурлар бошчилигида 1399 йили Тўхтамишга қарши чиққан аскарларни ҳам ўзбеклар дейди. Едигей, унинг укаси Исобек ва Олтин Урданинг кўзга кўринган бошқа амирлари Шодибек, Фўлодхон, Улуғ Муҳаммад (ёки Муҳаммадхон) юқоридаги тарихнавислар томонидан Дашти Қипчоқ ва Ўзбек вилоятларининг (подшоҳи Дашти Қипчоқ ва вилояти Ўзбак) ҳокимлари деб атаганлар. Бу масала бўйича Мирзо Улуғбекнинг (1409—1449) «Тарихи арабъ улус» («Тўрт улус тарихи») рисоласи диққатга сазовордир. Бу асардаги маълумотларни қисқача баён этсак, қуйидагича: Ўзбекхон Ўзбек улусига (дар улуси ўзбек) подшоҳ бўлди. Сўнгра, 720 х. йилда (1320 мелодий) Саид отанинг саъй-ҳаракатлари билан Дашти Қипчоқ аҳолиси мусулмон динини қабул қилдилар. Исломи қабул қилганларни ўзбеклар, қабул қилмаганларни эса (қалмоқлар) деб атай бошладилар.

Келтирилган маълумотлар асосида хулоса қилиб айтиш мумкинки, «ўзбек» ибораси, Дашти Қипчоқдаги турк-мўғул аҳолисининг умумлашган номи сифатида XV асрдагина пайдо бўлди.

Аммо, ўзбеклар Дашти Қипчоқда фақат XIV аср охирилари — XV аср бошларидагина пайдо бўлганлар, деб ўйлаш хато бўлур эди. Ҳозирги ўзбеклар, қозоқлар, қорақалпоқлар ва бошқа халқларнинг аجدодлари шу халқлар ҳозир яшаётган ерларда қадим замонларда ҳам яшаганлар. Лекин ўзбеклар, қозоқлар, қорақалпоқлар деб аталмаганлар. Тарихий, адабий манбаларда Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмида

қадим замонлардан бери турли турк қабилалари яшаганлари ҳақида анчагина маълумотлар мавжуд. Бу ерларни XIII асрда мўғуллар забт этган бўлса, Дашти Қипчоқнинг турк қабилалари орасида тез орада сингиб кетганлар ва ҳатто ўз миллатларини йўқотганлар. Чингизхон қўшинларининг асосий қисмини туркий қабилалар ташкил этганлигини ҳам унутмаслик зарур.

Масъуд ибн Усмон Кўхистоний шаҳодатлик беришича, Оқ Ҳарда, яъни кўчманчи ўзбеклар таркибига қуйидаги қабилалар кирган: буркут, қиёт, қўшчи, қўнғирот, ушун (усун), ўтачи, найман, жог, чимбой, қорлик, кенагас, дўрмон, қурловут, туб, манғит, нукуз, тангу, уйғур, хитой, тоймас, эчки, туман, минг ва бошқалар. Биноийнинг «Шайбонийнома» асарида, XV асрнинг 80-йилларида Шайбонийхонни қўллаб турувчи қабилалар орасида яна шодбоғли ва шунқорли қабилалари ҳам эслаб ўтилади. Маҳмуд ибн Валининг сўзларига қараганда, Абулхайрхоннинг қўшинларида уйғур, мажор ва килларнинг жанговар гуруҳлари бўлган.

Бу қабилаларнинг келиб чиқишлари турлича. Масалан, қўнғирот, нукуз ва қиётлар — мўғулга, тангулар бўлса — Тибетга тааллуқли.

Хитойлар хусусига келсак, уларнинг аجدодлари — X—XI асрларда Шимоли-Шарқий Хитойда яшаб ҳукмронлик қилган кидонлардир.

Рўзбехон Исфаҳоний XVI аср бошларида ўзбеклар уч тоифа («халқ»), яъни қабилалар бирлашмасига тааллуқли дейди, — булар Шайбоний улусига қарашли барча қабилалар, қозоқлар ва ниҳоят, манғитлардир. Маълумки, Дашти Қипчоқдаги кўчманчи ўзбеклар иттифоқини ташкил этган кўп қабилалар замон ўтиши билан парчаланиб кетиб, унинг қисмлари қозоқлар, қорақалпоқлар, бошқирлар ва бошқаларнинг таркибига кирганлар, аммо ўзларининг қабила номларини сақлаб қолганлар.

XV асрнинг бошларида юқорида айтиб ўтилган қабилаларнинг бир қисми (ўзбеклар — «ўзбакон») Шайбонийхон атрофида бирлашиб, Ўрта Осиёда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида тургун бўлиб қолдилар. Шу пайдан бошлаб «ўзбек» ибораси этник маъно касб этди ва бу ҳудуддаги туркий аҳоли «ўзбек» номини қабул қилди. Шу ерда таъкидлаб ўтишимиз керакки, кўчманчилар, аввал қайси қабилага мансуб бўлсалар ўша номни сақлаб қолдилар ва то XX асргача аждодий-қабилавий бўлинишларни сақлаб келдилар. Аммо, ўзбек халқининг келиб чиқиши XVI асрга тўғри келади деган гап тўғри эмас. Бу ерда сўз, фақат «ўзбек» иборасининг этноним сифатида пайдо бўлган вақти ҳақида бормоқда. Маълумки, қадимдан Ўрта Осиёда туркий тилда сўзлашувчи халқлар яшаганлар, Дашти Қипчоқнинг кўчманчи ўзбеклари Мовароуннаҳрнинг ўтроқ туркий аҳолиси орасида сингиб кетиб, «охирги қўшилганлар» сифатида ўз номларини уларга берганлар...





## ЮРТИМ ДЕСАМ

*Мен Ватанни боғ деб айтсам,  
Сенсан унда битта гул,  
Мен Ватанни кўз деб айтсам,  
Битта мужгон ўзбегим.*



## Туркийлар

Қиличин ташлади беклар ниҳоят,  
босилди тулпорлар,  
тиғлар суроми,  
урҳога ўрганган тилларда оят,  
туркийлар таниди комил худони.  
Қиличлар занглади...  
фалокат ҳушёр,  
туркийлар қувватин берди ерларга.  
Ҳийлагар дўстлардай яқинлашди ёв,  
комиллик қидирган жасур эрларга.  
Илвасин йигитлар,  
бобир йигитлар,  
Саждага бош қўйди ёвга терс қараб,  
ғулларни кемириб йиғлади итлар,  
буюк бошни кесди қилич ярақлаб.  
Туркда бош қолмади...  
қолмади довлар,  
хогин-халаж қолди мотам кўтариб,  
«бизга тик қарама» — буюрди ёвлар,  
ёвларга терс қараб яшади бари.  
Таланди самовий тулпор уюри,  
таланди зарлари,  
зеру забари,  
терс қараб ўлинг деб ёвлар-буюрди,  
ёвларга терс қараб жон берди бари.  
Лаҳадга кирдилар ўзларин қарғаб,  
қолмади арабий,  
туркий хатлари,  
туғингиз, деди ёв, тескари қараб,  
ёвларга терс қараб туғилди бари.  
Туғилди,  
туғилди,  
туғилди қуллар,  
қирқида қирилган — имдодга муҳтож,  
ёвларга терс қараб итлардай ҳураб,  
бир-бирига душман,

бир-биридан кож.  
 Жумардлар қирилган Туронзаминда  
 дўзахий тажриба палласин кўрдим,  
 эш-шак суврати бор қай бир қавмда,  
 қай бирида тўнғиз калласин кўрдим.  
 Бу ҳолдан буваклар бўғилиб ўлар,  
 қул Билол эзилиб йиғлар Ҷалакда...  
 Ўзларин ёндира борлиқдан тўйган  
 бадахшон лаълидай асл малаклар.  
 Мўминлар беш бора Аллоҳни эслар  
 саждага бош кўйиб жаллод тошига,  
 ўгрилиб сал ортга қарайин деса,  
 бошига урарлар,  
 фақат бошига.  
 Борми эр йигитлар,  
 борми эр қизлар,  
 борми гул бағрингда жумард нолалар,  
 борми бул туфроқда ўзлигин излаб,  
 осмону фалакка етган болалар.  
 Бор бўлса,  
 аларга еткариб қўйинг,  
 бир бошга бир ўлим демаган эрмас,  
 шаҳидлар ўлмайди,  
 бир қараб тўйинг,  
 ёвга терс қараган мусулмон эмас,  
 ёвга терс қараган мусулмон эмас,  
 ёвга терс қараган мусулмон эмас,  
 ёвга терс қараган мусулмон эмас,  
 ёвга терс қараган мусулмон эмас!!!

## Гул йиғиси

Қачон гул ҳидловдим,  
 қачон сувларда  
 ёғдулар рақсини томоша қилдим?  
 Насимлар мавжида елган ҳурлардан  
 кўзларим узолмай қачон йиқилдим?  
 Билмадим,  
 хаёлий дунёжидир бул,  
 жудолиғ бағримни тугатди тамом,  
 яна бу тубанлиғ даштида мақтул  
 жисмишни унутиб излайман пайғом.  
 Бу ерда ваҳшийлар йўл қарар эди  
 тагин бир валломат қонини истаб,  
 тунларнинг йиртилган кўлкаларида  
 валилар сўнгагин ғажирди итлар.

Очиқ мазорларнинг қирғоқларида  
тиллари иккига айрилган қуллар,  
вақтнинг сарғайган чирмобларида  
юраги ёрилиб ўлган булбуллар.

Сувлар ҳам ириган,  
ириб ётар Шарқ  
тулларни ёритган майхоналарда,  
ёвуз қон гирватин қаърига қараб,  
завжалар йиғларди вайроналарда.  
Осмон йироқ эди,  
ер эса қаттиқ,  
тобора олислаб борар қуёш ҳам.  
Бунда гофилларнинг қисмати аччиқ,  
бунда қаттолларнинг бошлари тошдан.  
Вой, куним,  
маҳшарга тўқинган куним,  
сўнги кўзларимдан эриганда ёш,  
Билолни чақирдим,  
эй, буюк қулим,  
манов хоқонларнинг қулоқларин оч.  
Аммоки Билол йўқ,  
милён Жаҳл бор,  
милён қўлларида қонсираган тош,  
зулм зулматининг оғушида хор  
битта гул,  
ёлғизгул йиғларди, холос.  
ёвуз бир дарбадар бор эди тагин,  
бор эди қўйнида интиқом тиғи,  
бор эди ёғдулар синган бетайин  
дунёдан юксалган  
бир гўзал йиғи.  
Дунёга келдимми ёки қайтдимми,  
кимсасиз даштларнинг қаърида нечун  
илк бора англадим ёлғиз дардингни  
кечалар тубида йиғлаган, эй гул.

## Иқроп

Рубобий шеър ёзсам...  
қайтсам бир нафас...  
ҳамиша мусоффо чашмаки кўрсам,  
қорайган чўққилар қорига қараб,  
бир нафас хаёлчан ўсмирга дўнсам.  
Воҳ, ўшал лаҳзалар...  
ўтдимми буткул  
гунафша атирли тансиқ туйғулар,



сахарги боғларни уйғотган булбул,  
ойларнинг нурларин элаган сувлар.  
Яшил шажар эдим...  
Қандоқ соғиндим...  
кўзимни яшинатса рубобий ранглар.  
Қайси бир дунёга бунча оғриндим,  
дилимни қаритди бесамар жанглар.  
Мен жангчи эмасдим,  
мен шоир эдим,  
ниҳоят юраги совуқ зобитман,  
ҳар нафас мусулмон миллатим дедим,  
нафсига қуйганлар келди дқибат.  
Ҳаромни ҳуш кўрган маслакфурушлар  
зиғирдай ҳимжати қилганда миннат,  
яфроғдек сорғордим буюк урушда  
мусулмон қайдасан,  
қайдасан миллат?!  
Бас, қушлар сайроғи,  
яфроғлари мўл  
яшил шажар каби турай мушаккал,  
илҳомим ҳақинда сўйласинлар хўб,  
заҳарли тилимдан тўкилсин шаққар.  
Рубобий саболар руҳимдан эсинг,  
қайтадан уйғонсин илоҳий тугён.  
Воҳ, яланг шохларим қиличдай кескир,  
бир япроқ қолмаптур шивирлайтурғон.

## Ғамгин шеър

Умр ҳам ўтгандай...  
гўё бир кунда  
настарин гулидай очилиб сўлдик,  
гўё бир нафаслик равшан қуюнда  
қалби сўқирларга афсона бўлдик,  
қушларни музлатган қора буюқда  
соямиз қўшилиб девога бўлдик.

Мармари қўрғонлар оёқларида  
умрини ёндирган дарвозабонлар...  
қутурган жаҳолат таёқларидан  
силласи қуриган дарёзобонлар.  
дунёнинг қайроқтош табоқларида  
кимларга йиғлади пари саболар.

Огларнинг чириган калласи каби,  
моҳият рафтори кўринган тоғлар,  
ойларнинг узилиб тушган палласи,  
юраклар гулини куйдирган доғлар,

кимларга аталган эди файласуф  
қоялар бошида қорайган дорлар?

Итҳо чечаклари...

фитна боғлари...

салтанат пойидан оққан базмлар,  
туҳматни шопирган кунлар новлари,  
раққос либосини кийган назмлар,  
вақтнинг милёнга кар гўрковлари  
эзилиб кимларга лаҳад қаздилар?

Умр ҳам ўтгандай...<sup>1</sup>

наҳот бир кунда

настарин гўзидай очилиб сўлдик?

Бир нафис гул кўрдик ёвуз жунунда,  
орзулаб исмини Армона қўйдик,  
исми жисмига Армона бўлди,  
бу гулга тикилиб вайрона бўлдик.

Зулм мошинлари...

шайтон сорлари...

шаҳват гирдобида сузган садолар,  
кўзлари тошлардай қаттиқ ёрлари  
жавҳарини нишолда қилган гадолар...  
валилар ўқчиган буюк тонгларни  
қай гўрга яшириб қўйди разолат?

Дунёни тебратган хиёбонлар ҳам  
кафанга бурканиб фалакка ўрлар,  
ўтлардан чинқириб биёбонларда  
ваҳшийлар оғзидай очилган гўрлар...  
ҳақорат сойлари қўшилган жойда  
токай қонимизни ичар қонхўрлар?

Сахро эгалари

ҳам тепалари...

зулматда йиғлаган чечаклар дарди,  
мозийга йўл олган кун тевалари,  
юракнинг туйғудан ёришган қаъри,  
вақтнинг шафқатсиз неваралари  
қайларга оборар бизларни айриб?

Умр ҳам ўтгандай...

офтоб сўлгандай...

қайғули харсанглар хаёлни эзар,  
жаннатни соғиниб ётган чўлларда  
қашқирлар галаси қонсираб кезар.  
Эй, гулим,  
кўзларга ёшлар тўлганда  
соямиз қўшилган дамларни эсланг!

# Бузилган деворлар

Қадимда

мевалар етилган пайтда  
савоб деб яшаган комил аждодим  
мусофир чанқоғин боссин деб атай  
бузиб қўяр экан боғлар деворин.  
Эрон даштларидан Хитойга қадар  
девори бузилиб қетган боғ эди,  
бу боққа мусофир кирган дафъада  
астойдил севинган элим бор эди.

Бор эди

бу элнинг худо безаган,  
камолга туташган олтин чоғлари,  
қарғишлар қарғадай қўнган ерлардан  
қалтираб ахтардим ўшал боғларни.  
Ахир ер ютдимми...

комил инсонлар  
қолдими сарғайган афсоналарда?

Метин деворларда — чақиртиконлар,  
қулфлар шодаси — дарвозаларда.  
Бир қўлимни бердим, есин чаёнлар,  
бошқасин узатдим каламушларга,  
юрагим гулларин отдим аямай  
кўзлари қотирма падаркушларга.  
Битта гул юзига юзимни босиб,  
огринган чоғимни тоғлар кўрмасин,  
энди бу ҳолимни мозийдан тошиб  
девори бузилган боғлар кўрмасин.  
Гирватдай айланар зулм дунёси...  
қаъридан анқирди қора тер ҳиди,  
гўёки бу қадим йўллар худосиз,  
гўёки бутун бир элим берк эди.

Берк эди,

берк эди,

чексиз деворлар

ичида ингарди чексиз бир шўрлик,  
тинимсиз мушладим дарвозаларни,  
ошиқ қўлларимни қонатиб бўлдим.  
Ошиқ кўзларим ҳам...

ёвуз чақнаган,

кимнидир сўкман, бандаи ғофил,  
ахир ўз еримда дайдиб чанқаган  
шўрлик мусофирман,  
улуғ мусофир.





## МИЛЛАТ МУНАВВАРЛАРИ



*Илму шеърда шоҳу султон,  
Лек тақдирига қул,  
Ўз элида чекди ғурбат,  
Зору нолон ўзбегим.*



## ИСМОИЛБЕЙ ҒАСПИРАЛИ

Буюк маърифатчи билан танишув

Эҳтимол, бугунги ўқувчига бу ном унчалик таниш эмасдир. Лекин юз йил муқаддам у туркий дунёдаги энг машхур кишилардан эди. Уни Қашқардан Лондонгача, Санкт-Петербургда Бомбейгача билар эдилар. У чиқарган «Таржумон» газетасининг 1908 йилдаги 25 йиллик тўйида Хитойнинг «Таранча»си атайлаб табрик телеграммаси йўллайди. 1911 йилда эса унинг «Хўжаи сибён» («Болалар муаллими») китобини Бомбейда чоп этадилар ва муаллифни Ҳиндистонга таклиф этадилар. Франциянинг энг эътиборли журналларидан «Ревю де монде мусулман» унинг миллат олдидаги буюк хизматларини ҳисобга олиб, номзодини «Тинчлик борасидаги Халқаро Нобель мукофоти»га тавсия этади ва буни хорижий мамлакатлардаги жуда кўп матбуот органлари қўллаб-қувватлаб чиқадилар.

У вафот этган кунда 1914 йил 11 сентябрда Наримон Наримонов: «Миллат Исмоилбек каби қаҳрамонларини унутса, ўз ҳаётини барбод этажакдир» деб ёзади. (Қаранг, «Янги дунё» г., 1991 й., 11-сон).

Бу баландпарвоз гап эмас. У тириклигидаёқ миллат отаси ва раҳнамоси номини олган эди. Унинг энг буюк хизмати шундаки, у Русия сарҳадларида яшаб турган, лекин замоннинг зайли билан бир-биридан узоқ тушган (тўғрироғи, узоқлаштирилган) ва бегоналашиш даражасига етган туркий халқларни бир-бирига танитди. Бехбудий тили билан айтганда, «Русиядаги бутун турк-татар халқларини жуда оз тарихий муддатда хайр-хўшлик йўли билан яхлит бир миллий оилага бирлаштирмоққа ноил ўлди». Шарқ халқлари маънавий ҳаётида, хусусан, мактаб-маорифида чинакам инқилоб ясаб, «усули жаид» номи билан тарихга кирган «усули савтий»ни у бошлаб берди. Бошқача айтганда, XX аср Шарқининг энг машхур, энг тараққий-парвар ҳаракатчилиги — жаидчиликка асос солди.

У барча туркий халқларни яхлит, ягона миллат деб билди. Уларни ҳам илм-маърифатда, ҳақ-ҳуқуқда дунёнинг тараққий қилган миллатлари билан тенг, бақамти кўрмоқни

орзу қилди. У бутун ақли-вужуди билан мана шу муқаддас ишга — миллатнинг равнақи ва муҳофазасига берилган одам эди. Бу шунчаки мутаасибона бир орзу эмас, замонасининг баланд-пастидан хабардор, тарих ва тақдирни теран англаган, Шарқни ҳам, Ғарбни ҳам баб-баравар билган ва баб-баравар кўрган бир кишининг аниқ режали ҳатти-ҳаракати эди. Афсуски, унинг бу ишларини айрим «дўстлар» и шаккоклик, кофирпарастлик деб атадилар. Душманлари эса унга сиёсий айб қўйдилар. Туркий қавмларни Русия давлатига қарши бирлаштиришда, ягона турк-татар мамлақати тузишга уринишда айбладилар. Ва бу даъволар машъум 30-йилларда жуда «иш» берди. Унинг номи, унинг хотираси авлодлар қалбидан юлиб олиб ташланди. Бугина эмас, у насларга ўз халқининг қаттол душмани қилиб кўрсатилди.

Аммо, ҳақиқат юзага чиқмай қолмас экан. Мана, даврон, айланиб, Исмоилбей Гаспирали (Тарихда Гаспиринский номи билан қолган) қарашлари, хазинаси яна авлодларга қайтарила бошланди...

Ўтган йили Симферополда ана шу буюк маърифатчи таваллудининг 140 йиллигига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Анжуманга дунёнинг турли мамлакатларидан уч юзга яқин меҳмон таклиф қилиниб, 90 тача маъруза тингланди. Шунда камина иштирок этиш шарафига муяссар бўлдим.

Бу маърифатчини бизда яхши билмайдилар, унутганлар. Четда у ҳақда талай мақолалар чиққан. Бурбил деган киши Гамбургда китоб босдирган. Америкалик Лаззери диссертация ёқлаган. 1973 йилда унинг бу тадқиқоти «И. Гаспиринский ва Русияда мусулмон модернизми» номи билан Вашингтонда босилиб чиққан. 80-йилларда эса Туркияда Нодир Давлатнинг, сўнг Меҳмад Саройнинг у ҳақдаги монографиялари дунё юзини кўрди. Шояд, улардан бирортаси анжуманга келса дейман.

Симферополнинг марказий меҳмонхонаси «Москва» дамиз. Келди-кетдини кузатаман. Меҳмонларга разм соламан. Уфалик эски кадрдоним Равил Утабой ўғли Каримийни учратиб қолдим. Ислом тарихи, машҳур «Шўро» мажалласи муҳаррири Ризо Фахриддин, «Олия» мударриси Зиё Камолий мероси билан шуғулланади. Бизда ҳам баъзи нарсалари босилган. Араб тилини яхши билади. Француз, немис тилларида эркин муомала қила олади. Нодир Давлат билан алоқаси бор.

Шу аснода туркияликлар ҳам келиб қолишди. Бутун бир самолётни кира қилиб келишибди. Ҳамма соҳадан бор: тилчи, адабиётчи, тарихчи, иқтисодчи, сиёсатчи, ўйинчи, чалғувчи, ашулачи, ҳатто саёҳатчигача. Иш деган мана бундай бўлибди.

Гаспиралининг Туркиядаги набираси Инжахоним ҳам анжуманга келган.

Айримлари таниш. Ўзбекчани яхши биладиган анқаралик

профессор, «Турк култури» мажалласининг масъул котиби Аҳмад Бижон Эржиласин билан ўтган йил Туркистонда Яссавийга бағишланган даврада кўришгандик. Шаҳдам, сергайрат. «Турк араштирама (тадқиқот) вақфи» бошқони муовини доктор Халил Очиққўз, «Туркия» жаридасининг мухбирлари эр-хотин Иззат ва Севинч Чўқумларни ҳам Яссавий йиғинида учратгандик. Шу сабаб гапларимиз тез уланди. Равил оға Нодир Давлат билан таништириб қўйди.

Америкалик Лаззери келмапти.

Эртасига 1991 йил 19 март куни Симферополдаги Касабачилар маданият саройига анжуманнинг ялпи мажлисига бордик. Бинога кираверишда Исмоилбейнинг вазмин қора мраммар бюсти қўйилган. Турк араштирама вақфи совга қилган. Залнинг саҳнида эса катта суврати. Тепада «Тилда, фикрда, ишда бирлик» шиори. Бу сўзлар бир вақтлар Гаспиринский «Таржумон»ининг эпиграфи эди. Газета мана шу шоир остида ярим дунёга тарқалар эди.

Анжуманнинг тантанали очилиши ва расмий табриклардан сўнг меҳмонларнинг чиқиши бошланди. «Ғаспирали Шарқ халқларининг забардаст маърифатчиси» деган мавзуда СССР ПФА аъзоси, Қирғизистон ФА академиги Э. Измайлов маъруза қилди. Маъруза тез-тез бўлиниб турди. Гоҳ тил, гоҳ эскирган қарашлар, гоҳ вақт важибдан. Залдагилар Қрим халқ ҳаракатининг бошлиғи Мустафо Жамилевни талаб қилдилар. Раёсат сўз беришга мажбур бўлди. Эллик ёшлар чамасидаги кичик жуссали бир киши шаҳдам саҳнага кўтарилди. Залдагилар ўринларидан туриб олқишладилар. 60—70-йилларда бу йиғит атрофида айланган гап-сўзлар эсимга тушади. Иродаси мустаҳкам экан...

Халил Очиққўз сўз олиб, туркий халқлар ҳаётидаги бугунги муҳим анжуман билан табрик этди. М. Жамилевга «вақф»нинг совгаларини топширди. Москвалик кимё профессори Осман Иизидиновнинг «Қуръон» ва Саъдий, Ҳофизлардан иқтибос келтирган ҳаяжонли нутқи, «Турк култури» туризми бошқонларидан Аҳмад Эхсонбойнинг СССР—Туркия ҳамкорлигига оид фикр-мулоҳазалари, Брежнев, Хрушчев, Гагарин, Спиридонов билан бу хусусдаги музокара-муҳокамаларига оид хотиралари яхши таассурот қолдирди. И. Ғаспиралининг ягона тил ҳақидаги қарашларига бағишланган Аҳмад Бижон Эржиласининг маърузаси ҳам катта қизиқиш билан тингланди.

Қолган докладлар эрта ва индин 3 шўъбада — Ғаспирали ва Шарқ, Ғаспирали ва Ғарб, Ғаспирали ва Россия мавзулари бўйича тинглаб, муҳокама қилинадган бўлди.

Тушдан кейин Симферополнинг энг кўркем жойларидан бирида Солхир суви бўйида Ғаспиралига ўрнатиладиган ҳайкалга тош қўйиш маросимида иштирок этдик. Турли мамлакатлардан келган меҳмонлар, Урта Осиё жумҳуриятларида, Ўзбекистонда 40—45 йил яшаган қрим-татарлар, ўтган қайтган ҳангоматалаблар ҳам бор.



Миллий куйлар, ашулалар янгради.

Симферополни айланамиз. Гаспиринский бу шаҳарда кўп бўлган. Унинг замонида бу шаҳарнинг маҳаллий номи Оқмачит эди. Ялта-Алупка йўлида баланд-паст уйлар Қора денгизга ястаниб тушиб келадиган жойда Гаспира деган қишлоқ бор. Исмоилбейнинг ота-боболари шу жойдан, Гаспирали Исмоилбей ҳам таҳаллусини шундан олган. Бироқ у кўпроқ Гаспиринский номи билан шуҳрат қозонди. Инкилобгача бўлган ўзбек матбуотида у «Гаспирински» деб аталади. Исмоилбей Гаспирадан унча узоқ бўлмаган, тўрт томони тоғлар билан ўралган. Ажикўй (овчилар қишлоғи)да 1851 йилнинг 21 мартда — қутлуғ наврўз кунида таваллуд топган.

Отаси Мустафобей Кавказ ва Қримнинг генерал-губернатори князь Воронцовга таржимон бўлиб ишлаган, садоқатли хизмати учун 1853 йилда поручик унвонига мушарраф бўлган, дворян мартабасига кўтарилган. Лекин кўп ўтмай, Қрим уруши бошланади. Оила Боқчасаройга кўчиб келади. Еш Исмоилнинг тарбиясида онаси Фотима ва энагаси Ҳабибанинг хизматлари катта. Исмоилни 6 ёшида боқчасаройлик Ҳожи Исмоилнинг эски мактабига берадилар. Ун ёшга кирганда отаси Мустафобей Фотиманинг эътирозларига қарамасдан, Оқмачитдаги губерния гимназиясига олиб боради. Унда икки йил ўқиғач, Воронеж (Ел Кермон)даги офицерлар ҳарбий ўқув юртига ўтади. Ун уч ёшида Москвадаги Милютин гимназиясига ўқишини кўчиради. 1868 йилда уни битириб, Боқчасаройга қайтади. «Занжирли» мадрасасида рус тилидан дарс бера бошлайди. Ўқиш-ўрганиш иштиёқи уни Туркияга, Истамбулга бошлаб келади. Ундан Францияга ўтади. Вена, Мюнхен, Штутгартда бўлади. Парижда И. С. Тургенев билан учрашади. Унга котиб бўлиб ишга киради. Французчани мукаммал эгаллайди. «Эълонлар» идорасида таржимонлик қилади. Машҳур Сорбонна университетида ўқишга катнайди. Ниҳоят, 1876 йилда Боқчасаройга қайтиб келади ва «Занжирли»да рус тили муаллими сифатида ишни давом эттиради. Шу йили уланади. Бироқ улар узоқ яшай олмай ажраб кетадилар. Исмоилбей мутолаага берилади. Қунт ва сабот билан туркий тилни, тарих ва адабиётни ўрганади. Айни вақтда у шарқона анъанавий таҳсилнинг замондан орқада қолганлигини, шу туфайли мусулмонларимиз жаҳон тараққиётидан четга сурилиб чиқаётганлигини кўради.

Нима қилмоқ керак? Милютин гимназиясидаги ўқитиш усулини, Сорбоннадаги кўрганларини мусулмон мактабларига кўчирса бўлмасмикин? Ҳар бир мактаб, мадраса ўз низомдастурига эга бўлса-чи? Диний билимлар қаторида дунёвий фанлар ҳам кенг ўқитилиши керак эмасми? Бу, масаланинг бир томони. Иккинчи томони шундаки, ўқишни назорат қилиш шакллари, билимни баҳолаш мезонлари ҳам бўлиши лозим-ку. Умр дегани, ахир ҳисобли-ку. Бироқ бу гаплар

ўртага тушар-тушмас, Ғаспиралига тош отиш бошланди. Уни кофирдан олиб, кофирга солдилар. Таҳдид, дўқ-пўписа кучайди. Исмоилбей ён беришга мажбур бўлиб, ишни ўзгартирди. Шаҳар бошлиғи вазифасига сайланиб, Боқчасаройни обод қилишга киришди. 1882 йилда машҳур Қозон татарларидан миллионер Акчурунинг қизи Зухраҳонимга уйланди. Улар йигирма йил бахтли турмуш қилдилар. Олти фарзанд тарбия этдилар. «Улардан Дилораҳоним ва Исмоил соғ-саломатлар, Тошкентда яшайдилар»<sup>1</sup>, деб хабар беради «Йилдиз» журнали.

Аммо Исмоил Ғаспирали шаҳар бошлиғи бўлиб узоқ қололмади. Шаҳар Думаси аъзолари уни шаҳар пулини «кўчаларни ёритиш, аҳолига тиббий ёрдамни кучайтириш» каби аллақандай «фойдасиз» ишларга сарф этаётганини кечира олмадилар. Уни истеъфога чиқишга мажбур этдилар.

«Ҳаволансин, ғизолансин, билинг, бу бир ҳумо, миллат!..» деб ёзган эди тошкентлик шоир Тавалло. Хўш, у нимани кўзда тутмоқда? Назаримда, ундаги мантиқ шундай: миллатнинг равнақи учун, биринчи навбатда, ақл ва ғайрат керак. Ақл илмдан куч олади, маърифат билан эса чархланиб боради. Ғайрат эса иштиёқдан, меҳр-муҳаббатдан туғилади. Ақл ва ғайрат ишончни, ишонч ҳаракатни юзага келтиради. Миллат унга мансуб ҳар бир кишининг жони-жаҳони, бахти-саодати. Бинобарин, ҳумо қуши. У кўкларга парвоз этмоғи учун унга руҳ керак, мадад керак.

Ҳақиқий ҳол қандай?

«Тамаддундан асар йўқ, зиллату ваҳшат фаровондур», — дейди Муҳаммад Ҳоди. «Тамаддун» — маданиятнинг этагини тутмагунча, ўзгариш бўлмайди, дегани. Лекин мана шу ўй-мулоҳазалар ўртага тушишининг ўзи ҳам силжиш. Шунинг учун ҳам ўттиз йил кетди. Тавалло ва Муҳаммад Ҳодининг шеърлари 10-йилларда ёзилган. Ғаспирали бу ҳақда 70-йилларнинг охиридаёқ қатъий хулосага келган, 1881 йилги «Россия мусулмонлиги» китобида буни атрофлича асослаб берган эди. Жумладан, унда кўтарилган энг муҳим масалалардан бири Россиянинг ўз мусулмон фуқароларига муносабати масаласи эди.

Ўрта Осиё ва Россия муносабатларига оид деярли ҳамма тадқиқотларда бир кўчирма китобдан китобга кўчиб юради: «Россия Шарққа нисбатан прогрессив роль ўйнайди... Россиянинг ҳукмронлиги Қора денгиз ва Каспий денгизлари ҳамда Марказий Осиё учун маданийлаштирувчилик ролини ўйнайди». Унинг асли сал бошқачароқ. Майли, гап ҳозир унинг қай даражада аниқ берилганлигида эмас. Чамаси, Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши йилларида Европа ва Осиё муносабатлари кенг муҳокама қилинган ва юқоридаги нуқтаи назар кенг ёйилган.

«Сўнгги йилларда Россиянинг Шарқдаги буюк мада-

<sup>1</sup>Қаранг: 1990, йил, 1-сон, 113-бет.

нийлаштирувчилик хизмати ҳақида тез-тез ўқишга ва эшитишга тўғри келмоқда,—деб ёзади Ғаспирали «Рус мусулмонлиги» асарида.— Хўш, бу хизмат нимада намоён бўлиши керак? Наҳотки, унинг маъносини қозини уезд бошлиғига, ноибни приставга, бекликни областу губернияга, ушрни тан солиғию яна бошқа «бер-бер»ларга, ипак тўну бешметни дворянлик ёқасига алмаштириб қўйишдан иборат бўлиб, бошқа қилинадиган иш қолмаган бўлса?»

Ғаспирали «Россиянинг Шарқдаги маданийлаштирувчилик роли»га мана шундай танқидий қарайди ва бу саволга салбий жавоб беради. Уни аксинча, атайин илм-маърифатдан узоқда сақлаб келаётганликда, мусулмонларнинг тилини, динини, тўрмуш тарзини бузишда айблайди. Буларнинг ҳаммасини аниқ далиллар, мисоллар билан кўрсатиб беради. Аслини олганда, буни рус маъмурларининг ўзлари ҳам кўп-да яширмайдилар. Одесса генерал-губернатори Х. Х. Рооп бир муносабат билан Боқчасаройга келган эди. Ғаспиралига унга таржимонлик қилишига тўғри келди ва бош мадраса — «Занжирли»га борадилар. Генерал-губернаторнинг ўзи ҳам бу ердаги аҳволдан ҳайратда қолади. «Жаноблар, бизим давримизда маҳбусларнинг, жиноятчиларнинг яшаш шароити сизнинг болаларингиз ўқийдиган шароитдан яхшидир», — дейди у.

Исмоилбейга кўп ўйлар тинчлик бермасди.

Бир томондан миллатни маҳв этиб келаётган жаҳолат, иккинчи ёқда чор ҳукуматининг изчил, режали руслаштириш сиёсати. Русиядаги мусулмонларнинг тақдири қандай бўларкин, деб ўйларди ў.

Польшада руслаштириш сўнгги 20 йилда қизгин паллага кирди. «Познандай шаҳар шундай қисқа муддатда немислаштирилди-ку, бизнинг қўлимиздан бундай иш келмай-дими?!» демоқдалар. Умуман олганда тарихда катта миллатларнинг кичкиналарини ном-нишон қолдирмай ютиб юборгани кўп бўлган. Британиядаги англо-сакслар чатишмасини олинг. Араблар-чи? Шимолий Африканинг тубжой халқини босиб олиб, «ҳазм қилиб» юбормадиларми?

Русияда «гайрижинс» саналган, лекин нуфузига кўра иккинчи ўринда турувчи, асосан туркий қавмларни ташкил этувчи мусулмонларнинг аҳволи-чи? Қандай? «Ўтмишнинг хароб, яримвайрон ҳолга тушган обидалари ва уларда сақланиб қолган ёзувлар, чанг босган китобларгина бир вақтлар татарлар ҳам фасоҳат билан ёзиш ва сўзлаш, тафаккур талаб қилувчи нарсалар ҳақида ўйлай олиш, Ҳофиздаги санъату Шайх Саъдийдаги инсонийликни, Ибн Сино ва бошқа араб, форс адиблари, файласуфларидаги фикрнинг ёвқур шиддатини англаш қоблиятига эга бўлганликларига гувоҳлик берадилар». Рус ҳукмронлиги мусулмонларни тараққиётга, маданиятга етаклаётгани йўқ. Илгари, саводлик 50—60 фоизгача боровчи татарларда мактаб-маориф сўнишга юз тутмоқда. Яқинда эса Москва остоналаридан Тош-

кентгача, Пермдан Ленкорангача бўлган, мусулмонлар яшаб турган жойларда уларни зўрлаб православ динига ўтказилаётгани ҳақида гап тарқади. Бошқирд ерларими русларга арзон-гаров улашилаётгани, Туркистоннинг серҳосил тупроқларидан маҳаллий аҳоли қувиб чиқарилиб, казаклар жойлаштирилаётганини маъмурларнинг ўзлари ҳам яширмаяптилар.

Тўғри, Руснинг ўзи ҳам истибодни хўб кўрди. Бу ўринда кўпинча мўғул-татар босқинини мисол келтиришни хуш кўрадилар. Лекин инсоф билан айтганда, «унинг ўрнида шундай куч-қудратга эга бошқа бир қавм шунча муддат ҳукмронлик қилганида, Русни тамомила йўқ этиб юбориши мумкин эди...» Нима қилдилар? Олиқ-солиқларини олдилар, қизларига кўз олайтирдилар. Бироқ дин-диёнатларига дахл этмадилар-ку. Ҳозирда мусулмон ҳаётига нисбатан бундай деб бўладими? Гарчанд мусулмонлар, яъни «ғайрижинслар» қонун олдида руслар билан тенг, деб эълон қилинган бўлса-да, амалда иш тамом бошқача-ку. Бу кетишда мусулмоннинг мусулмончилигини сақлаб қолиши мумкинми?

Шунча шаҳарлар бунёд этган, фан ва маданиятнинг ўнлаб доҳийларини, ҳарбу ҳарбнинг оламжаҳон валломатларини дунёга берган бу миллат наҳотки, сувга тушган тошдек зим-зиё кетса?!

Ана шундай дардли ўйлар Исмоилбейга тинчлик бермайди. У маҳаллий «Таврида» газетасида кетма-кет мақолалар эълон қилади. Улар ўша 1881 йилнинг ўзида алоҳида рисола бўлиб босилади. Бу рус тилида ёзилган «Рус мусулмонлиги» номли асар эди.

У ҳажман катта эмас, икки босма тобоқ атрофидаги ихчам бир рисола. Лекин унинг аҳамияти жуда катта. У Русияда яшовчи мусулмонларни шу мамлакатнинг тенгхуқуқли фуқароларига айлантириш ва айни пайтда уларнинг ўз миллий, диний жиҳатларини сақлаб қолишга қаратилган дстурдир.

Хўш, ҳоким ва тобеъ миллатнинг — руслар ва мусулмонларнинг ўзаро муносабатлари қандай асосларда қурилмоғи лозим? «Руслар ва рус мусулмонлари бир заминда, бир қонун остида тасодифий ҳамроҳлар, пешонага битган қўшнилари сингари яшайдиларми ёки улуғ, муаззам ватанимиз халқларининг буюк оиласида фарзандлар мисоли ўзаро қардошлик алоқаларини йўлга қўядиларми?!» Нима бўлганда ҳам давлат мустаҳкам, мамлакат осойишта бўлмоғи керак. Пировард мақсад — шу. Лекин фалокат босиб, мусулмончиликни бирор жамоадан қувиб чиқаришга эришилса, яъни уни бузишга муваффақ бўлинса борми, у ерда ахлоқсизлик, моддий-маънавий таназзул авж олиши аниқ деб ёзади Ғаспирали. Охир-оқибатда у қавм ҳалокатга учрайди. Бинобарин, йўл битта. Мусулмонларни тенглик, озодлик, фан ва маориф заминиде маънавий такомиллаштиришга ва у орқали руслар билан бирлашишга эришиш мумкин.

Бу Ғаспирали келган биринчи хулоса эди.

Бу маънавий такомиллаштириш мусулмонларнинг ўз тиллари, ўз ўқув воситалари орқали амалга оширилгани маъқул. Рус мактабларида ўқиб, рус фани, адабиёти, матбуоти орқали камол топувчи мусулмонлар бармоқ билан санарли даражададир. Рус-тузем, рус-татар мактаблари деб аталган ва ғайрируслар учун мўлжалланган мактаблардан бирор натижа чиқиши мушкул. Исмоилбейнинг ўзи бир вақтлар шундай мактабларнинг ашаддий тарғиботчиларидан эди. Лекин 6—7 йиллик тажрибадан сўнг буларга кетаётган вақт ва харажат ушбу, керакли билимларни мусулмон болаларининг ўз тилида ўрганишига сарфланганида самараси тамом бошқача бўлади деган хулосага келади.

Ахир, кўзи боғлиқ одам атрофдагиларнинг кимлигини билмаса, улар билан қандай яқинлашиб кета олади? Ҳатто рус бошланғич таълими асли ўзаги бир Малороссияда натижа бермаган бир пайтда, уни қандай қилиб татарларга қўллаш мумкин? Сиз рус мактабларига тарбия ва маориф учун немис тилини жорий қилиб кўринг-чи, нима бўларкин? Энг сара ўқитувчиларни, энг кейинги воситаларни сафарбар қилганингизда ҳам кутилган натижага эриша олмайсиз. Рус тилининг ўрни эса «ғайрижине» мусулмон мактабларида бундан ҳам аҳамиятсизроқдир.

Масаланинг яна бир нозик томони бор.

Ҳар бир мусулмон эътиқод ва турмуш тақозосига кўра тўғри, ҳалол. У маърифатли бўлгани сайин бу хусусиятлари кучайиб боради. Лекин тақдир тақозоси билан у ёки бу чет тилини у ёки бу даражада ўзлаштирган айрим мусулмонларимиз етарли илмий заминга эга бўлмай, европачиликнинг зохирий томонларини илиб оладилар-да, умрларини зое кетказадилар. Булар ўз қавмларининг яхши сифатларини йўқотиб, ўзгаларнинг иллатини ўзлаштирган кишилардир. Улар кўпинча, ёшликларида «ишқбоз»лик билан машғул бўлиб, кексайганида ўз гуноҳларини ювиш учун ҳаётдаги ҳар бир янгиликка, маърифат ва тараққиётга қарши оёқ тираб туриб олувчи олчoқ, юзсиз кишилардир. Исмоилбей мусулмонларнинг бундай хилини рус мусулмонлари орасида ҳам, араблар, турклар орасида ҳам жуда кўп кўрди...

1991 йил 21 март. Ғаспирали анжуманида қозонлик профессор Юсупов сўзларидан:

«Қозон феномени» деб ном олган фожиа — тилини, динини йўқотган, анъанавий турмуш тарзи бузилган болалар фожиасидир. Биз ўрта ва олий мактаблар дастурига диний тарбияни киритмоқчимиз. Турк-ислом ижтимоий-ахлоқий тафаккурини сингдирмоқчимиз. Болаларимизга, биринчи навбатда, қардошларини танитмоқчимиз. Миллий мактаби бор халқнинггина келажаги бор».

Уфалик исломшунос Равил Утабой Каримий:

«Қуръони карим»да «илм» сўзи етти юз эллик тўрт жойда учрайди! Йигирмадан ортиқ ўринда тинчликни

муҳофаза қилиш таъкидланган. Халқнинг маърифатида, ахлоқида исломнинг роли бетимсолдир. Ғаспирали ўз мактабида бунга алоҳида эътибор қилди. 1898 йилда Қуръонни нашр этди. Лекин биз уни ва у билан қўшиб ахлоқни халқимиздан тортиб олдик. Кейинги пайтда Уфада юз берган фалокатлар, хусусан, ичадиган сувда фенолнинг кўпайиб, аҳволнинг фожиали тус олгани барчага аён. Қилмишларимиз қайтмоқда...»

Маърифатни тил эмас, билим беради. Русия мусулмонларининг ҳаётини рус тили эмас, осон, энг таъсирчан воситалар билан ўзлаштириладиган илм-фангина ўзгартириши мумкин. Ва бу асосий восита, Исмоилбей фикрича, анъанавий мактаб, мадраса бўлмоғи керак. Бошланғич мактаб, мадрасалар ҳар бир мусулмон жамоасида бор. Бир вақт мусулмонлар ўз мадрасаларида илми тиббия, илми ҳикмат, илми кимё, илми наботот, илми нужум, илми қандаса каби ўнлаб зарурий фанларни ўрганганлар. Уларда жаҳоний олимлар мударрислик қилган. Уларнинг тор, икки қаватлик ҳужралари илм-фан оламининг қанчадан-қанча кашфиётларига гувоҳ бўлган.

Қани ўша мадрасалар?

Мадрасалар бор-у, илгариги фан, ғайрат, энг муҳими рағбат йўқ. Ҳозирги мадрасалар илмхона эмас, қорихона. Мақсад ҳам, усул ҳам қорилик. Кўр қорилик. Унинг зах ҳужраларида 15—20 йилда олинадиган билимни замонавий ўқув юртларида 3—4 йилда эгаллаш мумкин. Инсоннинг умри шу қадар қадрсизми? Дарвоқе, мадрасаларнинг ночор савияси ҳақидаги кескин гапни 30 йил бурун Шиҳобиддин Маржоний айтган эди. «Таржумон»ни чиқаришга зўр-базўр рухсат олиб, унинг дастур—йўналиши хусусида шаҳарма-шаҳар кезиб, суҳбат ўтказиб юганида унга самимий қўл узатганлардан, чин дилдан қўллаб-қувватлаганлардан бири ҳам мана шу машҳур тарихчи бўлди.

Мадрасаларни янгилаш керак.

Агар руслар ўз мусулмонлари учун даврида илм-фаннинг қанчадан-қанча яловбардорларини етказган шонли араб мадрасаларини рус заминида қайта тиклаганларида эди, ватан ва инсоният олдида буюк хизмат қилган бўлур эдилар.

Аслида буни қилиш у қадар қийин эмас. Бутунроссия бўйича 9—10 мадраса, масалан, Қозон, Уфа, Оренбург, Астрахан, Тошкент, Самарқанд, Боку, Нуха, Боқчасарой каби мусулмон марказларида ислоҳ қилинса кифоя. Уларни янгилаш моҳиятан бу мадрасаларга табиий фанларнинг маҳаллий тилдаги қисқа курсларини киритиб, тарбия асослари ва мухтасар рус қонунчилигини ўқитишдир. Муаллимларни университетларнинг шарқ факультетларини, Лазарев шарқ тиллари институтини тугатганлар орасидан танлаб олиш мумкин. Бундай ислоҳот ҳар бир мадрасага кўпи билан 7—8 минг сўмга тушар. Боринги, ҳар йили ўнта

мадрасага юз минг сўм кетсин. Буни ҳеч бўлмаса, мусулмонлардан иона тўплаб ҳам йиғиш мумкин. Бу ишлар амалга ошгудай бўлса, 10—15 йил ичида маорифни тубдан ўзгартиш, қайта қуриб олиш мумкин бўлур эди.

«Мусулмонларга Русияни, унинг ҳаётини ва қонунларини ўрганмоққа имкон беринг, уларга тор дунёқарашларини янгилашга, жонлантирувчи билимга эга бўлишга имкон беринг. Улар учун янги ғояларга ва принципларга киришиш жараёнини энгиллаштиринг, ва, сиз, ухлаб келаётган оғирбош, мудроқ мусулмон бандасининг нақадар тез жонланиб, ўзлигини инкишоф этиб, рус тафаккури ва ҳаётига тез араллашиб кетишини кўрасиз. Бунинг учун кўп нарса керак эмас. Лекин унга фақат тўғрилиқ, софдиллик билангина, мусулмонларнинг ўз тилларига, ўқитув воситаларига мурожаат этув йўли билангина эришиш мумкин».

Шундай қилингудек бўлса, рус тили ва фанига путур етадими? Ватан маърифати, умуминсоний маданият ютмай-дими? Қанчадан-қанча англашилмовчиликларнинг, бахтсизликларнинг олди олинмайдими?

Бу китоб босилиб чиқиши билан великорус шовинистларининг қаттиқ қаршилишига дуч келди. Айниқса, мусулмонларнинг мактаб-маорифини миллий асосларда қуришлари лозимлиги — миллий мактаб ҳақидаги фикрлар ёқмади.

Буни Исмоилбей биларди. Милютин гимназиясида ўқиб юрган пайтлари ўриспарастлиги билан донг қозонган М. Н. Катков билан бу масалада кўп тўқнашган эди. Унинг муҳаррирлигида чиққан «Московские ведомости» газетаси билан «Русский вестник» журналинини мунтазам ўқиб борар эди. Тошкентда Н. Остроумов ва М. Муропиев, Қозонда Н. Ильминскийлар худди шу нуқтаи назарли кишилар эдилар.

1882 йилнинг 30 августида Н. Остроумов директорлик қилган Тошкентдаги ўқитувчилар семинариясида йиғилиш чақирилади. Мавзу — «ғайрижинс (инородец) мусулмонларнинг маорифи асосларини қандай принциплар ташкил этмоғи керак» бўлиб, маърузачи — М. А. Муропиев эди.

«Агар биз таклиф қилинган лойиҳани қабул этсак, — дейди маърузачи, — шу чоққача мудраб ётган мусулмон-мутаассиблигини уйғотиб юборамиз ва бу билан кўксимизда илонни асраган бўлиб чиқамиз... Шу сабабли, — хулоса чиқаради нотиқ, — мусулмонларимиз маорифининг асосида уларни руслаштириш... исломни бузиш... умуман диний жиҳатларини бузиш... ётмоғи лозим». («Туркестанский сборник», том 361, стр. 144; Таъкидлар муаллифники — Б. Қ).

Маърузачи Тошкент ўқитувчилар семинарияси 16 йилдан буён ерли аҳолини жалб қилолмаётганидан зорланади. «Бизнинг бурчимиз ерлиларни мактабимизни севишга, ҳўрмат қилишга ва ишонишга мажбур этмоқдир». (Бу ўринда ҳам таъкид М. Муропиевники — Б. Қ.).

Н. Ильминский турк-татар халқининг мактаб-маорифига дахлдор ҳар бир илгари силжишни рус халқига қарши ҳаракат деб билади. Синоднинг обер-прокурори К. П. Победоносцевга ёзган бир хатида очикдан-очик «Русиядаги мусулмон халқларига биронта ҳам ижтимоий-сиёсий ҳуқуқ бермаслик керак», дейди. Дарвоқе, туркий халқлар алфавити билан кўпдан шугулланиб келаётган турк профессори А. Эржиласин Гаспиринский анжуманидаги маърузасида ғалати бир фактни келтирди. Маълум бўлишича, Н. Ильминский 1876 йилда туркий халқларга рус алфавитини жорий қилиш таклифи билан чиққан экан. Унинг фикрича, ҳар бир турк қавмининг ўз тилига ва алфавитига эга бўлишига эришиш лозим. Шунда уларни ажратиш осон кечади. Бу ғоя инқилобдан сўнг режали, босқичма-босқич амалга оширилди.

Анжуманга қайтайлик. 20 март куни «Гаспирали ва Шарқ» шўъбасида ўндан ортиқ маъруза тингланди. Улар орасида ҳамкасабамиз Ш. Турдиевнинг «Гаспирали ва Туркистон», Р. Утабоев (Каримий)нинг «И. Гаспиринский ва Р. Фахриддин», суриялик Муҳаммад Зайнулнинг «Русиядаги кичик миллатлар ва Сурия муаммолари», қумиқ Хонқишиев, қозоқ Султонғалиева, қозонлик Садриддиновларнинг ўз маориф-маданиятлари, адабиётлари билан алоқадор маърузалари бор эди.

Мажлис тугагач, тушлик қилиб Боқчасаройга йўл олдик.

Бу номни эшитишингиз билан биринчи ғалда Пушкиннинг «Боқчасарой фонтани» эсга тушади. Хон Гарой ҳарами. Бахтсиз Мария, Зарема. Ишқ, рашк изтироблари.

«Таржумоң»дан хабардорлар эса Гаспиринскийни эсга оладилар.

Боқчасарой Симферополдан 80 чақиримча келади. Кичкина 24 минг кишилик бир шаҳарча. Лекин тарихи бой.

Автобусда гап-гапга уланиб, «Янги дунё» ҳафталигининг мухбири К. Хусайнов тарихдан тушди: 1443 йилда Ҳожи Гарой Қрим ҳонлигига асос солганида пойтахт ҳозирги Волгоград яқинидаги Беркасаройда эди. 1601 йилда Менгли Гарой уни мана шу Боқчасаройга кўчирган. У даставвал Янгисарой аталиб, сўнг Гулшансарой, бироздан кейин Давлатсарой бўлди. Ниҳоят, Боқчасарой бўлиб шуҳрат топди. Менгли Гаройни ўзбеклар яхши билишади. «Холдорхон» деган халқ достони ҳам бор.

Тўғри хон саройига бориб тушдик. Ҳозир музей, албатта. Пештоқида Менгли Гаройхонга мадҳия. 1503 йилдан қурила бошланган. Саройнинг бино бўлиши ҳам, пойтахтнинг бу ёққа кўчирилиши ҳам шу хон номи билан боғлиқлиги тўғрига ўхшайди.

Тўхтали жомеъ мечитида намоз ўқилди.

Қабристонга ўтдик. Гаройхонларнинг 113 тасини қабри



бор дейишди. Қаровсиз. Айримларининг тошлари кўчириб олинган.

Роза Люксембург кўчаси бўйлаб Исмоилбейнинг қабри томонга йўл олди. Мақбара бениҳоя гўзал Салачик деган жойда. Тўрт томони тоғ. Ўзингизни маҳобатли бир тошқўрғон ичида тургандай сезасиз. Фарқи шундаки, чор атроф ям-яшил. Тепага кўтарилган сайин қўнғир ранг билан чапишиб боради. Бир тарафдаги тоғ худди уста сангтарош томонидан бежирим кесиб тарашлангандек. Кўкиш енгил туман тарашланган тоғ бағридан арчазорлар кўйнига сирғалиб тушиб, осилиб қолгандек. Ҳаво намжус. Жонинг яйрайди. Қанот қоқиб кўкларга кўтарилгинг келади. Бироқ тавоф қилгани борган муқаддас зиёратгоҳнинг аҳволи барча тассуротларингни чил-чил қилиб юборади.

Ғаспиралининг қабри ўрнида катта панжара турибди. Текис, яшил ўтлоқ устида бир-бирига уланиб кетган бир қаватли бинолар ёнидан маъбус ўтиб, Менгли Гарой мақбрасига юзланамиз.

Қулф. Атрофда анқиган бадбўй ҳидга туриб бўлмайди. Рухимиз буткул сўниб, «Занжирли» мадрасаси томон тушамиз. Уни Менгли Гарой қурдирган. Тўрт юз йилдан ортиқроқ вақт мобайнида мусулмон дунёсига зиё тарқатиб келган жой. Ғаспирали 63 йиллик ҳаётининг 40 йилдан ортиқроғи шу даргоҳ билан боғланган. Мадрасанинг баҳайбат дарвозаси ва унинг белидаги рамз — осилиб турган йўғон бақувват занжир узокдан кўзга ташланади. (Шунинг учун «Занжирли» экан-да!)

Занжир — тўсин тагидан хиёл бошимизни эгиб, ичкари кирамиз. Даҳшатли манзара. Мадраса ҳожатхонага айлан-тирилган. Нафасим қайтиб, шошиб ташқари чиқдим. 15—20 қадам нарида оёғяланг, сочи тагидан қирилган, ёқа-вайрон бир ўрта ёш аёл менга қараб, тиржайиб турарди. Нарироқда эса иккитаси ҳамма ёкни бошига кўтариб кул-япти.

Жиннихона! Дарров шу хаёлимдан кечди. Тахминим тўғри чиқди. Бу ерга жиннихона қурилган экан.

Оғир хаёллар изтиробида чиқиб келаётган эдим, Нодир Давлат тўғри бўлди:

— Мамлакатингизда инсоф, диёнатдан тариқча қолганми ўзи?

Оқ-сарик юзи қизариб кетган. Ойнак ортидаги кўзлари ғазабдан чақнаб турибди.

— Миллат ўз тақдирининг эгаси бўлмагунича, аҳволи мана шу, — дедим.

— Йўқ, жаҳонда бирорта қулдор ўз қулига бундай муносабатда бўлган эмас.

У ҳақ эди.

Ғаспирали қабрига (тўғрироғи ўрнига) кўтарилдик. 1914 йил 12 сентябрдаги жаноза маросими суратларини ўша кунлари Шарқнинг деярли ҳамма газета-журналлари берган-

лар. Бу ерга ўша куни одам сиғмаган. Унинг ўлими олис Туркистонни ҳам ларзага солган эди.

«Ох миллат, етди бу дам қайғулик, ғамлик замон,  
Дод қил даври фалиқдан, ботди хуршиди жаҳон»,—

деб ёзган эди Қўқонда Ҳамза.

«Эй саодат юлдузи, ботдинг қаёнга сан бу кун,  
Хира ўлди барча олам, билмадук бу тунми кун»,—

деб ёзди Тошкентдан Тавалло.

«Эй, қиблагоҳи миллати ислом Ғаспри...»

деб бошланар эди самарқандлик Сиддиқий-Ажзийнинг шеъри.

Бухорода Айний «Марсияи устоди Исмоилбек жаноблари»ни ёзди...

Утган йили Туркияда чиқадиган «Турк дунёси» журнали Ғаспиралининг қабри тепасига тикланган мармар соғонанинг расмини ўша давр вақтли матбуотидан кўчириб босди. Ундан яқинда «Янги дунё» ҳафталиги олиб босди. Қабрдан ёдгорлик бўлиб, шу расмларгина қолган.

Мақбара ўрнининг рўпарасидаги баландликда пастак уйлар, кўмир қуқунлари кўзга ташланади. Айтишларича, узоқ йиллар бу жойда чўчқа боқилган. Шундай қилинганки, унинг ахлат—чиқиндилари қор-ёмғир суви билан тўғри мақбарага оқиб тушган. Термизда буюк дин арбобларидан машҳур муҳаддис Имом Ҳаким Термизий қабри тепаси ҳам худди шундай аҳволда экани ҳақида таниқли тарихчиларимиз А. Асқаров ва Б. Аҳмедов матбуотда ёзиб чиқдилар. Тавба, нима бу, тасодифми ё қонуният?

Салачиқ зиёрати ўз-ўзидан митингга айланиб кетди.

Эртаси кун ялпи йиғилишда Туркия кримтатар маданий уюшмасининг бошқони Илёс Чўкай сўз олади:

«...Аждодларимиз хоқи шу ерда. Биз тақдир зарбаси билан шодасидан узилиб, Туркияга тушган авлодмиз. Бироқ мен боболарим мазорини топа олмадим. Тошлари олиб ташланган, Исмоилбей қабрини кўриб эса, даҳшатга тушдим, — дейди у, — Мозорларимизни тинч қўйинг. Бирор-та маданий мамлакатда бирор пайт бундай қилинган эмас. Истамбулда ҳам ўрус мазорлари бор, ҳолбуки у ерда руслар яшамайдилар. У мазорлар олис урушлардан қолган ёдгорлик. Истамбулликлар барча марҳум — марҳумалар қаторида уларнинг ҳам ҳоқини авайлаб-эъозлаб келадилар».

Диловар Бутуков деган бошқа бир қатнашчи эса муқаддас жойдаги жиннихона ҳақида изтироб билан сўзлади ва мен бундай ҳолни биргина жойда — Кенисбергда немис санъатига бўлган муносабатдагина кўрган эдим, деди.

Ҳозирги Роза Люксембург кўчасида Исмоилбейнинг уйи жойлашган эди. 1883 йилда «Таржумон» газетасини чиқаришни ҳам шу ердан бошлаган. Сўнграқ газета тантаналари ҳам шу ерда ўтган.

Ғаспирали «Рус мусулмонлиги» асарида кўтариб чиққан масалаларни амалга оширишни худди шу матбуотдан бошлаган эди.

Вазиятни ўзгартириш учун уни олдин англатиш керак. Бунинг учун эса минбар зарур, деган эди у. «Бир бечора фақирни кўрсак, ачинамиз. Улаётган бечорани кўрсак, юрагимиз изтиробдан оғриydi. Ҳатто бир ҳайвоннинг қийналиши раҳимимизни келтиради. Лекин бир эмас, минглаб кишиларнинг, бутун бир халқнинг жаҳолатдан мислсиз қийналаётганини кўрмаймиз...»

Газетанинг дасталабки сонларидан бирида шундай сўзлар бор.

Бир кишининг фожиасидан ларзага тушамиз, ёрдамга шошиламиз. Яхши! Лекин бутун бошли миллат қийналса-чи? Бефарқ қолаверамизми?

Бизнинг энг катта душманамиз — бошимиздан оёғимизгача қоплаб олган омонсиз жоҳилликдир, жаҳолатдир... Мана шуни англатмоқ, етказмоқ керак эди. Ундан қутулмоқ, ҳаётни илм-маърифат асосига қурмоқ керак эди.

«Таржумон» мана шундай буюк мақсадга восита сифатида майдонга келди. 1883 йилнинг 10 апрели Русия мусулмонлари ҳаётида матбуот куни бўлиб тарихга кирди. Шу куни газетанинг биринчи сони босмадан чиқди.

Бу ишлар осон кечган эмас, албатта. Россиядаги эътиборли демократик кучларнинг подшога таъсири, қайта-қайта мурожаатлар, Исмоилбекнинг уч йил давомида неча марталаб Санкт-Петербургга бориб келишлари натижасидagina у амалга ошди. Ниҳоят, уни ярми туркча, ярми русча ҳафталик газета сифатида чиқаришга рухсат бердилар. Бироқ рухсатдан сўнг обуна муаммоси чиқди. Бутун Кримдан 6 кишигина ёзилди. Бор-йўғи 320 обуначи билан иш бошланди. 1884 йилга бориб уларнинг сони 1000 тага етди. Шундан 200 таси Туркистондан эди.

«Таржумон» маърифатчилик миссиясини ҳалол ўтаган газета сифатида тарихда қолди. У муаллим ҳақида Ғаспирали тилидан шундай деб ёзади: «Турк-татар миллати муаллимларининг меҳнатидек оғир меҳнат йўқдир, унингдек унутилган, унингдек қадр-қиммати камситилган киши йўқдир. ... Агар бизим орамизда яхши одамлар ўлсалар, булар бошлаб мактаб муаллимларидирлар. Агар бизда фойдали одамлар бўлса, булар ҳам улардир. Агар орамизда ўзига ҳеч бир ҳурмат, мактов, шуҳрат талаб этмай, бутун ғайратини ўқув-тарбия ишига, ҳақиқат йўлига сарф этган киши бўлса, булар ҳам муаллимлардир...»

Шараф сизга муҳтарам ўқитувчилар! Мусулмонларда гурурланмак учун бирор нарса бўлса, булар ҳам сизсиз!

Сизнинг фидойи меҳнатингиз қадрига етмаганимиз учун, сизни фақирликда, муҳтожликда қолдирганимиз учун бизларни — ўқитган болаларингизнинг оталарини кечирингиз!» («Таржумон» г., 1883 йил, 14-сон).

Чинданам муаллимлик қадрсиз, шарафсиз, мактаблар ночор эди. Мадрасалар ночор эди. Шунинг учун ҳам Исмоилбей мактабни, маорифни, ўқитишни янгилаш тарафдори бўлиб чиқди.

1884 йилда Ғаспирали катта ишга қўл уради. 12 болани янгича — усули жадида билан ўқитишга киришади. Ва 40 кунда бурро саводини чиқаради. Имтиҳон қилиб, болаларнинг ота-оналарини таклиф этади. Четдан кишилар келиб кўрадилар. Ҳамма бир оғиздан «усули жадида»нинг беқиёс имкониятини эътироф этади.

«Замонимизда дунёда яшамок учун инсонлар зиёда билми (билмоққа) ва зиёда чолишми (ҳаракат қилмоққа) муҳтождирлар, — деб ёзади Ғаспирали 1898 йилда. — Ҳар бир одам зарурати диниясини ўргандикдан сўнг ҳар кўп ишда ва муомалада лозим ўлан билук (билим), ҳунар, саноеъ ва камолоти соира (бўлак) билмаси лозимдир. Булар ҳаммаси таҳсил ва таълим ила майдона келур.

Бизим мусулмонлар ёлғиз бир миқдор каломи шариф ўқумок ва баъзан бир-ики ётр қораламоқ таҳсили ичун беш сана мактаба воруб келурлар ва олажақ бу таҳсил ичун ёшлиғи(ни) ва замон таҳсили(ни) фавт (барбод) эдарлар. Агар мактаблар гўзал бир усулда кунилурса (ўтказилса), беш саналик таҳсил даҳа (янада) мукамал ўлароқ икки санада тамом адилуб, қолан уч санада даҳа хийли маълумот ва илм қозонмоқ мумкун ўлажақдир.

Бунга биноан минг саккиз юз саксон дўрт санаси Боқчасаройда бир мактаби усули жадида қўймиш эдим. Самараси умидимдан зиёда ўлди. Бир қоч мактаблар даҳа усулими қабул айлаб, ислоҳ ўлдилар. Соир вилоятлардан усул кўрмия келуб-кеданлар ўлуб, бу сояда ҳар тарафдан икки юздан мутажойиз (ортиқ) мактаблар усулими қабул этдилар...»

Ғаспирали жаҳоннинг тараққий қилган миллатларидан орқада қолиб кетишимизнинг сабабларидан бири деб ўз давридан узилган ўқиш-ўқитиш усулини кўрсатади. «Эски усул»да ўқиган ва ўқиётганларни ҳеч бир камситмаган ҳолда «усул»ни янгилаш шартлигини уқдиради. Биз таклиф қилаётган усул осмондан тушган эмас, эскини янгиламоқдир, дейди.

Буюк ислоҳотчи 5—6 ёшдан 10—12 ёшгача бўлган турли савия, қарашдаги болаларнинг бир синфда маълум бир тартиб-қондасиз 7—8 соатлаб бир муаллим қўлида, кўпинча бир нарсани такрорлаб ўтиришини, уларнинг ўзлаштириш ва билимлари мутлақо назорат қилинмаслигини тарбияга хилоф билади. Алифбени билар-билмас, ўқувчи учун тушу-

нарсиз араби ё форсига ўтиб кетилишини хато ҳисоблайди.

Ғаспиралининг 1898 йилда босилган «Раҳбари муаллимин ёки муаллимларга йўлдош» китобида янги усулдаги мактабларнинг «намунали план»идан «намунали дарс жадвали»гача берилган. Чунончи, мактабнинг панжарасидан китоб хужрасигача; ўқувчиларнинг устки кийим-бошларини ечиб кирадиган бўлмадан муаллим курсисининг қаерда туриши лозимлигигача чизиб кўрсатилган. 30 ўқувчилик дарсхонанинг эни, бўйи, баландлиги неча аршин бўлишигача бор. «Дарсхона зиёли ўлсун. Сибёна кўз керак, кўз учун зиё керак», деб ёзиб қўйилган.

Бу мактаблар учун бошда «Хўжаи сибён» асосий дарслик бўлиб хизмат қилди. 1910 йилгача у 27 марта нашр қилинди.

Тўғри, аста-секинлик билан ҳар бир жойнинг ўз «Хўжаи сибён»лари пайдо бўла борди. Хусусан, Туркистонда «Устози аввал» (*Саидрасул Азизий, 1901*), «Адиби аввал» (*Мунавварқори, 1907*), «Биринчи муаллим» (*Абдулла Авлоний, 1910*) каби дарсликлар майдонга келди. «Устози аввал» инқилобга қадар 17 марта қайта нашр этилди.

Исмоилбей кашф этган янги мактаб — маориф концепцияси жадидчиликнинг тамал тошларидан эди. Лекин гап шундаки, масала биргина мактаб билан чекланмасди. У Русиядаги мусулмонлар маънавий оламининг барча жиҳатларини — мадрасани ҳам, матбуотни ҳам, илм-фанни ҳам ўз ичига олар ва энг муҳими, буларнинг ҳаммасини турмушга нечоғлик дахлдорлиги, замонга хизмат қила олиши асосий мезон қилиб тutilар эди.

Рус мусулмонларининг, тўғрироғи Русия сарҳадида яшамокда бўлган туркий халқларнинг амалдаги тенгҳуқуқлигини таъмин этмок учун уларнинг ўз турмуш тарзларини, урф-одат, маънавий-ахлоқий жиҳатларини сақламок керак. Акс ҳолда у ўзлигини йўқотади. Кўҳна тарих бунга гувоҳ.

Бу ўринда тил жуда муҳим.

«Такрор айтаман, афандилар, бизда давлатга қарши ҳеч бир фикр, ҳеч бир ҳаракат йўқ, — деган эди 1912 йилда Давлат думаси минбаридан депутат Садри Мақсудий. — Фақат бизда бир тилак борки, ул-да Улуғ Русия империясининг комил ҳуқуқли ҳур граждани бўлувни тиловдан иборат...»

Уйлайманки, бизнинг миллий турмушимиз ила Рус давлати орасинда бир-бирини хилоф келурлик иш йўқ. Биз ҳар вақт Русия давлатининг олға боровини, зўраювини тиловчи Русия граждани ўлароқ мамлакатнинг умумий ишларида бирга юражакмиз. Лекин ўзимизнинг оила ва миллатимиз ичинда, аслофамизнинг бизга васият эдуб қолдиргон муқаддас нарсаларини сақлагон ҳолда дунёга яшарға, асрлардан берли уюшқон миллий руҳимиз тилагон равишда дунёга яшарға бизга эрк беринг». («Вақт г., 1913 й., 955-сон).

Мана шу қарашларнинг сарзамини 80-йиллардаёқ Ғаспирали томонидан қўйилган эди.

У «Рус мусулмонлиги» асарида буюк давлатчилик иккинчи бир қисми форс тилида китоблар битишга мажбур бўлганини, ҳозирда эса руслаштирилаётганини изтироб билан тилга олган эди. 1905 йилдан кейингина бу фикр-мулоҳазаларни сал эркинроқ айтишга имкон туғилди. Кўп ўтмай, 1907 йилда «Таржумон»да (38-сон) у «Туркчилик» деган мақола билан чиқди. Унда миллий ғурур, ифтихор туйғусини тарбиялаш хусусида фикр юритади.

Дарҳақиқат, миллат ҳам одамдай гап. У ўзининг қаддини ростлаши учун ўзини англаши керак. Кимлигини билиши лозим. Кишилар билан муомаладан олдин ўз қадр-қимматидан огоҳ бўлсин. Шундагина у ҳар бир қадамини ишонч билан қўяди. Тарих гувоҳки, тушкун, сўник замонларда миллатнинг асл фарзандлари ҳамиша унинг руҳини кўтарганлар ва шу орқали имдод берганлар. Иккинчидан, давлатлар орасида доимий кураш кечганидек одамлар орасида ҳам ҳар доим пинҳоний кураш кетади. Бу ҳаёт учун курашдир. Давлатлар орасидаги кураш тўхтаб давом этиб турар, бироқ одамлар орасидаги тиним билмайди. Бу абадий курашдир. Давлатлар кураши қўшинлар, қуроллар билан бўлса, кишилар орасидаги илм-фан, билимдонлик, тадбиркорлик орқали кечади. Бу миллатга ҳам дахлдордир.

«Миллатчиликни бошқа «чилик»лардан фарқламоқ керак, — деб ёзади Исмоилбей. — Майли, миллатчиликни космополитлар ва бошқалар эскилик қолдиғи десинлар. Бу — уларнинг иши, лекин биз, бошқача тушунамиз. Ҳар бир кишининг ўз йўналиши, ўз инкишоф йўли бўлмоғи керак. Русия ҳудудида яшовчи кўп миллионли турк қавми ўз шахсий, миллий, маданий қиёфасига эга бўлишга ҳақлидир. Бизим туркий халқимиз четдагилар билан биргаликда эллик миллионли тарихий ва этнографик бирлиكنи ташкил этмоқда. Етар энди, бировларнинг сарқитлари билан кифояланмоқ, етар энди бировларнинг фикр-интилишлари билан қаноатланмоқ, ўзимизники бўлмоғи керакдир...

Биз, туркий, халқлар қадим-қадимдан Мармар денгизидан Хитой деворигача ёйилган йирик бир тарихий-этнографик бирлик ўлароқ яшаб келдик ва худди шундай яшамоғимиз керакдир.

Биз, туркийлар ўз қонунлари ва турмуш-одатлари ила бир кўб салтанатлар майдонга келтирган қавм ўлароқ яшаб келдик ва бундан сўнг ҳам шундай яшаяжакмиз.

Биз ўз тарихи тонгидаёқ ёзувига (Урхун ва уйғур ёзувлари) эга бўлган, кейин ҳам уни илм ва тафаккурдаги улкан муваффақиятлар билан безаган қабила сифатида яшаб келдик ва шундай яшаяжакмиз.

Агар биз муайян тарихий шароитлар туфайли бошқа халқлардан орқада қолган эканмиз, бу ҳали миллий-маданий

инкишоф ҳуқуқидан маҳрум этмайди, аксинча, у томон янада каттароқ ғайрат билан интилишга мажбур этади... Буни биздан халқимизнинг тарихи, тақдир талаб этади. Улуғ вазифалардан ва улуғ интилишлардан кўрқманг! Улар улуғ воқеаларни тайёрлайди ва улуғ шахсларни етказди»..

Бу жасоратли садо ўша пайтлари жуда ҳам зарур эди.

Лекин Исмоилбей «Таржумон» орқали мусулмон гоёларини Европа маорифи билан беэмомчи, Русиядаги турли қабилалар, хилма-хил тилли миллион-миллион мусулмонларни бир миллат қилиб бирлаштирмоқчи ва ниҳоят Русиядаги барча мусулмонлар учун умумий туркий тил асосида ягона бир тил ясамоқчи, деб айб қўймоқчи бўлдилар.

Исмоилбейнинг дунёқарашини билиш учун унинг 1905 йилда ўз газетасида «Зўрлик билан руслаштириш назаридан» (23-сон) деган мақоласини ўқиш кифоя. Бу масалада унинг фикри қатъий. Рус халқи билан рус ҳукуматини биридан фарқлаш керак. Рус халқи бизни ҳеч қачон «ғайрижинс санамайди. Буни рус «папазлари», чор маъмурлари тўқиб чиқарган», деб ёзади у.

«Шунингдек, таъсир ҳақида ҳам гапирилгудек бўлса, бир томонлама эмас, ўзаро таъсир ҳақида сўзламоқ керак, — дейди у. — Агар ҳозирда ҳаётимизга, фикрларимизга рус таъсири бўлаётган бўлса, ўтмишда Русия биздан кўп нарса олди... Умуман олганда эса, ҳар бир халқдаги сингари русларда ҳам талай фазилатлар бор. Масалан, «рус кишиси ўзининг ҳар нарсани, ҳар хил кишини бирлаштиришдаги сабри-чидами билан кучли ва улуғ». Лекин ҳар бир миллат ўз йўли билан тараққий топмоғи керак. Бу хусусда бахсга ўрин йўқ.

Миллатнинг ўзлигини кўрсатадиган хусусиятлардан бири тил ва маорифдир. Бу иккиси бўлмаса, миллат мустақил бўла олмайди. Ғаспирали 1905 йилда ёзган мақолаларидан бирида миллатнинг асоси иккита: тавҳиди тил (тил бирлиги) ва тавҳиди дин, (дин бирлиги) деган эди. Дарҳақиқат, тилнинг ўрни беқиёс: «Инсоннинг оти бўлмаса, ўзи ҳам йўқ демакдир, шунингдек тили бўлмаган инсон ҳам соқовдир».

«Тил бирлиги масаласи бизим ҳаётимизда ҳаёт-мамот масаласидир ва биз бу масалада бир қадам ҳам орқага чекинмаймиз, — деб ёзади И. Ғаспирали 1906 йил 18 декабрда. — Биз учун орқага чекинмоққа йўл йўқ. Яшасин миллат!»

Тил миллатнинг жони, ҳаракатдаги тарихидир. Унинг кечмиши ҳам, ҳозир ҳам тилда ифода этади. Миллатнинг барҳаётлигига энг муҳим гувоҳ тилдир. 1906 йил, Исмоилбей айтганидек, «тил йили» бўлди. Нижний Новгородда Русия мусулмонларининг 600—700 вакили иштирок этган катта йиғилиши бўлиб ўтди. Унда умумий адабий

тил масаласи ўртага қўйилиб, уни аста-секин шакллантириш ва амалиётга қўйиш ҳақида қарор қабул қилинди. Ниҳоят, 1907 йилда Русия давлат маориф инспекцияси мамлакатдаги мусулмонларнинг ўз она тилларида ўқув-ёзувни олиб боришлари мумкинлиги ҳақида махсус қарор қабул қилди. Бироқ бу қарорда мусулмон болаларини ўз она тилида ўқитишни фақат ерли шевада олиб бориш зарур, деб кўрсатилди.

Ҳаспирали шундан чўчиган эди. У бу қарорни мутлақо нотўғри, ҳатто жиноят деб ҳисоблади.

«Маориф инспекциясининг бу ишини биз бутунлай хато деб биламиз, чунки халқнинг она тили — бу миллатнинг адабий тилидир. Агар бизим қадимий адабий тилимизнинг бир ҳалқаси Алишер Навоий тили бўлса, турли шевалардан таркиб топган янги замонавий тилимиз унинг иккинчи ҳаққасидир».

«Таржумон»нинг 1908 йил 13-сонига босилган «Тил ва масъулият» мақоласида яна шу масалага қайтиб, ўз фикрини атрофлича асослади. Чиндан ҳам Русиянинг турли жойларида истиқомат қилувчи туркий халқларнинг тиллари, тўғрироғи, шевалари бир-биридан фарқ қилади. Аммо ягона адабий тил миллий адабиёт билан бирга майдонга келади. Уни шакллантириш учун биргина адабиёт аҳлининг эмас бутун миллатнинг, биринчи навбатда, зиёлиларнинг ғайрат ва рағбати керак. Исмоилбей боланинг илк саводи майли, шевада чиқсин, лекин иккинчи-учинчи йилданок ўқишлар умумий ягона тилда кетмоғи лозим, дейди. Ўз она тилимизда, миллий руҳимизда бўлган ўрта ва олий мактаблар, илмий, маданий муассасаларсиз, турли-туман мутахассисларсиз, ҳеч иш қилиб бўлмайди. Нимаки миллатнинг иқтисодий, сиёсий ва миллий мустақиллигини таъмин этадиган бўлса, ҳаммаси керак. Буларсиз миллат озод бўла олмайди.

«Бугундан бошлаб умумий тил устида кураша бошламоқ, мактаблар учун дарсликлар, ўқув китоблари, луғатлар тайёрламоқ керак», — деб ёзади у «Таржумон»нинг 1907 йил 42-сонига босилган «Дўстларимга» номли мактубида.

Буларни ҳаммасининг боши миллий онг, миллий маорифдандир.

Армани, гуржи, латишларни қаранг, қанчалар илгарилаб кетдилар. Финляндия ва Польша мустақилликни олишгача етди. Иқтисоди ҳам жойида. Керакли нарсаи бор. Ҳаммаси миллий онгдан, миллий тил, адабиётдан дейди. Яна анжуман сабоқларига қайтсак. Маърузачилар туркий томирларимизнинг чуқурлиги, ниҳоят уни танишимиз, англаб боришимиз ҳақида куйиниб сўзладилар. «Бу мавзу шу пайтга қадар дахлсиз эди, — деди қримтатар-гагауз алокалари ҳақида гапириб молдавиялик Горўғли. — Ҳозирги гагаузлар яшаган жойларда XI—XII асрларда Буюк Қумония давлати бўлган. Европа-



ликлар томонидан «қумойлар» деб ном олган, славянлар «половец»лар атаган бу кишилар қипчоқлар эдилар. 1163 йилда унинг таркибида Уғуз давлати майдонга келди. Бир қисми Мажористонга кетди. Олтин Урда давлати қолганини ҳам потратиб юборди. Шу тариқа Буюк Қумония тарқаб кетди. Молдаван тилидаги «чўпон», «таёқ», «чўрпа» (шўрва), «ўроқ», «қўнғироқ» каби олис сўзларгина олис тарихдан ёдгорлик бўлиб қолди. Лекин қадим қумонларнинг Молдавияда яшаб келаётган авлодлари ўзликларини йўқотмадилар. Демократик ўзгаришлардан фойдаланиб, мустақиллик учун кураш олиб бордилар. Жумҳурият туздилар, дорилфунун очдилар...

Симферополдаги анжуманда қизиқарли чиқишлардан яна бири москвалик профессор — санъатшунос С. М. Червоннаяни бўлди. У гапни тўғридан-тўғри пантуркизмдан бошлади. «Гаспиринский замонида пантуркизм реакционми эди?» деган саволни қўйди ва «Йўқ!» деб жавоб берди. Унинг бу фикрлари кримлик Диловар Бутуков ва анқаралик Меҳмед Сарой томонидан давом эттирилди.

Дарҳақиқат, миллатларнинг ўзини таниши, ўзини англаши, ўз ақлича, ўз эркича, ўз феъллича, ўз урфича яшашга уриниши миллатчилик эмас, бу табиий ҳолдир. Аксинча, шуларни писандётмаслик — миллатчиликдир. Биз нима учун тарих иккига бўлиб ташлаган Вьетнамни, Яманни бир давлат бўлиб бирлашишини олқишладик? Нима учун икки Германиянинг бир бўлишига хайрихоҳлик билдирдик? Нима учун Солженициннинг рус, малорус, белорус миллатларининг ягона давлати бўлиши лозимлиги ҳақидаги фикрларини табиий қабул қилдик.

Меҳмед Сарой айтганидек, «Туркларнинг асли бир. Лекин замон ва макон ихтилофлари улар орасида тафовутлар, шевалар пайдо қилди». Уларни бир-бирига танитмоқ, ягона ва умумий тарихни англамоқ фақат миллий эмас, инсоний бурч ҳамдир. Бу гапни Исмоилбей 1907 йилги муслмонларнинг жаҳон конгрессида изтироб билан айтган эди. Агар шуни амалга оширсак, миллатнинг юзига қарашга ҳаққимиз йўқ, деган эди у. Иккинчидан, ҳар бир миллат ўзлигини қадрлай билиши ҳам керак. Ўзлиги билан ғурурлана олиши, ифтихор эта билиши лозим. Шундагина у тенглар аро тенг бўла олади. Шундагина у «ҳаво» ва «ғизо» олади. Мамлакатимизда кечаётган бугунги жараёнлар бунга далил.

Исмоилбей феноменининг энг муҳим нуқталаридан бирини, шубҳасиз, ҳар бир миллатнинг маориф-маданиятини миллий заминда олиб бориш, миллий тил учун кураш ташкил қилган эди. Биз ҳозир мана юз йилдан сўнг мана шу ҳақиқат билан, мана шу зарурат билан юзмаюз келиб турибмиз.

У туркий халқлар учун ягона тил, имло масаласини қизгин ҳимоя қилиб чиққан эди. Тил бирлиги ҳақидаги

фикри, эҳтимол, эҳтиёждан бироз узоқлашгандир. Утган вақт ўз таҳририни киритгандир. Бирок, ягона ёзув масаласи қўзғалмоқда. Хусусан, бизда ҳам бу ғояни қўлловчилар, чунончи туркий халқларнинг ягона лотин ёзувига ўтиш тарафдорлари кўпаймоқда. Бундай фикрлар Исмоилбей Ғаспиралига аталган Симферополдаги анжуманда ҳам озар, турк, туркман ҳамкасабаларимиз томонидан кўтарилди. Демак, бу масалада ҳам Исмоилбей ўзидан кейинги юз йилни башорат қилиб турибди.

Табийки, ундаги бу ғоялар муайян билим ва идрокка суянган эди. Туркий халқларнинг ўтмиш маданиятини, руҳиятини теран англашдан, унинг кейинги асрларда тақдир тақозоси билан тушиб қолган тутқун ва турғун турмушини теран идрок этишдан, унга йўл излашдан келиб чиққан эди. Бу жиҳатдан Исмоилбейнинг «Туркистон уламози» китоби жуда қадрли.

«Туркистон уламози» 1900 йилда Бокуда босилди.

Ғаспирали замондошларини кўхна Туркистоннинг юздан ортиқ уламози билан таништирар экан, уларни сахни кенг гулшандан саралаб олинган бир даста гул сифатида тақдим этади, ўлканинг нодир истеъдодларига бениҳоя бойлигини таъкидлайди. Китоб ўн фаслга бўлинган. Дастлабки фаслда «Туркистонда етишган уламои машойих, муҳаққиқиндан баъзилари» ҳақида гап кетади. Фасл «шоҳ Нақшбанд» — машхур Муҳаммад Баҳовуддин Нақшбанд (1318—1389) билан бошланади. Муаллиф унинг тасаввуфга дахлдор «Далил-ул ошиқин» билан «Ҳаётнома»си «арбоби урфон»нинг ҳар доим назар-эътиборида келганлигини хабар қилади. Шайх Нажмиддин Қубронинг «618 санаи ҳижриясинда Чингиз аскари тарафиндан шаҳид» этилганини маълум қилиб, асарларини шарҳлайди. Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг ўнлаб машхур мутасаввуфларга мураббийлигига тўхталади. Исмоилбей «жоруллоҳ» Замахшарийни, қонуншунос, илоҳиёт олими Абу Лайс Самарқандийни (1075—1144), Навоийга дарс берган Фазлуллоҳ Абу Лайсийнинг аждодларидан «Ахлоки муҳсиний»нинг муаллифи Ҳусайн Воиз Қошифийни (1440—1504) «муфассири киром» (улуғ тафсирчилар) фаслига киритади. «Шуҳрати таъриф ва баёндин мустағим ўлан» Замахшарий ҳақида сўзлаб, «тафсир, ҳадис, факх, луғат, баён, наҳв илмларинда замонининг энг биринчиси эди», — деб ёзади. 20 дан ортиқ китобини санаб кўрсатади. Фақиҳи муҳаққиқ Абу Лайсийнинг 7 китобини тилга олади. Ҳусайн Воизнинг 4 китобига тўхтайди. Буюк муҳаддислардан Имом Бухорийнинг 19, Муҳаммад бинни Исо Термизийнинг 6 асари ҳақида фикр юритади. Китобдаги ўнтача фаслда ҳам ана шундай забардаст уламолар, олим ва шоирлар, уларнинг асарлари ҳақида қимматли маълумотлар келтиради.

Шу ўринда бир савол туғилади. Буюк маърифатчи,

мутафаккир Исмоилбейнинг илмий социализм таълимотига қарашлари қандай эди?

1914 йилда буюк маърифатчи вафоти муносабати билан эълон қилинган кўпдан-кўп мақолалар орасида Фотиҳ Амирхоннинг бир хотираси бор. Амирхон инқилобий ғоялар билан қизиқиб юрган йиллар, шекилли. Исмоилбейни синфлар ҳақидаги баҳсларга тортган.

«Уғлим, Сиз ёшсиз, тажрибангиз йўқ, шу сабаб керагидан ортиқ катта иборалар истеъмол этасиз... — сўз бошлади Гаспиринский. — Сизнинг каби қизув руҳли ёшларимиз миллатга хизмат этуб, анинг маданий даражасин ўсдирсалар, ул вақтда биз синфий ихтилофлар тўғрисида сўзлашурмиз, фикр юритишурмиз. Маданияти йўқ бир миллатнинг саноати бўла олмас. Модомики, ул йўқ, ҳали синфий низоларга эрта. Бизнинг букунги вазифамиз ҳали маданий ўсувдан ва шунга йўл ҳозирловдангина иборат... Андин сўнггисини биздан сўнгғилар қиларлар...»

Миллат ва маданиятнинг бобоси оғзиндаги бу сўзлар ҳам ишончли, ҳам улуғ ёнғрийлар эди», — деб тугатади ўз хотирасини Фотиҳ Амирхон. («Онг» ж., 1914 й., 18-сон, 332—333-бетлар.)

Фитрат ҳам худди шундоқ 1917 йилнинг ёзида мамлакатда инқилоб олови ловуллаб ёнишни бошлаган бир пайтда миллатдошларига мурожаат қилиб, синфий айирмалардан кўз юмиш, дин, миллат, йўлида бир бўлишга чорлаган эди.

Гаспиралига қайтайлик. Унинг масалага юқоридагидай ёндашувининг тагида катта маъно бор. Аслини олганда, у илмий социализм билан таниш эди. Лекин уни қабул қилмаган эди. У бу ҳақда махсус асар ҳам ёзган. Масалан, 1885 йилда Истамбулда Исмоилбейнинг «Оврупо маданиятига бир назар мувозини» китоби нашр этилади. Чамаси, уни Россияда чоп этиш имкони бўлмаган. Асарнинг асосий ғоясини Европада кезиб юрган шарпа — иштирокиюнчилик билан баҳс ташкил этган. Сўнгроқ 1905 йил шарофати билан «Мазҳаби иштирокиюн» («Таржумон» г., 1906 йил, 72—76-сонлар) мақоласи босилди. Шунингдек, муаллифнинг «Дорул роҳат мусулмонлари», «Юз йилдан сўнг. 2000-сана» каби бадий-публицистик романларида ҳам бу баҳс давом этди. Бу табиий ҳол. Ўз халқи, мамлакатининг истиқболи ҳақида ўйлаган ҳар бир кишининг бу таълимот билан юзма-юз бўлиши табиий эди.

Гап шундаки, Исмоилбей бу таълимотнинг асосий нуқталарини шубҳа остига қўйди. Жумладан, «социализм меҳнатда синалган қардошликдан бошқа на динни, на ирқни, на миллатни, на тилни тан олади. Уларнинг қоидаси ва мақсади: «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» — деб ёзди. «Социалистлар» ва «социал демократ»ларнинг «адолат», «мусовийлик» ҳақидаги шиорлар ташқаридан жуда жимжимадор, кишини маҳлиё қилувчи бўлиб кўринади. Аслида бу назария уни туғдирган сабабларга мувофиқ иш тутади... инқилобий курашга, қон тўкишга чақиради...»

Маданият ва умр илло, адолат ва мусовийликни барқарор этмоқ учун, «Лекин бунинг учун жаҳон тартибини бузмоққа ҳожат йўқ, акс ҳолда бундан ҳам катта мураккабликларга дуч келинади. Ҳар бир кишининг иш, ер ва осойишталигини таъминламоқ зарур. Аммо бу мутлақо бириникини мусодара этиб, иккинчисига бериш дегани эмас»<sup>1</sup>.

«Турли кишиларнинг ақли, кучи қобилияти турлича, шунинг учун ҳам ҳар ким ўз имконига қараб йиғинади... Энди шунинг бариси кишиларга тенг бўлинади, дейдилар. Бу қандай тенглик бўлди? Бунда адолат борми? Мамлакат ва жамиятни «казарма»га айлантириб, ҳар бир кишини умумий емакхонага таклиф этармишлар... Мошолло социалистлар! Сизлар яхши маданият, зўр турмушга бошламоқдасиз!»

«Юз йилдан сўнг, 2000-сана» романида Гаспринский тинч йўл билан амалга ошириладиган инқилоб ҳақида сўз юритди.

Бирор жамиятни биргина ташаббускорлик, фидойилик асосига қуриб бўлмайди. Байроқлар ҳар қанча фусункор бўлмасин, устинга кийим қила олмайсан. Шиорлар ҳар қанча улғувор бўлмасин, қорин тўйдирмайди. Биз инсониятнинг ўз тажрибасида синаб келган мана шу минг йиллик хулосасини писанд этмадик, шу сабаб 74 йил қурган иморатимизнинг таги бўш бўлиб чиқди. Узоққа чидамади.

Гаспирали социализм идеалларини кўпинча дин идеаллари билан қиёсан, гоҳо қарама-қарши қўйиб таҳлил этган эди. Шунга кўра унинг бу хусусдаги бир қатор фикр-мулоҳазалари бугунги кунда жуда долзарб бўлиб турибди. У 1886 йилдаги «Ижтимоий вазифалар» («Таржумон», 13-сон) мақоласида ёзади: «Ватанни севмоқ, менимча, унинг маорифи учун қайғурмоқ, унга ёрдам этмоқдир». Бу жиҳатдан, у жуда юксак севги эгаси эди. Унинг табарруқ номи биргина Кавказ ёхуд Волгабўйида эмас, Ўрта Осиёда ҳам маълум ва машҳур эди. Хусусан, XX аср бошидаги Туркистон, Бухоро ва Хеванинг 8 миллионли халқи миллий онгида юз берган ўзгаришларда унинг буюк бир хизмати бордир, дейишга тўла ҳақлимиз.

Гап шундаки, у назариячигина эмас, мактаб-маориф ҳақидаги янгича нуқтаи назарни бевосита ҳаётга татбиқ этиш йўлида тинимсиз хизмат қилган амалиётчи ҳам эди. У шаҳарма-шаҳар, юртма-юрт юриб, ўз фикр-қарашларининг кенг халқ қатламлари орасига қириб бориши билан қизиқди. 1893 йилда Тошкентга келди. Самарқанд, Бухоро каби қатор шаҳарларда бўлди. Миллатнинг равнақи учун

<sup>1</sup> «Таржумон» г., 106 й. 76-сон. (Ушбу кўчирмалар «Янги дунё» ҳафталигининг 1991 йил 13-сонидан олинди. Қолганлари «Йилдиз» журналидан С. Газедов материалларидан олинган.)

«усули жаҳид»нинг шартлиги ҳақида амир Абдулаҳадга мурожаат қилди. Бухоро амирини ўз фикрига ишонтира олди. Амир Бухорода янги усул мактаби очишга розилик берди. Бироқ Туркистон ҳарбий маъмурияти сингари Бухоро амирлиги ҳам унинг «усули жаҳид»ини хайрихоҳлик билан кутиб олмади. Унинг истиқболига очилган Самарқанд ва Бухородаги ҳар икки мактаб кўп ўтмай ёпилиб қолди. Тошкентдаги интилишлар ҳам самара бермади. Мунаввар қорининг усули жаҳид мактаби очишга рухсат сўраб қилган мурожаатига Сирдарё ҳарбий губернатори рад жавобини берди. Бундай мактаблар барибир очилди. Улар учун дарсликлар ҳам тузилди. Лекин иш жуда қийин кўчди. Чор маъмурларининг рухсати олинганида мутаассиблик тўғаноқ бўлди. Шоир ва муаллим Сўфизодани Намангандан қувдилар.

*«Қувди мани жоҳиллар ўшандоғ ватанимдан,  
Лекин қува олмас сўханимни даҳанимдан», —*

деб ёзган эди у.

Самарқандда Сиддиқий-Ажзий кофир деб эълон қилинди:

*«Ҳақ сўйлаян инсонлари такфир эдажаклар,  
Иймонли мусулмонларимга шуқр, худо-ё! —*

деган эди у истеҳзо билан. Тошкентда Мирмуҳсин Шермухаммедов отга судратиб сазойи қилинди ва ҳоказо. Туркистон генерал губернатори И. А. Куропаткин эса кундаликларида: «Биз 50 йил тубжой аҳолини тараққиётдан четда, мактаб ва рус ҳаётдан четда тутдик», — деб қайд этди.

Шуларга қарамай, Исмоилбей Гаспиралининг мактаб-маориф ҳақидаги ғоялари Туркистонда ҳам, Бухоро ва Хоразмда ҳам ўз самарасини берди. Бухородаги «Еш бухороликлар», Хоразмдаги «Еш хеваликлар», Тошкент, Самарқанд, Қўқондаги қизгин ижтимоий ҳаракатчилик бунга ёрқин далилдир.

Унинг чироғи ҳозир ҳам ёниқ. Руҳи юртимизда бедор кезиб юрибди. Ғоялари эса тирик.

1991 йил март-апрел.  
Симферополь-Тошкент

# Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон

## МУНАВВАР ҚОРИ ВА БОШҚАЛАР

ДХҚ бисотхоналарида 554335-сон рақами ила хатланган ва олтмиш уч йилдан бери етти кулф остида сақланаётган «ИШ»га бугунги кун кўзқарашлари.

Бир сотқиннинг чақувларида жўмардларнинг таърифлари

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Улуғ Тангрига шукрки, шундай замонларга етказиб, оғзимиздаги қулфларнинг очилишига, тилимиздаги ташовларнинг ечилишига, кўзимиздаги пардаларнинг сурилишига, қўлимиздаги кишанларнинг узилишига эриштирди, эс-хушимизни йиғиб олишимизга имкон берди, мазлум кўксимизни кўтаришимизга, хиёл бўлса-да эркинроқ нафас олишимизга бизларни муяссар айлади. Ҳам илкимизга қалам тутқазиб, ушбун ёзишга юрагимизни мойил қилди.

Буюк турк ўғлони Исмоил Ғаспиралининг шогирди ва собит издоши, негадир узокроқ ухлаб қолган Туркистон бобони асрий уйқудан уйғотишга, занжирбанд шерни занжирдан халос этишга қатъий бел боғлаб чиққан жадидлардан бири ва ўнгдори, эллик бир ёшли Мунаввархон Қори Абдурашидхон ўғли 1929 йил нўябирининг 5-куни махфий сиёсий политсайчилар томонидан ҳибсга олиниб, терговга тортилади. Чор Урусиясида Уктабир тўнтариши рўй бериб, подшо ҳукмати ўрнига қизиллар ҳукмати келганининг ўн иккинчи йилида — болшавойлар давлати бепоён мамлакатнинг ич-ичларигача хийла томир отиб, ўзини ўнглаб, анча-мунча куч йиғиб олган шу болшавойчилик негизида пайдо бўлган ИИХҚ (Ички Ишлар Халқ Қўмиссарлиги) исмлики идора ғайрат билан ишга тушган, янги давлатнинг-да (худди эски давлатдек) юргиза бошлаган империячилик сиёсати-га «жиддий хавф» соладиган ақлли-зиёли кишиларни битта-лаб ё тўдалаб териб ола бошлаган эди.

Туркистонда жадидлар иши юзасидан Мунаввар Қори билан биргаликда бирданига ўттиз етти ватанпарвар сўроққа тортилади. Буларнинг кетидан тағин қирқ бир киши бор-йўғи

халқининг, миллатининг, динининг тақдирига қайғургани учун тергов бера бошлайди. Уларнинг орасида сотқинлари ҳам, лақмалари ҳам, иккала томонга хизмат қилганлари ҳам бўлган, аммо, шукрки, иймонлилари, мардлари кўп эди. Жами етмиш саккиз (78) кишининг турфа ранг ҳаёт мазмунлари жами тамиш ўн саккиз (18) жилддан иборат ҳар бири гўладай семиз-семиз тўпламлар қатига кўмилади, жилд устларига «МУНАВВАР ҚОРИ ВА БОШҚАЛАР» деб ёзилади ва «Мутлақо махфий» дея тамғаланади-да... тарих саҳифаларидан юлиб ташланади.

Туркистон бобо тағин ғафлат уйқусида қолаверади.

Жадидларнинг туғилганини, уларнинг ниятларини ўз вақтида Чор ҳукумати ҳам пайқаган. Қул Туркистонда диний ва миллий уйғониш содир бўлаётганидан, истилочиларнинг сиёсий найрангларига фаҳм-фаросати етадиган ва, сал қўйиб берилса, бу «қора халқ»ни озодлик курашига кўтаришга ва бу курашни моҳирлик билан бошқаришга қурби етадиган маърифатли ва миллатпарвар бутун бир авлод шаклланаётганидан таҳликага ҳам тушган. Аммо бу ўртада Биринчи жаҳон уруши бошланиб кетиб, истилочи Чор ҳукумати жаҳон майдонида ташланган катта суяк билан овора бўлиб қолдию чеккалардаги миллийчилар билан жиддий шуғулланишга имкон тополмади. Шунда ҳам махфий идоралари, мустамлака сиёсатининг бу ўлкага юборилган мафкурачилари уларни ҳамини кўз осларида сақлаб турар, ҳам маънавиян, ҳам жисмонан эзиб ташлашнинг қулай мавридини пойлар эди.

Мана шу вазиятда Ўрусияда ҳокимият тўнтириши юз берди ва бу ҳодиса тарихга Уктабир тўнтариши номи билан кирди. Шундай қилиб, ижтимоий аҳвол иккинчи марта халақит қилди ва Чор мустамлакачиларининг ниятлари яна амалга ошмай қолди. Лекин бу дегани — шум ният ўлди, миллийчилар таъқибдан қутулишди, дегани эмас эди. Чунки энди уларнинг изига болшавойлар давлати тушади. Тўнтариш оқибатида шакл ўзгарган, аммо мустамлака ўлкаларга муносабат зимдан ўша илгаригидай қолган эди. Модомики империячилик сиёсати сақланиб қолган экан, Оқ подшога хавф солган миллий маърифатчилар Қизил қўмиссарни таҳликага солмайдими? Маърифатсизлик устига қурилган давлат, маърифатсизликни шиор қилиб, байроқ қилиб кўтарган давлат маърифатлилардан қўрқишда эски ҳукуматдан-да ўтиб тушди. Фақат, бу янги давлат дастлаб — бутун мамлакатда ўз ҳокимиятини мустаҳкам ўрнатиб олгунча, ўзининг кучига ишонч ҳосил қилгунча «икки қадам орқага» чекиниб туришга мажбур бўлган, яъни, ҳозирча чет ўлкалар тинч турсин, деган мақсадда «миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш»ига ваъдалар бериб, алдаб турган эди. Ниҳоят, биродаркушлик урушида ваҳшийларча ғалабага эришиб, янгича бошқарув тузилмасини (структурасини) жорий этиб бўлгач, Оқ подшодан мерос қолган шум ният эсига тушади ва йигирманчи йилларнинг иккинчи ярмида пистирмадан чиқиб, эн-

ди икки қадам олға ташлайди-да, ўша ниятни енг шимариб амалга оширишга киришади. Жадиждарни 1922, 1924 йиллари бир-икки безовта қилишлар ўзинга хос айғоқ, кучни чамалаб кўриш эди, 1929 йилга келиб ростмана қирғинга ўтилади. «Мунаввар Қори ва бошқалар» иши мана шу тарз юзага келади.

Хўш, Мунаввар Қори ва бошқалар ўзи кимлар эди? Уларнинг мақсадлари нима бўлган? Оқ ҳукуматни-да, Қизил ҳукуматни-да бирдай чўчитадиган нима иш қилганлар?

«...айғоқчилик хабарномаларидан бу юқорида исмлари зикр этилган фуқаролар Совет ҳокимиятини ағдариб ташлашга қаратилган фаолият кўрсатаётганликлари, яъни, Ўзбекистон ССР Жиноят мажмуаси 58-модданинг 10-қисмида ва 66-модданинг 1-қисмида таърифланган жиноятни содир этганликлари маълум бўлади. Шунини эътиборга олиб, Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Қўмитасининг 1922 йил 16 ўктабрида чиқарган қонунга мувофиқ ҳамда Бош Сиёсий Бошқарманинг (ГПУнинг) 1922 йил 287-сон ва 1923 йил 362/29-сон буйруқларига мувофиқ...» Мунаввар Қори бошлиқ ўттиз саккиз киши устидан дастлабки терговларни бошлашга фатво берилади. Бу расмий фатво ҳужжатини Бош Сиёсий Бошқарма Ўрта Осиё бўлими Шарқ бўлинмасининг Катта вакили (катта ваколатли деб ўқилса ҳам бўлади) Агидуллин тайёрлаган, бўлинма бошлиғи Круповский «Розиман» деб имзо чеккан, БСБ Ўрта Осиё бўлимининг бошлиғи Белский «Тасдиқлайман» деб қизил қаламда қўл қўйган.

Мазкур ҳужжатдан биламизки, Мунаввар Қори ва бошқалар «Совет ҳокимиятини ағдариб ташлашга қаратилган фаолият кўрсатганлар» экан. Бу фаолият нималарда кўринади?

Бу саволга жавоб бермоқ учун бизнинг ихтиёримизда икки йўл бор. Бири — тарихдан билган маълумотларимиз ва 18 жилдлик ҳужжатларга суяниб ўзимизнинг мулоҳазаларимизни билдириш. Иккинчиси — бевосита ҳужжатларнинг ўзига мурожаат этиш. Ҳар икки йўл ҳам ўзича самаралидир. Ҳар икки йўл уйғунлаштириб юборилса, ундан ҳам аёло. Биз мазкур мақолада иккинчи йўлни тутушга қарор қилдик. Бироқ ҳужжат деяётганимизнинг ўзи сонингта. Терговнинг «илтимоси»га биноан ёзилган Мунаввар Қорининг бутун бошли хотираномасини келтирайликми, бошқа иштирокчиларнинг кўرғазмаларини келтирайликми? Биз яна иккинчи йўлни танладик. Танлаганда ҳам ўша ўттиз саккиз кишининг ичидан чиққан бир сотқиннинг битикларини эълон қилишни лозим кўрдик. Бизнингча, унинг қақув кўрғазмалари шунинг учун ҳам қимматлики, аввало, у — ўз қўли билан ёзилган ҳужжат; иккинчидан, халқимиз ўзининг мард ва ватанпарвар ўғлонлари қаторида сотқин, қўрқоқ болаларининг ҳам номларини билиб қўйсин; учинчидан, бу сотқин ўз атрофидагиларни анча тириштириб, анча тўлиқ сотгани боис биз йигирманчи йиллардаги умумий вазиятни, зиёлиларимизнинг умумий кайфиятларини, дард ва аламларини ҳарҳолда кенгроқ билиб



оламиз. Ва ниҳоят, тўртинчидан ва энг муҳими — биз бундан сабоқ чиқарамиз. Орамизда қуёшпана кўзойнақларини ярақлатиб, латтахочларини (бўйинбоғ) ястиқчасидан тутиб кишибилмас тўғрилаб-тўғрилаб, ҳаммамизга қўшилиб ташвишланиб, ҳаммамизга қўшилиб кулиб юрадиган, аммо фурсат пойлаб, битта ортиқча йўталигимизни-да қолдирмай тегишли жойларга етказиб турадиганларимиз билиб қўяйликки, иймонсизлик иллатдир, бугун биз ҳақиқат деб ҳисоблаб юрган нарсалар, бугун биз худо деб сизиниб юрган кимсалар Тангрининг инояти билан бир кун асл ҳолларида намоён бўлажаклар, халқ барчамизнинг қилмишларимизни қайтадан баҳолаяжак ва биз мингинчи бор иқрор бўлурмизки, бу дунё қайтар дунё экан...

Биз сотқин деб атаётган йигитчанинг исмлари Мадҳиддин, фамилиялари Муҳаммедов. Оталаридан келсак, Солиҳович. Тергов чоғи айна 19 ёшда бўлганлар. Хужжатларда «студент» деб қайд қилинган. Елғон кўрғазма учун жавобгарлик борлиги тўғрисида огоҳлантирилганларидан сўнг ўз устозлари, қариндош-уруғлари ва дўстларининг «башаралари»ни илҳом билан фош этишга тушадилар. Терговчи сўраган-сўрамаганини ҳам ўзларидан қўшиб, гапираверадилар, бақироқ бир сарлавҳа қўйиб, ростмана рисолача шаклда «асар» ёзадилар ва бировнинг бировниқига меҳмонга борганидан ҳам яширин маъно топадиган даражада усталик ила биратўла элликка яқин кишига сиёсий баҳо берадилар. У киши ёзаверадилар, Бош Сиёсий Бошқарманинг чаққон таржимонлари пешма-пеш ўрисчага ўгираверишади.

Афсуски, туркийчасини ўқишга қийналганимиздан ўрисчасини кўчириб олган эдик, энди ўшани яна туркийга қайта таржима қилиб беришга мажбур бўляпмиз. Сўзлар ўзгарган бўлиши табиий, аммо моҳиятига тегинмадик. Фақат бироз қисқартирдик ва икки қайтадан берган кўрғазмаларини битта ҳолга келтирдик. Яна қайтариб айтамызки, ўзимиздан қўшмадик, ўзларидан эшитиб қўяқолдик.

### **«Жадидлар ва уларнинг сиёсий башаралари ҳақида»**

Жадидлар (ёки, бошқача айтганда, тараққийпарварлар) Туркистонда Уктабир инқилобидан илгари Ўрусия буржуазиясига ва Туркистонда ҳукм сураётган феодал қоқликка қарши курашга отланганларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб майдонга чиққан эдилар. Улар ўрис буржуазиясининг мустамлакачи сиёсатидан норози эдилар ва унга қарши курашардилар. Маҳаллий аҳолининг эскича турмуши ва қоқлигига, бу қоқликнинг илҳомчилари бўлмиш руҳонийларга қарши ҳам жон-жаҳдлари билан қарши чиқдилар.

Хуллас, жадидлар курашининг асосида феодализм ва эски турмуш асосларини бузиш, миллий буржуазия давлати

тузиш мақсади ётарди. Бу ҳаракатнинг кўпчиликка машҳур бўлган раҳбарлари қуйидагилардир: Мунаввар Қори, Мурод Хўжа Домулла, Имом Ҳожи Халилий, Ҳасан Қори, Салимхон, Абдулла Авлоний, Шорасул Зуннун, Шаҳид Эсон, Мир Гейди, Абдуваҳоб Муродий ва Мажид Қодирий.

Улуғ Уктабир инқилоби эски тузум асосларини бузиб, янги ҳаётга кенг йўл очиб, жадидларни боши берк кўчага кири-тиб қўйди. Чунки инқилоб феодализмни яқсон қилди, бу билан қаноатланмай, савдо буржуазиясига ҳамда жадид-таракқийпарварларга оғир, ҳалокатли жароҳат етказди. Шундан кейин жадидлар ўз фаолиятларини тўхтатдиларми? Қаёқда... Улар ўлар ҳолатларида бўлишларига қарамай, бор кучларини фаолиятни давом эттиришга қаратишди. Бу орада уларга ҳарбий асир турк зобитлари (офитсерлари) ёрдамга келишди. Булар жадидларнинг яраларини даволаб, оёққа турғаза бошлашди. Ишларига раҳбарлик қилишди, юраклариди қайтадан миллатчилик туйғуларини қўзғатишди. Аста-секин жадидлар кучга қайтишди. Бунга барча совет мактаблари уларнинг қўлида эканлиги ҳам қўл келди. Усиб келётган ёшлар уларнинг таъсир доирасига тушиб қолди. Синфимиздаги турк Камол ШАМСИЙ ватан тўғрисида кўзда ёш билан куйлагани яхшигина эсимда турибди. Ўрислар билан бошқа оврупаликлар Туркияга ҳужум қилишяпти, ўз миллатларининг ҳуқуқини ҳимоя қиласизлар деб сизларга катта умид боғлаганмиз, деган эди ўшанда.

ШОРАСУЛ ЗУННУН бизга миллатчилар ёзган туркча шеърлар ўқирди ва юракларимизга сингдиришга ҳаракат қиларди. Мисол учун, у турк шоири Муҳаммад Омилбекнинг ва ўзбек шоирлари Чўлпон билан Фитратларнинг миллатчилик руҳидаги шеърларини ўқирди.

ЭСОН АФАНДИ Туркия урушдан ғолиб бўлиб чиққанини ва бу ғалаба тарихда улкан сиёсий аҳамиятга эга эканини айтган. Кейин Туркия ҳаётини ёшлашга тушиб кетарди ва яна айтардики, Туркистон мусулмонлари Туркия раҳбарлиги остига ўтиши лозим, турклар билан қўлни қўлга бериб, бир йўлдан юриши керак. Совет ҳокимиятига келганда, мусулмонларга бу ҳокимият бир чақалик ҳам фойда бермайди, деб айтарди. Эсимда, дарслардан бирида Шорасул ҳам худди Эсоннинг гапларини такрорлаган. Бир куни кўчада Шорасулни ўчратиб қолдим. У жуда қайғули қиёфада эди. Сабабини сўрадим. «Бу миллат ўзи миллат эмас!» деди. Бўлмаса, нима, десам, «Иллат!», деб жавоб қилди. (Иллат — бир вақтлар Маккада одамлар сиғинган санамнинг оти. — М. М.) Нега, деб сўрадим тагин. «Чунки булар ўзинг ягона одамларини ҳибсга олганларини билатуриб ҳам ҳеч қанақа чора кўрмаяпти!» деди.

Совет ҳокимиятининг иккинчими, учинчими йили жадидлар орасида бўлиниш юз берди. Мунаввар Қори, Мурод Хўжа Домулла, Шорасул Зуннун ва Эсон Афанди бошчилигидаги айримлари эски нуқтаи назарда турардилар. Эшон Хўжа

Хоний, Ҳасан Қори, Салимхон, Мир Гейди ва Ваҳоб Муродий, бошчилигидаги бошқалари эса, ўз гоյа-мақсадларини совет ҳукуматидан фойдаланиб амалга ошириш йўлига ўтдилар. Лекин булар ўз қарашларининг хато эканига тезда ишонч ҳосил қилиб, тағин аввалгиларга қайтиб қўшилдилар (В. Муродов тўғрисида бир нима дея олмайман). Учинчи бир тоифа эса, ўзларининг хато йўлда эканликларини англаб, тўла маънода совет ҳокимияти тарафига ўтдилар (масалан, Абдулла Авлоний).

Агар жадидларнинг ҳозирги мафқурасига назар солсак, улар совет ҳокимиятининг ашаддий душмани эканликларини, бу ҳокимият қачон қуларкин, деб интиқ бўлаётганларини осонгина билиб оламиз. Қулашига эса, улар қатъий ишондилар. Улар совет ҳокимиятининг (чет) душманлари билан бир сафдадилар ва бу ҳокимиятни фугатишда иштирок этиш ниятлари бор. Душман хоҳ ичдан, хоҳ ташдан қачон бу ҳокимиятга қарши ҳаракат бошлайдию қачон бу кураш авжга минади — улар шуни кутмоқдалар. Бу фикрларимнинг исботига қуйидаги далилларни келтираман.

Афғонистонда тўпалонлар бошланиб, Бачаи Сақав Омонуллохонга қарши курашаётган чоғлари ШОРАСУЛ ЗУН-НУН фақат шу ҳақда сўзлар ва мен билан бундай баҳслашар эди: «Афғонистонда ҳокимият Бачаи Сақав қўлига ўтган заҳоти бизларнинг аҳволимиз энгиллашишига шубҳа йўқдир. Чунки унда инглизлар совет ҳокимиятига ҳужум бошлайдилар, биз бўлсак, бу имкониятдан фойдаланиб, Ўрта Осиёда миллий ҳукумат тузамиз, Бизда имкон кўп». Қанақа имконлари борлигини сўраганимда, у жавобдан қочди. Шорасул ашаддий термиллатчилардандир, бу борада у ҳам-фикрларини ҳам ортда қолдириб кетади. Лекин табиатан ичимдан топ эмас, бошқаларга ўхшаб фикрларини яшириб юролмайдди, ким унга хайрхоҳлик билдирса, бўлди, оғзидан гуллайверади. Боз устига, фикрларига ҳамманинг қўшилишини истайди ва шунга қистайди. Советларга қарши маърузалар ўқий бошлайди. Мен унинг феъл-ҳўйини, хулқини яхшигина ўрганиб олганман. Кўришганимизда, унга: «Бунча озиб-тўзиб кетибсиз, Шорасул ака, мазангиз қочдимми ё?» деб гап бошлайман. Бунга у: «Э, ука, шу миллат қайғуси мени бу аҳволга солди-да. Фикру ёдим шу миллатда», деб жавоб қилади. Энг билими зўр болаларни у пивохонага ё ошхонага бошлаб кетиб қолади, совет ҳокимиятига қарши ташвиқ қилади. Ўқишга турк китобларини беради. Бизнинг Ўзбекистонда бунақа мажаллалар йўқ, деб афсусланиб гапирди.

Шорасул эски араб имлосининг тарафдори. У араб имлоси тарихий аҳамиятга эга, ўзбеклар ўзлари қолоқ бўлганлари етмагандай, энди яна битта қолоқ миллатнинг кетидан боряпти, дерди. Араб имлосини мураккаблаштириб юрганларни қораларди. Аксинча, лотин алифбоси оғир, дерди.

## Ўрта Осиёга муносабатда

«Инглизистон Ҳиндистонни қай даражада эзаетган бўлса, Ўрусия ҳам Ўрта Осиёни шу даражада эзаяпти. Ўрта Осиё мустамлака асоратидадир. Бизнинг деҳқонларимизни зўрлик билан пахта экишга мажбурлашяпти ва ҳаммасини Масковга ташиб кетишяпти. Деҳқонларнинг ўзлари бу ерда оч-яланғоч қолаётгани билан ишлари йўқ»...

Бунақа гапларни мен ундан ўзим эшитганман. Бунда ташқари Шорасул ўрислар билан тоторларнинг масъул лавозимларни эгаллаб олганларига қарши эди. 1929—30-йили у Аёллар билим юртига она тили ўқитувчиси қилиб тайинланган эди. Бир аёл ундан техникумнинг илмий бўлим мудири ким — ўрис эмасми, деб сўраганида, у: «Албатта, ўрисда, ўрис бўлмай ким бўларди», деб жавоб қилган. Буни менга Бухария мактабида хизмат қиладиган Акбар Асқарий айтди. Партия сафларини тозалаш кетаётган палла мен бир кун Шорасулни учратиб қолдим ва: «Мана, Партия сафларини сизнинг дунёқарашингиздаги унсурлардан тозалаяпмиз», деган эдим. у: «Партияни бизлардан эмас, бизларнинг муҳтимизни партиядан тозаланглар», деб айтди. Партияни у зарарли касаллик деб ҳисобларди. Гарчи мен унинг умуман совет ҳокимиятига қарши фаолиятдан кўп далиллар келтиришни зиммамга олодмасам ҳам, унинг хотинлар юзини очиш масаласига қарашлари тўғрисида айрим гапларни айта оламан. У ўзининг хотинини расман очгани билан амалда очмаган. Хотинини мактабга ё йиғилишга, ё уюшма қошида ташкил этиладиган кечаларга қўймайди. «Ҳозир аёллар очилб, бузилиб кетяптилар», дейди. Бунақанги ёт қарашлари учун биз уни Наримонов техникумидан ҳайдаганмиз.

Эски шаҳардаги Ленин номли мактабнинг 8-синфида Шавқий деган бир ёш ёзувчи ўқирди, у фақат мактаб деворий газитига ёзар эди. У Чўлпоннинг давомчиси бўлиб, унга тақлид қиларди. Мафкура жиҳатдан асов нарсалар ёзарди. Уша мактабнинг 6—7-синфларида адабиётдан дарс берадиган Юнус Латифийнинг ҳамда Шорасулнинг ўзининг сўзига қараганда, Шавқийни Шорасул йўлга солиб тураркан. Шеърга мавзуларни ҳам у бераркан. Қанақа йўналиш берасиз, деб мен Шорасулдан сўраганимда, у: «Мен уни миллий руҳда шеър ёзишга ўргатапман», деган. 1928—29-ўқув йилида Шорасул Наримонов техникумида адабиётдан дарс берган. Яна ўша ўзининг эски усулида, яна ўша эски адабиётга, хусусан, турк ва форс шоирларининг асарларига суяйиб ўқитган. Ўқувчилар конференсида бунинг учун уни қоралашди ва ишдан бўшатишни таклиф қилишди.\*

\*Саҳифанинг шу ерига кейинчалик қизил қаламда энг таниқли чекистлардан Оғабеков деган терговчи: «Шавқий аксилинқилобий ташвиқоти учун сургун килинган», деб ёзиб қўйибди.

Мен Шорасулдан: «Нимага пролетар адабиётига суянамай, эски адабиётга суянасиз?» деб сўрасам, «Хоҳлаганимда ҳам пролетар адабиётини ўқитолмайман, чунки уни сизлар ўқитасизлар, мен эса ҳазм қилмайман, унга қизиқмайман ҳам, у менинг руҳий эҳтиёжимни қондиrolмайди», деди. «Адабиётда пролетар мафкураси ривожлана олмайди ва ҳоким мафкура бўла олмайди», дерди у. Шорасул эски имло бўйича она тилидан дарслик ёзган ва унга бўяб-бежаб ёт миллатчилик қарашларини ҳам сингдириб юборган. Масалан, у: «Яшасин советлар ҳокимияти!» деб ёзади-да, охирида: «Ўзбеклар уйғон!» деб қўшиб қўяди. Нимага бу сўзларни қўшгансиз, деган саволимга у кулиб туриб «Бу билан мен ўзбеклар орқа-олдиларига қараб ҳаракат қилсинлар, совет ҳокимиятининг асослари мустаҳкам эмас, унинг ҳозир ҳукмронлигидан фойдаланиб қолсинлар ва мустақилликка эришсинлар, дейман», деб жавоб қилади. Наримонов техникумида ишлаб юрган чоқлари у ҳар хил латифалар, эртақлар айтиб, ўқувчиларни ўз қўл остига жалб қилишга уринарди...

Ўқувчиларни Туркиянинг миллатчилик руҳидаги адабиёти билан таъминлаб туради. Шунақа китоблардан у Юнус Латиповга, Ғулom Қодир Ҳикматий (Жаримий)га, Сафо Зуфаровга, Юсуфжон Иноғомовга берган.

Утган йили мен Тошкент йўқсил ёзувчилар жамиятида ўқиш учун Ойбек асарлари тўғрисида маъруза ёзганимда менга турк миллатчи шоири Турхон Сайфийнинг шеърини гўплами керак бўлиб қолди, чунки Ойбек узoқ вақт Турхон Сайфийнинг таъсирида шеърлар битган. Кутубхоналардан излаган китобимни топмай, Шорасул Зуннунга мурожаат эдим. Шорасул Зуннун аввалига кўнмади, кейин бари бир бериб турди. Шунда ҳам Турхон Сайфийнинг тўпламини эмас, балки унинг битта шеъри босилган «Расмли ой» журналичан икки нусха берди.

Унга ҳамфикр талабалардан ҒУЛОМ ҚОДИР КАРИМИЙ билан НИЗОМ ЭШОНИЙни биламан. Улар йккаласи ҳам миллатчилик мафкураси билан заҳарланган эдилар. Масалан, Ғулom Қодир эски миллатчи адабиётнинг катта мухлиси, Чўлпоннинг мухлисидир. Янги йўқсиллар адабиётини у ёмон кўради ва мутлақо ўқимайди. Мен техникум талабаси Шодмон Тўхтаевдан бир гап эшитдим, яъни Ғулom Қодир Каримий Шарифа Саид Носированинг (Пед. билим юртининг собиқ ўқувчиси. У ердан ёт унсур сифатида ҳайдалган) шеърлар дафтарига Ўзбекистон тўғрисида бир шеър битибди. Уша шеърда Ғулom Қодир Ўзбекистонни катта дарахт соясида қолиб кетган ёш ниҳолга ўхшатибди ва катта дарахт қуёш нурларини ёш ниҳолга ўтказмаётгани ҳақида ёзибди. Катта дарахт деганда у ўрисларни назарда тутган. Нияти аниқ.

**ЭШОН ХУЖА ХОНИЙ** — менинг яқин қариндошим (онаминг укаси), бир ҳовлида бирга яшаймиз. Собиқ жадид. Туркистонда жадидлик ҳаракатида фаол иштирок этган, мафкура жиҳатидан ёт унсур. Совет ҳокимиятининг айрим

тадбирларидан қаттиқ норози. Масалан, пахтачилик соҳасини кенгайтириш кампаниясидан ва бугдой етишмовчилиги муносабати билан жуда норози бўлган. У менга дердики, Ўзбекистонда ун тахчиллиги қаттиқ сезилиб турган бир маҳалда Масков деҳқонларни пахта экишга мажбур қиляпти, боз устига, Масковнинг ўзи ваъдасига хилоф равишда Урта Осиёга бугдой етказиб бермаяпти, натижада деҳқонларни ун билан таъминашда мана шунақа қийинчиликлар юзага келяпти. Бир сўз билан айтганда, пахтачилик тармоғини кенгайтириш аҳолининг бошига битган бало, бундан фақат ўзбек деҳқонлари зарар кўрадилар. Бундан ташқари, биз Масковни пахта билан таъминлаяпмиз-у, ўзимиз етарли миқдорда саноат молларини, жумладан, мануфактура олмаяпмиз...

Шунақа суҳбатлар чоғида Акбар Асқарий (ўқитувчи) ҳамда Хайриддин Ҳасаний (қишлоқ хўжалиги техникуми толиби) иштирок этишган.

Аёлларнинг юзини очиш масаласида Эшон Хўжа Хоний жадидларнинг қўзқарашларини баён қиларди. Яъни, «Аёлларнинг юзини очишга ҳали эрта ва хотин-қизларнинг ўзларини тайёрламасдан туриб юзларини очиш тўғрисида ўйлаш ҳам фойдасиз. Аввал уларни тарбиялаш керак, ана ундан кейин паранжи масаласини ўйлаб кўриш керак. Ўзбек аёлининг ҳозирги аҳволида унинг юзини очиш уни бузуқликка итариш билан тенг», деб ҳисобларди.

У вақтларда Эшон Хўжа Хоний «Хужум» кампаниясида ҳеч қанақасига иштирок этмади, ўзининг хотинини ҳам очмади. Қизини очди, лекин уни ҳам фақат ўқиётгани ва паранжида мактабга кўрина олмаслиги учун очди.

У жадид мактабларида сабоқ берарди, инқилобдан кейин 1926 йилгача совет мактабларида ўқитувчилик қилди, мактабларнинг мудирини бўлиб ишлади. Совет мактабларида диндан дарс берарди. Эшон Хўжа Хоний мудирлик қилган «Ҳаёт» номли мактаб ўқувчиларининг менга айтишларича, у ўқувчиларга миллий (миллатчилик) ғояларини ўқитган, мактаб жамоат ташкилотлари ва комсомол ишларига тўсқинлик қилган. «Ўқувчилар мактабда фақат ўқиш билан банд бўлсинлар, ҳар хил жамоат ишлари, таълим-тарбия ишларига ҳалақат беради», дерди.

Шунингдек, у пахта кампаниясини-да маъқулламасди. «Туркистон ўрисларнинг мустамлака ўлкасидир, — дерди у. — Деҳқонларни, ишчиларни зўрлик билан пахта экишга мажбур қилишяпти ва пахтани ўзларининг ватанларига олиб кетишяпти. Маҳаллий аҳолини эса товарлар ва саноат ускуналари билан таъминлашмаяпти, натижада аҳоли қаҳатчиликни бошидан кечирмоқда. Бундан ташқари, аҳоли озиқ-овқат билан ҳам таъминланмаяпти». Бу қарашларини у шахсан менга айтмаган, буларни у ўзининг дўстларига айтган (Акбар Асқарийга ҳамда Хайриддин Ҳасановга. Иккинчиси қишлоқ хўжалиги техникумида ўқийди). Маҳкамаларга

ўрислар жойлашиб олганига у кескин қарши эди. «Бизнинг мамлакатда бегоналар кўпайиб кетди», дерди. Бир куни хизматга бораётиб, кўчада кўриб қолдим, ким биландир гаплашиб турарди. «Беш йиллик режага биноан Қозоғистонга уч юзу канчадир минг ўрисларни кўчиришни мўлжаллашяпти», деб турган экан ўша шеригига...

Эътиқоди жиҳатидан у тормиллатчи. Доимо ўрисларга қарши гапиради ва Ўзбекистонга ўрислар кўчиб келавериш эгаллаб боряпти, ҳамма муассасаларда ўрислар ўтирибди, дерди. «Ўзбекистон муассасаларида ўзбеклар ўтириши керак», дерди у.

**ҲАСАН ҚОРИ ХОН** ҳам менинг қариндошим (она томонидан, яъни, онамнинг укаси). Мафкура жиҳатдан Эшон Хўжа Хонга яқин. Собиқ жадид, узоқ йиллар жадидларнинг китоб дўконига мудирлик қилган. 1926—27-йиллари ўзбек давлат нашриётининг дўконига ишлаган. Ўзининг айтишича, Ўздавнашрда ишлаган чоғи ўрислар билан чиқишмаган ва шунинг учун ҳам уни ишдан ҳайдашган. Шундан кейин доим айтиб юрардики, ўрислар ўзбекларни кўрарга кўзлари йўқ ва улар доим ўзбекларни муассасалардан ҳайдашга ҳаракат қилишади ва ҳоказо...

Эшон Хўжа Хоний билан Ҳасан Қори Хоний Мунаввар Қори, Эсон Афанди, Салимхон Тиллахоновлар билан жуда яқин эдилар, бир-бирларини меҳмонга чорлашарди, суҳбатлар қилишарди, улфатчиликлар уюштириб туришарди. Нималарни гапиришгани менга қоронғи, чунки ҳеч қачон мен уларнинг орасида бўлмаганман.

**МУНАВВАР ҚОРИ** — жадидчиликнинг илҳомчисидир ва шу оқимнинг раҳбаридир. 1927 йили Тошкент музофоти зиёлиларининг қурултойи бўлиб ўтди. Мен унда делегат эдим. «Қизил Ўзбекистон» газитининг мухбирлари номидан вакил сифатида қатнашганман. Қурултойда мафкура жабҳасидаги кураш масаласида мунозара қўзғолганда Мунаввар Қори нутқ сўзлади ва: «Бу мафкурани бизнинг мафкурага мосласак бўлмасмикан», деди. Бундан кўринадики, у партия бу масалани қандай ҳал этаётганини маъқулламайди. Унга берилган бир қандайдир саволга: «Ўрислар бизнинг ишларимизга ҳамақит қилишяпти, мен улар билан келишолмаганим учун хизматдан кетдим. Биз улар билан бир қозонда қайнамаймиз», деб жавоб қилди. Мунаввар Қори умум манфаати учун эмас, ўзининг манфаати учун куйинаётганини шу мисол ҳам тасдиқлайди. У ўзининг обрўсини кўтармоқчи. Унинг кураши ҳам обрў учун. У манфаатпараст шахс.

**МУРОД ХУЖА ДОМУЛЛА** — эски шаҳардаги Ленин номи мактаб ўқитувчиси. У билан яқинда танишдим, шунгача яқин танишлигим йўқ эди. 29-йили у «Зебунисо» мактабида хизмат қилган. У ҳам жадидлардан (тараққийпарвар-

лардан), юқорида санаганларимиз билан муомаласи бор. Жулқуннинг «Мехробдан чаён» деган китоби чиққанида у бу китобни қониқиш билан ўқиди ва уни мақтаб шеърлар битди. Бу шеърини у ўқувчиларга ўқиб берган, бу ҳақда мен Юнус Латифийдан билдим. Унинг қандай одамлигини ҳам, бугдой жамғариш ва пахта кампаниясига муносабатда аксил-советий қарашларини ҳам менга Юнус Латифий айтди.

**ЮСУФ ИНОҒОМОВ** — Наримонов техникумини мен билан бирга тугатган ва 28—29-ўқув йиллари ишга Термизга юборилган эди... Тошкентга қайтганда Термиздаги аҳвол ҳақида еўраганимда, у: «Термизда кўп муассасаларни ўрислар билан тоторлар эгаллаб олишган. Одамга алам қилади. Уларга имтиёзлар яратилган. Капиратив дўконлар уларга энг яхши молларни топиб беради. Шўрлик ўзбеклар ҳеч қачон улар билан тенг кўрилмайди, қар жабҳада улардан паст туради», деди.

Ҳозир Иноғомов қишлоқ факультетининг I курсида ўқийди. Комсомол аъзоси эди, чиқибди.

**ҲАЛИЛ ҒАФФОРОВ** ҳам курсдошим... Бир вақтлар Хивада ишлаган, ўша ерда ақлдан озиб, Тошкентга қайтган. Хивадан қайтиб келган баъзиларнинг айтишича, Ҳалил у ерда эски тарихимизга қизиқиб қолибди ва ўзбекларни эзаётган ўрисларни жуда ёмон кўриб қолибди ва шу асосда ақлдан озибди. Ҳозир ишламайди ҳам, ўқимайди ҳам. Унчамунча соғайиб борапти...

## СТУДЕНТЛАР ҲАҚИДА

Қуйидаги студентлар Шорасул билан Мунаввар Қорининг таъсиридадирлар:

**ҒУЛОМ ҚОДИР ҲИКМАТ** — Наримонов техникумида ўқиган, адабиётга қизиқади, ўзининг асарлари ҳам бор. Бир куни бир расм чизган, Унда думли қуёш бўлиб, у илонга ўхшаб ўзбекни бўғаетгани тасвирланган. Ўзининг тушунтиришича, қуёш — Уктабир инқилоби, илон бошли дум эса — ўрислардир. Расмда: «Миллат, эҳ, менинг миллатим», деган ёзув битилган. Расмларини у айрим дўстларига кўрсатган ва ўзининг фикрларига қўшилишларини сўраб авраган. Бу ҳодиса муҳокама қилинганда, у ўз ўқитувчилари Мунаввар Қори билан Шорасулнинг таъсирида бўлгани учун шунақа расмлар чизганини айтган.

**ҒУЛОМ ҚОДИР КАРИМИЙ** — миллатчи ва Шорасулнинг ишончли малайи. Техникумнинг II курс студентлари Шодихон Тўхтаев ва бошқаларнинг сўзига қараганда, у Шариф Носир Хўжаевнинг албомига икки дарахтнинг расмини чизган. Биттаси катта, иккинчиси кичик. Каттаси кичигидан



қуёш нурларини тўсиб турибди. Ўзининг тушунтиришича, катта дарахт — ўрислар, кичиги эса — ўзбеклар эмиш. Шунинг ўзиёқ унинг миллатчилигига далолат...

Менинг билганларим шугина.

Илдириш: Мадҳиддин Муҳаммадий.

15/ХІ. 29 й.

Перевёл: Пом. Упол. ВО ПП ОГПУ в Ср. Азии  
(Каримов)»

\* \* \*

Мадҳиддин Муҳаммадий жонбознинг «билганлари шугина» экан. Лекин у кишининг ўзлари ким-у, у киши сотаётган жадиждлар ким эканини, жадиждлар нима қайғуда-ю, бу киши ниманинг қайғусида эканини, ва ниҳоят, бу жамият қанақа асосга қурилганини-ю қандай кимсаларга таяниб иш кўрганини билиб олишимиз учун, ўйлашимча, бизга «шугина»нинг ўзи етса керак. Шу андишада бу жирканч чақувномани сатрма-сатр изоҳлаб беришни ортиқча машғулот деб билдик ва фикрлашни мулоҳазали ўқувчи ихтиёрига қолдириб, шу жойда нуқта қўйдик.

Тангри ҳаммамизни бунақа шармандалиқдан асрасин. Омин.





## ЧЕТ НИГОҲ



*Ёғди тўрт ёндин асрлар  
Бошингга тийри камон,  
Умри қурбон, мулки торож,  
Юрти вайрон, ўзбегим.*



## ДИЙДОР

Ўн еттинчи йилги тўфон деймизми, қуюн деймизми, инқилоб деймизми, юз минглаб кишиларни киндик қони тўкилган юртдан кўтариб, дунёнинг ҳар чеккасига сочиб юборган эди. Ҳали-ҳалигача биз уларнинг тақдири ҳақида қизиқа олмасдик. Ўзлари эса, юрак ютиб Ватанга қайта олмас эдилар. Мана энди юртдошлар ташрифи, дийдорлашув одадий тусга кириб бормоқда.

Туркия фуқароси Собир Сайҳон ўттиз саккиз кунлик чакалоқ пайтида диёрдан маҳрум бўлган ватандошимиз. Ҳозир у Истанбулда яшаб тижорат ишлари билан шуғулланади. Бундан ўн етти йил муқаддам қариндошларининг таклифи билан илк бор Ўзбекистонга ташриф буюриб, икки ой мобайнида серкуёш диёримизнинг шаҳар ва қишлоқларини айланиб чиққан эди. Ўша кунлардаги дийдор кўришлар чоғида ўзининг узоқ-яқин жигарларини топиб, қариндошчилик ришталарини боғлаган эди.

Ватанга муҳаббат, соғинч ҳисси Собир Сайҳонни яна икки дарё оралиғига етаклади. Ватан билан дийдорлашув, қариндошлар билан қайта юз кўришиш, омон-эсонлик тилашдан ҳам улуг бахт борми юртдан узоқда муҳожир бўлиб юрган кишига. Имоним комилки, бу учрашувлар Сайҳон афандининг бир умр ёдида сақланиб қолади.

Собир Сайҳон билан таништиришганда, ростки, суҳбатдошимнинг хорижлик эканлигига унчалик ишонқирамай қаран эдим. Меҳмоннинг сўзларини тингларканман, қуни кеча у кишини қаердадир кўргандек, дилкаш суҳбатини олгандек ҳис этардим. У ўзбек тилида равон сўзлар, айрим жумлаларнинг туркча ифодаси мени анча шошириб қўйса-да, суҳбатига тўймасдим.

— Юртга хуш келибсиз, афандим! — дедим мен.

— Кўп ташаккур! — деди у чехраси яна ёришиб.

Сўнг сўрадим:

— Агар малол келмаса, ўзингиз, аждодларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Бажонидил. Мен асли Марғилон яқинидаги Варзак қишлоғида туғилганман. Опоқдадамиз Асомиддин хўжа катта ер эгаси бўлиб, шу атрофдаги деҳқончилик ишларининг

соҳиби экан. Шу боис у янги тузумнинг дастлабки кунлариданоқ жабр кўра бошлайди. Мулкдор эканлигини юзига солиб тинчлик беришмайди. Бу тоифа одамларни узоқ юртларга қулоқ қилиниши ҳақида гаплар чиқади. Ҳокимият вакиллари опоқдадамизга қарашли ерни тортиб олиб ҳам тинчишмайди. Уни тузум душманига чиқариб қўйишади.

Мен «ватандан кочди» деган гапларга умуман қаршман. Бизга ўхшаганлар ўша кезде туғилган юртларидан қочишмаган, аксинча, бу беҳаловат диёрни ташлаб кетишга, холироқ жой топиб, жон сақлашга мажбур бўлишган. Ниҳоят, минг хил жабру ситамлар, дағдагалардан юрак олдириб қўйган отам — Холмуҳаммадхўжа ҳамда Холида аммам, унинг эри Умархўжа, фарзандлари — Мактабхон, Муаззамхон, Саидахматлар Ватандан бош олиб чиқиб кетадилар. Мен ва Саидахмат оналаримиз қўлида эканмиз. Дастлаб Тожикистоннинг Қоратегин деган жойида бироз туриб, кейин тун қоронғисида Амударёдан ўтишни мўлжаллашган. Мен ва Саидахмат йўлда йиғлаб, соқчиларга билдириб қўймаслиги учун кўкнори ичирганча қотириб ухлатиб қўйишади-да, йўлга тушишади. Тонгда ит азобида дарёдан ўтиб қарашсаки, Саидахмат ўлиб қолибди. Бешафқат тақдирни қаранг, Амударёнинг бу қирғоғида туғилган гўдакни нариги қирғоғида тупроққа қўйишга мажбур бўлишади. Бу оиламиз бошига тушган илк жудолик эди...

Шундан сўнг улар Афғонистоннинг Анхўй шаҳрига келишади ва сал ўтмай Оқчага йўл олишади. Улар кетиш чоғида ўзлари билан ҳеч вақо олиб улгуришмаган экан. Ҳар қадамда ақча асқота бошлайди. Шунда отамиз ковуш-макси, онамиз дўппи тикиб кун кўришади. 1939 йилда эса Кобулга кўчиб ўтиб, оз-моз дастмоя тўплагач шаҳар яқинидан озроқ ер сотиб олишади. Аммо тез орада бу ердан ҳам кўчишга тўғри келади. Улар аввалига Мозори Шарифдан паноҳ излашади. Кейинчалик эса Боғлондан ер олиб, деҳқончилик қила бошлашади.

Иккинчи жаҳон уруши даврида оиламиз бошига кўп кулфатлар тушди. Афғон маъмурлари муҳожир ўзбекларга ишонч кўзи билан қарамас, буларнинг олмонлар билан алоқаси бор, дея шубҳаланишарди. Охир-оқибатда миллатчилик ҳаракатларига бош қўшган деган айб билан бошқа ватандошлари қатори отамиз ва бобомиз ҳибсга олиндилар. Улар олти йил давомида темир кишанда ҳаёт кечирадилар. Акам мактабдан ҳайдалди. Раҳматли бобом, илоё у дунёларини берган бўлсин, Демизанд бандихонасида оламдан ўтдилар. Оиламиз бошига тушган бу кўргуликларни эслашнинг ўзи оғир. Аммо биз банди мўмин ҳаммасига чидар экан. Биз афғон фуқароси бўлолмаганимиздан сўнг, яна бошқа юртлардан паноҳ излашга тушдик. Ўша кезде бемалол Америкага ўтиб кетиш ва у ердан ўзимизга мос бирор юмуш топиш имкони бор эди. Аммо биз нима бўлса ҳам туғилган юртга яқинроқ бўлишга, дини бир, тили яқин одамлар орасида

яшашни ихтиёр этдик. Яратганнинг амри билан 1952 йилда Туркияга ўтиб, шу ерда муқим туриб қолдик. Биз турк халқининг миллатпарварлик руҳидан фойдаланган ҳолда ватанга бўлган боғлиқликни сақлаб қололдик. Турк заминидаги сиёсий эркинлик бизга она-Ватан билан алоқа қилишга имкон берди. Кейинги 35 йил мобайнида Туркистонга кўз тикиб, бу ерда содир бўлаётган ўзгаришларни қизиқиб кузатиб турдик. Марғилонда қолишган қариндош-уруғларга соғинч мактубларини йўлладик.

Шахсан тақдирдош миллатдошим Жўра қори Бўтакўзнинг бевосита кўмагида Ватандан юборилган адабиётларни мутолаа қилишга тушдим. Бемалол шу ҳарфларда хатлар битдим.

— Сизни шеър ёзиб туришади дейишади.

— Тўғри, унда-мунда шеър машқ қилишим бор. Аммо уларни чоп этиш учун ёзмаганман. Мен сизга айтсам, раҳматли отамиз назмий асарларни жон-диллари билан севардилар. Узлари қўшиқлар битиб, уни куйга солиб ижро этганларини кўрганмиз. Адабиётга муҳаббатимиз ҳам ўша вақтдан тушган. Илгари муҳожирлар қўлида сақланиб қолган китобларни ўқиб юрардик. Кейин «Ватан» жамияти бизга Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулум, Одил Ёқубов асарларини йўллади. Бу орада ўзбек адабиётининг хориждаги жонқуяри Жўра қори Бўтакўз ўз маблағига Покистонда Абдулла Қодирийнинг «Утган кунлар» романини икки бора чоп этиб, туркистонлик ватандошларга бепул тарқатди. Мен бу ишга ўзим ҳам бош қўшганимдан бахтиёрман.

— Хотира китобингиз тақдир ҳақида айтсангиз.

— Рост. «Адашганлар» деб номланувчи хотира китобини битгандим. Қўлёзмани ўқиб чиққан биродарларимда у яхши таассурот қолдирибди. Бундан ташқари уч йил мобайнида Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романини туркчага ўгиргандим. Аммо уни чоп этиш учун эмас, шунчаки кучимни синая кўргим келди. Ҳозир бу асарни қадрдон иним, «Озодлик» радиосининг ходими Темирхўжа таржима қилаётир. Имоним комилки, у муродига етади.

— Оламда юртга сафар хурсандчилигидан ортиқ хурсандчилик бўлмаса керак?

— Нимасини айтасиз. У ҳаяжонли дақиқаларни сўз билан тасвирлаш мушкул. 1974 йилда илк бор юртимга қадам қўйганимда она бағрида эриб маст бўлган болакайдай ҳис этгандим ўзимни. Ушанда 60 кун ичида бутун жумҳуриятнинг шаҳар ва қишлоқларини кездим, кўшни Хўжандда бўлдим. Варзак қишлоғида мактаб директори бўлиб ишлаётган амакимнинг ўғли — Аҳмаджон Юнусов ва унинг oilаси билан учрашув айниқса ёдимда. Инсонга узоқ айрилиқдан сўйғ ўзингни жигарлар бағрида сезишдан ҳам ортиқ бахт бўлмаса керак.

Мана, орадан 17 йил ўтиб, яна келдим. Азиз юрт, эски танишлар дийдорига тўйдим. Мен сизга айтадиган бўлсам,

халқимизнинг онги илгаригидагидан анча ўсган, ўзини таниб қопти. Айниқса диний ақидаларнинг қайта тикланаётгани мени беҳад қувонтирди. Бу галги келишимнинг ўзига яраша боиси бор. Шунча вақт ватанни кўрмай, унинг иссиқ нафасидан баҳраманд бўлолмай яшадик. Бу ниятга эришгач, унга қўлимиздан келадиган ёрдамни аямасликка аҳд қилдик. Хорижлик тижоратчилар билан бемалол алоқа қилиш вақти пишиб етилибди. Ватаннинг равнақига биз ҳам баҳоли-қудрат ҳисса қўшсак деймиз.

Сафардан мақсад — Ўзбекистонда бирор кичикроқ бўлса ҳам устахона очиш эди. Бу нафақат мендан чиққан таклиф бўлмай, аксинча Истанбулда ўзига тузук, юриш-туриши, сармоёси бировга қарам бўлмаган миллатдошларимизнинг истаги ҳамдир.

Биз Туркистон халқининг бугунги ҳаётидан жаҳон афкор оммаси хабардор бўлмоғи лозим, деб ўйлаймиз. Миллатдошларимиз ўз дардларини, қийинчиликларини рўй-рост айта билишларини истаймиз. Агар ҳозирги беш туркий жумхурият ўзаро тил топиб, ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан тараққиётни кўзласа, имоним комилки, катта равнақ йўлига тушиб олгайсизлар.

— Оилангиз, турмуш тарзингиз ҳақида ҳам озгина сўзлаб берсангиз.

— Истанбулнинг марказида унча катта бўлмаган савдо дўконим бор. Унда мамлакатнинг кўркем ва хушманзара жойларига саёҳат қилишни истаганлар учун хизмат уюштирилган. Болалар аравачаси, турли жамадонлар, кийим-кечаклар ва бошқа молларни исталганча харид этиш мумкин. Бировнинг мурувватига муҳтож эмасман. Ҳолбуки саодат ёлғиз бойликка боғлиқ эмас. Ҳар вақт хур фикрни қули бўлиб юрибмиз. Рафиқам Ҳафизахон, асли таги марғилонлик бўлган ватандошимизнинг фарзанди. У киши Афғонистонда таваллуд топган. Уй бекаси. Катта ўғлим Жавдатбек Вашингтон шаҳрида қурилиш муҳандиси бўлиб хизмат қилади. Ҳали уйланмаган. Қизим — Баррин (Барно) турк адабиёти муаллимаси. Яна бир Вобур исмли ўғлим бор. Биз билан узоқ юртларга бориб қолган опам Кимёхон оиласи билан Америкада паноҳ топишган. Бош фарзанди Нью-Йорк шаҳридаги бир рестораннынг соҳиби. Яна бир опам Туркияда истиқомат қилади. Улар билан доимий алоқа қилиб турамыз. Бир-биримизникига бориш одат тусига айланган. Тўй-маъракалар чоғида бутун қариндош-уруғлар жамланади. Шу ерда бир ҳақиқатни айтиб ўтмоқчиман. Балки, буни кўпчилик сезган бўлиши ҳам мумкин. Хориждаги бир миллионга яқин ўзбеклар моддий жиҳатдан яхши яшашмоқда. Уларнинг ягона ўкинчи — Ватанни кўриш ва унга чин кўнгилдан хизмат қилишдан иборатдир.

— Сиз ўзингиз паноҳ топган мамлакат ҳақида нима дея оласиз?

— У бағри очиқ мамлакат. Дунёнинг қайси бир бурчаги-

да яшаб қийналиб қолган халқ борки, турк халқи улардан муруватини аямаган. 20—30-йилларда турли сабаблар билан Туркистонни тарк этган минг-минглаб ватандошларимиз шу ерда паноҳ топишиб, ўз ҳаётларини ўнглаб олишган. Биздан ўз муруватини дариг тутмаган ҳукумат вакилларидан доимо миннатдормиз.

Мени яна ижтимоий тузуми бошқача бўлган Туркияни унда истиқомат қилаётганим учун ҳаддидан ошириб мақтаяпти, деб ўйламам. Бор ҳақиқатни изҳор қилдим, холос. Буни бир сония Туркияда бўлган ҳар қандай шахс ҳам сезиши мумкин. Туркияда сиёсий шов-шувларни хуш кўришмайди. Ҳокимият халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш учун барча тадбирларни қўллаётир. Агар қайси бир мамлакатнинг фуқароси бой ва тўқ яшаса, шу ерда тинчлик ва осойишталик ҳукмрон бўлиши бор ҳақиқат-ку!

— Яна қачон кўришамиз?

— Ростини айтсам, бу ерга келиб-кетишга асқотадиган ақча билан дунёнинг истаган бошқа ерига қадам ранжида этиш мумкин. Аммо Ватанга бўлган муҳаббат мени доимо бу ерга тортиб туради. Ўйлайманки, бу охириги келишим эмас. Истиқболда яхши кунлар бисёр. Шундай бўлгач, иншолло насиб этса тезда дийдор кўришиб қолармиз. Бу ёғи оллохнинг иродасию банданинг хоҳишига боғлиқ.

— Айтинг-чи, она юртдан нима олиб кетмоқчисиз?

— Ҳеч нима!

— Наҳотки?

— Ўзингиз айтинг, нима харид қилишим мумкин? Сизга маълумки, мен келган юртда ҳамма нарса бор. Тўкин-сочинлик барқарор бўлган мамлакатда яшаймиз. Ҳеч нимадан муҳтожлик еримиз йўқ. Аммо халқимиз меҳрини, Ватан ҳидини ўзим билан олиб кетаман. Зеро, ўзимизда мўл бўлса ҳам қурит харид қилдим. Ўзбекона ишланган бир-икки чойнакпиёла ҳамда нонни дўстларга совға қиламан. Бўлган гап шу!

— Собиржон ака, менга суҳбатимиз манзур бўлди.

— Ўйлайманки, фикрларим Ватанимизнинг раванқи-га, халқимиз ўртасида маданий ва иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Келинг, ҳар биримиз юртимизга қўлимиздан келган ёрдамни асло аямайлик. Агар ҳозир ҳамёним кўтарганда бундан ҳам самаралироқ бўлган таклифларни ўртага ташлаган бўлардим. Имоним комилки, тижорий имконлари кенг бўлган хориждаги ватандошларимиз янада истиқболли масалалар билан майдонга чиқишади. Сўзимни мухтасар этиб, сиздан бир нарсани илтимос қилсам бўладими?

— Бажонидил.

— Биласизми, ҳар сафар менга интиқ бўлган миллатдошларимнинг ҳаммаси билан дийдор кўришиш насиб этмайди. Шу боис матбуот орқали мени билган дўстларга самимий саломимни йўллаб, уларга сўҳат-саломатлик, кўнгил хотиржамлик тилайман.



## СИЗ МУСТАҚИЛМИСИЗ?

### Жиндек изох

*Жумҳурият зиёлиларининг гуллари тўпланган но-расмий бир йиғинда Австралиядан таширф буюрган ўзбек математигига сўз бериб қолишди.*

*У оқ-сарикдан келган, бунинг устига, ўзимизнинг шарқ-лилардан унчалик фарқ қилмас, лекин жуда ширин бир тилда — соф туркий лаҳжада сўзлар эди. Аввалига биз унинг сўзларида юракка яқин бир оҳанг туйиб, сўнг эса ўзини тутиши, кўҳна шарққа хос катта маданият билан топиб, ўрнига қўйиб сўзлашига беш кетиб ўтирдик. Ва кутилмаганда у катта одоб билан бизни... танқид десам тўғри бўлмас, ким бўлиб қолганимизни таърифлай кетди.*

*— Мени кечирасизлар-у ростини айтсам, ҳадиксираб яшайсиз. Ҳеч нарсани ўз номи билан атамайсиз. Мутелик шунчалик. Масалан, туркий лаҳжаси бўла туриб, коммунистларни ҳеч тўғри атамагансизлар. Ахир бор-ку. Улар ўз номи билан камномуслар-ку...*

*Даврага уч дақиқали жимлик чўкиб, бирдан қарсақ янграб кетди... Биз ҳаётимизга чет кўз, тоза нигоҳ билан қараб, рост сўзни айтган'бу одам билан алоҳида суҳбатга чоғланиб, хайрлашув вақтда атай изн сўрадик.*

*— Домла, юртимизда яна қанча бўласиз? Кўришиб-учрашиш...*

*— Афсуски, шу шанбада қайтаётирман... — деди меҳмон узрли оҳангда ва шошилиб хайрлашди. У сездирмасликка ҳарчанд уринса-да, алланимадан ранжиган ва бу ердан тезроқ кетишга интилаётган одамга ўхшар эди.*

*Биз эса у киши билан бафуржа бир суҳбат қура олмаганимиздан армонда қолган эдик. Аммо ният холислигини қарангки, бундай суҳбатни эркчилар ёзиб қолишга улгуришган экан.*

*Шуни айрим қисқартишлар билан сизга илдиндик.*

ТАҲРИРИЯТ

Узим ҳақимда гапиришни унча хуш кўрмайман. Ота-онам асли тошкентлик. Қулоқлар рўйхатига киритилгандан сўнг, шўролар истибдодидан қочиб, 1931 йилда Шарқий Туркистонга кетиб қолган. Мен ўша ерда туғилдим. Математикман. 1985 йили Австралияга кетдим. Бошқа мамлакатларда Совет Иттифоқи ва Хитойда берилган дипломлар ҳисобга кирмайди, маълумотли ҳисобланмайди. Шу сабабли мен EGL O инженерлик компаниясига техник ишчи бўлиб ишга кирдим ҳамда қайтадан маълумот олиш учун иқтисод факультетида ўқий бошладим.

Австралияда 23 ўзбек хонадони бор, бир шаҳарда яшашади. Ҳаётлари яхши: тўқ, эркин. Фақат Ватан етишмайди. Гарчи мен Ўзбекистонни умримда кўрмаган бўлсам ҳам шу юрт мен учун муқаддасдир. Хитойдан кўра у ерда Ўзбекистон учун кўпроқ иш қилишим мумкин, деган иштиёқ мени Австралияга етаклади.

Австралиядаги бошқа ўзбеклар қатори мен ҳам Ўзбекистонни бир кўриш орзусида юрардим. Биз юрт ва юртдошларимиз ҳақида мутлақо бошқача тасаввурда эдик. Она юртга келиб эса, ҳали бу ерларда жуда кўп ишлар қилиниши кераклигини англадим. Ота-боболаримизнинг ажойиб фазилатлари бу юртда ўлиб бўлган экан. Четдан келган кишига бу фожиалар яққол кўринади. Одамлар ва умуман миллатнинг қиёфаси ўзгарган. Миллий руҳ, уч-тўртта зиёлини айтмаганда, кўринмайди. Оқибат қолмаган. Кишилар яшаш учун хоҳлаган қабоҳатдан қайтмайдиган бўлиб қолган. Уғирлик, бировнинг ҳақиға хиёнат, аддов ва пора олиш одамларнинг қонига сингиб кетган кўринади. Нима бўлса ҳам яшасам бўлди, деган қуллик ақидаси ҳукмрон. Ҳасад, ғараз, бир-бирини кўролмаслик, ноаҳиллик авжида. Уламوسي халққа, халқ уламога ишонмайди. [...]

Сизларда «оддий воқеа»га айланган бир ҳодисани айтиб берай. Бир куни меҳмонхонадан чиқиб, метрога тушдим. Шошинч ишим бор эди. Автоматга танга ташлаб, ўтиб кетдим. Орқамдан кимнингдир: «Хў, менга қаранг», деганини эшитдим. Менга алоқаси бўлмаса керак деб, кетишда давом этдим. Шунда кимдир елкамдан қаттиқ силтаб тортди ва орқага судрай бошлади. Қарасам, миршаб. «Нега чақирса қарамай, қочиб кетяпсиз? Бу ёққа юринг!» деб елкамдан ушлаганча, бурчакдаги миршабхонага олиб кирди. Мен ҳайрон бўлиб, нима гаплигини сўрадим. Миршаб жаноблари жавоб бериш ўрнига: «Ичиб олиб, энди қочиб қолмоқчимисиз!» деб бақира кетди. Ҳайрон бўлдим: мен деярли кам ичман. Уша кунлари оғзимга ичкилик олмагандим. «Кетаётган одамни тўхтатиб, хонага олиб киришга, сўроқ қилишга сизга ким ҳуқуқ берди?» дедим. У гапларимдан тутақиб кетиб, таъзиримни бериш учун ҳужжатимни сўради. Паспортимни кўргач, ҳовуридан тушиб узр сўради: «Кечирасиз, ўзимизникисиз, деб ўйлабман», деди. Мен: «Ўзингизникини хоҳлагандай хўрлайверар экансиз-да», деб чиқиб кетдим.

Австралияда миршаб шундай қилса, у судга берилади. Ўз йўлида кетаётган одамни ўз билганича тўхтатишга, унга қўпол муомала қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, ҳатто президентнинг ҳам. Инсон ҳуқуқи ва шаъни юксак қадрланади. Уни камситганлар қонун олдида жавоб беради. Бу ерда-чи? Ҳуқуқини ҳимоя қилиши тугул, беайб қамаб қўйишса ҳам, бирон қаршилиқ кўрсатмай, аксинча, «гуноҳ менда, кечиринг» деб ялинишаркан.

Миршаблари ўзбошимча юртда ҳеч қачон тартиб-интизом бўлмайди. Сизларда миршабларнинг бебошлиғи қонун билан ҳимоя қилинган. Шу боис, улар сизни хоҳлаганча ҳўрдаши мумкин. Бунинг учун у ҳеч кимнинг олдида жавоб бермайди. Бундай ҳол сиздаги ахлоқий маданиятсизликни кўрсатиб турибди.

Айтинг-чи, миршаби шундай бўлган юртнинг бошлиғи қандай бўлади?

Бу гапларни шунинг учун таъкидлаяпманки, инсон мустақил бўлмаган жойда, давлат ҳам мустақил эмас. Мустақиллик яхлит нарса. Инсон, оила, миллат мустақиллиги орқали Ватан мустақиллигига чиқилади.

Уша йили 14 сентябрь куни мустақилликни ҳимоя қилиб митинг бўлади, деб эшитдим. Камера билан майдонга келдим. Бир кишига беш миршаб йиғилибди. Кўриб ҳайрон қолдим: булар мустақилликдан бунчалар қўрқмаса?..

Мустақиллигингиз фақат қоғозда эканлигига яна бир далил келтираман. Мен шарқий туркистонлик дўстим Муҳаммад Эмин билан Ташкентда жемпер тикиш корхонаси очмоқчи бўлиб келгандик. Техникани Муҳаммад Эмин келтирадиган, маблағни мен топадиган бўлдик. Шу ниятда масъул жойларга учрашдик. Анча оворагарчиликлардан сўнг, ҳозирча бу ўлкада ҳеч нарса қилиб бўлмаслигини англаб етдик. Аввало, бизни қабул қилган жойлар ҳеч нарсани бўйнига олмади. «Хомашёни ҳам, валютани ҳам ўзларинг топинглар. Лекин соф фойданинг 50 фойизини бизга тўлайсизлар», дедилар. Бундан ташқари, ташаббусни тўсиб турувчи улкан бюрократик аппарат ишлайдики, бир ҳужжат учун сизни ойлаб овора қилиши мумкин. Биз корхонани миллатимиз учун қурмоқчи эдик, бироқ ҳали ҳам бирон корхона қуриш учун Москвадан рухсат олинса керак. Хуллас, турли баҳоналар туфайли биз корхона қуришдан воз кечдик. Ҳафсаламиз пир бўлди. Бизга ўхшаганлар кўп. Ишлаш учун оддий шароит яратилмаган мамлакатда қандай қилиб тўқ, фаровон жамият қуриш мумкин?

Хуллас, яхши ниятлар билан келиб, ёмон кайфият билан кетяпмиз. Халқимиз учун яхши ишларни амалга оширмақчи эдик, лекин бунинг ҳеч иложи бўлмади...

Сизларда инсоннинг маънавиятига, амалиётига, одамгарчилигига қараб эмас, унинг унвонига қараб муомала қилишаркан. Унвон, мансаб ИНСОНдан устун экан. Бу катта фожа. Бу коммунистик тарбиянинг маҳсулларидан бири. Сиз-

да маориф ҳам «коммунистлашган», жуда аянчли аҳволда. Маорифчиларингиз халққа билим, савод, тараққиёт эмас, жаҳолат, нодонлик бермоқда... Тиббиёт институтида бўлдим. 30 киши ўқийдиган бўлимда 7—8 киши ўқишга келган. Қолганлари ўқимайдими, деб сўрадим. Қолганлари пул бериб имтиҳон топшираркан. Буни эшитиб даҳшатга тушдим. Кириш имтиҳонлари ҳам пул экан. Кимнинг пули кўп бўлса, ўша ўқийди. Бу гапларни эшитиб, бу миллат ҳали-бери ғафлат, нодонлик ботқоғидан чиқолмайди, деб ўйладим. Маориф пулга сотилдими — миллатнинг ўлгани ўша. Сизлар худо деб сиғинадиган қавмлар ўрмондан чиқишни билмаган пайтларда биз илм, маданият, санъат, фанда дунёда донг таратиб турган халқ эдик. Шу халқнинг фарзандлари саводсизликни, нодонликни пулга сотиб олмоқда, савод, маданият бергани учун русларга қуллуқ қилмоқда. Ҳар бир халқ тарихга бўлган муносабатига қараб келажакдаги тараққиёсини белгилаб олади. Сизларда тарихни мутлақо билишмайди. Тарих билан, ота-боболари билан фахрланиш туйғуси, ифтихор туйғуси ўлган тарихидан беҳабар одам кўр одамга ўхшайди — қаёққа етакласанг ўша ёққа кетаверади. Бу халқни бугун жаҳолат, қабоҳат, қаҳатчилик, нодонлик кўпчиб ётган ботқоққа етаклаб келдилар. Ундан чиқиш қийин кечади.

Бир жойда мени бир тўда амалдорлар меҳмон қилишди. Дастурхон устида улар: «Биз дунёда энг бахтли, тўқ, фаровон халқмиз», дейишди. Мен чидаб туролмадим. «Ўзбекларнинг қанча фоизи сизларга ўхшаб майшат қилиб яшайди?!» — деб сўрадим. — Сизлар шу бахтсиз халқнинг ҳам энг бахтсизисизлар», дедим. Улар хафа бўлишди. Мен эса улар билан бир дастурхондан овқат еганимдан уялдим. Хуллас, қаёққа қараманг, фожиа. Қадимда бу халқ фан, санъат, маданият, адабиёт намояндалари билан яқинлигидан фахрланишган, бугун эса ўғрилар, қароқчилар, фалон бойваччалар, сотқинлар, порахўрлар билан яқинлигидан фахрланадиган бўлибди. Бу даҳшатли қабоҳат!

Сизларда Вақтни қадрига мутлақо етишмас экан. Вақт, бу — бойлик, тараққиёт, маданият дегани. Вақтни ким хор қилса, у бойликни, маданият ва тараққиётни хор қилган бўлади. Тараққиёт жаmiятда яшаётган одамларнинг вақтдан қандай фойдаланишига қараб ё юксак, ё паст бўлади. Шўролар давлати инсон ва вақтни ҳеч қачон бир-бирига яқинлаштирмайди. Вақтни аждаҳодай ютиш ва жаmiятни тараққий эттирмаслик учун атайин бюрократия машинасини яратиб қўйибди. Шўролар давлати қобилиятнинг, ташаббус ва камолотнинг душмани. Қобилият ўлдирилган жойда Вақт ҳам, тараққиёт ҳам ўлади. Мендан кўпинча «Ватанга энди қайтсангиз бўлмайдингиз», деб сўрашади. Бу савол чет элларда яшаётган барча ўзбекларга берилса керак. Мен ҳам бу ҳақда кўп ўйлайман. Бироқ Тошкентга қайтсам, миллат учун нима иш қила оламан?! Келиб, муте, қул бўлиб яшайманми? Сизларга ўхшаб, тириклигини исботлай олмаётганлар

сафига келиб қўшиламанми? Ким қайтса, хароб бўлиши тайин. Моддий томондан эмас, маънан. Бу ерга шу пайтда — Қуллик ҳукмрон пайтда келиш — инсоний қиёфадан ажралиш билан баробар. Жемпер корхонасини қандай қилиб қура олмаган бўлсак, инсоний қиёфамизни ҳам шундай тиклай олмаймиз. Қиёфасиз одам эса қулдир. Биз қулликка чидай олмаймиз.

Ҳақиқий мустақиллик куни келишига ишонаман. Бунинг учун... биринчи навбатда халқни нодонлик ботқоғидан, маърифатсизликдан қутқариш керак. Чет элларга талабалар (мустамлакада яшаётган Уйғур автоном жумҳуриятининг Японияда 150 та, Олмонияда 40 та, Францияда 16 та, Англияда ҳам шунча, Амрикода 200 га яқин талабаси бор) жўнатиш зарур. Бу ишларни амалга оширишда сизларга омадлар тилайман. Худо сизларга куч-қувват берсин.

Юқорида миллатимизнинг кўпгина фожиалари ҳақида гап бўлди. Бу дегани, миллат абадий шу аҳволда бўлади, дегани эмас. Мен ўз халқимга, унинг кучига ишонаман. Унинг коммунистик «оғу» билан заҳарланган маънавияти қайта соғломлашади, қайта гўзал қиёфага киради. Яна дунёга донг таратадиган миллатга, юртга, илм-фан, тараққиёт марказига айланади. Бунга ҳеч шубҳам йўқ.





## ЮРТИМ ДЕСАМ

*Мирзо Бобур — сен, фигонинг  
Солди олам узра ўт,  
Шоҳ Машраб қони сенда  
Урди тугён, ўзбегим.*

# Мақсуда Эргашева

## Бу не элким...

*Бу не элким, орифу олимлари бирлашмагай,  
Золимлари бирлашса-ю, солимлари бирлашмагай?  
Бирлашур ғамлар, вале ғамкашлари бирлашмагай,  
«Миллатим!» — деб йиғлаюрлар, кўз ёшлари бирлашмагай?*

*Бу не элким, лоақалли бирлиги бирлашмагай?  
Бирлашур қуллиги, лекин ҳурлиги бирлашмагай.  
У — адиб, ёзувчи — бу, деб шоирлари бирлашмагай,  
Дарду дунёси Ватанга доирлари бирлашмагай?!*

*Бу не элким, боши узра якка бир байроғи йўқ!  
Менга — оқ ранг, сенга — кўк ранг, деб талашмас чоғи йўқ,  
Хотунларин бемори кўп, фарзандларин иқболи йўқ,  
Шул сабабми, бу Ватанда зор қўнмаган бир боғи йўқ.*

*Мунглиғу ожиз қизингман, эрку ҳурлик истадим,  
Минг азоб чеккан, таланган юртимга бирлик истадим.  
Биттасан, бирлик ато эт, халқимга, эй холиқ худо!  
Қўлларим очиб фалакка, Аллоҳга қуллик истадим.*

## Умид чечаклари

*Қайси бир дардингни айтиб йиғлайин,  
Эй сен, Бобурлари ташлаб кетган юрт.  
Илонлар, чайнлар сиққан Ватанга  
Сигмасдан кўзини ёшлаб кетган юрт.*

*Бир Бобур кетмади, балки унинг-ла,  
Буюклар, даҳолар, нодирлар кетди.  
Бу туркий дунёни битта кафтида  
Бир қилиб турмоққа қодирлар кетди.*

*Бобурнинг белида олис юртларга  
Ҳумоюн, Акбаршоҳ, Шоҳжаҳон кетди.  
Балки Андижонда қад ростлагувчи,  
Осорул атиқа Тожмаҳал кетди.*



*Ҳайҳотки, Бобуршоҳ ёлғиз кетмади,  
Саркарда сипоҳу салтанат кетди.  
Жаннат водийларни жоҳилга ташлаб,  
Омаду бахт кетди, эъгиқод кетди.*

*Султон суягига вафо қилмасдан  
Бир-бирин гўштиги еяр бўлдилар.  
Ёғийлар яйрашиб мурдор оёғин  
Туркистон юзига қўяр бўлдилар.*

*Бугун тангри билмас бир ёвуз юҳо  
Жайҳун ва Сайхунни сижирмоқдадир.  
Манглайин шўр босган бу туркий замин  
Юрагини қуртлар кежирмоқдадир.*

*Лекин бу жафокаш тупроқ узра ҳам  
Умид чечаклари тугилмоқдадир.  
Фарғона, Андижон, Самарқанду Шош  
Илоҳий бир нурга йўғрилмоқдадир.*

*Бу шеърда на ташбеҳ, на истиора,  
Шиқаста дилимдан илтижо, холос:  
Бу кун ҳам бобурлар тугилмоқдадир  
Уларни авайлаб қучоғингга бос.*

# Хуршид Дўстмуҳаммад

## ЧИН ВАТАН САРҲАДДАРИ

### Нималарга қодирсан, ўзбек?

Дунёда озодликни истамайдиган халқ йўқ. Ҳаётнинг фалсафаси шу қадар ғаройибки, ҳатто озодлик нашидасини сураётган дунё халқлари ҳам янада озодроқ, янада мустақилроқ яшашни орзу қиладилар. Биз Ўзбекистон озодлик сари одим ташлаган тарихий даврнинг шоҳиди бўлиб турибмиз.

Мен оқ-қорани танганимдан буён Ватанимизнинг мустақилликка эришиши мумкинлиги ҳақида асосан ёзувчи-шоирлар, рассомлар, санъаткорлар даврасидагина эркинроқ баҳс айланганига гувоҳ бўлганман. Аксарият ҳолларда эса Ўзбекистоннинг СССРдан ажраб чиқиши мумкинлиги тўғрисида оғиз очган киши очикдан-очик майна қилинган. Расмий минтақаларда бундай изҳоридил этувчи одам нақ ватан хоинига чиқарилган.

1991 йилнинг баҳорида ўтказилган халқ референдуми арафасида жумҳуриятимиздаги коммунистик фирқа маҳридаги барча рўзнамалар, телевидение ҳар куни халқни СССРдан ажрамасликка даъват этди. Эл-юрт эътиборидаги не-не халқ ноиблари, нуфузли зотлар Ўзбекистонни мустақил кўриш орзуидаги «айрим калтафаҳм»ларни узоқни кўра олмасликда, халқни нотўғри йўлга чалғитаётганликда айбладилар. Барча чиқишларнинг хулосаси бир, яъни «Айрилгани айиқ ер!» эди. Шундай фикрни уқдиришга уринганларни «Хўш, жаноблар, мустақиллик йўли танланганида нега энди ўша вақтдаги сўзларингни қатъий туриб ҳимоя қилмаяпсизлар?» дея саволга тутиш ниятим йўқ, чунки бизнинг жамиятда, айниқса матбуот саҳифаларида бирёклама, эгизак мулоҳазаларни мутлақ ҳақиқат даъвосида айтиш одат тусини олган. Кескин баҳс-мунозараларга йўл қўйилмаган, йўл қўйилган пайтларда эса баҳс маданиятининг ожизлиги панд берган.

Ҳозирга қадар ҳаётимизни не-не улуғ зотлар, мутафаккирлар томонидан яратилган назариялар, йўл-йўриқлар асосига

қуриб яшадик. Бироқ аввалида ҳаётбахш ва мукаммал кўринган таълимотлар ҳам кўп ўтмай чиппакка чиқаверди, уларнинг бари охир-оқибатда одамларнинг турмушини издан чиқаришга олиб келди. (Мутахассисларнинг фикрича, Русия тарихида 17 карра қайта қуришга уриниш бўлиб, унинг бирортаси ҳаётни тўғри изга солормаган). Жамиятда ҳукм сурган қонун-қоидалар шу қадар бетайин ва шу қадар ғайринсоний эдики, азбаройи одамлар тасаввуридаги эзгулигу разиллик, яхшилигу ёмонлик, қалоллигу ҳаромлик тушунчалари остин-устин бўлиб кетди. Ҳатто озодлик, мустақиллик тушунчалари ҳам жуда жўнлаштирилиб, сунъийлаштирилиб юборилди.

Қодир табиат ўзининг эрка фарзандлари бўлмиш инсонларга эмин-эркин яшаб, баркамоллик чўққиси сари улғайиш йўлларини белгилаб бергани қолда шўро жамиятидаги барча сунъий қонун-қоидалар ана шу имкониятларни муттасил вайрон қилди — одамини одабийлик қиёфасидан маҳрум этишга уринди. Буларнинг оқибатини кўриб турибмиз — иқтисодий бухрондан юз, минг карра даҳшатлироқ маънавий таназзул даврини бошдан кечирмоқдамиз. Ана шундай пайтда мустақиллик мақомига эришмоқчи эканмиз, «Энди нима қилмоқ керак?» деган саволни ниҳоятда кескин қўймоғимиз шарт. Тарихий, ижтимоий-сиёсий воқеалар силсиласида етилган вазият бизга шундай марҳамат кўрсатиб, «Қани, ҳой, ўзбек, нималарга қодирсан?!» дея саволга тутиб турибди.

Иқтисодий муаммоларнинг қалашиб ётганлигидан қатъи назар, тарих ўзбеклар олдига маънавият бобида сифатий янгиланиш вазифасини қўйди.

Маънавий-маърифий муаммолар ҳақида сўз борар экан, менинг назаримда, биринчи вазифалар қаторида замонавий ўзбекнинг маънавий номаи аъмолини яратмоғимиз зарур. Яъни, ўзбеклар эзгулик ва разилликни қандай тушунадилар? Гўзалликни қандай тушунадилар? Тарихни, эркни, мустақилликни қандай англайдилар? Меҳнат қилиш, ҳордиқ чиқариш, мутолаа маданиятини нечоғли ўзлаштирганлар? Ўзбекларда қариндош-уруғчилик анъаналари қандай? Давлат, жамият туйғуси шаклланганми? Ўзбеклар тижорат сирларини эгаллаганмилар? Овқатланишни биладиларми? Мусиқадан завқланишни-чи?..

Фавқуллода саволларни кўндаланг қўйишдан мутлақо чўчимаслик керак. Негаки, шунга ўхшаш янғ кўплаб саволларга топилажак ва умумлаштирилажак жавоблар пиравордида келгуси аср бўсағасидаги ўзбекнинг ўзлигини англашга олиб боради. Ўзлигини англаган, англашга ҳаракат қилаётган халқ ҳаёти мазмунан бойийди, ботинан ва зоҳиран гўзаллашади, умрига барака киради.

Ана шундай гўзаллик висолига олиб боражак йўллардан бири — Ватан туйғуси, кичик ватан ва Ҳақиқий ватан тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ.

## Мусофир қадриятлар зўравонлиги

Ҳаётнинг энг улкан ҳақиқати — яшаш учун кураш. Қумурсқадан ҳайвону паррандагача, инсонгача ҳар лаҳза-ҳар нафасда ўзидаги омонат жонни бой бермаслик ҳаракатида бўлади. Омонатнинг (жоннинг) умрини узайтиришнинг бош шартларидан бири — ватанда яшамоқ!

Ҳомила учун онанинг қорни ватан. Ҳазрат Навоийнинг машҳур, «кўзим қаросига мардум киби ватан қилгил» мисрасига зеҳн солсак, мардум, яъни кўз гавҳарининг Ватани — кўз қорачиги! Демак, ҳомила учун она қорнидан, кўз гавҳари учун кўз қорачигидан кўра мосроқ ва азизроқ ватан йўқ! Фикрни чуқурлаштираксак, комил инсоннинг у дунёдаги ватани — жаннат, кофирники — дўзах!

Қизик, айрим микроблар чанг таркибида яшаса, айримлари кўлмак сувларда урчийди. Яъни улар учун чанг билан кўлмак ватан!

Ҳар қандай тана ўзидаги жон учун ватан вазифасини ўтайди. Буларнинг барида қисмат бир: ватанга шикаст етса, жон чиқади!

Тана жон учун ватан бўлса, тана ҳам ватанга муҳтож. Бинобарин, худо борлиқдаги ҳар қандай жондору нарсанинг яшамоғи учун муносиб ватан яратган. Жумладан, барча халқлар қатори ўзбеклар учун ҳам! Мазкур ҳақиқатдан келиб чиқсак, ўзбек кўз гавҳари бўлса, Ўзбекистон бамисоли кўз қорачиги! Бу қорачиққа бегона кўз гавҳари сиғмайди ёки шу қорачиққа мослаша олган гавҳарларгина сиғади.

XX аср маҳаллий «гавҳар»лар мусофирлар гавҳарлар томонидан сиқувга олинган асрга айланди. Мусофир қадриятлар маҳаллий қадриятлар устидан зўравонлик даъвосига ўтган жойларда ўнганмас фожиалар келиб чиққанини кўриш учун узоққа боришнинг ҳожати йўқ!

## Алданган ва бўйсундирилганлар

Октябрь инқилобига қадар маҳаллий халқларда кишилар феъл-аъворининг — характерининг ўзагини миллий, маҳаллий, диний қадриятлар ташкил этган. Кишиларнинг маънавий ватани бўлмиш бундай қадриятлар мутлақо дахлсиз сақланган, ҳар қандай мушкул шароитда ҳам улар бегона назардан, ёт таъсиротлардан асраб-авайланган. Ҳатто турли низо ва урушлар туфайли ҳудудий эгалик қўлдан кетган пайтларда ҳам миллий, диний эътиқод катта талофот кўрмаган. Ўзбек учун Худо, Оила ва Фарзандан буюкроқ, муқаддасроқ тушунча бўлмаган. Деҳқон ерга, ҳунарманд қўл кучига, уламо илмига ишонган. Қўни-қўшни, қариндош-уруғ, маҳалла-гузар, қишлоқ, масжиду мадраса ижтимоий-сиёсий муҳитни ташкил этган. Мазкур соф ўзбекиона қадриятлар мажмусидан **ЎЗБЕКНИНГ ВАТАНИ** ташкил топган.

Халқимиз орасида маърифатпарварлар, юксак мақомдаги зиёлилар бўлганини эътироф этган тақдирда ҳам XIX аср ўзбеги дунё халқлари орасида илғор мавқега эга эмас эди. Лекин, бу, «ўзбекка 400 йилда ҳам ақл битмайди» деган ҳукм чиқаришга асос бермайди. Башарти, Русия Урта Осиёни босиб олмаганида, башарти, Октябр инқилоби шарофати билан «озодликка» чиқмаганимизда, башарти, 74 йил мобайнида социализм «юксакликларига» кўтарилмаганимизда ҳам ўзбек XX аср аввалидаги феодализм даражасида қолиб кетмас эди, капитализмни четлаб «социализм» аталмиш тубсиз чоғга сакраш ўрнига ошиқмай табиий ривожланиш йўлида анча илгарилаб улгурган бўлур эди. Афсуски, биз тараққиётнинг муқаррар қонуний босқичи устидан сакраб қўйдик, тўғрироғи, елкамиздан туртиб бизни сакрашга мажбур қилдилар.

Шу нарса ҳам аён ҳақиқатки, қорни нонга тўймай, усти энгил-бошга ёлчимай, саводи чиқмай ўтаётган омма ва айрим табақа вакиллари инқилоб ваъда қилаётган иқтисодий ва сиёсий рўшнолик Ўзбекининг ватанини кунпаякун қилиш эвазига келишига ақли етмаган, бунга ақли етганлар эса босқинчи қадриятлар ва уларга алданган маҳаллий лақма фаоллар зуғумига қаршилиқ кўрсата олмаган. Алданганлар алданиб яшайверган, алданмаганлар кириб ташланган ёхуд бўйсундирилган.

«Оловли йўллар» фильмида шундай лавҳа бор: Ҳамза Шоҳимардонда аёл-қизларни паранжини улоқтиришга, қишлоқ марказига чиқиб, давра ясаб, ўйин-кулги қилишга чорлайди... Қишлоқ аҳли дунё дунё бўлиб кўрмаган бир ҳол. Уларнинг назарида Ҳамза ким? Дажжол эмасми?! Номаҳрам эркак хотин-қизларни бундай йўлга бошлашига қандай ҳақ-ҳуқуқи бор?! (20-йилларни қўя турунг, ҳозир биров маҳаллангизга келиб шундай қилиб кўрсин-чи!)

Ҳамзанинг, тўғрироғи, фильм ясовчилар яратган Ҳамза образининг назарида аёлларни ўша тариқа озодликка олиб чиқиш юксак инсонпарварлик, жасорат саналади. Лекин айтилган вақтда Ҳамза ўзининг бу «адолати» билан Ўзбекининг ватанини кўтариб турган асос устунлардан бўлмиш ўзбек аёлининг шайнини, яъни — аёлларни номаҳрам назаридан асрашдек ўта нозик азалий миллий қадриятни оёқости қиляпти-ку! Бундай «инсонпарварлик», «Аёлни биргина эркакка боғлаб қўйиш худбинлик, ҳар бир аёл барча эркакларникидир», деб аёлларга мутлақ ҳурлик бериш таълимотини илгари сурган Маркиз де Саднинг «покиза» ниятларидан моҳиятан йироқ эмас.

Биргина шу — хотин-қизларга муносабат масаласидаёқ инқилобдан кейинги ўзбек иккига ажраб кетди: аёлларни Ҳамза (образи) истаган қабилда озодликка чиқишини ёқловчи — янгилар ва буни рад этувчи — эскилар. Кўп ўтмай мазкур эски ва янгилар орасидаги ихтилоф катта-кичик ижтимоий-маиший муаммолар баҳонасида шиддатли суръатда кескинлашди, яхши ниятлар қобиғида келган мусофир

қадриятлар зўравонлик йўлига ўтиб, Ўзбекнинг ватанини горат ва поймол қила бошлади. Миллатлар орасидаги майда-йирик тўқнашувлардан тортиб, то асосан ваташпарварлик ҳаракати бўлган босмачиликкача шу зўравонлик касофати эди.

Куллас, асрий қадриятларимиз зўравонлик билан ёки алдов йўли билан ўзгартиришга киришилди.

## Оломонлар салтанати

Алданмасликнинг бирдан-бир чораси Ўзбекистон дея аталувчи Ватанда ўзбек халқи сифатида яшамогимиз аллақайси дохий ёки аллақайси фирқа, мафкура томонидан эмас, Қодир табиат томонидан белгилаб қўйилганини, бунга ҳеч қандай ташқи инсоний куч дахл кўрсатишга, ҳатто аралашушга ҳаққи йўқлигини ҳис қилмоғимизда эди! Биз қандайдир йўлбошчилар эмас, Қодир табиат йўриғига юрмоғимиз керак эди. Инсоний камолотимиз ва саодатимизнинг бош ва ўзгармас мезони ҳам шу бўлмоғи керак эди!

Биз ана шу мезонни унутдик ва ҳаётимизни нуқул ташқаридан келган, келтирилган андозалар асосига қурмоқчи бўлавердик.

Ҳар қандай жамиятнинг, ҳокимиятнинг одиллик даражаси ўз фуқароларига комил инсон мартабасига етишмоқ учун нечоғли шарт-шароит яратиб бергани билан ўлчанса, дунёдаги «энг инсонпарвар» жамиятимизда инсоний камолот чўққиси «совет халқи», «совет кишиси» деган тушунчага олиб бориб тақалди.

1918 йили бўлиб ўтган Оренбург губерния 1-қурултойида «энди казаклар ҳам, деҳқонлар ҳам, мусулмонлар ҳам йўқ, фақат граждандар бор, холос» деган фикр устулик қилди. Бу — даҳшатли нуқтаи назар эди! Шундай жоҳилликлар оқибатида миллий мансублик ўрнига «совет фуқароси», маҳаллий мансублик ўрнига «эсэсэсэрлик» дейиш расм тусини олди. Она-Ватан қайғусида эмас, «совет ватанпарвари» сифатида жон олиб жон берилди. 1977 йилги КПССнинг XXIV қурултойи мамлакатда «янги тарихий бирлик — совет халқи» вужудга келганини зўр тантана билан дунёга жар солди. Аслида бундай тушунча ва атамаларнинг бари тағзаминдан холи, ёлғон ва ясама қадриятлар эди! Уч юз милёнлик турфа халқ-элатни моддий-маънавий ватанидан, демак, инсонни инсон қилиб турган ўқ илдизидан маҳрум этган ёвуз ёлғон шу эди!

Айни шу ёлғон сиёсат, воқеа-ҳодисаларга муносабат билдириш одоби — барча-барчаси халқни оломонлашувига, оломонни тафаккурдан, ҳис-туйғудан маҳрум этишга қаратилган эди. Қодир табиат ҳар бандага шахслашув имконини ато этгани ҳолда, бизнинг жамият шахслашувни қатағон этди, мутеларча бўйсунувчи оломонлашиш эса муттасил рағбатлан-

тирилди. Уч юз милёнлаб халқни бир ёқадан бош чиқартирадиган, бир хилда текис ва силлиқ фикрлайдиган (аслида фикрламайдиган!) қилиб қўйган бундайин мустабид сиёсатни кўҳна тарих кўрмаган!

Аянчлиси шундаки, оломонлашув халқнинг қуйи табақасидагина эмас, олий табақаларни ташкил этувчи раҳбарлар, олимлар, муаллимлар, ижодкорлар — зиёлиларнинг ҳам вужуд-вужудига сингиб кетди. Инсонни улугловчи руҳ тарбияси издан чиқди, руҳ ўлдирилаверди, унинг ўрнига тубанлашишнинг бирдан-бир шarti — одамлар ёппасига нафс бандаларига айлантирилди. Бир неча авлодлар ўмри мобайнида моддий-маънавий ватанидан жудо этилган ва ўрнига ўрин ҳеч қандай ватан берилмаган бундай халқ бир чўпон измидан чиқмайдиган пода янглиг оломонга, мамлакат эса ватанида беватан ва маънавий қадрият илдизлари аёвсиз қирқилган оломонлар салтанатига айланди.

Сўнгги беш-олти йиллик ўзгаришлар Ўзбек ватанининг заминини, унинг қадриятларини қайта идрок этишга бир қадар имкон яратди. Ана шундай паллада Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинди. Бу — воқеаларни, ҳаётни, жамият ва инсоний комиллик тўғрисидаги тушунчаларимизни, бир сўз билан айтганда, замонавий ўзбек тушунчасини қайта бошдан идрок этишга даъват этмоқда.

## Кичик ватан

Файласуф олим Қўчқор Хоназаровнинг «Сиёсий маданиятимиз ҳақида» («Еш ленинчи», 1991, 17 сентябрь) тоифасидаги чиқишларни айни кўпайтириш пайти. Ушбу мақолада «Умумбашарий нуқтаи назардан қараганда, ўзбек халқи ўзининг сиёсий маданияти жиҳатидан ҳали кўп ўсишга муҳтож»лиги, «сиёсий маданият устидаги ишимизни энг ибтидоий даражадан» бошламоғимиз кераклиги ёзилган. Мутлақо тўғри фикр! Халқимиз маданиятли инсон сифатида ўзлигини англамоғи учун ҳали кўплаб бошланғич таълимотларни ўзлаштирмоғи зарур. Мақоладаги муҳим фикрлардан бири: «Сиёсий маданият асосан тўрт устунга суянади: инсонпарварлик, демократия, ошкоралик ва кўпфирқалилик».

Кишиларнинг сиёсий маданиятини оширишда мазкур тўрт шартнинг муҳимлиги муаллиф томонидан асослаб берилган. Унга эътироз йўқ, лекин мулоҳазани чуқурлаштиришга уринсақ, демократия ҳам, ошкоралик ҳам, кўпфирқалилик ҳам (кўпфирқалиликни ҳурфирқалилик деб ўқисак аянам яхши) инсонпарварликдек юксак тушунчанинг айрим қирраларини ташкил этади, холос. Қолаверса, мазкур тўрт талаб аввало одамларга эмас, балки ҳокимиятга кўпроқ тааллуқли. Ҳокимият чинақам инсонпарвар бўлган жамиятда демократия, ошкоралик, ҳурфирқалилик ва ҳоказо шарт-шароитлар ўзидан йўлга қўйилади, фуқаролар шу руҳда тарбия топа-

веради. Бордию ҳукмрон сиёсат бунга йўл қўймаса, шарт-шароит яратмаса-чи? У ҳолда одамлар томонидан жорий этилган демократия, ошкоралик, ҳурфикрлилик ҳукумат томонидан жиноят сифатида баҳоланиши ҳеч гап эмас.

Бу — масаланинг бир томони. Иккинчи нозик жиҳати шундаки, одамларнинг баркамол инсонлик мартабасига етишишини (сиёсий маданиятини ошириш ҳам шу жумладан) фақат ҳокимиятга боғлаб қўйиш икки жиҳатдан хавф туғдиради: биринчиси — ҳукмрон сиёсат демократлаша олмаган тақдирда одамларда «Юқоридан шароит яратилса маданиятли, ҳалол бўламан, акс ҳолда тубанлашавераман», деган кайфиятни келтириб чиқаради (ҳозиргача шу қабилда яшамокдамиз). Иккинчидан — бордию, ҳокимият чинакам инсоний шароит яратиб бергудай бўлса, халқ ҳукуматга, унинг раҳбариятига офаринбозликка оғиб кетади. Сир эмаски, бу, хусусан биз ўзбекларга кўпроқ хос одат. Мисол учун ўзидан қудратлироқ, ҳожатбарорроқ одам олдида ялтоқланиш айрим кишига нисбатан ғайриахлоқий қусур деб қўяқолсак, бутун бир халқнинг феълида бу касалликнинг бўртиб кўриниши турган-битган фожиадир, устига-устак комил инсон тушунчасига мутлақо зиддир.

Айтмоқчиманки, комил инсонлик мартабасига кимлардандир марҳамат кутиш билан, «юқори»нинг иноятларига ҳамду санолар ёғдириш билан эмас, балки буюк табиий уйғунлик — Қодир табиат уйғунлигига мослашиш, унгагина бўйсуниб орқали эришилади.

Сиёсий маданиятимиз миқёслариңи ва у орқали ўз миллатимиз, она-ватанимиз Ўзбекистонни, умуман дунёни саводли англаш даражасини билмоқ мақсадида ҳар ким ўзини: «Менинг воқеа-ҳодисаларга муносабатим тафаккурнинг қай босқичига тўғри келади?» деган савол билан тергаб кўрса ёмон бўлмасди.

Мен «Кичик ватан» деганда жуда кенг моддий-маънавий қадриятлар мажмуини умумлаштирган «Ўзбекнинг ватани» тушунчасини назарда тутган эдим. Аммо-лекин ватан тушунчаси бу билан тугамайди, зеро, чинакам инсоний саодат Ҳақиқий ватанни англашдадир!

## Ҳақиқий ватан сарҳадлари

Ўзбекистонни моддий ва маънавий тобеликдан халос этиш билан ўзбек чинакам озодликка, чинакам мустақилликка эришадими? «Ватан» тушунчаси Ўзбекистонга эгалик билан чекланадими?

Асло, бу — ҳақиқий озодликнинг дастлабки босқичи, холос. Чин инсоний озодликнинг чеки-чегараси йўқ. Ҳақиқий саодат Қодир табиат ҳар бир инсонга ато этган Сарҳадсиз ватанни ҳис этиб яшамокликда!



Инсоният тарихи Кичик ватан учун курашлар тарихидан иборат. Она-ватан озодлиги йўлидаги зафарли жанглار пиравордида босқинчилик юришларига улашиб кетганига мисоллар кўп. Искандар Зулқарнайндан тортиб Чингизхон ва Темурга қадар, Мовароуннаҳр хонликларидан тортиб Урта Осиёнинг Русия томонидан истило этилишига қадар, Гитлер фашизмидан то социалистик империяга қадар — ҳаммасида Ватан сарҳадлари ўзга ватанлар ҳисобига кенгайтирилган.

Қиёслаб кўрайлик: Искандарнинг ватани катта эдими ёки Темурники? Оврупони забт этган Гитлернинг қўл остидаги ватаннинг улканлиги қаерда-ю, ўз ғоялари, қуроли кучлари билан бутун Ера юзига панжа отган шўролар салтанатининг қудрати нимада эди? Ажабтовур қиёсларга журъат этсак, инсоният тарихида ўтган барча соҳибқирону саркардалар қўл остига киритган ватанларни жамлаган тақдирда ҳам улар биргина Муҳаммад алайҳиссалом англаган ватанга ёки бўлмаса Нақшбандий, Аттор, Кубро, Яссавий, Жомий, Навоий, Ғаззолий ва ҳоказо авлиёлар, ё бўлмаса Е. Блаватская, Н. Рерих сингари зотлар ботинан жо этган Ватанларга тенг келармиди!..

Шунинг учун ҳам тенг келмайдики, буюк зотлар эгаллаган Ҳақиқий ватан — Самовий уйғунлик қилич билан эмас, тафаккур ва қалб қудрати билан забт этилади. Бундай бахтга элтувчи қалб ва тафаккур тарбияси унутилган жойда одамлар Ҳақиқий ватанга орзумандликни унутдилар, бунинг оқибатида ўзга юртларни босиб олиш, ўзгалар бахтига чанг солиш, ўзганинг мол-дунёсига кўз олайтириш, ўзганинг жонига қасд қилиш, инсоний саодатни ўтқинчи ҳаловатларда кўриш — айна кунларда кўз ўнгимизда кузатилаётган ҳоказо иллатлар оддий ҳолга айланаверади...

1968 йили вафот этган можор адиби Бела Хамваш ўзининг «Далв» сарлавҳали асарида ҳозирги кунларда кечаётган ғалотўпларнинг самовий сабабларини асослаб берган. Адиб Қуёшнинг Ерга нисбатан оғиш бурчагида юз берадиган ўзгариш ҳодисасининг заминимиздаги ҳаётга таъсирини тадқиқ қилган. Қуёшнинг оғиш йўли 2000 йилда 30 даражани ташкил этади ва ҳар 2000 йилда бир бурждан иккинчисига кўчади. Шу ҳисобга кўра ҳозир космик ой ниҳояланиб Ер Балиқ буржидан Далв буржига кўчиш арафасида турибди. Ердаги 2000 йилга тенг бўлган «Ҳар бир космик ой, — деб ёзади Б. Хамваш, — улкан тарихий даврдир, бу — юнонларда дон деб аталади. Ойдан ойга ўтиш чоғида умумбашарий кескин ўзгаришлар кузатилади. Ҳар 6 космик ойдан сўнг улкан фалокатлар юз беради».

Демак, асримиз пиравордида курраи заминимизда, жумладан бизнинг минтақаларда рўй бераётган табиий офатлар, ҳалокатлар, ижтимоий-сиёсий портлашлар сабаблари Ерга — ён-атрофимиздагина эмас, кўпроқ Коинотда ҳам экан-да! Буржлардаги оғишларгина эмас, Қуёшдаги портлашлар, Ой фазалари Ерга таъсир кўрсатишини биламиз. Қадим-қадимда

оғир юқумли касалликларнинг тарқалиши, тошқину зилзилалар, ҳатто катта урушлар Койнотдаги жараёнларга дахлдорлиги айтилган. Чернобил фожиаси, Уш, Фарғона воқеаларининг бир чеккаси ҳам самовий жараёнларга тақалмоқда. «Янги давр дунёни англаш асослари» китобида одамларнинг тафаккури, фикрлаши Нафис ва Оловли Дунё қатламлари билан узвий боғлиқлиги ҳақида мулоҳаза юритилган. Руҳан бой — руҳоний бўлган дастлабки одам шу уч Дунёда яшаган, бинобарин, самовий қатламлару (Етти қават осмон) дунёларни бирлаштириб турган улкан уйғунлик — буюк мувозанат одамнинг руҳий — Ҳақиқий ватанидир!

XX аср одамларининг энг катта фожиаси, ана шу Ватандаги беватанлиги. Замондошлар учун энг олий нажот ҳам Буюк ва Мутлақ самовий уйғунлик тимсолидаги Ватанни англамоқликдир!

«Биринчи одамларда илоҳий келиб чиқиш туйғуси равшан анланган. Улар табиат — руҳ — қалбнинг абадий бирлигини ўзларида мужассам этган одамлар эдилар», дейди Б. Хамваш.

Зикр этилган «самовий уйғунлик», «катта ватан», «ҳақиқий ватан», «инсоний саодат», «буюк мувозанат», «мутлақ уйғунлик», «олий мувозанат» сингари иборалар маъно жиҳатидан бир тушунчани ифодалайди. Эйнштейн тасаввуридаги «олий илоҳий куч» иборасини ҳам шулар қаторида келтириш мумкин, зеро, буюк физик олим «Олий илоҳий кучни тушуниб етиш учун мана шу коинотга қараб турсам, у Аллоҳнинг борлигини қалбимга солади» деб ёзган. Демак, санаб ўтилган иборалар айтиладими ёхуд Аллоҳнинг муборак номи тилга олинадими — моҳият ўзгармайди: ҳар қайси ҳолатда ҳам сўз Самовий уйғунлик назарда тутилган буюк ва мутлақ ҳақиқат — ҲАҚ ҳақида бораётган бўлади. Ҳақиқий инсоний юксалиш шу ҳақ висолига мубталолик орқали бўлади.

Миллий туйғуни англаш, она юртни азиз ва мукарам билиш кишини юз карра улуғласа, шу йўл орқали ўзини Самовий уйғунликда, Самовий уйғунликни ўзида ҳис эта олмоқлик Инсонни минг карра улуғлайди! Бундай инсоннинг қилган иши, босган қадами, сўзлаган каломидан ҳаётбахш нурлар таралади.

Фуқароларини ана шундай ҳурлик, озодлик йўлига сола олган Ватангина мустақил ҳисобланади, шу мақомга етиша олган одамларгина ватанда беватан яшаб ўтмайдилар.

«Ҳар қандай маданият ва ҳар қандай халқда ташқи олам билан инсоннинг ички дунёсида бақамти борувчи оқимлар мавжуд, — деб ёзган эди Ж. Неру. — Бу икки оқим ўзаро яқин бўлса ё қўшилиб кетса мувозанат сақланади ва пухталик кузатилади. Бу икки оқим айрилиб кетган ҳолларда тафаккур ва қалбни ўртагувчи тўқнашувлар ва талофатлар келиб чиқаверади».

Савол туғилади: фожиали тўқнашувлар ва талофатларга

чап бериш, умуман Мутлақ уйғунлик туйғусини шакллантириш учун нима қилмоқ керак?

Аввалбоши, болаларни гўдакликдан Самовий уйғунликни ҳис этиш руҳида тарбиялаш йўлга қўйилмоғи керак, токи, одамнинг қудрати табиат кучларини енгишда эмас, балки табиатнинг буюк мувозанатини сақлаш ва қалбан ҳис этиб, унга мослашиш эканини англаб етсин. Иккинчи муҳим тадбир, Мутлақ уйғунликни асраш фирқаси ташкил этилмоғи зарур. (Ҳозир эълон қилинаётган бирорта расмий ё норасмий дастур ва ҳаракатномаларда инсон тарбиясининг бу қирраси мутлақо эътиборга олинмаган). Одамлар ташкил этаётган фирқаларга бир неча тавсияномалар ёрдамида аъзо бўлиш мумкин. Мутлақ уйғунликни асраш фирқасига эса ҳисобсиз тавсияномалар билан ҳам эмас, фақат мустақил равишдаги қалб ва шуур, имон ва эътиқод тарбияси билан аъзо бўлинади. Чунки бу уйғунлик дастурини Табиатнинг, ҲАҚнинг ўзи яратган, у одамлар шу чоққа қадар яратган ва бундан кейин яратажак мукамал дастурлардан-да мукамалроқ ва боқийроқдир.

## Унутилган қўшиқлар

Ватан бамисли унутилган қўшиқлар ҳамдир. Ҳассос шоир Анвар Эшоновнинг халқ қўшиқлари оҳангида яратилган янги туркумини ўқиганингизда шу ҳис сизни қамраб олади.

*Соғинчларим битикланган бағри тошим  
Узра ёнган сўзлар менинг — муҳаббатим.  
Сочининг ҳар толасига битта ошиқ —  
Кўзлар ичра бўзлар менинг — муҳаббатим.  
Қалдирғочнинг қанотиغا қил боғлаган,  
Қошларининг орасига олса мани.  
Неча тўти такалжумга тил боғлаган,  
Ошиқликнинг бозорига солса мани —  
Дарёларни ёқалаган сой бўлардим,  
Сойда ўсган қамишжикан қизнинг қоши.  
Қора толдан мўралаган ой бўлардим,  
Дарёларнинг ул юзига келса шошиб.  
Соғинчларим битикланган бағри тошим  
Узра ёнган сўзлар менинг — муҳаббатим.  
Сочининг ҳар толасига битта ошиқ —  
Кўзлар ичра бўзлар менинг — муҳаббатим.*

\* \* \*

*Муҳаббат — тўншуғида хат ташиган қалдирғоч,  
Менинг киприкларимга уя солгил муҳаббат.  
Муҳаббат — болишига пат ташиган қалдирғоч,  
Ишқ тирилган гўшада севги абад, руҳ абад.  
Баргини шудринг чайса ҳар чечак бокирадир,  
Оқ гулим Тоҳир эрса қирғизу Зуҳражикан.  
Гулни гулга чатсалар тун ширин хогирадир,  
Ишқ кимга Фарҳодлигу кимга шон-шухратжикан.  
Муҳаббат — бойчечакнинг увада орзулари,  
Жуфт-жуфт учган қушларга тўлмаган осмон*

*ғариб.*

*Соғинчларим ашк бўлиб ювади орзуларим,  
Орзуларим қирқ ялдо кечанинг дostonлари.*

Муҳаббат — гумшугида хат ташиган қалдирғоч,  
Менинг киприкларимга уя солгил муҳаббат.  
Муҳаббат — болишига пат ташиган қалдирғоч,  
Ишқ тирилган гўшада севги абад, руҳ абад.

\* \* \*

Муҳаббат — гул ичидан искаб олган райҳоним,  
Райҳоним — тол ичидан танлаб олган човконим.  
Соғиниб келганингман соғинчлари пайҳоним,  
Симобдай эритгали соғинчда асов жоним.  
Севолсанг соғинчларга айланади муҳаббат,  
Севилсанг гулрухланиб жайланади муҳаббат.  
Сигинсанг сой қамиши найланади муҳаббат,  
Қирқ гулнинг қирмизидан сайланади муҳаббат.  
Фақат булбул англагай бу хатнинг имлосини,  
Гулнинг япроқларига ёзилган сўз — муҳаббат.  
Оқ гулнинг қизил гулга чапишган сиймосини,  
Соғинч титроқларида сўзлагай бўз муҳаббат.  
Муҳаббат — гул ичидан искаб олган райҳоним,  
Райҳоним — тол ичидан танлаб олган човконим,  
Соғиниб келганингман соғинчлари пайҳоним,  
Симобдай эритгали соғинчда асов жоним...

\* \* \*

Муҳаббат — ярми тилла, ярми кумуш пиёла  
Жарангидай унли ё ундош товушлармикан.  
Майсанинг шивиридай саслик меҳригиёлар  
Тўти такаллуммикан, пайкар товуслармикан.  
Тўти такаллум — хаёл, Товус хиромон — хаёл.  
Ярми қизил, ярми оқ нақи олмадай юз — умид.  
Саҳродаги гўзадек қовжираб борар аёл,  
Ҳофиз тараннум этган қизнинг қисмати шуми?!  
Ишқ — ёнса ҳам чинордай ёнаётган дарахтлар.  
Дарахтим, беркинолсанг, бағримга беркин мани.  
Муҳаббат — кўз ёшларим томчиллаган қадаҳлар,  
Токи сен самандарсан — муҳаббат — эрким мани!  
Муҳаббат — ярми тилла, ярми кумуш пиёла  
Жарангидай унли ё ундош товушлармикан.  
Майсанинг шивиридай саслик меҳригиёлар  
Тўти такаллуммикан, пайкар товуслармикан.





## ТАРИХНИНГ РОСТ САҲИФАЛАРИ



*Ўтдилар шўрлик бошингдан  
Ўйнатиб шамширларин  
Неча қоон, неча султон,  
Неча минг хон, ўзбегим.*



## ЛУТФ

*Тангри таоло унга — Алихонтўра  
Соғуний ҳазратларига Шарқнинг буюк  
фарзандларига хос алломалик — темурий  
саркардалик, алишерий арбоблик, бобурий  
битиклик ато қилган эди. Лекин тузум  
ўз миллатига, халқига қайишиб улғайган  
кожил инсоннинг дардини ичига  
югдирмоқчи бўлди...*

*Ушбу ёзувлар шу дардлардан тўкилган  
сочма заррадир, холос.*



# Алихонтўра Соғуний

## ВАТАН АҲЛЛАРИГА, ДЕГАНЛАРИМ

Муаллиф ҳақида қисқача маълумот:

Алихонтўра Шокирхўжа ўғли Соғуний (1885—1976 йй), ижтимоий арбоб, ҳарбий саркарда, олим ва табиб. Ҳозирги Қирғизистон жумҳурияти ҳудудидаги Тўқмоқ шаҳрида туғилган. Насл-насаби андижонлик ўзбеклардан. Макка, Мадина, Бухоро ўқув юртлари ва мадрасаларида билим олган.

Маҳаллий халқнинг чор ҳукумати сиёсатига қарши чиқиши (1914 й.) ва кўзғолонларида (1916 й.) фаол қатнашган. Совет ҳокимияти йилларида иккинчи бор муҳожирликка кетгунча (1930 й.) беш марта репрессия қилинган. Хитой тасарруфидаги Шарқий Туркистон (Уйғуристон)да тўрт йил сиёсий маҳбус сифатида оғир турма азобларини бошидан кечирган.

1944—1946 йиллардаги уйғур ва бошқа ерли халқлар миллий озодлик ҳаракатига раҳбарлик қилган. Шу инқилоб натижаси бўлмиш мустақил Шарқий Туркистон ислом жумҳуриятининг биринчи президенти, Миллий армия бош қўмондони, жанговар маршал. СССРга зўравонлик билан олиб чиқилган.

Алихонтўра «Тарихи Муҳаммадия», «Шифоул илал» («Касалликлар давоси»), «Ассул ислом» ва мазкур эсдаликлар муаллифидир. «Темур тузуқлари», Аҳмад Донишнинг «Наводирул воқое», Дарвеш Али Чангийнинг «Мусиқа рисоласи», Ҳерман Вамберининг «Бухоро ёки Мовароуннаҳр тарихи» каби шоҳ асарларни таржима қилган. Умрларидан сўнгги 30 йили то вафотларигача Тошкентда кечди.

**Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм**

Онги очилмаган, билимсиз миллат ўз душманлари олдида қушқонага ҳайдалмоқда бўлган бир тўп ҳайвондан ҳеч қандай айирмаси йўқдир. Инсоннинг ўзига энг яқин ҳалокатлик душмани онгсизлик, илмсизликдир. Шунга кўра, Оллоҳ таоло Қуръоннинг биринчи сурасини ўқиш, уқиш, билдириш, ёзиш, қалам билан бошламиш эди. Пайгамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам эркак-хотин, ўғил-қиз демай

бутун умматларини илм ўқишга буюрдилар. Кераклигича дин илмини ўқиш ҳаммага фарз бўлганидек, ўз ҳукуматини, Ватанини ва миллатини сақлаш учун замонавий фан илмини ўқиб билиши ҳам фарздур, у эса Қуръонда Худо томонидан «Ва аъйду ва лаҳум ман қувватин мастатаътум» ояти билан очик буюрилмишдир. Маъноси: душманларга қарши қўлинглардан келгунча қурол кучи тайёр қилинглр, демакдир.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам: «Ало иннал қуввата аррамию», — деб уч қайтариб айтдилар. Яъни, ҳушёр бўлингларким, албатта куч-қувват душманга ўқ отмоқдир, дедилар.

Бундан 1380 ча йиллар илгариги сўзалари қандай тўғри эканлигини ҳозирги фан илми очик исботлаб, ўз устимизда тажриба ўтказдилар. Энди ўтмишдаги ишларимизга ўқиниб ўлтириш ўрнига ундан ибратланиш, келажагимиз учун ҳозирлик кўришимиз керакдир. Чунки икки Туркистон болалари икки аждарҳо оғзига тўғри келиб, ютилиш олдида турадилар. Бундан қутулишнинг бирдан-бир чораси эса замонавий илм-фан билан тўлиқ қуролланиб, бунинг устига миллий ҳисларидан ажралмай ўз она тилларини жон ўрнида асрашлари лозимдир. Бу ўринда нега «миллий ҳис» дедик, «диний ҳис» демадик? Бунинг сабаби эса даҳрийлар ҳукумати қурилгандан бошлаб бутун диний мактаб ва мадрасалар йўқотилиб, кейинги таълим-тарбия ишлари динсизлик асосига қурилмиш эди. Шундан буёнги мактаб болаларимиз диний тарбия кўрмаганликдан мусулмончилик йўлларини яхши таниёлмай қолдилар. Шунга кўра Ватан болаларига диний тарбият тўсилган бўлса ҳам, энди ўз миллиятларини сақлаш учун тил тарбиятларидан сира ажрамасликлари керакдир. Чунки ҳар қандай бир миллат ўз динидан ажрагани устига ўз тилидан ҳам қуруқ қолар экан, унинг миллияти ютилиб, ҳаёти мунқариз<sup>1</sup> бўлди демакдир. Бунга қараганда шу кунлардаги Чиқиш<sup>2</sup>, Ботиш<sup>3</sup> Туркистон болаларининг, айниқса Уйғуристоннинг келажаги шу даҳшат остига тушганлиги шубҳасиз кўз олдимизда кўришиб туради.

Яна ўз сўзимизга келайлик. Мен Кошғарга келган кунларим эса совет ҳукматининг янгидай бошланғич даври бўлиб, дунё ҳукуматлари олдида танилмаганликдан ҳали бу ерда консулхонаси очилмаган эди. Лекин бу мамлакатнинг илгаридан бери Чотрол доवони, Тибег орқалик Ҳиндистон, Афғонистон билан свдо алоқалари борлиги маълумдир. Беркент, Хўтон вилоятларида турғун озу қўн инглиз тобунлари<sup>4</sup> ҳам бор эди. Шунинг учун булар баҳонаси билан Кошғарда бу давлат консулхонаси узун йиллар давом этиб келмишдур.

<sup>1</sup> мунқариз — инқирозга учраган, инқирозли

<sup>2</sup> Чиқиш — шарқий

<sup>3</sup> Ботиш — ғарбий

<sup>4</sup> Тобун — бу ўринда фуқаро (граждан) маъносиди.

Маълумдирки, англизлар қайси жойга қадам қўйсалар, «маданиятсиз» ерлик халқ ғамхўрлиги учун келганларини билдирадидлар. Агар бу сўз ҳақиқат бўлганда Шарқий Туркистон халқини большевизм балосидан қутқариш шароити уларга осон топилур эди. Бироқ ҳақиқати билан инсоият ғамхўрлигини қиладиган пайғамбаримиз Муҳаммад алай-ҳиссаломдан ва ҳам унинг чинакам умматларидан бошқа бировнинг бу каби улугъ шарафга эришмаги мумкин эмасдир. Уша кундаги Олти шаҳар — Уйғуристондаги Хитой ҳукумати эса қоғоз юзи, тил учи билан давлат маркази Пекинга боғланган бўлса ҳам, ўрта аср Хитой хонлиги давридан қолган эсдалик бир ҳайкал кўриниши эди.

Демак, ҳар икки Туркистон халқи онгсизлик, илмсизлик касофатидан шу каби қудай шароитлар бўла туриб ҳам булардан ўз вақтида фойдаланиш йўлларини тополмадилар. Очиқ бир мақсадни ўз олдиларига шарт қилиб қўйиб, ташкилий равишда иш олиб бориш учун ҳаракат қилғудек бирорта одам йўқ эди. Узларининг келгуси истиқболлари учун ҳеч ким қайғурмас эди. Чунки, бу бечора халқ хур офот зулмати, жоҳилият ботқоғига бутунлай ботган эди. Бунга ўша даврдаги муҳит айбдордир. Қуръоннинг «Қул ҳал яста-валлазина яъламуна валлазина ла яъламун», яъни «Билганлар билан билмаганлар ҳар тўғрида тенг кела олмайдилар», деган ҳикматлик сўзини албатта амалга ошириш керак эди.

Нима учун кейинги асрларда Туркистон халқи бундай жоҳилият ботқоғига ботди? Бунинг бош сабаби — динни асоси билан тушунмаган илм-маданият душманлари ҳокимият тепасида бўлдилар. Узларини дин ҳомийлари деб эълон қилиб, халқни маърифат нуридан маҳрум, замонавий фанний илмлардан бутунлай йироқ тутдилар. Чет давлатлар билан алоқа боғламадилар; ўқиш-ўқитиш ишларига ҳеч қандай аҳамият бермадилар. Шунинг учун Туркистон халқининг ичида уйғошиш, фикр очилиш ва бор шароитдан фойдаланиш имкониётлари бўлмади. Давлатнинг инқирози, миллатнинг онгсизлигига шу жоҳиллар сабабчидур.

Энди бу умидсизланганим сўнгида Афғонистон, Ҳиндистон чегаралари бўшлигидан фойдаланиб, у томонларга ўтишимни ўйлаган бўлсам ҳам, ёлғиз бош қайғусида болачақалардан ажраб, суюкли Ватанимни душман қўлига ташлаб кетишни ўзимга лойиқ топмадим. Айниқса, йўлдошларим дунганлар ичида жонфидо шогирдим Довуд ҳожидин мендин ажрамасга шарт қилиб, қолишимга қаттиқ қаршилиқ кўрсатмиш эди. Бунинг устига Вақтли Керенский ҳукумати қурилган сўнгида Фарғонага мухторият берилиб, Польша мусулмонларидан Оғаев исмли бир юрист раислиги остида ўн икки кишидан иборат аъзо сайланмиш эдилар. Шулардан бирови акамиз Олимхонтўра жаноблари эди. Бу ишга тиштирноғи билан қарши туришган большевиклар мусулмонларнинг энг кекчил душманлари саналган арманилардан тўпланган аскарларни тўлиқ қуролантириб, халқ устига келтир-

дилар. Буларнинг бошчи кўмондонлари эса турк қонига чанқаган, қоничкич Дошноқ фирқасининг аъзолари бўлганликдан Хўқанд шаҳри устида кўрсатган ваҳшийликлари ўрта аср йиртқиқчларидан Чингиз даҳшатларини унуттирмиш эди. Онгсиз халқ буни унутган бўлсалар ҳам душман сунгу найзаларининг зарбаларидан юраклари парчаланмиш, кўз қонлари билан кўнгил саҳифаларига даҳшатли зулм хатларини ёзмиш тарихчилар бу каби фожиаларни ҳеч қачон унутмайдилар. Халқ кўзини кўрқитиб уларга даҳшат солиш учун бир томондан отиш-чопиш бошланган бўлса, иккинчи ёқдан ўт қўйиб, бутун шаҳар бозор расталарини куйдирмиш эдилар. Бу воқеадан беш-олти йил кейин Хўқандга борганимизда бузилиб, вайрон-талқони чиққан кўп иморатларни, куйдирилган бозор расталари ўрнида тўдаланиб ётган ҳисобсиз култепаларни кўзимиз кўрди...

Мана шу Хўқанд мухторият ҳукуматига раис сайланган киши польшалик Огаев аталган поляк мусулмонларидан эди.

Чор ҳукумати йиқилган сўнгида Польша бошлиқ бутун Болтиқбўйи миллатлари ўз ҳуқуқларига эга бўлиб, мухторият олмиш эдилар. Бунга тушуниб ҳақ талаб қилувчи ва ҳам бу ишни бошқарувчи бу ўлкамизда киши йўқлигини билган мусулмон зиёлилари диний ҳислари қўзғолиб, Туркистонда қардошларининг биринчи мартаба янгидан қурилаётган ёш давлатларига ёрдам еткуруш учун буни юбормиш эдилар. Узи юрист бўлиб, чор ҳукуматига қарши Польша мусулмон полякларининг миллий инқилобчиларидан эди. Хўқандга келиши биланоқ оз-кўп тушунган кишилар буни тақдирлаб, янги қурилаётган миллий мухторият ҳукуматига раис сайламиш эдилар. Бу эса бутун ишларни тартибга солиб, ўн икки кишидан иборат ҳукумат ҳайъати тузилиб, эндигина ишга киришаётган чоғда бало-қазодек келиб большевиклар босдилар. Қочинишга улгурган кишилар қутулган бўлса ҳам, улгура олмаган аъзолардан қўлга тушган бахтсизлар ҳам оз эмас эди. Ана шу биз бахтсизларга ёрдам учун оиласи, ватани, балки, бутун баҳти-тахтидан кечиб келган польшалик дин қардошимиз ерлик бахтсизлар қаторида қўлга тушиб, биз учун қурбон бўлди. Эшитишимча, буларнинг ваҳшийлик маслагидан хабари йўқ бўлиши керак. Бутун дунё бўйлаб ҳар ердаги инсонлар ўз ҳуқуқларига эришаётган йигирманчи аср даврларида ўтган ваҳшийларча отиш-чопиш билангина иш олиб бормасалар керак, булар билан кўришиб сўзлашайлик-чи, мақсадлари нимадур, уни билайлик деб, юристлик қилиб ҳуқуқшўнослик йўли билан бу йиртқиқларга сўз ўтказмоқчи бўлиб, қўлга тушмишдир. Йўқ эса, бошқа жон қутқазган ботирлар каби фурсатдан фойдаланса, қочиб қутулиши мумкин эди.

Бу қаҳрамон қўлга олингандан сўнгра, шундайин хорлик, зулм остида туришдан ўлимни ортиқ кўриб, очлик билдирмишдирки, бу каби энг сўнги даҳшатлик чорадан инсоният оламида фойда бериши кутилур эди. Булар олдида эътибор-

сиз бўлганликдан ўн беш кунлаб оч қолдирилмишдур. Ақли озиб, ўлар ҳолга келганда бошқа ёққа олиб кетганлар. Ундан кейинги тақдири бизга номаълумдир.

Инсоният ҳуқуқининг ҳимояси учун қурбон бўлиб, шундайин олижаноблик кўрсатган бу қардошимизга бутун инсоният томонидан ёлқинлик кўнглимдан чиқарган ташаккуримни билдирган сўнгида унинг муқаддас руҳига абадий раҳматларимни йўллаيمان. Бу каби инсоният қаҳрамони оз бўлса ҳам, ҳақлик қурбони бўлмиш кишининг хизмати кўмилиб кетмасин учун виждоним талабича бу ўринда ёзиб қолдиришга мажбур бўлдим.

Яна ўз сўзимизга келайлик. Энди шуни билмак керакким, Қуръоннинг ҳукмига, Расулиллоҳнинг йўлига яхши тушунмай динга хиёнат қилган, икки дунёсидан ажраб, ўз Ватанида хорлик билан яшаган ёлғон мусулмонлардан илм, фан, маданиятни ўзлаштириб, бутун ҳуқуқларига эга бўлган кофирлар албатта ортиқдир. Бутун Уйғуристонни қоплаган шу ўхшаш онгсизлик офатини кўргач у ердан умидим узилиб, ночор, янгидан ўт олаётган фитна ўчоғи ичидаги ўз юртим Тўқмоққа қайтиб келдим. Қарасам, соясидан қўрққан қуёндек ҳар ерда қочиб-писиб юриб кун кўраётган ҳақсиз кишилар ҳам оз эмас эканлар. Шулар қаторида мен ҳам шаҳардан четроқ Шўртепа деган дунганлар қишлоғида туриб, деҳқончилик билан кун кечирмоқчи бўлдим. Марҳум отамиз насиҳатларича имом бўлишдан сақланиб, бир-икки йил ўз ишим билан шу ерда куйманиб юрдим. Лекин бу ўлкада қорасаводлик ёки саводсиз масжид имомлари бўлса ҳам динга асоси билан тушунган олимлардан бирорта ҳам йўқ эди. Бунинг устига большевик ҳукумати динсизлик асосига қурилганликдан Худосизлар жамияти томонидан ҳар жойда динга қарши ташвиқот тарқалиб, диндорларга ҳужум бошлади-ларча. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтишларича, бундай вақтда олимнинг сукут қилиб қараб туриши ўз динига хиёнат қилиши, демакдир. Бундан сақланиш учун марҳум отамизнинг «Имом бўла кўрма», деган васиятларига қарамай, халқ талабини қабул қилиб, Тўқмоқ шаҳри катта масжидига имом бўлдим. Шу биринчи жумъасидаёқ минбар устидан оз деганда бир минг кишига қарата ақлий-нақлий далиллар келтириб, динсизликка қарши ўтқир бир ваъз сўзладим. Масжид халқи бундан таъсирлангач, диллари эриб, кўзлари ёшланди. Ҳар жойдан «оҳ-воҳ» товушлари кўтарилиб, йиғи-сиғи бошлангани турди. Албатта бундай улғу диний жамият мажлисларида у вақтнинг раҳмсиз жаллодлари — уч ҳарфлик ГПУ<sup>1</sup> куйдурги жосусларидан сўз тингловчи бир неча кишилар борлиги маълум эди. Шундай бўлса ҳам бирор томондан бу ишга очиқ равишда тўсқинлик кў-

<sup>1</sup> ГПУ — (Главное политическое управление) — Бош сиёсий бошқарма, чекистлар идорасининг ўша вақтдаги номи.

рилмагач, диний руҳ қизғинлиги билан ўз ишимда давом этиб турдим. Шу ёрада 1922 йиллари Отбоши, Норин, қозоқ руслари<sup>1</sup> томонидан Бондуруф<sup>2</sup> қўл остида қаттиқ бир кўзғолон кўтарилмиш эди. Дарҳол буларга қарши отланса отасини аямаган қора туркманлардан бир бўлук<sup>3</sup> қуролик аскар келтирилди. Ердан олғудек таянчилари бўлмаган кўзғолончилар буларга қарши туриша олмай, Кошғар томонга чекинишиб қочдилар. Буларнинг касофатига Тўқмоқ, Бишқакдаги бой савдогар ёки халқ ичида кўзга кўринарлик саксон неча кишини бир кечада босиб, текшириш-суриштириш йўқ, шу кечанинг ўзидаёқ қўллари сим билан орқаларига боғланган ҳолда шаҳар ташқарисидаги Қораёғчилик боққа олиб бўриб отдилар. Бу гуноҳсиз мазлумларни ўлдириш учун қазилган чуқур четига келтирилгач, отиб-чоғиб ташлай берганликдан қўплари чалажон эди. Шу ерлик кўрган кишилар айтишларича, буларнинг устиларига жонлари чиқмай туриб тупроқ тортганликдан уч кунгача тупроқ усти тўхтовсиз лўмуллаб<sup>4</sup> ётмишдир. Бу каби юраклар титраб, жонлар ачинарлик, сўзлашга тил сесканиб, ёзишга қалам жирканарлик бу маданий йиртқичларнинг қилган ваҳшийликларини ёзиб қолдиришга мажбурмиз. Чунки тарихда кўрилган ишларнинг яхши-ёмони демай, кўрган-билган нарсаларнинг барини қолдирмай қаламга олиш тарихчи устига юкланган муқаддас вазифа ҳисобланади. Бу эса динсиз даҳрийлар ҳоқимиятининг бошланғич даврларига хирмондан бир ҳовуч, денгиздан бир чўмич каби кўрсаткичдир. Бундан мақсад қуруқ сўз достони сўқиб, ҳикоя-воқеа тўплами ёзиш эмас, балки асл мақсад келгуси Ватан болаларимиз бундан ибрат олиб, энди келажакда қандоқ яшамоқ керак эканлигини билишларидур.

Тарихнинг айтишича, шу Ватанимиз Ўзбекистон ўлкасини шарқдан, шимолдан чиққан бало селлари қоплаб, неча мартаба ҳароб қилганлиги маълумдир. Шунинг учун бизнинг илгариги порлоқ маданиятимиз вайронликка учраб, наслларимиз ҳам табиий ўсишдан тўхталганлиги кўз олдимизда туради. Чунки бизга чегарадош Хитой халқи сўнгги ҳисоб бўйича етти юз миллионга етган ҳолда биз Туркистон халқи буларга замондош бўлсак ҳам нега буларнинг юздан бирига бўлиб, шу кунга доғур ўн миллионга ета олмадик? Бунинг сабабларини ҳар ёқлама текшириб кўрилганда турликча бўлиб чиқиши кўнгилга келади.

Лекин ўтган улуғ файласуфларнинг айтишларича ҳамда тарихий тажрибаларнинг кўрсатишича, қайси бир миллат ўз миллий давлатидан ажраб, унинг ҳукумати йўқолар экан, ҳукумат эгаси бўлган келгиндилар ҳисобига йил сайин насл-

<sup>1</sup> Қозоқ руслари — казаклар

<sup>2</sup> Бондуруф — аниқроғи Бондарёв

<sup>3</sup> Бўлук — полк

<sup>4</sup> Лўмуллаб — лўмбиллаб, кўтарилиб-тушиб.

лари озайиб бориб, энг сўнгида бутунлай ютилиб кетиши тажрибада кўрилмишдир. Ўз ҳокимиятидан ажради демак — инқироз демакдир. Шу сабаблик дунёдаги онглик, маданий миллатлар ўз ҳокимиятларини сақлаш учун неча миллионлаб қурбон беришга тайёрдурлар. Ҳолбуки, ҳар бир миллатга иймон — Исломини сақлаш Қуръон ҳукмича қандай фарз бўлса, шу ўхшаш ўзлигини ва ўз миллатини сақлаш ундан ҳам фарзроқдир. Чунки пайгамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам қайси бир киши ўз отасини ташлаб, бошқа бировнинг боласиман деса ёки бир миллат тили, дини, расм-одати бошқача иккинчи бир миллатга ютилса, мана шундай ишга норозилик билдириб, уларга лаънат ўқидилар. Миллий ҳиссини йўқотиб, ўз миллатидан ажраш Қуръон ҳукми бўйича ҳаромдир.

Ер усти ужмоҳи<sup>1</sup> бўлғудек, жаннат каби ноз-неъматлик, яйловлари кўп, оқар сувлари мўл, боғ-бўстонлик гўзал Ватанимиз Ўзбекистон ўлкаси атрофимиздаги очкўз ганимлар томонидан ҳар вақт ҳужум остида бўлиб турганлиги машҳур тарих китобларда ёзилмишдир. Ҳозирги кунимиздан етти юз саксон йиллари аввал дунёга даҳшат солган ўрта аср йиртқичлари, қуюндек қоплаган Чингиз аскарининг биринчи зарбаси биз Туркистон улусининг устига тушган эди. Шу ўхшаш ер юзи инсонлари учун яхшилиқ кутилган йигирманчи асрда чиққан большевикларнинг биринчи навбатдаги оғир зарбаларига яна биз Туркистон мусулмонлари учрадик. Чўнки, юқорида айтилганича, бу маданият даврининг тотлик<sup>2</sup> емишларидан фойдаланиб, дунё инсонлари ўз ҳуқуқларига бутунлай эга бўлдилар. Ва ҳам бу орқалик илм, маданият, ҳунар-саноат ер юзига тарқалиб, Африка чўлларигача кира бошлади. Бизлардан бошқа ҳар ердаги озу кўп миллатлар эса Ватан боққинчиларидан қутулиб, ўз эрклик миллий ҳукуматларини қуриб олдилар. Биз бўлсак, ҳақиқатда большевиклар ҳукумати қурилган кундан бошлаб ёлғиз миллий, диний, ватаний ҳақларимиз эмас, балки инсоний ҳуқуқларимиздан ҳам бутунлай ажраган сўнгида эрксиз ҳайвонлар қаторида ишламакка мажбур бўлдик. Бир миллатнинг ўз ҳуқуқлари бутунлай ўз қўлига топширилмагач, Ўзбекистон оти қоғоз устида ёзилиши билан ёки бошқаларнинг юкини кўтарган, аравасини тортган эшак-отлардек бир мунча ўзбек номидаги виждонсиз, қуруқ ҳайкалларни ўз мақсадларини қўлга келтириш учун ўриндиқ устига ўтирғизиб қўйиш билан у миллат қандай озодликка чиқдик дея олади? Балки, бундай миллатлар шу каби хиёнат пардалари остида бутун ҳиссиётларидан ажраган ҳолда ем бўлиб ютилиб, охири инқироз чуқурига юзтубан йиқилиб ҳалок бўлишлари шубҳасиз-

<sup>1</sup> Ужмоҳ — жаннат

<sup>2</sup> Тотлик, тотлик — ширин, мазали, лаззатли.

дир. Утмишдаги Ўзбекистон ўлкасида минг-неча юз йиллар давом этган мустақил давлатимиздан 1865 йили чор Русиянинг босқинчилиги натижасида ажраган бўлсак ҳам бошқа ишларимиз ўз қўлимизда эди. Бунинг устига Бухоро, Хоразм ҳукуматлари 1919 йил охирларигача сақланиб келмиш эдилар. Бутун шароит қўлларида бўлатуриб, онгсизлик офати, сиёсат кўрлигидан юзларча йиллаб кутилмоқда бўлган бу каби қулай фурсатни бекорга қўлдан чиқардилар. Йўқ эса, бу икки ўлка бирлашиб, унинг устига халқ бойлиги ва ер бойлиги қўшилар экан, Ватанимиз Туркистонда миллий ва маданий кучлик бир давлат қуриш қобуси<sup>1</sup> келмиш эди. Бироқ бахтимизга қарши бизда мудофаа қуввати йўқлигидан ўз еримизда ғариб бўлиб, ўз меросимизга эга бўла олмадик.

Энди бу ўриндаги мудофаа қуввати нимадан иборат эканлигини ўқувчиларга билдириб ўтишимиз лозим бўлади. Босқинчиларга қарши қўйилган мудофаа қуввати эрса шу ҳозирги замонавий илм-фан, қурол-жабдуққа эга бўлишдан бошқа нарса эмасдир. Ялиниб-ёлвориб булардан шафқат-марҳамат тиламак шайтондан инсоф-тавфиқ умид этмак кабилдир. Шунга кўра, Ватан болалари олдимишдаги келажак кунларни эскариб, замонавий илм ўқишга чин кўнгиллари билан киришиб, ҳалол мерос ўз Ватанларини эгаллаш учун мудофаа қуввати тайёрлашга тиш-тирноқлари билан ёпишсинлар.

Яна бу ўринда шу кунги Европо маданияти устида тўхталиб, Ватан болаларига бу ҳақда энг муҳим тушунчалар бериб ўтамыз. Шуни билишлари керакки, маданият демак нимадан иборат бўлиб, қандай бўлиши керак. Мана бу сўзнинг ҳақиқати билан жавобига ким тушунар экан, асл тузук маданиятни зиёндод, бузуқ маданиятдан ажрата олади. Агар маданият деб кўринишда ободон, ҳақиқатда хароб шу динсизлар, одоб-ахлоқсизлар маданиятини айтадиган бўлсак, ушбу хато қилган бўламиз. Чунки дунёдаги борлиқ нарсалар инсон турмушига ёрдам етказиш учун яратилмишдир. Бузуқ маданиятда эса, аксинча, инсонлар ул нарсалар учун қурбон қилинади. Маданият тараққиётининг илгари-кейин чиқараётган бутун янгиликлари инсон ҳаётини яхшилаш учун хизмат қилиши лозимдир. Дунёда яратилмиш нарсалар ичида энг шарафлик улуғи инсон эканлигини телбалардан бошқа ҳамма кишилар, албатта, тушунадилар. Шунинг учун инсон ҳуқуқларини энг юқори даражада сақлаш ҳақиқий маданиятнинг айрилмас бир тармоғидир.

Маълумдирки, дунёда яшаган ҳар бир кишининг энг аямлик<sup>1</sup>, қизганиб сақлайдиган беш нарсаси бордир: Биринчи — жони, кейингилари — дини, моли, оиласи, Она Ватанидир. Мана бу беш нарсани сақлаш учун онглик инсонлар қандай жонбозлик қиладилар. Дунёнинг ҳар бир ерида тўкилган ва

<sup>1</sup> Қобу — пайт.

<sup>1</sup> Аямлик — аяшлик, аялиши лозим, аяшга лойиқ.



тўкилаётган инсон қонлари кўз олдимизда кўриниб туради. Бу фожианинг бирдан-бир сабаби шу юқорида айтилган нарсадан бошқа эмасдир. Шундай бўлгач қараймиз: маданият қаерда, қайси миллатда бўлсин, шу юқорида айтилган инсоният ҳақларини сақлаш учун ҳукумат қўлида адолат қуроли бўлиб турар экан, ана шу чоқдагина бутун халқ маданиятга эришиб, тинчлик билан роҳат турмуш кечира олади. Бунинг натижасида инсоният хусусияти бўлган ҳар кимнинг эрк-ихтиёри ўз қўлида сақланади. Ер юзининг қайси ўлкасида бўлишни ким тилар экан, ҳеч қандай тўсқинлик кўрмайди. Агар маданият шу юқорида айтилганича фойдалиқ бўлса, Шарқ файласуфи Форобийнинг айтишича, бундай маданиятни «Маданияти Исломия» ёки «Фозила» дейдилар. Мана шундагина бутун маданий тараққиётни ёлғиз инсон фойдаси учун ишлатиш мумкин. Иўқ эса, ҳозирги устимиздаги маданият каби, буни қўлланувчилар хато кетганликларидан, ёлғиз жинойтчиларни эмас, балки бутун инсон оламида ҳалокат чуқурига тушуриши шубҳасиздир. Чунки шу кунлардаги динсизлар маданиятлари таъсири остида инсонларнинг ахлоқи бутунлай бузилганликдан, моддий-маънавий бўлсин, ҳар ёқлама зиён кўраётганлари кўз олдимизда туради. Булар эса ўз маслакларини бошқаларга қабул қилдириш учун халқнинг тузалиш-бузилишлари, уларнинг ҳар қандай зиён-заҳматта учрашлари билан ҳисоблашмайдилар. Балки, буткул қурол кучи ишлатиб, ҳар қандай мажбурият остида бўлса ҳам халқни ўз йўлларига киргиза олсалар, тилакларига етган бўладилар. Маданиятнинг илм, фазл<sup>1</sup>, ҳунар, саноатларини инсонлар ҳожатини чиқариш, улар фойдаси учун ишлатиш эмас, балки ўзларининг кўрларча ушлаб ёпишган бузуқ йўлларига киргизиш қуроли қиладилар. Мана бундай маданиятга бузуқлар бошлиғи бир фирқапаалидлар эга бўлиб олгач, булар қўлида бутун халқ эрк-ихтиёридан ажраб, энг тубанги ҳайвонлар қаторида яшамоққа мажбур бўладилар. Бу каби маданиятлар оқиллар, файласуфлар олдида «Золлата, фосиқа маданият», яъни «Кўрлар, адашганлар маданияти» деб аталади. Бунинг очиқ кўринган нусхаси шу кунлари устимизда ҳукмрон бўлиб турган большевиклар келтирган шармандалар маданиятидир. Чунки эллик йилдан бери мустабидлар оёғи остида эзилаётган ўн беш ёлғон жумҳурият халқлари, айниқса Ўзбекистон мусулмонлари миллий, диний, ватаний ҳуқуқларидан бутунлай ажрадилар. Ер яратилгандан бери ота-боболаридан қолган ҳалол мерослари — гул-гулистон, бор-бўстонлик Она ватанларидан ҳайдаб чиқариб, кўз олдидарида келгин босқинчиларга бўлиб берилмакдир. Мана буларнинг келтирган ифлос босқинчилар маданиятларидан биз Ўзбекистон мусулмонлари олган ҳосилотимиз ҳозирча шу даражага етди. Яна келажак кунлари

<sup>1</sup> Фазл — яхши сифат, ижобий томон, устунлик.

устимиздан қандай планлар қурилиб, нима чоралар кўраётганларини замонга тушунган Ватан аҳллари яхши билсалар керак. Энди юқоридан бошлаб шу жойга келгунча ёзган сўзларимиз ҳозирча маданият-тараққиётдан инсонлар учун қандай фойдаланиш кераклигини ажратиш учун ҳар қандай одамга тушунарлик бўлгандир, деб ўйлаймиз.

Даҳрийлар давлатининг бошланғич даврлари минг тўққиз юз ўн еттинчи йилдан йигирма бешинчи йилгача, шу орада, бутун Ўзбекистон ўлкалари бўйича босмачилар отида чиққан қўзғолончилар кўпаймиш эдилар. Буларнинг энг машҳурлари эса Қўқондан — Эргаш, Марғилондан — Мадаминбек, Шерматкўр, Андижон, Уш, Ўзган томонларидан — Холхўжа, Охунжон, Абдураззоқ, Намангандан — Омон полвон ва бошқалар эди. Буларнинг барилари эса қоронғи халқ ичидан чиққан қора ботирлардан бўлиб, «Урис кофирларни йўқотиб, Ислом очамиз» дейишдан бошқани билмас эдилар. Юқорида номлари ёзилмиш қўрбошилар қўл остиларида ёнар ўтдек ботир юракли жонфидо ўзбек йигитларидан оз деганда ўн мингдан ортиқроқ киши борлиги маълум эди. Афсуски, бу қаҳрамон болаларимизнинг онгларини очиб ишга солгудек, ҳар ишга ярамлик сиёсий раҳбар бўлгудек бирорта кишимизнинг йўқлигидан, ташкилий равишда очиқ бир мақсадни олға қўйиб иш олиб боришолмаганликдан мамлакатимизнинг бахтсиз энг ботир ўғиллари ҳар ерларда душман қўллари билан отилиб-чопилиб, бекорга йўқотилдилар. Бу каби илгари-кейин, шу муддат ичида кўпгина кишилар билан сўзлашган бўлсам ҳам, у кунларда душманлар томонидан қўлланилаётган сиёсат сеҳрига тувалик<sup>1</sup> тушунган бирорта кишини учрата олмадим. Шундоқки, Масков<sup>2</sup> сеҳрчилари босмачи номида чиққан қўзғолончиларни ҳеч кимга тўйдирмай<sup>3</sup> ўзларининг энг яқин қуроллик аскарлари қаторига қўйиб, улардан фойдаланмоқда эдилар. Чунки, инсон насли ер устига таралгандан бери ҳеч даврда кўрилмаган бузуқ, жирканишлик тузумларини большевиклар ҳеч кимга қабул қилдиrolмагач, инсоннинг ҳаётий емак-ичмак, озиқ-овқатларига осилиб, бирор киши уйида ортиқча дон уруғидан ҳеч нарса қолдирмай йиғиб олишди. Шу орқалик халқни оч ўлдириш қўрқинчи билан ўзларига бўйсундирмоқчи бўлдилар. Лекин бу зулмларини шаҳар ичларида қамов-ҳайдов каби ҳар турлик ваҳшийликлар орқали тездан бажара олган бўлсалар ҳам, шаҳар атрофи қишлоқларда шароити тўғри келмагач, бу хиёнатни юргиза олмадилар. Чунки, бу каби боши туюқ<sup>4</sup>, қоронғу кўчага халқни киргизиш эса иқтисодий, сиёсий мажбурлик орқалигина бўлиши мумкин. Шунинг учун

<sup>1</sup> Тувалик — асоси билан, таг-туги билан, чуқур.

<sup>2</sup> Масков — Москва

<sup>3</sup> Тўйдирмай — билдирмай, сездирмай, исини чиқармай

<sup>4</sup> Туюқ — берк

большевиклар атрофдаги ўзларига қарши бош-кўтаришган нодон душманларга остиритдан<sup>1</sup> қурол етказиб туриш сиёсатини қўлландилар. Ўлка бўйича ўн мингдан ошиқ тахминланган қўзғолончилар аскарларини бир мақсад, бир нуқтага келтириб, бир туғ остига тўплагудек ерликлар ичидан ишга ярамлик бирорта одам чиқмаганликдан бу қора ботирлар нима қилишларини билмагач, ўзларини таъминлаш учун халқ бойлигини талашга киришдилар. Натижада бутун халқ борлиқ бойликларидан ажраб, қанот-қўйруғи юлинган қарагадек оч-яланғоч, бир тишлам нонга зор бўлган ҳолда «гаҳ» деса қўлга қўнғудек бўлди ва у замонга тушунмаган қора ботирларга халқнинг нафрати ошди ва улар «босмачи» деган номни олди. Буларнинг ичида бир оз бўлса ҳам замонасига тушунган, халқ олдида ҳурмати бор, ишончлиги ортган Мадаминбекни ўртадан кўтариш зарур бўлди. Қандайдирки, бу масалани қурол кучи билан эмас, балки макр-ҳийла орқалик ҳал қилишга киришганликдан тубандаги моддаларни қабул қилган бўлиб, у билан битим тузмиш эдилар:

1. Фарғона мухториятини тасдиқлаш;
2. Шароитга қараб ўн мингдан қирқ минггача Мадаминбек қўл остида миллий аскар сақлаш ва буларнинг қурол-яроқларини марказий ҳукумат томонидан таъминлаш;
3. Уқув-ўқитув ишлари ерлик ҳукумат ихтиёрида ва ўз она тилларида бўлади;

4. Мусулмонларнинг диний ва ўзаро даъво ички ишлари бутунлай ўз қўлларида бўлиш ва шариат буйруғича юргизиш.

Мана шулар каби эшитишга анча фойдалик кўринган ишлар билан келишим тузилган сўнгида шу йигирманчи (1920) йиллар Мадаминбек Тошкентга чақирилди. Унинг келиш ҳурмати учун чет давлатдан келаётган ҳукмдорларга қилгандек кўчалар безатилган ҳолда тантана билан қарши олиниб, катта маросим ўтказилмиш эди. Буни кўрган мусулмонларнинг руҳлари кўтарилиб, тарихий анъаналари қўзғолганликдан миллий озодлик умиди билан миллий ҳукуматларини эскармиш<sup>2</sup> эдилар. Буни кўрган Ватан босқинчилари ўзларининг олдиндан ўйлаб қўйган макр-ҳийлалик планларини тезлик билан амалга ошириш сиёсатига киришди. Йўқ эса ҳар икки томон ризолигича тўхтаб қилинган битим моддаларини халқаро қонун бўйича амалга оширишлари лозим эди. Бунга қарамай бекка илтимос қилган бўлиб, Фарғонада қолган Кўршермат, Қолхўжа каби қўзғолончиларни ҳам Тошкентга келтиришни унга таклиф қилдилар. Бу ҳам «Улар менинг сўзимдан чиқмайди», деб ишонганликдан эҳтиёт йўлини ўйламай тўғри булар олдига келмишдир. Қолбуки, маккорлар аллақачон ўз қўллари билан чуқурлар тайёрлаб қўймиш эдилар. Шундоқки, «Мана сизлар ишонган Мадаминбегинг-

<sup>1</sup> Остиритдан — яширинча, пинҳона.

<sup>2</sup> Эскармиш — эсламиш, ёдига туширмиш.

лар кофирга сотилиб, ўз фойдаси учун сизларни тутиб бермоқчи бўлди. Бу ишни бажариш вазифаси унга топширилмишдир. Бу яқин орада келиб қолса, шунга қараб чора кўриш керак», деган ёлгон фитна сўзларни тарқатиб, у онгсиз қора ботирларни ишонтириб тургани устига Мадамунбек ҳам келмишдир. Ҳақиқатда эса кўкрак кериб от чопишдан бошқа ҳеч ишни билмаган маслаксиз қора ботирлар кўзлари унга тушиши биланоқ гапиртирмасдан «Ҳой, сен бизларни кофир большевиклар қўлига бермоқчимисан», деб уни ўлдирдилар. Бу улуг жиноятни бажаришган сўнгида озу кўп кутилган умидлар узилиб, кўз тугилган ишлар бутунлай ўзгарди. Босқинчиларга ҳайбат кўрсатган Мадамунбекнинг кўзғолончилар қўлида ўлиши, ҳарҳолда, мусулмонлар учун фойдалик кўринган юқориги битимнинг бузилиб кетиши келажакда кутилган ерлик халқлар манфаатига қаттиқ зарба бермиш эди. Бу фожиалик воқеадан Ватан босқинчилари ўзлари тилагандек икки тарафлама фойдаланиб хиёнат мақсадларига эришди.

Мана шундан кейин ўлка бўйича оқалган кўзғолончиларнинг қўри тугаб, жамиятлари бузилди. Руҳлари тушиб, тўплари тарқашга бошлади. Ёлғиз большевиклар эмас, балки ўз халқлари олдида ҳам ўғри — босмачи номини кўтардилар. Бу ишда планлари тўғри чиққач, мундан бу босқинчилар неча ёқлама фойдаланишга киришгани турдилар. Халқни талаш-булашда, ўлдириш-куйдиришда босмачи номида чиққанлар уларнинг олдинги сафдаги қуролик аскарлари хизматини бажардилар. Кўзлаган мақсадлари қўл келиб, планлари тўлгунчалик маҳаллий халқ устида ўтказиш лозим бўлган ҳар турлик ваҳшийликларни нодон босмачилар қўли билан бажариш сиёсатини тутдилар. Аларнинг қуроллари эса булар томонидан таъминланиб турмоқда эди. Иш ортини ўйламаган, дўст-душманнинг кимлигини билмаган бир тўда ясама ваҳшийлар орқалик ўйлаган планлари тўлиб, кўзлаган ишлари бажарилиб бўлгунча бутун кўпчилик халқ жонларидан тўйиб, қанот-қуйруғи юлинган, тумшуғи билан ер тираган қуш каби нима деса бўйинсунишга тайёр бўлган эди. Маккор, ҳийлагар Масков сеҳрчиларининг тубги<sup>1</sup> тутган сиёсатлари эса бутун ерлик халқларни, юқориде айтилгандек, ўз қўллари билан бўғизлаш, иқтисодий бўлгунликка<sup>2</sup> туширгандан сўнгра, аларни келажакдаги абадий қулликка тайёрлаш эди. Телба, мажмунлар қўлларига қурол ушлатиб, шу орқалик ишлари бажарилиб, планлари тўлган сўнгидагина иблис Калинин<sup>3</sup> Масковдан келди. Бунинг ке-

<sup>1</sup> Тубги — асл

<sup>2</sup> Бўлгунлик — инқироз

<sup>3</sup> Калинин Михаил Иванович — КПСС ва Совет давлати арбобларидан, болаларга қарши дунёда биринчи чиқарилган ваҳшиёна қонун («Уч бошоқ қонуни»)нинг бош муаллифи сифатида ҳам «машхур».

лишини ҳар ёқлама исканжа азоби остига олиниб, энг охири дамини аранг олаётган бечора мусулмонлар ўзлари учун нажот байрами ҳисоблаб, тантана билан уни қарши олдилар. Ҳақиқатда эса бу жаллодларнинг мақсади бўри оғзидан қутқариб олиб, ўзларига қурбон қилиш эди. Ҳарҳолда босмачилик плани тўлиб, бу ҳақдаги сиёсат ўзгарганликдан Калинин ва унинг ҳайъатлари келиши билан ҳар жойда қурилган зулм судлари ишга киришиб, бутун босмачиларни ўлимга буюрдилар. Шу баҳона билан ўзларига тўғри келмаган кўп ерлик, ўз Ватани учун қайғурган кишилар отилиб-чопилиб, қолганлари сургун қилинди. «Душман қўли билан илон бошини янч» деган мақолимиз ўз устимизда ишлатилиб, ўз қўлимиз билан ўзимизни бўғизлатдилар. Шундай бўлиб, олти-етти йил давом этган қўзғолончилар ҳаракати онгли равишда илмий-сиёсий асосга қурилмаганликдан охири ачинарлик ҳолга айланиб, бутун ишлари натижасиз бўлиб чиқди. Йўқ эса, қанча халқимиз қонлари ўринсиз тўкилган устига не қаҳрамон йигитларимиз, Ватан ўғлонлари бу йўлда қурбон бўлмас эдилар.

Эшитишимча, Калинин 1923—1926 йиллари бу Ўзбекистон—Туркистон ўлкасидаги бутун ишларни ўзлари тилагандай бажариб Масковга қайтиб боргач, уни йигирма мингдан ортиқ одам қарши олиб, кутиб чиқмишдилар. Шу чоқда уларга қаратиб Калининнинг биринчи айтган сўзи: «Уртоқлар! Боғ-бўстонга ўралган, ноз-неъматга тўлган Ўзбекистондан партиямиз сизлар учун, бутун рус халқи учун олий жойлар тайёрлади. Биринчи сизларни шу билан табриклайман», демишдир. Ҳозирги тарихдан қирқ неча йиллар илгари айтилган унинг бу совуқ сўзи айтилганча қолмай, балки кун сайин амалга ошаётганликдан у кунларда ўн фоизга етмаган рус босқинчиларининг сони шу кунлари етмишдан<sup>1</sup> ҳам ошиб бораётганлари кўз олдимизда туради. Энди бошдан-оёқ бу каби фожиалик тарихий сўзларни ёзганимдан кўзлаган менинг тубги мақсадим эса қуруқ дostonчилик эмас, балки бутун инсоният ҳуқуқларидан махрум этилган, ўз Ватанида туриб ғариб бўлган Туркистон халқини, айниқса ҳозирги ва келажакдаги Ватан ёшларини огоҳлантириб, ўлим уйқусидан уйғотишдир. Кўнглимдаги мунглик қайғуларимни қалам тумшуғидан тўкиб ёзган бу китобимни ўқувчи ва ҳам эшитувчи ватанпарвар, миллатсевар қаҳрамон болаларимизга менинг топширигим шулки, тилим учидан эмас, дардлик дилим ичидан чиқариб ёзган ёлқинлик сўзларимни фақат ўқибгина ўтмасдан ҳар бир оғиз сўзини текшириб<sup>2</sup>, унинг устида фикр юритсинлар.

Инсоният тараққиёти эмас, маданият тараққиёти бўлмиш йигирманчи асримиздаги инсонлар миллий, ватаний, диний

<sup>1</sup> Хусусан йирик шаҳарларда.

<sup>2</sup> Текшириб — текшириб, таҳлил (анализ) қилиб.

хуқуқларини сақлаш учун қайси нарсаларни қўлга келтириши зарур эканлигини яхши тушуниб, унинг чорасига киришсинлар. Ҳақиқатда эса эрклик Ватан ҳоқимияти ўз қўлимизда бўлмагач, бошқалар фойдасига бутун хуқуқларимиз оёқ остига тушиб депсалмоқда. Лекин хуқуқлар ҳимоясининг энг кучлик қуроли ҳисобланган илм-хунар, маориф эшиклари эса инсон олами юзига бутунлай очикдир. Шунга қўра, тушунган Ватан ўғлон-қизларимиз замонавий ҳар, илм-хунарни асоси билан яхши тушуниб, имконият борича билиб ўзлаштиришга бошқалардан ортиқроқ киришмоқлари лозимдур. Чунки, «Иш — билганники, қилич — урганники» деган ҳикматли оталар сўзини амалга оширад эканлар, албатта Ватан аҳллари, айниқса, замонавий ўқишиб етишган ўғил-қизларимиз ўз ишларини бажариб, муносиб ўринларига эга бўла оладилар. Агар қўлида шароит бўла туриб, бир қонуний мамлакатда ўз қонуний ҳақиқага эга бўла олмаганлар кишилик шарафидан ажраган, инсоният ҳаққини танимаган, одам суратлик ҳайвонлардир. Чунки шароити топилса ҳам ўз ҳаққига етолмаслик эса ожизлик устига ишга ярамаслик демакдир. Бундай одамларни ўтган донишмандлар мисол келтириб, оғзидаги нонини итга олдирган, қўл-оёғи соғ, қуролик кишига ўхшатадилар. Мана шунинг учун Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом умматларини тубандаги уч нарсдан бик сақланишга буюрмишдир:

1. Ожизлик;
2. Қўрқоқлик;
3. Дангаса-хўринлик<sup>1</sup>.

Шароити бўла туриб, ўз ҳаққига эга бўла олмаган кишини арабчада «бжиэ» дейилади. Киши нима нарсдан қўрқса, шу нарса қўрқувчи бошига бало бўлиб, анинг олдида мағлубиятга учрайди. Қўрқоқлар кўп яхшиликлардан қуруқ қоладилар.

Дангасалик-хўринлик — бу эса ишчанликка қарши бўлиб, ҳаёт оламида инсонлар учун энг зиёнлик ёмон сифатлардандир. Шунинг учун пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам: «Тани соғ бекорчи, дангаса одамлардан Худо безор», дедилар. Яна пайғамбаримиз айтишларича, ҳар бир ақли бор одамлар ўз ҳолларини текшириб туришлари, ўз замонларига тўлиқ, яхши тушунишлари албатта лозимдир.

Энди биз — Ўзбекистон халқи ҳақиқатда шу Ватан аҳлларимиз. Инсон насли яратилиб, ер устига қадам қўйган кундан бошлаб, бизнинг ота-боболаримиз шу Ўзбекистон ўлкасида яшаб келган эканлар, шу кунларгача тирикларимизни бўйнига кўтариб, ўликларимизни қўйнида сақламишдир. Бу Ўзбекистон Ватанимизнинг бир қатлами биз ўзбек халқи ота-боболаримизнинг суяклари билан кўтарилмишдир. Демак, бўйнида кўтарган, қўйнида сақлаб оқ сут бериб тарбият

<sup>1</sup> Хўринлик — ишқмаслик.

қилган бу Ўзбекистон—Туркистон бизнинг ўз Она ватанимиздир.

Энди юқоридаги сўзга кўра биз ўзбеклар шу кунги ҳолимизни юзаки эмас, чуқурроқ текшириб кўрайлик. Қайси ҳолда турамиз, қандай хорлик остида яшаймиз, бутун ҳаётимиз устидан кимлар ҳукм юргизиб, тақдиримиз кимлар қўлига топширилмишдир? Жаннат каби боғу бўстон, ноз-неъматлик Ватанларимизга кимлар эга бўлиб, ул жойларда кимлар ўлтиради? Ватанимиз, устига мол-дунёмиз, ахлоқ-одобларимиздан бизни ким ажратди? Бутун ҳаёт, ҳосилот, эрк-ихтиёримизни мажбурий равишда қўлимиздан кимлар тортиб олди?

Ўзбекистон, айниқса Қирғизистон, Қозоғистон ўлкаларида ўз аҳлларидан неча баробар босқинчилар кўпайиб, бутун ерларимиз руслаштирилди. Бошқаларга кўз бўёв учун қоғоз устида «Ўзбекистон», «Фалонистон» деган ном бериб, иш устида Масков томонидан тайинланган бир қанча Ватан хоинлари, рус ялоқчилари, амалпараст, виждонсиз, маслак-сиз одамларни ерлик халқлар номидан қўйган бўлиб, иқтисодий-сиёсий, ҳарбий ишларни ўз қўлларида тутмоқдалар. Халқимиз ўз меҳнатлари билан топган иқтисодий бойликларни ва Ватанимиздаги табиий бойликларни уятсизларча таламоқда.

Ҳозир йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида бутун дунё бўйинча мустамлакачилик даври йўқолиш олдида туришига қарамай, биз Туркистон халқи рус босқинчиларининг ажойиб бир мустамлакачилик даврида турибмиз, ҳатто халқимиз руслаштирилиб йўқолиб кетиш хавфи бор. Бизлар бутун ҳуқуқларимиздан ажраган ҳолда, боғ-бўстон, ноз-неъматлик Ватанимиз, ота мероси ҳалол молларимиз кўз олдимизда, бақрайтиб туриб, босқинчи душманларимизга бўлиб берилмоқдадир. Унумлик Ватанларидан неча миллион тонналаб «оқ олтин» — пахта чиқариб бераётган бахтсиз деҳқонларимизнинг хўжаликлари бўлгунликка тушиб, шу кунлари қандай оғирчиликлар билан кун кечирадилар. Ўз эли, ўз ерида ғариб бўлган бу бечораларга ғамхўрлик қилувчилар, буларни қайғуриб эскарувчилар борми? Бу уятсизлар «Итингни оч сақла, орқангдан эргашсин», деган мақолни тилга келтирмасалар ҳам амалга оширдилар. Ҳақиқатда ватанфуруш бўлган ҳозирги<sup>1</sup> Ўзбекистон ҳукумати бошлиғи каби бир неча мансабпараст очкўз итларни орқага эргаштириб, шулар орқали ўз мақсадларини бажармоқдалар. Зилзила баҳонаси билан (1966 йил 26 апрель Тошкент зилзиласи) бизга ёрдам етказмакчи бўлиб сел каби қоплаб келаётган босқинчилар кимлар ҳисобига яйрашиб, кимларнинг Ватанига эга бўлдилар? Ерлик халқларни шаҳардан четга ҳайдаб, буларнинг жойларига неча қаватлаган иморатлар солиниб, бу

<sup>1</sup> 1960 йиллардаги

иморатларга бутунлай русларни кўчириб келдилар. Уйидан ажраган бечора ерлик халқ ёш болалари билан кўчаларда дилдираб юриб, аранггина бир ошёна солиш имконига эга бўлдилар. Мана бу фожиаларга умумий Ватан аҳллари— ўзбек халқимиз, айниқса янги ҳаёт эгалари, замонавий ўқимшлик Ватан болаларимиз, сиёсатшунос ватанпарвар, замонавий буюк олимларимиз аҳамият бериб қаттиқ қайғуришлари албатта лозимдир. Чунки бир миллатнинг Ватанига тушган офатлар эса у миллатнинг жасадларига ёпишган вабо микроблари кабидир. Агар унга қарши чора кўрилмас экан, кўп узоқламаёқ ҳаёт олаמידан оти ўчирилиб, у миллат туб томири билан юлиниб ташланади. Ҳозирда эса бизга қарши қўйилган босқинчилар кучи бошланғич даврга қараганда юз баробар ошганликдан, биз Ватан аҳллари улар олдидан тоғ остида қолган чигирткачалик ҳам кучга эга эмасдурмиз.

Лекин бунга қарши тоғларни ағдаргудек кучга эга бўлган аларнинг душманлари эса пайт пойлаб қаршиларида қараб турадилар. Энди бизга буларнинг темир чангалларидан қутилиш учун замонавий илм-ҳунарларни қўлга келтириб, вақт кутиб тайёргарлик кўришдан бошқа чора мумкин эмасдир.

**Байт:** Сабр қил, боғлар замон душман қўлин орқасига,  
Вақтин ўткузма ўшанда, душманнинг ур бошига.

Чунки бир давлатнинг қурилиши учун мисоли бир завод биносининг қурилиши каби шунга етарлик ҳар хил асбоб-ускуналар тайёрлаш албатта лозимдир. Унга кераклик яроқ-жабдуқлар қурувчи уста — ишчилар, бошқарувчи ўткир кўзлик муҳандислар ҳозирланган сўнгида вақти етиб шароити келар экан, давлат биноси шаксиз қурилди демакдир. Энди бу мақсадни қўлга келтиришга замонавий илм-ҳунарни тўлиқ равишда ўзлаштириб, тарихий анъанамиздан ажрамасдан диний руҳимиз, миллий ҳиссимизни қўлдан бермаслигимиз энг биринчи шартдир.

Матни тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи —  
Муҳаммадёр, Қутлуғхон ШОКИРОВлар



# ОЛТИН КИТОБ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ЭМАС, АММО...

Тарих фанлари кандидати Аҳрор Мухторов ва филология фанлари кандидати Раҳим Ҳошимнинг «Садои Шарқ» журнаlining 1967 йил 10-сонида босилган «Темур тузуқлари» тўғрисида ёзган мақолаларига

## Ж А В О Б<sup>1</sup>

Аввayo, шуни айтмоқ керакким, «Гулистон» журнаlining «Темурланг ҳақида дурустгина мукаммал асар йўқ ҳисобида», деган сўзига улар дўстона кўз билан қараган бўлсалар, ўзбекча мукаммал асар йўқ деб айтилганини тушуниб, бу қадар қоғоз юзини қоралашнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Чунки Темур ўзининг даҳшатли ишлари орқали оламга қандай даҳшатли чиққан бўлса, анинг тарихий воқеалари ҳам илм аҳллари олдида шу каби очиқ маълумдир. Лекин ғараз қалам тебранганидан дўстлик алоқаси бузилиб, бу қадар таъналик сўзлар ёзилишига сабаб бўлмишдир.

Яна бу танқидчилар Темур тўғрилиқ тарихий асарлар кўплигини кўрсатганларида, «Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»си ҳам шу жумладан» деганлар. Ҳақиқатда эса, булар айтган Низомиддин Шомий эмас, балки Ҳиравийдир<sup>2</sup> Темур ҳақида ёзилган машҳур «Зафарнома» Шарафиддин Яздийнинг асаридир. Яздийнинг асарини Низомиддинга бериб, Ҳиравийни Шомий дейишлари эса, бу фанлар кандидатлари дастлаб танқидга киришган сўзларидаёқ шу каби очиқ хатога кетганларини кўрсатади. Бу Низомиддин Ҳиравий Темур Бағдод сафарига чиқиш олдидан ўз ихтиёрича Бағдоддан чиқиб, йўлда Темурга йўлиққан. Уша дўстона қарши олувчиларнинг биринчиси бўлгани учун бу олимнинг иззати ошиб, ҳурмати кўтарилмиш эди. Шу сабабли сизлар айтгандек «Зафарнома» эмас, «Тарихи Темур» номли бир асар ёзиб, унга тақдим қилган.

Яна бу танқидчилар Арабшоҳ Дамашқийни Темур уни гўдаклигида асир этиб Самарқандга келтурганлигини ёзганлар. Аммо нимадандир, унинг Темур зарарига ёзган энг маш-

<sup>1</sup> Жавоб энди эълон этилмоқда.

<sup>2</sup> Шомийнинг ҳам шу ном билан аталадиган асари бор. (Ред.).

хур тарихи «Китоб ул-ажойиб ул-мақдур фи ахбор Темур» номли асарини ёзмаганлар. Булардан бошқа Маҳмуд Кирмонийнинг «Жўши Хуруж» асари, Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асари, Камолиддин Абдураззоқ асари «Матлаъи саъдайн» каби шарқшуносларга манбаъ ҳисобланган арабий-форсий китобларимиз кўп эди. Бу каби танқидий ишларда кўчирмачиликка суянмасдан, шу китобларни ҳам кўздан кечирган бўлсалар юқоридаги католарга, айниқса, қуйидаги катта католарга учрамаган бўлардилар.

Иккинчи, танқидчиларнинг гумонларича «Темур тузуқлари» бу жаҳонгирнинг ўз тилидан ёзилмай, унинг тилидан бошқалар ёзган бўлиб, XVII аср асарларидан ҳисобланган. Бу эса, улар кўчирган нусха аҳлларидан бошқа Шарқ оламида ҳеч кимнинг кўнглига келмаган ва келмайдиган бир ишдир. Бу каби ақлдан ташқари сўзларни илм аҳллари эмас, энг оддий одамлар ҳам айтмасалар керак. Чунки бу китоб жаҳонгир томонидан уч қисмга бўлиниб ёзилган. Биринчи, Чингиз авлоди — мўғуллар зулмига қарши курашиб, алар қўлидан ҳокимиятни қандай олган? Иккинчи, мўғуллар салтанатини йиқитиб, Турон тўпроғидан аларни ҳайдагач, қайси йўсинда ўз ҳокимиятини қурган. Учинчи, давлат қурилиб, ҳукумат тузилган сўнгида уни сақлаш учун Темур ўзи бирмунча тузуқлар (қонунномалар) ёзиб, ўз болаларига топширган.

Мана бу танқидчилар буларга қарамасдан таржима муқаддимасини ўқишлари биланоқ нимадандирки газаблари кўзғолиб, китобнинг бошқа томонларига ҳеч назар солмаганлар. Агар таржима ўқишни хоҳламас эканлар, бу китобнинг форсча таржимасини бошдан-оёқ онгли равишда ўқиб чиқишлари, албатта, керак эди. Чунки, китобнинг иккинчи мақоласи бошида Темур бундай дейди:

«Қаҳрамон ўғилларим, шавкатли набираларимга маълум бўлсинки, Оллоҳдан умидим бор, меним авлод-наслларимдан кўп кишилар узун йиллар салтанат тахтига ўтирадилар. Шунга кўра салтанат қуриш, давлат тутиш ишларини бирқанча тузуқларга боғладим. Ўз салтанатимни сақлаш учун унинг қўлланмаларини ёзиб қолдирдим. Менинг авлод-наслларим шу қонунларга амал қилиб, кўп машаққат ва меҳнатлар билан қўлга келтирган давлатимни заволдан сақлашинлар. Агар салтанат ишларида шу тузуқларни қўлланма қилар эканлар, мендан уларга етадиган салтанат давлатини узун замонлар зиёндан, заволдан сақдай оладилар».

Энди инсоф юзасидан ўйлаб қарайлик. Сизлар дегандек бу китоб Темур вафотидан икки аср кейин унинг тилидан ёзилган бўлса, Темур насл-авлоди узилиб, давлатлари завол топган замонга тўғри келади. Бундай бўлгач, бу қонунномани Темур тилидан ёзиб, аллақачон йўқолган болаларига топшириш қандай ақлга сиғади? Соғлом, ақли одамлар бундай сўзларга қандай ишонадилар? Айниқса, булар каби замонавий олимлар бу каби кўчирма сўзларга кўр-кўрона эргашган

холда шарқ одоби, инсоният ахлоқидан ташқари ҳар сўзларида киши шахсиятига тўқинишлари эрса, буларнинг илмий-адабий фазилатларидан нақадар йироқ эканликларини аниқ билдиради.

Энди биз бу китобни танқидчилар айтганидек, «асоссиз даъво қилиш» эмас, балки қатъий ва ҳақли равишда ўз даъвомизни исбот эта оламиз.

Дунё тарихчилари ичида усмонлик турк тарихчилари сизлар келтирган митсуфлик Фома сўзлари каби қонлари тўкилиб, куллари совурилган халқлардан ҳам Темурни ёмонроқ кўрадилар. Шундай зулмларни кўра туриб, унинг ҳақида яна бундай дейдилар:

«Бу жаҳонгир шу қадар золимлиги билан ул ўзи олим ва илмсевар эди. «Тузуқот» номли бир қанча сиёсий қонунлар ёзган. Узи ёзган таржимаи ҳолида уруш кунлари ўтган зулмлар сабабларини баён қилиб, бу ишда ўзини узрлик, ҳақлик кўрсатмоқчи бўлган. Чигатой тилида ёзган бу китоби форсига ва баъзи европа тилларига таржима қилинмишдир» (Шамсиддин Сомий, «Қомусул аълам», 3-том, 1727-бет).

Яна венгриялик шарқшунос олим Ҳерман Вамбери шундай дейди: «Бу асар «Темур тузуқлари» исмида бўлиб, Чингиз «Ясоғи» каби низомлар тўплами, деса ҳам бўлур. Темур бу асарида ўзининг ажойиб ва гаройиб ҳаётини ҳикоя қилганлигидан ва муҳим ишларнинг сабабларини кўрсатганлигидан, бунга таржимаи ҳол деб қарашлик ҳам тўғридир. Бунинг Европада кўрилган биринчи нусхаси англиз офицери Деви томонидан Ҳиндистондан келтирилган. 450 бет, форс тилида. Унинг асл нусхаси чигатой—туркча бўлиб, Яман волийси Жаъфарнинг кутубхонасида сақланган. Аввал бу асар форсчадан 1830 йили майор Стюарт қалами билан англизчага таржима қилинган. (Ҳ. Вамбери. «Бухоро ёки Мовароуннаҳр тарихи», 1-том, 247-бет).

Яна рус олими Н. Остроумов Тошкентда ўзбекча 100 нусхада кўпайтирилган «Амир Темур» китобига ёзган русча сўзбошисидан бундай ёзади: «... рассказывает, что Эмир Саид Мухаммадалихан осматривая однажды библиотеку, нашел в ней персидскую рукопись о жизни и походах Тимура. Оригинал этой книги был написан самим Тимуром на тюркском языке» («Амир Тимур», Ташкент, 1890—1891 гг. стр. 2).

Энди бу танқидчилар юқоридаги ёзилган асарларнинг бирортасини кўрмай туриб ва ҳам ҳақиқий олимларга хос бўлган мустақил фикр ва мулоҳазаларга эга бўлолмай, асосий далиллардан узоқлашган ҳолда ақл-нақлга тўғри келмаган ўринсиз сўзларни исботлаш учун бу қадар уринишларига, ажабо, уларни нима мажбур қилди экан? Буларнинг бу сўзларидан икки турлик мулоҳаза юргизишга тўғри келади: биринчиси шулки, «Темур тузуқлари» ҳақида ҳеч қандай фикр юритмасдан, беодобона тортинмай гапирганига қараганда, булар бошқаларни ҳам ўзларидек саводсиз деб ўйлаган бўлишлари мумкин. Еки, асосий илм йўқлигидан бу тўғрида

мустақил фикр юрита олмай, етакчилари кейинидан қолмаган кўрларча баъзи олимларнинг тахминий фикрларига эргашиб, бу ишда кўчирмачиликка суянган бўладилар. Учинчиси, танқидчи Аҳрор Мухторов ва Раҳим Ҳошимларнинг «ғул», «баранғар», «жаранғар», «чорчилпор» каби аскар ёсолларидаги ўзбекча сўзлар форсча таржимага сиғмагач, ўзларини қолдирмишдир», — деган сўзимизни эгри кўриб, «бу сўзларнинг таржима бўлмагани форсчада йўқлигида эмас, бунинг муродифлари форсчада кўп, бу сўзлар туркийлиги маълум эмас, балки «мўғулча», — дейдилар. Мана бу сўзлари билан хаёлларига келган ҳар бир нарсани фикр этмай, ҳеч қандай далил келтирмай гапирадиган қуруқ тахминчи эканликларини очиқ билдирадилар.

**Байт:** *Сўзлар бўлсанг далилларинг келтиргил,  
Е бўлмаса оғзинг очмай ўлтиргил.*

Айниқса, бу каби тарихий танқидлар устида бундай асоссиз сўзларни ўйламай айтиш илмий одамларга муносиб эмас. Ҳолбуки, машҳур эрон шоири Фирдавсий форс адабиётининг асоси ҳисобланган «Шоҳнома» китобида «баранғар» ўрнида «маймана», «жаранғар» ўрнида «майсара» келтиради. Арабчадан озгина хабардор бўлган кишига маълумдирки, «маймана» — «баранғар», «майсара» — «жаранғар» демақдир. Форс тили адабиётини ўз аслида сақлашни шарт қилган Фирдавсий булар ўрнида форсчасини топган бўлса, келтирмаслиги мумкин эмасдир. Агар бу танқидчилар тожикча муродифини топар эканлар, нима учун бирортасини бу ўринда далил қилиб келтирмадилар? Туркий, мўғулий сўзларнинг асосий келиб чиқиш манбаларига тушунмай туриб, бу каби ҳавойи сўзларни ўртага чиқариш ўзини филолог ҳисоблаган одам учун катта камчиликдир.

Ҳиндистон олимларидан Ғиёсиддин ўзининг «Ғиёсул-луғат» китобида шундай дейди: «Баранғар — дасти рости подшоҳ дар рўзи жанг. Жаранғар — дасти чапи подшоҳ дар рўзи жанг. Ин ду лафз туркий аст.» («Ғиёсул-луғат», 119-бет). «Чорчилпор — ба шаъни шикасту баст, ин туркий аст.» («Ғиёсул-луғат», 115-бет). «Тузук — ба маъни зобит қонун ва интизоми лашкар ва ин лафз турки аст» (Уша асар, 96-бет).

Бундай ўринларда кўнгилга келган далилсиз хаёллар билан бу каби туркий сўзларни мўғулча демоқлик тил тарихларидан бутунлай хабарсизлик ва ҳам хаёлга келган ҳар қандай сўзларни ўйламай гапиришга ўрганган юзаки олимлар одатларидир. Ва ҳам бу танқидчи Аҳрор Мухторов ва Раҳим Ҳошимлар ўз ҳисобларича бемавруд келтирилган Алишер Навоий асари «Муҳокаматул луғатайн» устига келгач, ўз одатларича, киши шахсига тўқиниш каби одобдан ташқари сўз бошлаган ҳолда, Навоийнинг бу асарини ҳам тўғри тушунмаганликларини билдирадилар. Фитна чиқариш мақсади билан «пропаганда» сўзига бошқача тус бериб, уни қайта-қайта

такрорлайдилар. Шу билан бирга, буюк мутафаккир, инсон-парвар, ҳақиқатчи Алишер Навоийнинг асосий сўзларига тушунмасдан, унинг ҳақида тубандаги ўринсиз сўзларни келтирадилар: «Навоий туркий-ўзбек тилининг ҳақли равишда адабий тил бўлишга қодирлигини исботлаш йўлида олиб борган ҳақиқий ва дўстона курашида баъзи бир маврудларда бу тилни бошқа тиллардан юқорироқ ва уларга қарама-қарши қўйган. Аммо Навоий қарашларининг бу нотўғри жиҳатларини бизнинг замонамизда пропаганда қилиш равоми?»

Киши кўнглига келмайдиган бу каби бузуқ ҳаёлларини айниқса шу кунлари, байналмилал назарияси умумлашаётган ҳолда, игвогарлар қуроли — бу каби фитначилик сўзларини бу танқидчилардан бошқа ҳеч бир инсон эскармаган бўлиши керак. Қачонлардир совет кишилари кўнгилларидан угутилиб кетган миллатчилик, фалончилик деган бузуқ сўзларини шу орага қистирмоқчи бўладилар. Ажабо, бу қандай адабки, танқидчи кишилар, энг аввал, ёзувчининг мақсад сўзини тушуниб, сўнгра бу ишга хос илм ва одоб доирасидан чиқмаган ҳолда ёзишлари лозим эмасмиди? Сизнингча, Алишер Навоийнинг ўз она тили устида олиб борган бир илмий ва ҳаққоний мулоҳазаси уни иккинчи бир тилга қарама-қарши қўйган бўладими? Навоий сўзини ҳужжат қилиб келтиришимдан маним асл мақсадим Темур асари «Тузукот» аслида ўзбекча ёзилиб, унинг ўз асари эканини исботлашдир. Буни ҳам билиш керакки, Навоий «Муҳокаматул луғатайн» асарини нима учун ёзган, бунга қандай сабаблар бўлган? Бошқа ҳаёли сўзларни кўчиришга қизиққандек, бу танқидчилар форс-тожик тилида ёзилиб, бошқа халқларга манбаъ ҳисобланган ўз тарихларини яхши билган бўлсалар, бу қадар одобдан ташқари, сассиқ сўзларни келтиришдан, албатта, сақланардилар. Ўзбек, тожик халқларининг қадимдан бери дўстона алоқаларини ва ҳам форс-тожик тили адабиёт доирасининг ва унинг қадимий анъанали юксак маданиятини ким инкор қила олади? Илмсевар ва инсониятпарвар мутафаккир Алишер Навоий илм ва адабиёт соҳаси кенгайиб, илмий ва адабий тараққиёт чекланмаслиги учун ўз тилини сизлар айтгандек бошқа тилга қарама-қарши қўйиб эмас, балки илмий ва маданий тил-қаторига киргизиш мақсадида «Муҳокаматул луғатайн» асарини мусобақа майдонига чиқарган. Танқидчилар «Навоийнинг бу фаолиятини Жомий каби улуг устоз ва бошқа замондош форс-тожик олим-шоирлари тақдирлашиб, унинг туркча шеърларига буюк баҳо бердилар», — дея туриб ва ҳам Бартольднинг бу ҳақда айтган бир қанча мусбат фикрларини келтириб тубанроқ тушгач, бу сўзларни унутган ҳолда юқоридаги бузуқ сўзларни келтирадилар. Бу билан Жомий бошлиқ ҳамма шоирлар, олимлар тақдирлаган баҳоларига қарамай, Навоийни ҳам танқид қилмоқчи бўладилар. Илмий мулоҳазалар қилиб, дўстона муомала ўтказиш ўрнига киши кўнглига келмаган ва ҳам келмайдиган қаёқдаги бувуқчилик фитналарини эскарадилар. Қадимдан бери

ҳаёт оламининг аччиқ-чучугини бирга тоттишган ўзбек, тожик халқларининг орасини ажратиш сиз танқидчилардан бошқа кимнинг кўнглига келади? Танқидчиларнинг бу сўзларига Жалолоддин Румийнинг бу байтини келтиришга мажбур бўлдим;

*Байт: Бадгумон бошад ҳамиша зишдкор,  
Моли ҳуд бинад андар ҳақи ёр.*

Яна «Гулистон» журнали бошида ёзилган «Ёт элларга ўлжа тушиб кетган асаримизни ўз элига кўчириб келтирдим», деган сўз устида фикр юритиб, бунга ҳам хато тушуниб олганлар. Асарнинг асл нусхаси устида айтилган гапни бадгумонлик билан икки халқ тили устига айлантириб, ўз одатларича, яна иғвогарликка киришганлар. Узларини илм аҳллари ва тадқиқот эгалари қилиб кўрсатган бу олимлардан бутун халқ ҳар ёқлама улғу хизматлар кутиб туришган ҳолда тирноқ тагидан кир излаб, ошга тушган пашшадек ҳамманинг кўнглини хира қилиб ўтиришларининг нима ҳожати бор? Илмий мулоҳазалардан бутунлай йироқ, иғвогарчиликка сабаб бўладиган, киши кўнглига келмаган фитна сўзларни ўртага ташлаш олимлар учун энг оғир жиноятдир.

Ҳақиқатда бу асар («Темур тузуклари»), танқидчилар айтганидек, қўлёзманинг форсча нусхаси Лондонда ёки Вамбери айтганича, асл туркча нусхаси Яман волийси Жаъфарнинг кутубхонасидадир. Ана шу ўлжа тушиб кетган асарни «ёт ердан ўз элига кўчириб келтирдим», — деган ғаразсиз бир шоирона сўз эди. Улар ҳам шундайчагина тушуниб қолмай, кажфаҳмлиқданми, ёки бузуқ бирон ғаразлари борми, негадир, тўғри турган сўзни бошқа ёққа буриб, иғвогарларча ундан бузуқ сўзларни хулоса қилиб чиқаришга журъат қилганлар. Яна бу танқидчилар юқоридаги хато фикрларига кўра шундай дейдилар: «Темур тузуклари» ҳаргиз йўқолмаган. Бошқа жойга ўлжа тушмаган. Бу асар кўп вақтлар илгари Қўқон хони Муҳаммад Алихон топшириғи билан хўжандлик тожик олими Набижон Хотиф томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Ундан меросхўрлари фойдаланган. Аллақачон нашр этилиб маълум ва машҳур бўлган экан, ўзини Колумб деб санаш нима керак? Бу асар 1895 йилда Тошкентда уч марта босилиб чиқарилган».

Танқидчи бу сўзи билан ўзининг ёлғончи ва каззоблигини кўрсатган. «Бу асар маълум ва машҳур бўлиб, ундан меросхўрлари фойдаланган», — деган сўзи ҳам тўғри эмасдир.

Асарнинг маълум ва машҳур бўлиши учун кўпчилик халқ ўртасида тарқалиб ўқилиши керак. Рус олими Н. Остроумов айтишича, 100 нусхада босилиб, уни ҳам махсус ҳукумат кишиларигагина берилган. Буни ҳам билиш керакким, Қўқон хони хазинасидан форсча «Темур тузуклари» топилиб, уни тожик шоири Набижон Хотиф ўзбекчага таржима қилган асар билан биз таржима қилган «Темур тузуклари» орасида

ер-осмончалик фарқлари бордир. Набижон Хотифнинг ўзбекча таржимаси эса «Темур тузуклари»нинг биринчи мақоласидаги таржимаи ҳол қисмидан бошлаб, Темур билан Амир Ҳусайн ораларида ўтган талаш-тортишувлардангина иборатдир. Бунинг устига замонамизда уни таржима қилишдан ҳар қандай одам хижолат бўлгудай хурофий сўзлари ҳам жуда кўпдир. Бу икки таржима орасида шунчалик фарқлари бўла туриб, бунга қарамасдан, еру кўк фарқига етмасдан бу ёлғон танқидчилар «бу асар аллақачон нашр этилган, халқ ичида маълум ва машҳур бўлиб, ундан фойдаланганлар», — дейдилар.

Яна бу гаразлик танқидчилар биз таржима қилган «Темур тузуклари» ҳақида асоссиз ноҳақ сўзларини тожик шоири Набижон Хотиф таржимаси ҳақида нега айтмаганлар? Қўқон хони Муҳаммад Алихон ва унинг отаси Умархон хазинасидан топилган бу асар — «Темур тузуклари»ни — унинг қонуннома қўлланмаси деб ҳаммалари ишонишган ҳолда хон топшириғи билан ўша замон шоир ва олимларининг йттифоқлари билан ўзбекча таржима қилинмишдир. Агар бу танқидчи Аҳрор Мухторов ва Раҳим Ҳошимлар деганларича, бу китоб ҳам ёлғон бўлиб Темур тилидан XVII аср ичида бошқалар томонидан ёзилган ҳисобланар экан, у ҳолда «Темур тузуклари», деб, бошқа бировлар асарларини хазиналарида сақлаган хонлар ва ҳам ўша даврнинг уламо — шоирлари бутунлай алданиб хато қилган бўладилар. Лекин буларнинг юқорида айтган сўзлари «бу асар ўзбек халқидан йўқолган эмас, Соғунийдан кўп вақтлар илгари таржима қилинган, аллақачон нашр этилиб тарқалган, ундан меросхўрлари фойдаланган», — деган тапига қараганда Набижон Хотиф тарафидан таржима қилинган «Темур тузуклари»га инкорлари йўқ, иқроор эканлари билинади. Бунга иқроор бўла туриб, яна бизнинг таржимамизга инкор бўлиб осилар эканлар, у ҳолда бошқаларни саводсиз, деган танқидчи олимлар Абу Али ибн Сино айтганидек, «ўз сўзларига ўзлари тушунмаган илм душманлари — мураккаб жоҳиллар синфига кирадилар».

Яна бу танқидчилар юқоридаги сўзлари устига бу сўзни келтирадилар: «Алихон Соғуний бошқа кишилар тарафидан яратилган бу асарни Темурга нисбат бериб, олтин китоб деб номлайди».

Ажабо, «Темур тузуклари» олтин китоб деганим учун уларга нима мунча ичқуйгулиги тушди? Агар бу китоб олтин китоб бўлмаса эди, Қўқон хонлари ўз хазиналарида сақлаб, ўшал замон олимлари буни таржима қилишга қизиқармидилар? Булар гавҳаршунос бўлганларида бундай бемаъни, асоссиз сўзлари ўрнида асар эгаси Темурни тақдирлашмасалар ҳам, бу китобни, албатта, тақдирлашардилар. Гавҳарни таниган бўлсалар ҳам, ҳар қандай жойда ётганига қарамай, уни олган бўлишлари лозим эди. Бироқ мазкур сополфурушлар бу каби асл гавҳар қадрини қандай била олсунлар? Шунга

кўра «олтин китоб» деганимизга койишлари оқиллар олдида кўп ажабланарли иш эмасдир.

Яна бу танқидчиларнинг юқоридаги сўзларидан англашилганича «Темур тузуклари»нинг ҳеч бирини на тожикча, на ўзбекча таржималарини илмий кўз билан бошдан-оёқ қараб чиқишга фахмлари етмагани билинади. Бундай бўлмаганда, ўзларини илм аҳллари ҳисоблаган шахслар бошқаларнинг тахминий сўзларига эргашиб, бу каби асоссиз, масхара танқидга киришмас эдилар.

Кўчирмачиликка ўрганган бу танқидчилар яна бундай дейдилар: «Агар Темурнинг ўз қалами билан битилган бу мўътабар асари мавжуд бўлганида Шарафиддиннинг ундан фойдаланмай қолиши мумкин эмас эди». Уларнинг бу сўзи Шарафиддиннинг форсча «Зафарнома»сини кўрмасдан туриб, бошқаларга эргашган ҳолда кўчирмачилик қилганларини билдиради. Чунки Шарафиддин Али Яздий ва ундан илгари — кейин ҳам Темур тарихини ёзувчилар унинг таржимаи ҳолни ёзганларида Темурнинг шу асаридаги сўзларини қолдирмай келтирганлар. Бундай бўлгач, «Темур тузуклари»дан олдим, деб ёзмагани учунгина бундай хулосага «елиш олим кишига хос мурувватдан эмасдир. Ҳаммадан ажабланарлик иш шуки, бу танқидчилар «Темур тузуклари» ундан эмас деган, илгари — кейин Шарқ оламида биронта одам оғзидан чиқмаган, балки хаёлга келмаган шундай сўзни ўртага чиқариб, зўр бериб, бу асоссиз сўзларини исботлаш учун уринганлар. Энди уларнинг бу ишларига қандайча тушуниш керак? «Темур тузуклари»даги гавҳардек сўзларни ўзлари билмаган, танимаган бошқа биров оғзидан чиққан ҳисоблаб, бундан қайси мақсадга эришиб, қандай обрў қозонмоқчи бўладилар? Балки, уларнинг бу қабоҳат қилиқлари икки ватандош ўзбек-тожик халқлари орасида фитна-иғво тарқатиб, бузуқлик қилишдангина иборатдир. Яна бир ҳайрон қоларлик ишлари шулки, ўзларининг бемаъни танқидларининг туганчисида қуйидаги сўзларни келтирганлар: «Аммо, шуни ҳам айтиб ўтмоқчимизки, «Темур тузуклари» XVII асрга оид қизиқарли бир тарихий ҳужжатдир ва уни ҳар томонлама ўрганиш ва нашр этиш лозим, лекин...» деб кейининдан илм аҳлларини одоб услубидан ташқари ибора билан сўзини бошқа ёққа буриб тамомлайди. Ажабо, бу қандай мантиқсизликдир?! Ой — этак билан ёпилмас, ҳақиқат — яширган билан йўқолмас. Шарқ олами ва олимларига танилган ҳақиқий Темур асари — ўз қалами билан битилган «Темур тузуклари» 1967 йилнинг бошидан бошлаб «Гулистон» журналида бўтунай деярлик босилиб чиқди. Ўзбек халқи ва бошқа ватандошлари ундан яхшигина фойдаландилар. Темурнинг ўз оғзидан эшитилган сўзларига ва ҳам ўзига баҳо берувчилар бўлар экан, у бизнинг ишимиз эмас, журнал ўқувчиларининг ўз виждоний вазифаларидир.

Бу билан бирга шуни ҳам айтишимиз керакки, «Темур тузуклари»нинг биринчи мақоласида Темур ўз бошидан



кечирган ажойиб ва ғаройиб аҳволларини ҳар ким тушунарлик очиқ тил билан ёзганликдан унинг таржимаи ҳолини ёзувчи барча тарихчиларга бу асар асосий манбаъ ҳисобланади. Шунинг учун Темурнинг ўттиз олти йиллик салтанат даврида ўтказган тарихий воқеаларидан қисқача равишда хабар топиш учун биз бу асарни, албатта, етарли деб биламиз.

Энди шу ерга етгунча айтилган далиллик сўзлардан тарих фанлари кандидати Аҳрор Мухторов ва филология фанлари кандидати Раҳим Ҳошимлар томонидан «Темур тузуклари» устида қилган танқидий сўзларининг асоссизлиги очилди, деб ҳисоблаймиз. Уларнинг бу танқидлари эса, мустақил ўз фикрлари бўлмай, балки эргашмаликдан чиққан далилсиз, қуруқ кўчирма сўз эканлиги юқорида айтилган илмий далиллар билан аниқланди ва ҳам шу ерда кўрсатилган «Қомусул аълам», «Мовароуннаҳр тарихи», «Ғиёсул-луғат» каби улғ асарлар орқали буларнинг сўзлари ноҳақ эканлиги аниқ исботланди.

Энди эса шу юқоридаги асарларнинг биронтасини ҳам кўрмай туриб, бу каби очиқ ҳақиқатга қарши туришлари ва ҳар икки тараф халқларининг кўнгиллари бузилишга сабаб бўлгудек илм-одобларидан ташқари сўзлар ёзишлари, ҳарҳолда, халқ учун фойдали хизматлари кутилган олимлардан энг келишмаган, энг нафратли бир кишидир. Шунинг учун бу танқидчиларнинг «Садон Шарқ» журнали орқали чиққан ўринсиз совуқ садоларини ҳар икки тарафнинг ҳақиқатчи олимлари мардуд ва манфур ҳисоблайдилар.

Буни ҳам билдириш лозимки, оз бўлса ҳам халқ учун бир тарихий хизмат бўларми, кейинги бўғинларга биздан эсдалик бир асар қолармикан умиди ила шу «Темур тузуклари»ни ва бундан бир неча йил илгари Аҳмад Дониш асари — «Наводирул-вақоъ» китобини ҳам таржима қилмиш эдик. Ҳар икковида ҳам ғаразгўй олимлар тарафидан сўз ўқига нишон бўлиб, ноҳақ танқидга учрадик. Шундай қилиб, мени халқ танимасалар ҳам ман халқни таниганим учун билмаганларини билганларига бағишлаб, яна ўз ишимизда давом этажамиз.

*Байт: Тош уриб сіндирса олтин косани,  
Тошнинг қабри ошмагай, олтин баҳоси тушмагай.*

АЛИХОҲТЎРА ОТА СОҒУНИИ  
1968 йил. Январь. Тошкент.





## ЮРТИМ ДЕСАМ

*Ўзбегим деб кенг жаҳонга  
Не учун мадҳ этмайин!  
Ўзлизгим билмоққа даврим  
Берди имкон, ўзбегим.*

**ОЧУН — ФОНИЙ,  
БУ ЖОН — ОНИЙ,  
ТУРУК — БОҚИЙ!**

**Дўстим Исажонга  
айтган чўпчагим**

*Эртага  
уст-бошин қоқиб Эр Тўнга  
Тулпорига урар эгар-жабдуқни.  
— Бириктирай, — дейди — ёнгану тўнган  
Уруғдек сочилган уруғни.*

*Эртага  
тиграйди олам этаги,  
Даштларни тўлдириб учади чорлов:  
— У-ҳў-ў-ҳў, ухлаганинг етади.  
Турук будуним-ов!*

*Эртага эрлар айланади эркакка,  
Гузларлар файзиёб.  
Лак-лак лайлакка  
Тўлар Афросиёб.*

*Эртага  
кегамиз эртакка  
Ешу қари.  
Қуёшга талпинган тийрак гўдакка  
Жилмайиб қарайди солиҳ Кошғарий...*

*Эртага  
мениям туртиб қўй,  
Эрта уйғонсанг...*

## Чибилга. XX аср

*Баргланди барханга санчилган найза,  
Араксдан сув келтир, мана дубулга,  
Энди шу ниҳолни муқаддас дейсан,  
Шунга сиғинасан энди, Чибилга!*

*Сочларинг белбоғ бўлсин,  
Кўйлак бўлсин сочларинг.*

*Алп Тегин қайтмайди ота юртига,  
Арвоҳни тошдийда элат чавақлар.  
Ниҳолинг мевасин бағри йиртилар:  
Ажаб, бошчаноқдек оппоқ чаноқлар...*

*Сочларинг белбоғ бўлсин,  
Кўйдак бўлсин сочларинг.*

*Учмоҳ ваъда қилар тангрининг ўзи,  
Бу тамуғ-масканда қўйса-да хўрлаб,  
Ҳосилга кўз тикиб, чўкса-да кўзинг,  
Шўр ювиб, пешонанг кетса-да шўрлаб —*

*Сочларинг белбоғ бўлсин,  
Кўйлак бўлсин сочларинг.*

*Кўлимдан сўзламоқ келади, рости,  
Тамоқ қақраб кетди, бергил қултум сув.  
Нега дубулгани юзингга босдинг,  
Мен сендан намакоб сўрамадим-ку!*

*Сочларинг белбоғ бўлсин,  
Кўйлак бўлсин сочларинг!*

## VII аср. Жанггоҳ

*Ер бағирлаб қарлуғочмас, тийрлар учар,  
Ўт-ўланлар ёғмур эмас, хунлар ичар,  
Алп эранлар қонлар кечар, жондан кечар...  
Тур, Иқболбек, тур!*

*Юзларимга тумшугини чўзар тўриқ,  
Нарироқда чўнқаяр оч она бўри.  
Милтир-милтир, элас-элас кўзим қўри...  
Тур, Иқболбек, тур!*

*Марғиёндан қочиб чиқди қаттол ёғий,  
Очун-фоний, бу жон-оний, турук-боқий!  
Кўк илоҳий, ер илоҳий, эрк илоҳий...  
Тур, Иқбодбек, тур!*

## Эртак

I

*Унг ёнингда Хусан,  
Сўл ёнингда Ҳасан.  
Биллур уйда  
Ултирасан.*

*Сочингни ўради  
сув парилари,  
Наҳанглар пойингдд ётар мунгазир.  
Қўлингда ойна бўлай деган,  
Кейин майли, ўлай деган  
Тилло балиқларнинг сони  
Юзтадир...*

*Куласан.  
Соҳилда қўлларин чўзиб  
Ёлбораётган  
эркакка қараб.  
Сув ичида  
бўлмайди сезиб*

*Йиғласанг ҳам  
кулган каби  
лаб.*

*Қиргоқ бўйлаб зир югуради  
ўтдан  
Сувдан  
жонзада эркак,  
Хонбалиқ юзини буради.  
«Қайтақол фариштам, эркам...»  
Кўзлари совуқ ялтираб  
Безовта кезади балиқлар.  
Бешик қучган қўлларинг  
қалтирар...  
Сезади... балиқлар,*

## II

Унз ёнингда Хусан,  
Сўл ёнингда Ҳасан.  
Мовий уйда  
Ултирасан,

Сув остида ўлик  
                                    ҳадиклар,  
Яшаш мумкин  
гинч, бетаҳлика.  
Ташрифингдан шоддир балиқлар.  
Сендай малак...  
Сендай малика...

Тангабалиқ тангасига  
Қўл чўзгани чўзган  
Хусанинг.  
Қиличбалиқ сасига  
Кўз очар Ҳасанинг.  
Қирқоёқ тебратар бешикларини,  
Дўлфинлар эгилиб, аста эркалар:  
«Қўриш учун юртнинг эшикларини  
Эркалар керак,  
дов эркалар!»  
Ҳасанбойнинг мушти  
Тугилган.  
Ҳусанбойнинг қоши  
Уйилган...

## III

Унз ёнингда Хусан,  
Сўл ёнингда Ҳасан.  
Шаффоф уйда  
Ултирасан.  
Қўшиқларнинг залворидан  
                                    Эшилар сув ўтлари,  
Чиғаноқлар қорнидан  
                                    Тушар марваридлари...

«Ёвнинг пошnasi теккан  
ерлардан қуллар қолур,  
Қўрқувга бошин эгган  
эрлардан қуллар қолур,  
Мардлардан туллар қолур...»

«Пошналарин остинда  
қолиб кетди гулларим,

Гулларимнинг қасдин-да  
олиб келгай улларим...»  
«Қуруқликда юрганлар  
Хоиндир ғанимга эгилган.  
Мардлар — ер остига кирганлар.  
Отангизнинг... боши... кесилган...»  
Сув ичида

бўлмайди сезиб  
Ишласанг ҳам  
кулган каби  
лаб.

Соҳилда  
қўлларини чўзиб  
Эркак ёлборади  
ойлаб...  
йиллаб...  
йиғлаб...

\* \* \*

Бир ёнингда Ҳусан,  
Бир ёнингда Ҳасан,  
Сув тубинда  
Ултирибсан...

---





## МОЗИЙДАН НУР



*Сен на зардушт, сен на буддий  
Сенга на оташ, санам,  
Одамийлик дини бирла  
Тоза имон ўзбегим.*



*Ёшлигимизда оталаримиз айтув эдилар:*

*— Рух одам ичида нур пайдо қилув,  
ул нур хосиятдур. Фарияталар бу нурдан  
шугла олулар.*

*Ва яна айтув эдилар:*

*— Сабри бор одам хосиятлик  
одамдурки, ниятидан, умридан барака  
топгай...*

*Энди эсимизни таниб билсакки, бу  
сўзларни энг аввало ал-Ғаззолий айтиб  
ва битиб кетган эканлар. Ул кишидан  
икки ярим аср сўнг ўтган тариқатчи  
файласуф аллома Сабукий «агар  
Муҳаммаддан кейин ҳам пайғамбарлик  
вожиб бўлганда, бу улуг даражага  
ал-Ғаззолий муносиб эди», деб  
таърифлайдилар.*

*Мусулмон оламида машхур «Кимёи  
Саодат турки» китоби ана шу зоги шариф  
Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад  
ал-Ғаззолий (1059—1111) ҳазратларининг  
қаламларига мансубдир.*

# Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий

---

## КИМЕИ САОДАТ ТУРКИ

УЛУҒ КИТОБДАН УН ИККИ ШИНГИЛ

### Фарзанд дунёга келганда

Фарзанд дунёга келган вақтда дастлаб қулоғига азон айтиб, такбир ўқимоқ даркор. Сўнг муносиб номлардан бирини қўймоқ лозим. Қиз болага бир, ўғул болага икки қўй сўйиб, халққа маърака ясаб, (топилмаса бир қўй) бермоқ керак. Тотли нарсадан томға қилиб, яъни (боланинг) тани, кўзи, бошига сургай. Қиз топган хомуш, ўғул топган кўп шодлонмағай. Икки-уч қиз туғилганда ҳам ота севиниб, садақа бериб, шод бўлғай. Хотинини талоқ қилиш (қиз туғабургани учун) гуноҳдир. Хусусан, аёл ҳомиладор вақтида талоқ қилиш гуноҳи азим — ҳаромдир. Хотин пок, ҳалол бўлғай, эрига хиёнат қилмағай. Шундай турмушда туғулган фарзанд пок юрак, фаросатли, ақлли бўлғай.

### Фарзандни парвариш қилмоқ баёни

Билинги, фарзанд ота-она қўлида омонатдур. Анда фарзанд дили пок мўминлик нақшин қабул қилғай. Фарзанд яхши тарбият олса, бу дунёда ва охирада ота-она юзи ёруғ бўлғай. Кичик болани бу олам ўтига куйдурмай, эҳтиёт қилган кимса, парвариш ғамида бўлур. Ҳамма фасоднинг асли (асосан) ёмон бирла ҳамжиҳат бўлмоқдин пайдо бўлғайким, фарзандни тотлиғ таом ва яхши либосга ҳавас қилдирмағайким, ҳамма умри (боланинг) анинг таъсирида зое қилинур.

Болани ибтидои ҳолидин поклик бирла парвариш қилғай. Чунки, энагаси салоҳжўй (ҳалол) ва нехулқ ва ҳалолхўр бўлғайким, ёмон хулқдин сироат қилур (ҳазар қилур), ҳаром сутдин халос бўлур. Вақтики, забони сўзга келса, аввало «Оллоҳ» лафзини айтқайким, дунё ва охира саодатиға шарофотдур.

(Бола) таом емакнинг одобларини ўрганғай. Андоғким,

ўнг қўли бирла егай ва ибтидоий луқмада «бисмиллоҳ» дегай ва илдираб (тез) емагай ва (оғзини) тўлдириб емагай. Ўзгалар луқмаларига кўз солмагай ва бир луқмани ютуб бўлгунча косага қўл узатмагай. Ияк (лужини) таомга тўла қилмагай ва гоҳи қуруқ нон (ўтирганлардан) ким (кимса) емаса, нон хуружиға одат қилмагай. Тўла (тўйиб) емакни ани (унинг) кўнглидан совутгай. Айтгайким, тўла емак ҳайвонлар, нодонлар ишидур. Ва (ота-онаси, энагаси) ўз фарзанди қошида беадаб қилиқларни айб қилгай. Адаблик хулқларни фазилатини айтгай. Емонлар бирла (бола) ҳамсуҳбат бўлмоқдин парҳез қилгай. Ҳарким ёмонларға қўшулубдур, шўх ва ялгончи ва бебок (бебуд) бўлурким, салоҳига (ўз обрўсига) келмаги душвордур (қийиндир). Вақтики етиб мактабга борса, Қуръон (ўқиб) ўргангай, ахбор ва ҳикояларға машғул қилгай. Ва зинҳор хотунлар, ишқ-муҳаббат хусусида сўзлаши ва уларни сифатиға машғул бўлмоқдин ҳазар қилгай. Агар гўдак хато қилса, икки-уч навбат кўрмаслик ва емасликка (тақиқ остига) солгай, токим жавоб қилгайким... «зинҳор бу феълдин ёнғил (кетгил), одамликдин чиқарсен ва одамаро расво бўлурсен». Отаси ўзининг фарзандига фозил нисбат бирла йўл кўрсатгай ва онаси болани отасидин (ҳайиқадиған этиб) қўрқитгай. (Болани) кундуз ухламоқдин парҳез қилгайким, копил (беҳол) бўлур, ва кечалик вақтда юмшоқ нимарса узрасида ётқизмагай, (шунда) бадани қутлиқ (қаттиқ) бўлур. Ҳар кунг бир соат ўйнамоқға қўйгай, токи дилтанг, бадхўй ва тийрадил бўлмагай. (Бола) гўдаклардин бир нима тилаб олмагай, балки уларға бергай. Отаси айтгайким, тилаб олмоқ гадолар ишидур ва кишидин ҳеч нима тамеъ қилдирмагай. Таълим бергайким, одобни халқ ўртасида ҳам сақлагай. Агар (одамлар орасида) ўлтурса, кишига орқа қилиб ўлтурмагай. Энгагига таёниб ўлтурмагай, бу (бундай қилиш) камоллик далилидур. (Кишилар олдида) тўла (кўп) сўзламагай ва сукут ёд қилмагай (жуда жим бўлиб ҳам ўтирмасин). Сўрамаған нимарсани демагай, ўзидан улғни ҳурмат бирла тутгай. Тилини фасҳ ва ўйин сўздин асрагай. Устоди сўкса (урса), тўла нола ва фарёд қилмагай ва шафъ (шак) келтирмагай, сабр қилгай, (болага) айтгайким, нола, фарёд хотунлар ва нодонлар ишидур.

Вақтики (бола) етти ёшға кирса, ҳиллат олмоқ, намоз ўкумоққа мулокимат бирла (кўниктира) бошлагай ва агар ўн ёшға кириб намоз ва таҳоратға унамаса, сўқгай, ҳаром емоқ ва ёлгон айтмоқдин эҳтиёт қилгай. Бас, вақтики фарзандни ибтидосидин яхши парвариш қилса, тошға нақш қилғандек, кўнглида нақш боғлар. Агар беадаблик жуйида қолса, тошға тупроқ сочғандек бўлур.

Бир ўғлон кечалари ҳеч уйқуға кетмаган. Анга айдиларки, ҳар кеча ётур олдиндан ҳақ таолони ёд эт. Айдики, нечук ёд этурмен. Айдики, ухлар вақтингда уч навбат кўнгулда дегилки, «Худо менинг бирладур. Худо менинг ҳолимни биладур. Худо мени кўрадур». «Бас, неча кеча мунни айдим,»

андин кейин айдиларки, «ҳар кеча ети (етти) навбат айгил», «Бажо қилдим. Эрса, кўнглимда ҳаловот пайдо бўлди, яхши ухломоққа бошладим».

## Ота-она ҳақлари ва фарзанд ҳуқуқи

Ҳазрати Расул Карим айтибдурларким, Худои таоло бандаларимдан динга ёвуқ кимса, менга ёвуқ дебдурлар. Мен уларга иноят дариг қилурмен. Ота-она ҳуқуқини адо қилмоқ улуғ тоат ва саодатдур. Расул алайҳиссалом айтибдурлар, беҳиштнинг хушбўйлиғи беш юз йиллиқ йўлга борадур, аммо ота-онага озор берувчилар, раҳмини қаттиқ қилғувчиларга (тош кўнгилга) етмас. Худо таоло садо ва аён қилдиким, кимсаки ота-онасини фармонини тутса, мени фармонимни тутмаса ҳам, ани фармони бурдар ҳақиға битурмен ва кишиким мени фармонимни тутса ва ота-онасини фармонини тутмаса, ани нофармонлар ҳақиға битурмен.

Кимарса ҳазрат Расул алайҳиссаломдин сўрадиким, «отам ва онам ўлди. Қайси амалини қилсам, уларнинг ҳақи адо бўлғай?» Ҳазрат Расул алайҳиссалом айттиларким, «улар учун намоз ўтаб, руҳлари шодлиғини тилагил, васиятларини бажо келтурғил ва дўстларини азиз тутғил ва ошноларига яхшилик қилғил. Онани ҳаққи отани ҳаққидин икки баробар зиёддур». Сўрабдиларки, кимга яхшилик қилайки, менга яхшилик қилган дўст-ёрим ўлди. Айтибдурки, унинг фарзандларига яхшилик қилғил.

Фарзанд туғулғанда ота-она ва хешлари севингай, бисёр неклик тилақлар тилагай ва севикли отлар қўйиб, умид қилғайким, фарзандлар улғайиб, ота-она қилган тарбия ва чеккан заҳматларни қайтаргай, ота-она улуғ ёшга етганда иззатларини жойига қўйгай.

Худойи таоло раҳм қилгай ул одамгаким, ўгли нофармонлиқ қилса, анча озор бермагай, рози оллоҳ. Ҳазрат Расул алайҳиссалом айдиларким, вақтики фарзанд етти кунлик бўлса, ақиқа қилинлар ва яхши от қўйинлар. Ақиқа улким, фарзанд туғулишига назр ош қилиб, гўштини еб, устихонини синдирмай ерга кўминлар. Вақтики (бола) олти ёшга кирганда мактабга бергай. Тўққиз ёшга кирганда бўлак ўринда ётқизгай, ўн уч ёшга кирганда намоз ўқитгай, ўн олти ёшга кирганда хотун олиб бергай. (Фарзандининг қўлини тутуб айтгайким, илм ва одоб ўргатдим, хотун олиб бердим, Худои таолога сиғиндим. Сенинг жиҳатингдин бу оламда Худойи таолонинг азобига ва охират азобига гирифтор бўлмоқдин қутулдим, дегай.

Яна фарзанд ҳуқуқидин бири булким, бир нима бермоқда ва марҳамат қилмоқда (ота болаларини) баробар кўргағай, фарзандга номувофиқ иш дерса (топширса), они (фарзанд) қилмагай.

Фарзанд ота-она рухсатисиз (сафарга) чиқмоғи жоиз эмас.

Агар фарзанд ҳажга бормоқдин маниъ (сўз очса) қилса, ота-она тоҳир (рад) қилмоқи мубоҳдур (мумкин) ва аммо фарзанд илм ўрганмоқ учун беижозат сафар қилса, жоиздур.

Бир киши ғиротга (ҳажга) бормоққа онҳазрат салли мусалламдин рухсат тилади. Айдики, «онанг борму», айдики «орий, бордур». Айдилар, онанг хизматида бўлғилки, беҳишт онангни қадами остидадур. Яна бир саҳоба рухсат тилади, айдиларким, «ота-онанг борму, бор. Бўлса, аввал улардин рухсат тилагил, нечук фармон қилса, улар фармонини тутмоқдин зиёда тоат йўқдур».

### **Хеш-ақробо ва уруғ-қариндошлар баёнида**

Одамга яхшилик қилиш савоб иш. Ҳар қандоқ кимсага ёри (ёрдам) бериш, худо йўлига қилинган хайр бирла баробардур. Аввало ота-она, сўнг хеш-ақроболар ва сўнгга муҳтож авом ва дарвешларга ёри кўрсатмаклик даркор. Ҳимоя шулдурким, кишилар иноқ, тоат-ибодатда, сабр-тоқатда, бирликда яшағайлар. Ҳазрат Расул алайҳиссаломга айтибдурлар, фалон хотун кундуз рўза тутар, кеча намоз ўтайдур. Лекин ҳамсоясига озор берадур. Ҳазрат алайҳиссалом айдиларким, уни жойи дўзахдадур. Ота-она, хеш-ақробо ва ҳамсояга ва яна кулли таниш-билиш бўлгон одамларга ҳам ёри бериб, ҳимоя қилиш савоб ишдур. Ҳамма ишларда яхшилик қилмоқ лозимдур.

Айтадурларким, бир кимсанинг уйида сичқонлар пайдо бўлган. Ундан сўрабдурлар, нечун мушук сақламайсизки, сичқонлар йўқ бўлғай эди. Дебди: Кўрқаманким, сичқонлар мушук овозини эшитиб, ҳамсояларнинг уйига тарқағай, ўзимга раво кўрмаган ишни ҳамсояга раво кўрурманму? Расул алайҳиссалом айдилар, ҳамсоялар ҳақи ушбудурким, агар сендан ёри тиласа, ёри бергил, агар қарз тиласа, қарз бергил. Агар дарвеш бўлсалар, мадад қилғил, агар касал бўлса, иноят қилғил. Агар ўлса, жаноза орқасидан борғил, агар шод бўлса, муборақбод қилғил, агар ғамгин бўлса, тасалли бергил.

Ва томингни улар уйдан баланд қилмағилки, шамолга монеъ бўлмағай. Ва ҳар нимарса есанг, ҳамсоянга чиқарғил, чиқора олмасанг ҳамсоянг фарзандлари қўлига нон бўлиб бергил. Ҳамсоянга ошхона тутуни бирла озор бермағил, андай кимсага худо раҳматлар кўрсатғай. Ҳамсоянгни айбини ёпғил, (бошқаларнинг) гийбат сўзларига қулоқ солмағил. Ушбудур мусулмон ҳуқуқи ва вожиби. Ҳазрат Расул алайҳиссалом васият қилдиларким, ҳар вақтки ош пишурар бўлсанг, кўпроқ қилғилким, токи ҳамсояларга ҳам бергайсан.

### **Косиб, тижоратнинг савоб ва фазилати**

Косиб ва тижоратчи халқнинг ҳожатини чиқармоқлари, ҳалол ишда савоб топмоқлари керак. Расули салли

алайҳи вассаллам саҳобаларидан бирига айтди: эрта намоздан (бомдод) сўнг бориб дўконларни боқғил, билгилким, тижоратчилар қандоғ амал қилғай. Саҳоба бориб кўрдиким, тижоратчилар эрта азон дўконларини очиб, харидорларга паст қийматда (арзон нархда) моллар инъом этиб (сотиб), савдо қилмоқда. Буни қелиб Расул алайҳиссаломга айтганда, ул зот қаноат ҳосил қилган бўлғай.

Тижоратчи ўз ота-онаси, бола-чақаси ризқи ва халқ учун савоб иш қилганки, ҳалол ва бемалол бўлса. Бундай иш ибодат қилган билан баробардур. Унинг юзи қиёматда ўн тўрт (кунлик) ойдек бўлғай.

Ҳазрат Расул алайҳиссалом яна айтибдурларки, луқманнинг ҳалолроқи ҳунармандлар касбидан ҳосил бўлгон нимарсалардур. Бу тижорат бойиса, халойиқ манфаатиға етғай. Косиб, ҳунармандлар йўқ нимарсани бор этиб, савоби куллига ботғай. Ҳожатнинг ўн ҳиссасидан тўққиз ҳиссаси тижоратдан ҳосил бўлғай.

Ҳаким Луқмон фарзандиға насиҳат қилибдурким, касб ва ҳунардин қўл йиғмағил, кишиким, дарвеш-ҳожатманд бўлса, халойиқ андин дин ва мазҳабда шак қилурлар, ақли (унинг) заиф бўлур ва мурувват ботил бўлур ва халқ анга ҳақорат назари бирла боқур.

### **Бозордаги муомалат ва одоблар баёнида**

Агар кимса савдо илмини билмаса, анга муҳлат ва кўмак бермаклик лозим. Савдо ҳалол ва безавол бўлғай. Ортиқ баҳода сотмоқ, ўз-ўзига зулм қилмоқ билан баробардур. Қиёматда азоб чеккай. Қарз олган кишига боз муҳлат берилғай. Бозор-тижорат ақли аввало худони, ҳақни, охира-ни ўйлаб иш тутсинлар. Сўнгра дунё иши бирла машғул бўлсунлар. Иблис савдочини ёлгон онт ичишга тарғиб қилади. Фаришталар бу гуноҳ ишларнинг борлиғини ёзиб, тангриға етказадур. Улар (онт ичувчилар) гуноҳга ботар, ялгон билан харид аҳлининг бисотини ўғирлаган, талаган бўлади. (Сўнгра) сўзлар сўзи ҳисоб ҳам, олиш-беришда ҳам ростлиқ пеша бўлғай. Савдода лабз ва инсофдан қайтиш икки дунёда ҳам заҳмат етказғай. Савдо ишидаги кимсалар ҳақ-таолони доимо эсда тутғай. Шайтон йўлиға кирмағай. Бундайлар ўликлар ичида тирик каби бўлғай.

### **Эҳсон ва шафқат борасида**

Тижорат савдоси инсофли ва ҳалол бўлғай. Ҳазратга айтдилар, ҳаддан зиёд нархда сотган қандоғ аталур, дедиким, худонинг қаҳриға йўлиқур. Арзон(га) берилган нарх худо йўлиға берилган эҳсон билан баробардур. Савдога пули етмаган кишига арзон бериб, шафқат кўрсатиш вожиб ва савоб.

Садақа қилмоқ ҳар бир мусулмоннинг зиммасидаги қарзи.

Садақа берувчи ўзи, руҳи энгил, гуноҳларидан соқит бўлиш бирлан икки дунёда юзи ёруғ бўлур ва садақа олувчининг умиди, орзуси, эътиқоди худо олдида ошади ва ҳоҷати ушалади, бандаларга меҳри, ҳаётга ишончи ортади.

Қарзни қайтариш ҳам савоб. Ҳазрат Расул алайҳиссалом айтибдурларким, беҳиштни эшигида битуклик (ёзув) кўрдимки, агар бир дирҳам қарзни берган кимса, ўн саккиз дирҳам садақа берган (баробарида) савобга эришгай. Қарз берган (киши) ҳам шу каби савоб олгай. Етимларга, ожизларга садақа бериш худо йўлига қилинган садақаларнинг энг улуғидур. Кимда ким инсоф, адолатдан кечиб, иш тутса, олтин обтобани кумуш обтобага бадал қилган бирлан баробардур. Балки бадбахтлик йўлига кирган бўлгай. Балки бу дунёси мисолд сафол кўзага ўшайдурким, бадном ва бепаёнда қолиб, охиратда захмат чеккай.

### Яхшилиқ қилмоқ баробарида яхшилиқ қилмоқ баёни

Гина ҳасаднинг фарзандидурким, ундай одамда саккиз офат пайдо бўлур.

Аввалги офат ҳасад, иккинчиси — инко билан юзланса, (ёмонлиқни кўрса) шод бўлиш, учинчи — алам қилмоқ ва жавоб бермоқдин ўзини тўхтатиш, тўртинчи — ҳақорат назари бирла қараш, бешинчи — ғийбат, олтинчи — масҳара қилмоқ, еттинчи — ҳақ гузорлиқдин (ҳақиқатдан) таҳқирланиш (ҳақиқатни инкор этиш), саккизинчи — фурсат топса, сўқар (ҳужум қилар, урар). Бу хислатларнинг ҳаммаси киши жисмида, руҳида ёмонлиқни келтуруб чиқарар...

Кишига озор етса, уч ҳолда бўлур: 1) ёмонлиги баробарида яхшилиқ қилгай, агар яхшилиқ қилолмаса, авф қилгайким, авфнинг фазилати бисёрдур.

Ҳазрат алайҳиссалом айтибдурларки, уч ишнинг ҳақлиғига сукун (сукунат) ёд қилурмен: 1. Садақа берганга Худойим авф айтур. Шарофатни қиёмат куни зиёда қилур. 2. Муҳтожлик ва дарвешликда бир кишини (ҳолига) ўзига қарашгил. 3. Агар киши сендин йироқ бўлса, сен унга ёвуқлик қилгил. Одамлар иттифоқ ва иноқ яшасинлар. Муҳтожликда умргузорлик бўлмасин. Кишини бир нимарсадан маҳрум қилиб қўйса, сен қидириб топганда анга ато (етказиб бер) қилгил. Агар сенга зулм қилса, авф этгил.

Ҳазрат Расул алайҳиссалом Маккани фатҳ қилиб, қурайшга дўст топдиларким, қурайшлар Расул алайҳиссаломга бисёр жафо қилгон эрди, ҳамалари жонларидан умид узган эдилар. Ҳазрат алайҳиссалом қўлларини Қаббанинг эшикига қўйиб айтдиларким, Худойи таоло яғонадур, анинг шериги йўқдур, қилган ваъдаси ростдур, бандасига нусрат берди, душманларга шикаст ва азимат берди. Қурайши айдиларким, ё Муҳаммад бу кун дўстдурмиз, бизлар ҳақимизда на деюрсиз.



Расул алайҳиссалом айдиларким, Юсуф алайҳиссалом биродарларига дўст топган ва деган сўзини дерманким, ҳаммани авф қилиб эрди. Мен ҳам ҳаммаларингизни авф қилдим. Мундан кейин ҳеч кимнинг сизлар бирла иши бўлмас.

Расул алайҳиссалом айтибдурларким, қиёмат куни нидо қилурларки, ҳар кишиким авф қилинибдур, савобини ҳақтаолодин олсин. Бас, авф қилинганлар ҳазар халойиқ қўбуб, чиндан беҳиштга кирарлар. Ғазаб қилган вақтда сабр қилгин ва қудрат топган вақтда авф қилгил. Ҳазрат Расул алайҳиссалом айтибдурларким, ё Ойша, ҳар кишиким рафиқ, яъни юмшоғлиқ ва мулойимликдин баҳраманд бўлибдур, бу дунё ва охираат давлатидин баҳраманд бўлибдур. Ҳар кишиким, рафиқдин маҳрум бўлуб, дунё ва охираат шарофатидин маҳрумким, ҳақ-таоло рафиқни дўст тутар, рафиқнинг айтар жавоби афудан зиёдадур.

### Сабрнинг баёнида

Ахлоқнинг муҳимларидан бири сабрдур. Сабр қилган муродга етгай. Ҳазрат Расул алайҳиссалом онсордин қавмни кўруб сўрадиларки, сизлар мусулмонму, қавм айдиларким, орий мусулмонмиз. Айдиларки, ёмоннинг нишонаси қайсидур? Ул қавм айдиким, Худо таолони берган неъматига шукр қилурмиз ва келган меҳнатга сабр қилурмиз ва қазага рози бўлурмиз.

Исо алайҳиссалом айдиларки, зотим мўъмин, яъни парвардигорга сизлар ҳам мўъминдурсизлар. Ҳазрат Али Каримуллоҳ айтибдурлар, Иймон бошга ўхшашдурким, кишиким боши йўқдур, тили ҳам йўқдур. Бас, кишиким сабри йўқдур, иймони ҳам йўқдур.

Руҳ одам ичида нур пайдо қилур, ул нур хосиятдур. Фаришталар бу нурдин шуъла олурлар. Сабри бор одам хосиятлик одамдурки, ниятидин, умридин барака топгай.

### Тавбанинг савоби ва фазилати баёнида

Тавба, пушаймон, шукр, сабр-қаноат қилмоқларнинг ҳаммаси (тавба ва надомат бирла тоат ва итоат йўлида ёнмоқ) Одам алайҳиссалом авлодининг ишидур. Кишиким гуноҳидин тавба қилибдур, ул гуноҳининг тадоракини қилгани. Аммо одам ҳамма умрини тоат, ибодатда ўтқармоғи мумкин эрмас. Нафс ва беақл даврониде одамни аввал нафс ва шаҳват озғи йўлга мубтало қилгай. Киши зинҳор шу озишдин ўзини тийгай. Бу йўлдан фақат ўзини тортиш ва тавба қилиш билан қутулиш мумкин.

Шайтон йўлидан борган кимса вос-вос тузоғига илиниб, бадан қалъасини ҳирс-шаҳват ҳукми эғаллагай. Ночор одамлар қадамнинг аввалида тавбанинг воситаси бирла ақл

йўлидан боргай, шунда бандалик гуноҳидин омон қолгай. Одамга тавбадан ўзга ҳеч нима фарз эмасдур. Тавбанинг маъноси ғалат йўлдан ёниб (кетиб), рост йўлга келгани. Ҳақ таоло ҳама халқни тавбага фармон қилибдур. Киши нажот топмоқдин умид қилибдур, албатта тавба қилгай... Ҳазрат Расул алайҳиссалом айтибдурлар, ҳар куни етмиш мартаба тавба-истиғфор қилурмен.

### **Шукрнинг фазилати ва анинг сифати баёнида**

Шукрнинг фазилати ва анинг ҳақиқати баёнида билгилки, шукр мақоми ғараз ва мартабадан баланддур. Ҳар киши анинг ҳақиқатиға етмас, ушбу важдан Худойи таоло айтибдурларки, бандаларимдин шукр қилгувчилари камдур. Билгилки ул сифатларни Мажидда баён қилдим. (Қуръонда баён қилдим.) Ул ики (икки) қисмдур. Аввалги қисми нафсни мақсуди раво эрмас. Шукр улуглиқдур.

Ҳазрат Расул алайҳиссалом айтибдурлар, таом еб, шукр қилгучининг даражаси рўза тутиб, сабр қилгучининг даражасига ўхшашдур. Яна айтибдурларки, қиёмат куни (улар) ўринларидин турғайлар.

### **Эр ва хотун, маҳрам, номаҳрам орасидаки хавоийиш (хоҳиш) нафс баёнида**

Шаҳват офати ҳамадан ёмондур. Иблис Ҳазрат Мусо алайҳиссаломга айдиким, хотунлар бирла хилватда ўлтирмагилки, ҳар киши хотунлар бирла хилватда ўлтурса албатта анга фитна пайдо қилурмен...

Ҳазрат Расул алайҳиссалом айдиларким, шаҳват бирла қарошиғлиғ иблисни заҳар бирла суғорғон кабидур. Кишиким, худой таолодан кўрқуб назарини ҳаромдин сақласа, иймоннинг ҳаловати дилда барқарор бўлур. Яна айдиларким, кўз зино қилур, кўзнинг зиноси номаҳрамга қарагондур. Бу офатни рўза тутмоқ ва риёзот бирла даф қилгай. Агар мунчалик (сабр) кифоя қилмаса, хотун олгай.

Нашрга тайёрлаган:  
Абул БОЗОРОВ



*Ортда қолди кўхна тарих,  
Ортда қолди дард, ситам,*

*Кетди ваҳминг, битди заҳминг,  
Топди дармон, ўзбегим.*

*Бўлди осмонинг чароғон  
Толе хуршиди билан,  
Бўлди асрий тийра шоминг  
Шуъла афшон, ўзбегим.*

*Менга Пушкин бир жаҳону  
Менга Байрон бир жаҳон,  
Лек Навоийдек бобом бор,  
Кўкси осмон, ўзбегим.*

*Қайга бормай бошда дўппим,  
Шухратим, қадрим буюк.  
Олам узра номи кетган  
Ўзбекистон, ўзбегим*



# ЯНА ЮЗ КЎРИШГУНЧА

Мана, «Ватан»нинг нишона китоби билан ҳам танишиб чиқдингиз. Биламиз, чанқоғингиз қонмай қолгани аниқ. Лекин у юрагингизга жиндак чўғ солиб, ватан туйғусини-да уйғотган, шу буюк миллатга мансублигингизни эслатиб, фахр-ифтихор ҳисларини туғдирган бўлса бас. Ниятимиз ушалибди, бу ёғини давом эттираверсак бўлади. Сизга атаганларимиз, илинган асарларимиз, топилдиқларимиз эса, жуда кўп. Бу хамир учидан патир эди, холос.

Негаки, бу қўшиқ туганмасдир, тарихи қадар узундир, шонлидир, билган сари кўнгилни ғурурларга тўлдирадир. Очиғи, уни Сиздан яшириб келардилар. Ўз тарихингизни эмас, бировларнинг тарихини ўқитар эдилар. Агар ўз тарихингизнинг рост саҳифаларини очсалар борми, Сиз мағрур, ота-боболарингизни, миллий қаҳрамонларимизни, қолаверса, кимлигингизни таниб қолишингиз мумкин эди. Ўзлигини таниган элни эса, кишанда тутиб туриб бўладими?! Шунинг учун кўзларимизга етмиш тўрт минг пардалар тортиб ташлаган эдилар. Имломизни ўзгартириб, тарихимиздан бенасиб этган, қудроғимизга бошқа куйни қуяр эдилар. Ўзимизни урф-одатларимиз, имон-эътиқодимиздан тондириб, даҳрийлик кўчасига бошлаб борар эдилар. Биз миллат сифатида ютилиб кетишга маҳкум этилган халқ эдик. Тангрига минг қатла шукрларким, ёмон ниятдиларнинг юзини ўзи тескари қилди, оқу қизил империяларини-да чок-чокидан сўкиб юборди. Уч кунда неча йиллик сиёсат, сохта эрку сохта саодатларнинг миси чиқди.

Биз кечаги тарихни титкилаш ў кимларнингдир юзига қора чаплаш, айбдорларни излашдан йироқмиз. Ўтган ўтди, бўёғи йитди. Аммо аср бошида бу миллатни маърифатли этмакчи бўлган жадидлару соф маънодаги миллатпарвар зиёлилар ҳақидаги рост сўзни айтмак қарз ҳам фарздир. Тан олмоқ керак, йигирманчи йиллар зиёлиларининг юрагидаги Ватан туйғуси, миллатга муҳаббат Сиз ва биздагидан неча ўн чандон баландроқ эди. Улар бу замин — бир вақтлар дунёнинг уйғониши бошланган буюк замин эканини билган, уни яна ўша юлдузли қояга олиб чиқмоққа бел боғлаган маърифатчилар

эдилар. Агар биз уларнинг қўлидан тушган ўша байроқни олмас эканмиз, мустақиллик ҳақидаги барча орзуларимиз — сароб, гап-сўзларимиз — қуруқ сафсата бўлиб қолаверамак. Шу боисдан ҳам келгусида яна-да журъатли қадамлар ташламоқ ниятидамиз.

Туркистон тарихининг чин саҳифаларини ҳали биз варақлаганимизча йўқ. Бу ўлкани қандай макру ҳийла, ёлғон ваъдаю сохта шиорлар билан забт этганларини билмаймиз. Кўп ҳужжатлар етти қават сандиқларга ташлаб юборилган, айтиш, очиш ман этилган эди. Ота-боболаримиз битиб кетган Мовароуннаҳр тарихи китобларига тишимиз ўтмас, улар алқайси архивларда зах босиб ётар, дунё тарихчиларининг китобларига эса қўлимиз етмас эди. «Ватан» уларнинг энг сараларини сизга тақдим этамак. Токи ўзингиз қиёслаб ҳақиқатни билиб олаверинг.

Бундан ташқари, биз босмачилик, қулоқлаштириш деб аталмиш даврларга, миллат гуллари — маърифатчилар тегиб олинган даврга, буюк оталаримиз — жадидлар тақдирига қайтиш, улар ҳақида рост сўзни айтиш ниятидамиз. Улуғ Ватан урушида бедарак кетганлар, асирликдан қайта олманганлар, қуролсиз жангга кириб, қурбон бўлиб кетган ўзбек дивизияси йигитлари тарихи ва тақдири ҳали очилмаган кўриқ бўлиб ётибди. Афғон байналмилалчиларининг юракни сирқиратувчи хотираларини биз босмай — ким боссин. Бир сўз билан айтганда, тарихимизнинг рост саҳифаларини ёзиш сиз ва бизнинг зиммамизга тушамак. «Ватан» шу хизматни ўтабгина қолмай миллий қадриятларимиз ва миллий турмуш тарзимизнинг энг гўзал жиҳатлари ҳақида жуда кўп суҳбатлар олиб боришга бурчли.

Биз миллий тафаккурни ривожлантиришга хизмат этамак бу асарлар билан чегараланмаймиз. Фидойи ёзувчилар, тарихчилар ва журналистларимизнинг фаол ёрдамида маънавий олашимизни бойитамак, бизни комил инсонлик йўлига етаклашга қодир барча қадриятлар билан сизни таништиришга ўзимизни бурчли деб биламиз. Токи жаҳонга Темуру Навоий, Улуғбек ва Беруний, Ибн Синодек зотларни бера олган халқ яна миллий ва маънавий уйғонишга, дунёга ўзини танитишга қодирлигини кўрсатсин. Умуминсоний қадриятлар хазинасига биз қўшамак ҳисса яна улуғ бўлишига ҳеч шубҳа йўқ. Унутманг, биз тахтли-туғли, тарихи узун халқимиз. Бу Ватан, бу эл билан ифтихор этмак керак.

Яна юз кўришгунча соғ бўлғайсиз.

ТАҲРИРИЯТ

# МУНДАРИЖА

## БАТАННИ СЕВМОҚЛИК ИЙМОНДАНДИР

Муборак Ватан . . . . .	4
Амир Темур Тарағай васияти . . . . .	5
Темурнинг сўнги туши . . . . .	6
Тургун Файзиев. Сарой Мулк хоним . . . . .	9

## ЮРТИМ ДЕСАМ

Эркин Воҳидов. Бу Ватанда бир Ватан қурмоқни истайдир кўнгил . . . . .	17
Мурод Хўжа. Биз Ватанни қанчалик севамир? Абдулла Орипов. Елкамизга офтобнинг теккандиги рост бўлсин . . . . .	19
	26

## ҲУР ФИКР

Зиё Кўкалп. Туркчилик асослари . . . . .	30
--	----

## ЯНГИ ВИТИКЛАР

Эшмуҳаммад Доноҳонов. Қуюн. Қисса . . . . .	41
Ҳужжатгоҳлардан топилдиқлар: Тошкент шаҳар халқ комиссарлари кенгашига телеграмма . . . . .	70
Анвар пошонинг сўнги мактуби. . . . .	71
Муҳаммад Иброҳимбек жиҳоди қақида янги маъ- лумотлар . . . . .	73
Қайғисиз Отабоевнинг ТуркМИК 4-пленими 5-маж- лисида сўзлаган нутқи стенограммаси . . . . .	76

## ЮРТИМ ДЕСАМ

Усмон Азим. Баҳорги боғ . . . . .	90
-----------------------------------	----

## АРМОНИМ МАНИМ

Жалғас Йўлдошев. Ҳайрат ул-авом . . . . .	96
Ёқуббек Яқвалхўжаев. Ватандан айри тушмасин йўлинг . . . . .	104

## НАСАБНОМА

Заки Валидий. Ўзбек уруғлари . . . . .	110
Ҳерман Вамбери. Туркий халқ . . . . .	114
Бўрибой Аҳмедов. Ўзбек улуси . . . . .	128

## ЮРТИМ ДЕСАМ

Шавкат Раҳмон. Туркийлар . . . . .	134
------------------------------------	-----

## МИЛЛАТ МУНАВВАРЛАРИ\*

Бегали Қосимов. Исмоилбей Ғаспирали . . . . .	142
Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон. Мунаввар қори ва бошқалар . . . . .	166

## ЧЕТ НИГОҲ

Ислом Усмонов. Дийдор . . . . .	180
Ҳусан Аҳмад ўғли. Сиз мустақилмисиз? . . . . .	185

## ЮРТИМ ДЕСАМ

Мақсуда Эргашева. Бу не элким . . . . .	192
Хуршид Дўстмуҳаммад. Чин ватан сарҳадлари . . . . .	194
Анвар Эшоннов. Унутилган кўшиқлар . . . . .	204

## ТАРИХНИНГ РОСТ САҲИФАЛАРИ

Алихон Соғуний. Ватан аҳдларига деганларим. Ол- тин китоб ҳимояга муҳтож эмас, аммо... . . . .	209
---	-----

## ЮРТИМ ДЕСАМ

Иқбол. Очун — фоний, бу жон — оний, турук — боқий . . . . .	236
--	-----

## МОЗИДАН НУР

Ал-Ғаззолий. Кимёи саодат турки . . . . .	243
---	-----

## БИЗ ТАХТЛИ-ТУҒЛИ, ТАРИХИ УЗУН ЭЛМИЗ

Яна юз кўришгунча! . . . . .	252
------------------------------	-----

## ЎЗБЕГИМ

«ВАТАН» СЕРИЯСИ

© Библиотека журнала «Звезда Востока»

Мусаввир; Рустам ЗУФАРОВ.  
Безовчи мусаввир: Эркен КАГАРОВ.  
Техник муҳаррир: Ольга БИТЕНСКАЯ.  
Мусаҳҳиҳлар: Маҳмуд САЪДИЙ,  
Асқар ҲАЙДАР

Босмахонага 15.07.92 да туширилди. Босишга 21.09.92 ружсат берилди. Формат 84×108<sup>1/32</sup>. Газета қоғози. Офсет босма. Шартли босма тобоғи — 13,44. Нашриёт ҳисоб босма тобоғи — 18,48. 80.000 нусхада чоп этилди. Буюртма № 869. Нархи келишгилган шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.